

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

БЕКТЕМИРОВ А., ОМОНОВ А.А., ХАЙДАРОВ З.Ш., НИЁЗОВ З.Д.

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ ВА ПАССИВЛАРИНИ
БОШҚАРИШ**

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

САМАРҚАНД-2021

УЎК:
КБК:
I-

Бектемиров А., Омонов А.А., Хайдаров З.Ш., Ниёзов З.Д. “Тижорат банклари актив ва пассивларини бошқариш” фанидан ўқув қўлланма. – Самарқанд: Сам ИСИ, 2021. 240 бет.

Ўқув қўлланмада тижорат банкларда актив ва пассивларни бошқаришни назарий, методологик ва ҳуқуқий-меъёрий асослари ёритилган. Ўқув қўлланмада тижорат банкининг актив ва пассивларини самарали бошқаришни ташкил этиш ва баҳолашнинг илғор шакллари ва усуллари келтирилган. Замонавий бошқарув усулларида фойдаланган ҳолда стратегик йўналишларни белгилаш ва табиқ қилиш усуллари батафсил ёритиб берилган. Ҳар бир бобдан сўнг қисқача хулосалар, таянч сўзлар ва иборалар, ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар келтирилган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртлари 5A230701-Банк иши (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги магистрантлари учун мулжалланган. Қўлланмадан шу соҳа профессор-ўқитувчилари ва барча банк соҳаси раҳбарлари, мутахассислари фойдаланишлари мумкин

В учебном пособии описаны теоретические, методологические и правовые основы управления активами и пассивами в коммерческих банках. В то же время представлены современные формы и методы эффективной организации и оценки активов и пассивов коммерческого банка. Подробно описаны методы определения и продвижения стратегического направления с использованием современных методов управления. За каждой главой следуют краткие выводы, ключевые слова и фразы, а также вопросы для самоконтроля.

Учебное пособие предназначен для магистров по специальности 5A230701 - Банковское дело (по видам деятельности). Пособие может быть использовано преподавателями в этой области, а также всеми руководителями и специалистами банка.

The manual describes the theoretical, methodological and legal foundations of asset and liability management in commercial banks. At the same time, modern forms and methods of effective organization and valuation of assets and liabilities of a commercial bank are presented. The methods for determining and promoting a strategic direction using modern management methods are described in detail. Each chapter is followed by brief conclusions, keywords and phrases, as well as questions for self-monitoring.

The manual is intended for masters in the specialty 5A230701 - Banking (by type of activity). The manual can be used by teachers in this field, as well as all the leaders and specialists of the bank.

Такризчилар:

Тошназаров С.Н. – и.ф.д., доцент;
Шерматов А.М. – “Ипак Йўли” акционерлик инновацион тижорат банки “Умар” Минтақавий филиали бош бухгалтери.

Мундарижа

КИРИШ	7
1-БОБ: “ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ ВА ПАССИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ”	9
§1.1.”Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқариш” фанининг предмети, таркиби ва йўналиши.....	9
§1.2. Фаннинг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан алоқадорлиги....	13
2-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ ВА ПАССИВЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ ЗАРУРЛИГИ ...	17
§2.1. Тижорат банклари активларининг таркибий тузилиши.....	17
§2.2. Тижорат банклари пассивларининг таркибий тузилиши.....	22
§2.3. Тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг зарурлиги.....	26
§2.4. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг замонавий босқичида тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифалар ва чора-тадбирлар	27
3-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ ВА ПАССИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ	32
§3.1.Тижорат банклари актив ва пассивларини бошқариш принциплари.	32
§3.2. Тижорат банклари актив ва пассивларини бошқариш усуллари	34
4-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ ВА ПАССИВЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	41
§4.1. Тижорат банклари активларини бошқаришнинг асосий йўналишлари.	41
§4.2. Тижорат банклари пассивларини бошқаришнинг асосий йўналишлари.	43
5-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА УНИ БОШҚАРИШ	48
§5.1. Тижорат банкининг ликвидлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар	48
§5.2. Тижорат банкларининг ликвидлилигига таъсир этувчи омиллар.....	52
§5.3. Тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш йўллари	56
§5.4. Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқариш усуллари	58
6-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РИСКЛИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ	65
§6.1. Тижорат банклари активларини риск даражаларига кўра туркумланиши	65
§ 6.2. Тижорат банклари рискли активларини бошқариш усуллари	68

7-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ СИЁСАТИ.....	74
§ 7.1. Банкнинг кредит сиёсати ва унга қўйиладиган талаблар.	74
§ 7.2. Тижорат банкларни кредит сиёсатини мезонлари.....	78
§ 7.3. Тижорат банклари кредит сиёсатида кредитларни даромадлилигини ошириш, уларни риск даражасини бошқаришга қўйиладиган талаблар.	81
§ 7.4. Кредит сиёсатида кредитларни гаров таъминотига қўйиладиган талаблар.....	84
8-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКИНИ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ БОШҚАРИШ	89
§ 8.1. Тижорат банкини кредит портфели тушунчаси ва уни ташкил этилиши.	89
§ 8.2. Кредит портфелини сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар.	93
§ 8.3. Кредит портфелини диверсификация қилиш зарурлиги.....	95
§ 8.4. Муаммоли ссудалар ва уларни бошқариш.	97
§ 8.5. Кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасини ташкил қилиш тартиби	101
§ 8.6. Тижорат банкларни кредит портфелини бошқариш усуллари.....	106
9-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ БОШҚАРИШ.....	108
§ 9.1. Тижорат банклари инвестицион операцияларини мазмуни ва зарурлиги.	108
§ 9.2. Банкларни инвестицион операцияларини бошқариш принциплари. ..	112
§ 9.3. Тижорат банклари инвестиция портфелини сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар.....	115
§ 9.4. Тижорат банкларида инвестицион операцияларини бошқариш усуллари	118
10-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ ВА ПАССИВЛАРИНИ ТЕЗКОР ВА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ	123
§10.1. Тижорат банклари актив ва пасивларини тезкор ва стратегик режалаштиришни моҳияти.....	123
§10.2. Тижорат банклари активлари ва пасивларини тезкор ва стратегик режалаштириш.....	125
§10.3. Тижорат банкларини молиявий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни режалаштириш.	131
§10.4. Ўзбекистон тижорат банкларида тезкор ва стратегик режалаштиришни такомиллаштириш.....	135
11-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИНИ БОШҚАРИШ.....	139
§ 11.1. Банк капиталини ташкил қилувчи асосий элементларни тавсифи. ...	139

§ 11.2. Банк капитали етарлилиги ва унга нисбатан ўрнатилган меъёрлар. .	147
§ 11.3. Банк капиталини оширишнинг асосий манбалари. Тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш бўйича халқаро талаб ва стандартлар (Базель III) ҳамда улардан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари.....	149
§ 11.4. Тижорат банклари капиталини бошқаришнинг асосий йўналишлари ва усуллари.	160
§11.5. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг замонавий босқичида тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш бўйича белгиланган вазифалар ва чора-тадбирлар.	165
12-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЭМИССИОН ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ БОШҚАРИШ	169
§12.1. Тижорат банкларини эмиссион фаолияти.	169
§12.2. Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни муомалага чиқариш тартиби.	172
§12.3. Тижорат банкларининг эмиссион операцияларини бошқариш усуллари	182
13-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТЛАРИНИ БОШҚАРИШ	186
§13.1. Тижорат банклари депозитларининг зарурлиги ва банклар фаолиятида тутган ўрни.....	186
§13.2. Тижорат банклари депозит базасининг етарлилиги ва уни тавсифловчи кўрсаткичлар.....	190
§13.3. Тижорат банклари депозитлари баҳосини шакллантириш усуллари.	193
§13.4. Банклар депозитларини бошқариш усуллари.	196
14-БОБ: БАНКЛАРАРО КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ БОЗОРИ	200
§14.1. Банклараро кредит ресурслари бозорининг мазмуни ва таркиби.....	200
§14.2. Банклараро кредитлар бўйича фоиз ставкалари	205
§14.3. Банклараро кредит ресурслари бозорига Марказий банк пул-кредит сиёсатининг таъсири	213
15-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ	220
§15.1. Банк фаолиятида актив ва пасивларини шакллантириш билан боғлиқ рисклар ва уларнинг турлари.	220
§15.2. Кредит рисклари ва уларни келиб чиқиш сабаблари	230
§15.3. Банк рискларини бошқариш усуллари.....	233
16-БОБ: МОЛИЯ ВА ЭЛЕКТРОН ПУЛ БОЗОРЛАРИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ	240
§16.1. Молия бозори ва унинг сегментлари.	240

§16.2. Электрон пул бозори тушунчаси ва унда тўловларни амалга ошириш тартиби.	245
§16.3. Электрон пуллар муомаласини бошқариш усуллари.....	249
17-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФОИЗ СИЁСАТИ ВА УНИ БОШҚАРИШ	259
§17.1. Тижорат банклари фойз сиёсатининг моҳияти ва унга таъсир қилувчи омиллар.....	259
§17.2. Тижорат банклари амалиётида фойдаланиладиган фойз ставкалари, уларнинг асосий турлари ва бошқариш усуллари.	262
§17.3. Хорижий давлатлар банк амалиётида фойз ставкаларини шакллантириш тажрибаси.	265
18-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРНИ БОШҚАРИШ	273
§18.1. Тижорат банкининг даромадлари, уларни тузилиши, таркиби ва бошқариш. Тижорат банклари фойзли ва фойзсиз даромадлари.....	273
§18.2. Тижорат банкининг харажатлари, уларнинг тузилиши ва таркиби. Тижорат банклари фойзли ва фойзсиз харажатлар.	282
19-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФОЙДАСИ ВА УНИ ТАҚСИМЛАШ	291
§19.1. Тижорат банклари фойдасининг моҳияти.	292
§19.2. Банкларда соф фойданинг даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар. .	293
§19.3. Тижорат банкларининг соф фойдаси миқдори ва унинг даражасига таъсир қилувчи омиллар.....	296
ГЛОССАРИЙ	300
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	313

КИРИШ

Республикамиз банк-молия тизимини ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодий кредитлаш кўламини кенгайтириш, кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кўпайтириш ва шу билан бирга, мамлакат иқтисодий ривожлантиришда банк тизимининг ролини оширишини кўзда тутилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида «...Бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисми, яъни, 83 фоизи давлатга тегишли эканидир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсик бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилмоқда.

Ҳукумат ва Марказий банк халқаро молия институтлари кўмагида банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқиши лозим.

Бунда банк тизимига хусусий ва хорижий капитал кириб келиши ҳисобидан биз давлат банклари улушини босқичма-босқич камайтириб борамиз. Бу эса соҳада рақобат муҳитини яхшилашга, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширишга хизмат қилади...»¹ деган долзарб масалаларни кўйди. Бу ўз навбатида тижорат банклари фаолиятидаги ҳолат, уларнинг актив ва пассивларини қай даражада самарали бошқарилаётганлиги ўрганиш, таҳлил қилиш ва бошқариш усулларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Соҳа мутахассиси тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқариш усулларини мукаммал билагандагина банк фаолиятини самарали бошқара олади. Бу борада «Тижорат банклари актив ва пассивларини

¹ Ш.Мирзияевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.2019 й.

бошқариш» фани соҳа мутахассислари учун дастурамал вазифасини бажаради.

“Тижорат банклари актив ва пасивларини бошқариш” фанининг асосий мақсади – тижорат банклари актив ва пасивларини шакллантириш, самарали бошқаришни ташкил этиш, тижорат банкларининг актив ва пасивлари монандлигини (адекватлигини) таъминлаш, ликвидлилик ва рентабелликни бошқариш усулларини тадбиқ қилиш, тижорат банклари актив ва пасивларини оператив ва стратегик режалаштириш, инновацион хизматларни тадбиқ қилиш масалаларини ўргатиш бўлиб хисобланади.

“Тижорат банклари актив ва пасивларини бошқариш” фанининг вазифаси – тижорат банклари актив ва пасивларини бошқаришда депозит сиёсати ва уни такомиллаштириш, тижорат банклари актив ва пасивларини стратегик бошқариш ва тижорат банклари ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш йўллари, тижорат банклари капиталини бошқариш, қарз мажбуриятларини муомалага чиқариш, банклараро кредит ресурслари бозори, ва пасивларини жалб қилиш механизми, тижорат банклари ўз маблағлари ва уларнинг таркиби, жалб қилинган маблағлар ва улардан самарали фойдаланиш, банк актив ва пасивларини бошқариш методлари, банк активлари ва пасивларини бошқаришнинг директив қуроллари, тижорат банклари ресурслари билан боғлиқ рискларни бошқариш ҳақида назарий-амалий билимларни ўргатишдан иборат.

1-БОБ: “ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ ВА ПАССИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ”

§ 1.1.Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқариш фанининг предмети, таркиби ва йўналиши

§ 1.2. Фаннинг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан алоқадорлиги

§ 1.1.Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқариш фанининг предмети, таркиби ва йўналиши

Бозор иқтисодиёти қонун қоидаларидан келиб чиқиб, барча соҳалар каби банк-молия тизимиға ҳам бозор муносабатлари нуқтаи назардан ёндашиш талаб қилинади. Зеро бугунги кунда банк-молия тизимида бундай ёндошувда баъзи бўшлиқлар борлиги, яъни бозор томоийллариға мос келмаслик ҳолатлари мавжудлиги кўриниб қолмоқда. Шу боис мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисға Мурожаатномасида алоҳида тўхталиб: “...Бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисми, яъни, 83 фоизи давлатға тегишли эканидир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатға тўсиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатиға салбий таъсир қилмоқда.

Ҳукумат ва Марказий банк халқаро молия институтлари кўмагида банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқиши лозим. Бунда банк тизимиға хусусий ва хорижий капитал кириб келиши ҳисобидан биз давлат банклари улушини босқичма-босқич камайтириб борамиз. Бу эса соҳада рақобат муҳитини яхшилашға, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширишға хизмат қилади...”² - деган эди.

² Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисға Мурожаатномаси. Т.2019 й.

Тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқариш (ТБАПБ) фанининг предмети – бу пул маблағларини жалб қилиш ва уларни жойлаштиришни тартибга солиш йўллари ва усуллари тўғрисида билимлар мажмуаси. Банкни фойда даражаси барқарорлигини таъминлаш ва кўзда тутилмаган рискларни минималлаштириш мақсадида баланснинг активлари ва пассивларини тегишли моддаларини доимо бир-бирига таққослаб бориши зарур. Ушбу таққослаш тижорат банклари активлари ва пассивларини тегишли усуллар, мезонлар ва меъёрларни қўллаб бошқариш орқали амалга оширилади.

ТБАПБ – бу банкнинг фойда даражасини пасайтирмасдан ликвидликни таъминлашга қаратилган усуллар ва тартиблар йиғиндиси бўлиб, банкнинг молиявий барқарорлиги ва мажбуриятларини бажаришга ва узлуксизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий жараёндир. Халқаро ва маҳаллий молия бозорларида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ТБАПБнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва усулларини доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб этмоқда.

Банк фаолиятини бошқаришнинг усулларини доимий такомиллаштирмаслиги оқибатида, нафақат ривожланаётган мамлакатлар, балки ривожланган мамлакатлар банклари ҳам иқтисодий инқирозга юз тутиши табиийдир. Буни XX асрнинг иккинчи ярмида Осиё, Лотин Америка, Ғарбий Европа, Россия молия тизими ҳамда, 2008 йил сентябрда АҚШ молия тизимида бўлиб ўтган молиявий-иқтисодий инқирозлар яққол мисол бўла олади.

Тижорат банкларнинг актив ва пассивларини бошқаришни замонавий воситаларини аниқланиши ва банк амалиётига татбиқ этилиши уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш имкониятини беради. Аммо кейинги йилларда бу соҳада ҳали ечилиши лозим бўлган масалалар талайгина. Бунинг асосий сабаблари, халқаро ва маҳаллий банклар амалиётида тижорат банкларни ресурсларини бошқариш масаласи етарлича

ўрганилмаганлигидадир. Бунга қатор объектив ва субъектив сабаблар мавжуд.

Биринчидан, 1950–1960 йилларда иқтисодиётда ва халқаро молия бозорларида арзон молиявий ресурсларнинг етарли даражада мавжудлиги банклар учун ресурсларни излаб топиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича муаммолар туғдирмаган.

Иккинчидан, мавжуд иқтисодий шароит тижорат банкларига мижозлар ва аҳолининг бўш пул маблағларини муддатли депозитларга паст фоизлар асосида жалб қилиш имкониятини берган. Банклар, ушбу йўл билан жалб қилган арзон маблағлар ҳисобидан етарли даражада даромадларни шакллантирганлар, бу ўз навбатида, уларда ресурсларни бошқариш эҳтиёжини келтириб чиқармаган, чунки муддатли депозитга жалб қилинган маблағлар тижорат банкларига барқарор кредит ресурслари базасини яратиш ва барқарор фойда олиш учун хизмат қилган.

Учинчидан, тижорат банклар ҳукумат ва Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган ишончли ва юқори фоизли қимматли қоғозларга эга бўлиши уларнинг қўшимча молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини зудлик билан қондириш имкониятини берган.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий самарага эришишда банкларнинг ресурсларини самарали бошқариш муҳим ўрин тутди. Тижорат банкларни молиявий барқарор ресурслар билан таъминлаш муаммоси банк ресурсларини бошқариш заруриятини келтириб чиқарган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

“Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқариш” фани бўйича яратилган ушбу ўқув қўлланмада тижорат банкларнинг актив ва пассивларини бошқаришни илмий-назарий ва методологик жиҳатлари ўз аксини топган. Фаннинг методологияси ўқув қўлланманинг келгуси бобларида ёндошувлар принциплар, йўналишлар тушунчалар орқали батафсил ўз аксини топган. Унда тижорат банкларнинг актив ва

пассивларини бошқаришни амалий жиҳатларини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш каби вазифалар қўйилган.

“Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқариш” фани икки йўналишдан иборат, молиявий ресурсларни жалб этиш ва уларни самарали жойлаштириш. Ушбу ресурсларни жойлаштиришда учта мезон инобатга олинади; 1- фойда, 2- ликвидлилик, 3- риск.

Шунингдек, ўқув қўлланма мазкур фаннинг тижорат банклари фаолиятини бошқаришни ташкил қилишнинг умумий асослари, тижорат банкларнинг молиявий ресурслари ва уларни ташкил қилишнинг умумий жиҳатлари, тижорат банкларнинг капиталини бошқариш, банк мажбуриятларини бошқариш, тижорат банкларни кредит портфелини бошқариш, тижорат банкларнинг ресурслари билан боғлиқ рисклар ва уларни бошқариш, тижорат банкларни молиявий ресурсларини стратегик бошқариш, тижорат банкларни ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш йўллари каби масалаларини ўзида қамраб олган.

§ 1.2. Тижорат банклари актив ва пасивларини бошқариш фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан алоқадорлиги

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш вазифалари қўйилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида тижорат банклари фаолиятига умум эътироф этилган замонавий меъёрлар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларини жорий қилиш, банк-молия тизимини халқаро рейтинг ташкилотлари баҳолаши асосида баҳолаш кўрсаткичларини янада такомиллаштириш, банк назоратининг халқаро принциплари асосида тижорат банклари капиталининг етарлилиги, ликвидлилиги ва барқарорлиги бўйича талабларни бажарилишини таъминлаш, Базел қўмитасининг талабларини ҳисобга олган ҳолда банк рискларини баҳолаш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш вазифалари қўйилган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар “Тижорат банклари актив ва пасивларини бошқариш” фанини ўқитишга нисбатан талабларни кучайтиришга хизмат қилади.

“Тижорат банклари актив ва пасивларини бошқариш” фанининг асосий мақсади – тижорат банклари актив ва пасивларини шакллантириш, самарали бошқаришни ташкил этиш, тижорат банкларининг актив ва пасивлари монандлигини таъминлаш, ликвидлилик ва рентабелликни бошқариш усулларини тадбиқ қилиш, тижорат банклари актив ва

пассивларини оператив ва стратегик режалаштириш, инновацион хизматларни тадбиқ қилиш ва ушбу йўналиш бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Фаннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг илмий-назарий ва методологик асосларини ўргатиш.
2. Тижорат банклари активларини бошқариш принциплари ва усулларни ўргатиш;
3. Банклар мажбуриятларини бошқариш принциплари ва усулларини ўргатиш;
4. Тижорат банклари капиталини бошқариш принциплари ва усулларини ўргатиш;
5. Банк рискларини баҳолаш ва бошқаришни ўргатиш;
6. Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришни ўргатиш;
7. Тижорат банкларининг даромад ва харажатларини бошқаришни ўргатиш;
8. Тижорат банклари фойдасини тақсимлашни ўргатиш.

“Тижорат банклари актив ва пассивларини бошқариш” фани магистратура мутахассислигида ўқитиладиган “Тўлов тизими ва банк хафсизлиги”, “Банк рисклари”, “Монетар сиёсат”, “Халқаро валюта операциялари ва хисо китоблар” ва умум методологик фанларнинг узвий давомидир.

“Тўлов тизими ва банк хафсизлиги” фанида тижорат банклари активлари ва пассивларининг шаклланишида тўловлар ва уларнинг хафсизлиги, улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш йўллари, банкларнинг кредит ва фоиз сиёсати, тижорат банкларининг ликвидлилиги ва уни таъминлашда банк хафсизлигининг йўллари ўрганилади

“Тижорат банклари актив ва пассивларини бошқариш” фани “Халқаро валюта операциялари ва хисо китоблар” фани билан узвий боғлиқдир. Бунинг сабаби шундаки, ҳозирги даврда банк иши юқори даражада ривожланган уч

марказнинг мавжудлиги яққол кўзга ташланиб қолди. Булар: АҚШ, Япония ва Ғарбий Европа. Мазкур марказларнинг тижорат банклари актив ва пасивларини бошқариш борасидаги тажрибасини ўрганиш Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

“Тижорат банклари актив ва пасивларини бошқариш” фани “Монетар сиёсат” фани билан узвий боғлиқдир. Чунки, “Монетар сиёсат” фанида Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини монетар сиёсат инструментлари орқали тартибга солишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилади. Жумладан, тижорат банкларининг ликвидлилигига мажбурий захира ва очиқ бозор сиёсатлари орқали таъсир этиш, банкларни қайта молиялаш сиёсати доирасида кредитлаш масалалари чуқур ўрганилади.

“Тижорат банклари актив ва пасивларини бошқариш” фани “Банк рисклари” фани билан чамбарчас боғлиқдир. Хусусан, тижорат банкларининг актив операциялари билан боғлиқ бўлган рискларни баҳолаш ва бошқариш усуллари “Банк рисклари” фанида батафсил ўрганилади. Ҳолбуки, тижорат банклари активларининг даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш “Тижорат банклари актив ва пасивларини бошқариш” фанининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Қисқача хулосалар

“Тижорат банклари актив ва пасивларини бошқариш” фани бакалаврият таълим йўналишида ўқитиладиган “Банк иши” фанининг узвий давомидир ва банкларнинг активлари ва пасивларини бошқариш принциплари, усуллари ва улардан фойдаланиш амалиёти чуқур ўрганилади.

Тижорат банклари активлари ва пасивларини бошқариш (ТБАПБ) – бу пул маблағларини жалб қилиш ва уларни жойлаштиришни тартибга солиш йўллари ва усуллари. Банкни фойда даражаси барқарорлигини таъминлаш ва кўзда тутилмаган рискларни минималлаштириш мақсадида баланснинг активлари ва пасивларини тегишли моддаларини доимо бир-бирига таққослаб бориши зарур. Ушбу таққослаш тижорат банклари активлари ва

пассивларини тегишли усуллар, мезонлар ва меъёрларни қўллаб бошқариш орқали амалга оширилади.

ТБАПБ – бу банкнинг фойда даражасини пасайтирмасдан ликвидликни таъминлашга қаратилган усуллар ва тартиблар йиғиндиси бўлиб, банкни молиявий барқарорлиги ва мажбуриятларини бажаришнинг узлуксизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий жараёндир. Халқаро ва маҳаллий молия бозорларида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ТБАПБнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва усулларини доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб этмоқда.

Таянч сўз ва иборалар

Актив, пассив, ликвидлилик, тартиблар, молиявий барқарорлик, ресурслар; даромад, харажат, допозит, банк ресурслари, халқаро талаблар, стандартлар, банк капитали.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. “Тижорат банклари актив ва пассивларини бошқариш” фанининг предмети ва йўналишлари.
2. Фаннинг мақсад ва вазифалари.
3. Фаннинг бошқа фанлар билан алоқаси.
4. Тижорат банклари актив ва пассивларини бошқаришнинг асосий мезонлари.
5. ТБАПБ – нинг замонавий воситаларини аниқланиши ва банк амалиётига татбиқ этилишидаги объектив ва субъектив сабаблар.

2-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ ВА ПАССИВЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ ЗАРУРЛИГИ

§ 2.1. Тижорат банклари активларининг таркибий тузилиши

§ 2.2. Тижорат банклари пасивларининг таркибий тузилиши

**§ 2.3. Тижорат банклари активлари ва пасивларини
бошқаришнинг зарурлиги**

**§ 2.4. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва
ривожлантиришнинг замонавий босқичида тижорат банклари
активлари ва пасивларини бошқаришни такомиллаштириш
бўйича белгиланган вазифалар ва чора-тадбирлар**

§ 2.1. Тижорат банклари активларининг таркибий тузилиши

Тижорат банкларининг активлари ликвидлилик даражасига кўра
қуйидагича таркибланади:

1. Кассали активлар
2. Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар
3. Кредитлар
4. Асосий воситалар

Кассали активларнинг таркиби:

1. Кассадаги нақд пуллар
2. Банкнинг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллий ҳисобрақамидаги
пул маблағлари
3. Банкнинг бошқа банклардаги “Ностро” вакиллик
ҳисобрақамларидаги пул маблағлари
4. Инкассация жараёнидаги пул маблағлари (флоут)

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда асосий
эътибор юқори ликвидли активлар билан юқори даромадли активлар
ўртасидаги нисбатнинг оқилона даражасини таъминлаш лозим. Тижорат
банклари активларининг оптимал таркибини шакллантиришда юқори

ликвидли активлар билан рискли активлар ўртасидаги нисбатнинг оқилона даражасини таъминлаш лозим, деган хулосани шакллантиради.

Қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг қуйидаги тўрт шаклини ажратиб кўрсатиш лозим:

- а) Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари;
- б) Бошқа банкларнинг депозит сертификатлари;
- в) Тижорат қимматли қоғозлари;
- г) Инвестицион жамғармалар.

Тижорат қимматли қоғозларига қилинган банк инвестицияларини юқори ликвидли активлар қаторига киритиш мантиқан тўғри эмас. Чунки тижорат қимматли қоғозлари аниқ моддий кафолатга эга эмас, айниқса, республикаимиз шароитида кўплаб корхоналарнинг қимматли қоғозлари бўйича тўловсизлик муаммоси мавжуд. Бундай ҳолатларни “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБда, ТИФ Миллий банкида ва бошқа тижорат банкларида кузатиш мумкин. Ана шу фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда тижорат қимматли қоғозларига қилинган банк инвестицияларини юқори ликвидли активлар таркибидан чиқариб ташлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Юқори ликвидли активлар таркибига кассали активлардан ташқари тижорат банкларининг балансидаги Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталарни ҳам киритилиши лозим.

Тижорат банкларининг ликвидли активларининг миқдорини депозитларнинг нобарқарор қисмига нисбатан эмас, балки жорий депозитлар ва жамғарма депозитларига нисбатан белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки айнан шу депозитларнинг нобарқарорлик даражаси юқори бўлиб, тижорат банкларида ликвидлилик рискин доимий тарзда юзага келтиради. Фикримизча, депозитларнинг барқарор қисмининг жами депозитларнинг 75 фоизи миқдорида шаклланиши ривожланган хорижий давлатларнинг амалиётига хос бўлган ҳолат ҳисобланди. Мазкур мамлакатларда молия бозорларининг ривожланганлиги, молиявий ҳолати барқарор бўлган

мижозларнинг кўплиги, Марказий банк монетар сиёсатининг мақсади ва вазифаларини аниқ ҳамда шаффофлиги, корхоналарнинг солиқ юкини мўътадил даражага келтирилганлиги ва бошқа омиллар хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимини барқарор даражасини таъминлашга замин яратади. Ривожланаётган давлатларда эса, молия бозорлари ривожланмаганлиги, Марказий банкнинг монетар сиёсатида ноаниқликларнинг мавжудлиги, солиқ сиёсатини такомиллашмаганлиги ва бошқа омиллар хўжалик субъектларининг молиявий ҳолатига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Бу ҳолатлар, пировард натижада, хўжалик субъектларининг пул оқимининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида тижорат банкларидаги талаб қилиб олинадиган депозитлар ва жамғарма депозитлари қолдиқларининг нобарқарорлиги кучаяди.

Базел стандартига кўра, тижорат банкларининг активлари риск даражасига кўра тўрт гуруҳга бўлинади:³

I даража. 0 % риск даражасига эга бўлган активларга, яъни рисксиз активларга қуйидагилар киради:

- 1) тижорат банкининг кассаларидаги нақд пуллар;
- 2) банкнинг Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисоб рақамидаги пул маблағлари;
- 3) Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталар;
- 4) тижорат банки томонидан ҳукуматнинг 90 кунгача муддатга чиқарилган қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар (Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар, уларнинг муддатида қатъий назар, рисксиз актив ҳисобланади);
- 5) ҳукумат ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тўғридан-тўғри талаблар ва бу эмитентлар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар;

³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2015 йил 14 июлда “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги” Низоми

6) Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИХТТ) кирувчи мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар, шунингдек, бу мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банкларига қўйиладиган бошқа талаблар;

7) активлар ёки уларнинг ИХТТга кирувчи мамлакатлар миллий валюталарига деноминация қилиниб, нақд пул билан таъминланган ҳамда банкда алоҳида чеклаб қўйилган депозит ҳисобрақамда сақланаётган қисми.

II даража. 20 % риск даражасига эга бўлган активлар таркибига қуйидагилар киради:

- тижорат банкининг бошқа банклардаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари;

- ҳукуматнинг 90 кундан ортиқ муддатга чиқарилган қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар;

- флоут (инкассация жараёнидаги пул маблағлари);

- ИХТТ мамлакатларида рўйхатдан ўтган банклар ва бошқа депозитар институтларнинг кредитлари, кафолатлари билан таъминланган кредитлар ва бошқа активлар ёки уларнинг қисми;

- банкнинг халқаро кредит ташкилотларига берган кредитлари ва бошқа талаблари, шунингдек, ушбу ташкилотларнинг қимматли қоғозлари билан таъминланган талаблар.

III даража. 50 % риск даражасига эга бўлган активларга қуйидагилар киради:

- ипотека кредитлари;

- ИХТТ давлатларида рўйхатга олинган депозитар институтларга нисбатан талаблар, шу жумладан, қарзлар ва пул бозори воситалари;

- ИХТТ давлатларида рўйхатга олинган депозитар институтларнинг кредитлари билан таъминланган бошқа барча активлар;

- банкнинг ИХТТ давлатлари маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан талаблари, шунингдек, улар томонидан кафолатланган банк активлари. Бу талаблар ва кафолатлар бўйича тўловлар алоҳида лойиҳалар бўйича

тушумлардан эмас, балки юқорида кўрсатилган ташкилотлар бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

- банкнинг халқаро кредит ташкилотларига нисбатан талаблари, шунингдек, бу ташкилотлар томонидан кафолатланган банк активлари;

- жорий бозор қийматида баҳоланган ва халқаро кредит ташкилотлари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар билан таъминланган активлар ва уларнинг қисмлари;

- банкнинг ИХТТга аъзо бўлмаган мамлакатларнинг миллий валюталарига деноминация қилинган ва миллий валютадаги мажбуриятлар билан қопланган, ИХТТга аъзо бўлмаган давлатлар Марказий Ҳукуматлари ва марказий банкларига нисбатан талаблари. Миллий валютага деноминация қилинмаган ва миллий валютада молиялаштириш суммасидан ошиб кетган активлар қисми риск даражаси юқори (100 фоиз) бўлган активлар қаторига киритилади.

IV даража. Тижорат банкларининг 100 % риск даражасига эга бўлган активларига қуйидагилар киради:

- корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар;
- миқозларга берилган кредитлар;
- асосий воситалар;
- бошқа активлар.

Қуйидаги балансдан ташқари активлар юқори рискли, яъни риск даражаси 100 фоизга тенг бўлган активлар ҳисобланади:

- банк томонидан миқозларнинг фойдасига очилган таъминланмаган аккредитивлар;
- банк томонидан берилган кафолатлар;
- форвард трансакциялари;
- банк томонидан берилган опционлар ва фьючерслар.

Базел-1 тизимида биноан риск даражасини ўлчаш стандарт коэффициентлари активларнинг кенг тоифаларига, чунончи: давлат (суверен), банк ва корпоратив активларга берилади. Масалан, корпоратив рискни қоплаш учун қарз олувчининг кредит сифатидан қатъи назар

капиталга 8% (яъни рискни ўлчаш коэффициентининг 100% деган ҳолда) миқдорида ажратмалар (захира) қилиш назарда тутилади.

Базел-II стандартига кўра 150 % риск даражасига эга бўлган активлар пайдо бўлди:

- суд жараёнидаги активлар;
- банкнинг балансига олинган, аммо 2 йил ичида сотилмаган активлар;
- ВВ - дан (тўлов қобилияти паст бўлган даража) паст рейтинг даражасига эга бўлган миждозларга берилган кредитлар.

Тижорат банклари активлари ва мажбуриятлари муддатига кўра қуйидагича туркумланади:

- 1) муддатсиз
- 2) 1 кундан 30 кунгача муддатдаги
- 3) 31 кундан 180 кунгача муддатдаги
- 4) 181 кундан 365 кунгача муддатдаги
- 5) 365 кундан ортиқ муддатдаги активлар ва мажбуриятлар

§ 2.2. Тижорат банклари пассивларининг таркибий тузилиши

Тижорат банкларининг пассивлари талаб қилиб олинмиш даражасига кўра қуйидаги таркибий қисмларга бўлинади:

- 1) талаб қилиб олинмиш депозитлар;
- 2) бошқа банкларнинг “Востро” вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағлари;
- 3) муддатли депозитлар;
- 4) жамғарма депозитлар;
- 5) банкнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган маблағлар;
- 6) бошқа банклардан олинган кредитлар;
- 7) регулятив капитал.

Трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш тижорат банкларининг ликвидлилигига жиддий зиён етказди. Республикамиз тижорат банкларида трансакцион депозитлардан тўғридан-тўғри, яъни

муддатли депозит шартномаси тузмасдан туриб, ресурс сифатида фойдаланиш ҳоллари мавжуд. Бунинг натижасида тижорат банкларининг фаолиятидаги ликвидлилик ва кредит риси кучаймоқда. Чунки трансакцион депозит нобарқарор пасив ҳисобланади ва шу сабабли исталган вақтда ҳисобрақам эгаси томонидан талаб қилиб олиниши мумкин. Кредит эса, муддатли бўлиб, уни муддатидан олдин қайтариб олиш мумкин эмас. Бундан ташқари, трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш тижорат банкларининг депозит базасига салбий таъсир қилади.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки:

1. Эмитент сифатида
2. Инвестор сифатида
3. Воситачи сифатида

Тижорат банклари эмитент сифатида қуйидаги қимматли қоғозларни муомалага чиқаради:⁴

1. Эмиссион қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар, опционлар)
2. Ноэмиссион қимматли қоғозлар (депозит сертификатлари, жамғарма сертификатлари)

Қимматли қоғозларни эмиссия қилиш 5 босқичдан иборат:

1. Қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш
2. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш
3. Чиқарилган қимматли қоғозларни давлат рўйхатидан ўтказиш
4. Қимматли қоғозларни жойлаштириш
5. Қимматли қоғозларни чиқариш якунлари тўғрисидаги ҳисоботни давлат рўйхатидан ўтказиш

Тижорат банкларига қимматли қоғозларни чиқаришга рухсат берадиган органлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2005 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоралари тўғрисида”ги фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази

Тижорат банклари устав капиталини шакллантириш учун оддий ва имтиёзли акцияларни муомалага чиқаради.

Банкнинг барча акциялари тартиб рақами ва чиқарилган вақтидан катъий назар бир хил номинал қийматга эга бўлиши шарт.

Муомалага чиқарилган акциялар тўлиқ сотиб бўлинмагунга қадар янги акцияларни муомалага чиқаришга рухсат этилмайди.

Қимматли қоғозлар проспекти банк Бошқаруви томонидан тайёрланади ва Бошқарув раиси ва Бош бухгалтер томонидан имзоланади.

Қимматли қоғозлар проспектида қуйидаги маълумотларнинг бўлиши шарт:

1. Эмитент тўғрисидаги маълумотлар
2. Эмитентнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар
3. Қимматли қоғозларни олдинги эмиссияси тўғрисидаги маълумотлар

Цессия – сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш.

Цедент – сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечаётган томон.

Цессионарий – сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқини олувчи томон.

Базел стандартига кўра, тижорат банкларининг регулятив капитали 3 қисмдан иборат:

$$PK = K^1 + K^2 + K^3$$

Бу ерда:

K¹-биринчи даражали капитал

K²-биринчи даражали қўшимча капитал

K³-иқикнчи даражали капитал

“Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги низомга асосан

Тижорат банкларининг (I) даражали капитали 2 қисмга ажратилди:

1. (I) даражали асосий капитал (K^1)

2. (I) даражали қўшимча капитал (K^2)

(I) даражали асосий капиталнинг таркиби: (K^1)

1. Банкнинг тўлиқ тўланган оддий акциялари

2. Қўшилган капитал (оддий акцияларни бозор баҳоси ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ)

3. Тақсимланмаган фойда (30905 ва 30908 – ҳисобрақамлар олинмайди)

4. Озчиликнинг улуши

5. Дефляция захираси.

Биринчи даражали қўшимча капитал таркиби:

1. Нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар

2. Қўшилган капитал (имтиёзли акцияларнинг бозор баҳоси ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ)

3. Биринчи даражали қўшимча капиталга қўшилиш шартларига жавоб берувчи шўъба корхоналарнинг иштирок этиш улуши (шўъба корхоналари томонидан чиқарилган ва учинчи шахслар ихтиёрида бўлган капиталга тенглаштирилган воситалар).

Биринчи даражали капиталдан чегирмалар: ($K^1 + K^2$)

* номоддий активлар;

* бирлашмаган хўжалик юритувчи субъектлар капиталига қилинган барча инвестициялар;

* бошқа банкларнинг капиталига қилинган инвестициялар.

Иккинчи даражали капитал таркиби: (K^3)

1. Жорий йилнинг соф фойдаси.

2. Стандарт кредитларга яратилган захираларнинг тижорат банклари активларининг рискка тортилган суммасининг 1,25 фоизидан ошмайдиган қисми

3. Аралаш турдаги мажбуриятларнинг I-даражали капиталнинг учдан бир қисмидан ошмайдиган қисми

4. Субординациялашган қарз мажбуриятлари. (облигациялар)

5. Қайта баҳолаш захирасининг 45 фоизи.

§ 2.3. Тижорат банклари активлари ва пасивларини бошқаришнинг зарурлиги

Тижорат банкларнинг актив ва пасивларини бошқариш зарурияти ривожланган мамлакатлар банк тизимида 1960 йиллардан кейин вужудга келган. Дастлаб, банкларда активларни ўзаро мутаносибликда жойлаштириш, банк фойдаси барқарорлигини таъминлаш, банкларда риск даражасини камайтириш каби масалалар уларнинг активларини бошқариш заруриятини келтириб чиқарди.

1980 йилларга келиб банкларда интеграциялашув жараёнининг чуқурлашуви, молиявий ресурсларнинг мамлакатлараро сузиб юрувчанлига шароитнинг яратилганлиги ва иқтисодиётнинг тобора глобаллашуви банк ликвидлилигини таъминлаш ва зарур миқдорда фойдасини шакллантириш учун фақатгина банк активларини бошқариш кифоя бўлмай қолди.

Халқаро молия бозорларида ресурсларга бўлган рақобатнинг кучайиши, банк рискли активлари ва муддатли мажбуриятлари ўртасидаги номутаносиблик ҳолатлари, банк ўз мажбуриятларини тўлиқ ва белгиланган муддатда бажариш билан боғлиқ масалалар банк пасивларини бошқаришга бўлган заруриятни келтириб чиқарди.

Ҳозирги даврда банк активлари ва пасивларини бошқариш фаол ривожланиш босқичига кирди, бугунги кунга келиб активлар ва пасивларни бошқариш нафақат банкларда, балки йирик компания ва фирмаларда ҳам кенг қўлланилмоқда.

**§ 2.4. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва
ривожлантиришнинг замонавий босқичида тижорат банклари
активлари ва пассивларини бошқаришни такомиллаштириш
бўйича белгиланган вазифалар ва чора-тадбирлар**

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича бир қатор вазифалар ва чора-тадбирларни белгилади, жумладан

қуйидаги вазифаларни:

- 1) илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш;
- 2) валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш;
- 3) банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш;
- 4) банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш;
- 5) банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш;
- 6) истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш.

Қуйидаги чора-тадбирларни:

- 1) банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий қилиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсиқларни бартараф этиш;
- 2) нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш, шу жумладан, иқтисодиёт соҳаларида тўловларнинг замонавий электрон шакллари жорий қилиш ва тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, шунингдек, банкдан ташқари айланмани қисқартириш;

3) банк кассаларига нақд пул тушумларини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида бир қатор вазифалар белгиланди:

I. Тижорат банкларини уларга хос бўлмаган функциялардан озод қилиш мақсадида, тижорат банкларининг қуйидаги вазифалари бекор қилинди:

1) хўжалик юритувчи субъектларининг муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорлиги шаклланиши устидан назорат қилиш;

2) хўжалик юритувчи субъектлар томонидан олинган нақд пулларни мақсадли ишлатилиши устидан назорат қилиш вазифаларини бекор қилиш;

II. Тижорат банклари фаолиятига умумеътироф этилган замонавий меъёрлар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларини жорий қилиш, банк-молия тизимини халқаро рейтинг ташкилотлари баҳолаши асосида баҳолаш кўрсаткичларини янада такомиллаштириш.

III. Банк назоратининг халқаро принциплари асосида тижорат банклари капиталининг етарлилиги, ликвидлилиги ва барқарорлиги бўйича талабларни бажарилишини таъминлаш;

IV. Базел қўмитасининг талабларини ҳисобга олган ҳолда банк рискларини баҳолаш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш;

V. Банкларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш ва банкларни илғор банк амалиёти асосида фаолият юритадиган тизимга айлантириш;

VI. Аҳолининг банк-молия хизматлари соҳасида молиявий саводхонлигини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасини ошириш;

VII. Аҳолининг мамлакат банк тизимига бўлган ишончини ошириш, миждозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларининг доимий мониторингини амалга ошириш, банк хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли Қарорида белгиланган чора-тадбирлар, хусусан, пул-кредит сиёсатини ривожлантириш ва амалга ошириш концепциясини ишлаб чиқиш (ўрта муддатли); мажбурий захира талабномаларини такомиллаштириш, очик бозорда РЕПО операцияларини амалга ошириш; истеъмол баҳолари индексини ҳисоблашни такомиллаштириш; инфляциянинг омилли таҳлилини амалга ошириш; пул-кредит сиёсатининг шаффофлигини ошириш тадбирларини муваффақиятли амалга оширилиши; пировард натижада, тижорат банклари фаолиятининг барқарорлигини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзёев 220 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожатномасида, Ўзбекистон банк тизимини янги халқаро даражага кўтариш учун қуйидаги стратегик вазифалари белгилаб берди⁵:

1. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади ва бу борада банкларнинг капитал ресурс базаси ва даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

2. Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган “лойиҳалар фабрикаси” фаолиятини йўлга қўйиш.

3. Банкларнинг халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узоқ муддатли ресурслар олиб келишини йўлга қўйиш.

Юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирларни муваффақиятли амалга оширилиши тижорат банклари активларининг сифатини ошириш ва пасивларининг барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожатномаси. “Халқ сўзи” 24 январ 2020 йил

Қисқача хулосалар

Тижорат банкларининг активлари ликвидлилик даражасига кўра қуйидагича таркибланади: кассали активлар, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар, кредитлар, асосий воситалар.

Тижорат банкларининг пассивлари талаб қилиб олинмиш даражасига кўра қуйидаги таркибий қисмларга бўлинади: талаб қилиб олинмиш депозитлар; бошқа банкларнинг “Востро” вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағлари; муддатли депозитлар; жамғарма депозитлар; банкнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган маблағлар; бошқа банклардан олинган кредитлар; регулятив капитал.

Халқаро молия бозорларида ресурсларга бўлган рақобатнинг кучайиши, банк рискли активлари ва муддатли мажбуриятлари ўртасидаги номутаносиблик ҳолатлари, банк ўз мажбуриятларини тўлиқ ва белгиланган муддатда бажариш билан боғлиқ масалалар банк активлари ва пассивларини бошқаришга бўлган заруриятни келтириб чиқарди.

Таянч сўз ва иборалар

Қимматли қоғозлар, инвестиция, депозит, пул оқимини барқарорлиги, БАЗЕЛ-1, БАЗЕЛ-2, БАЗЕЛ-3, эмитент, инвестор, эмиссия акция, облигация, акционлар, ноемиссион қимматли қоғозлар, депозит сертификатлар, жамғарма сертификатлар, регулятив капитал, капитал, фойда.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тижорат банклари актив ва пассивларининг бошқаришнинг моҳияти ва вазифалари.
2. Тижорат банкларнинг актив таркибий тузилиши.
3. Тижорат банклари пассивларининг таркибий тузилиши.
4. Тижорат банкларининг кассали активлари ва уларнинг таркиби.
5. Банклар активларининг риск даражасига кўра туркумланиши.

6. Тижорат банклари активларининг даромад даражасига кўра туркумланиши.

7. Тижорат банкларнинг регулятив капиталани уч қисми.

8. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ислоҳ килиш ва ривожлантиришнинг замонавий босқичида тижорат банклари активлари ва пасивларини бошқариш, такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифалар ва чора-тадбирлар.

3-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ ВА ПАССИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

**§ 3.1. Тижорат банклари актив ва пассивларини бошқариш
принциплари**

**§ 3.2. Тижорат банклари актив ва пассивларини бошқариш
усуллари**

§ 3.1.Тижорат банклари актив ва пассивларини бошқариш принциплари

Тижорат банклари актив ва пассивларини бошқариш аниқ принципларга таянади. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) активларнинг даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш принципи;
- 2) активлар портфелларини диверсификация қилиш принципи;
- 3) тўғри инвестицион қарорлар қабул қилиш принципи;
- 4) пул оқимларининг етарлилиги принципи;
- 5) фоиз ставкалари, валюта курслари ва товарларнинг баҳоларини ўзгаришига мослашувчанлик принципи;
- 6) банк қимматли қоғозларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш принципи;
- 7) депозитларнинг етарлилигини таъминлаш принципи;
- 8) капиталнинг етарлилигини таъминлаш принципи;
- 9) банк ликвидлилигини таъминлаш принципи;
- 10) трансформация принципи;
- 11) актив ва пассивлар бўйича даромад ва харажатларни назорат қилиш принципи;
- 12) банк ресурсларининг етарлилиги принципи;
- 13) захиралар яратиш принципи;
- 14) рискларни минималлаштириш принципи.

Тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш принципи қуйидаги усуллардан фойдаланишни тақозо этади:

1. Тижорат банкининг активлари ва пассивларининг оптимал таркибини шакллантириш усули. Бу асосий (бирламчи) усул ҳисобланади.
2. Активлар ва жалб қилинган ресурсларнинг муддатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш усули.
3. Активлар портфелини диверсификация қилиш усули.
4. Рискларнинг мақбул даражасини таъминлаш усули.

Тижорат банклари актив ва пассивларини бошқариш принципларидан комплекс фойдаланишга салбий таъсир қилаётган омиллар:

1. Марказий банк томонидан тижорат банкларини кредитлаш амалиётининг мавжуд эмаслиги туфайли Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини ўзгартириш йўли пул массасига, тижорат банкларининг ликвидлилигига ва кредитларнинг баҳосига таъсир этиш имкониятининг пастлиги;
2. Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаларининг юқори эканлиги ва захира ажратмалари суммасини банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидан олиб қўйилаётганлиги натижасида тижорат банкларининг ликвидлилигига ва ресурс базасининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирнинг юзага келганлиги;

2017 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, Россия Марказий банкининг мажбурий захира ставкаларининг ўртача даражаси 5,6 фоизни, Европа Марказий банкининг мажбурий захира ставкаси эса, 2,0 фоизни ташкил этди.

3. Тижорат банкларининг депозит базасида узоқ муддатли депозитлар улушининг пастлиги сабабли уларнинг инвестиция жараёнларига қатнашиши етарли даражада эмас. 2017 йил якунлари бўйича республикада асосий капиталдаги инвестициялар таркибида банк кредитлари ва бошқа заём маблағларининг улуши 26,3 % ташкил қилади ва ушбу кўрсаткич олдинги йилга нисбатан ўсган.

4. Республикамизда имтиёзли кредит дастурлари кўп бўлиб, (2019 йилда 78% кредит портфелларини ташкил қилди) улар молиявий ресурсларни жойлаштириш самарадорлигини пасайтиради ва банк тизимида муаммоларни вужудга келтиради. Айниқса, давлат инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларни тижорат банклари томонидан маъмурий равишда молиялаштирилиши тижорат банклари молиявий ҳолатига салбий таъсир қилмоқда. Бу нафақат тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятига, балки вакиллик ҳисобварақларида маблағлар етишмовчилигига олиб келиб иқтисодиётимизда тўловларни вақтига ўтишига салбий таъсир қилиши мумкин.

5. Республикамизнинг йирик тижорат банкларида трансформация рискининг мавжудлиги.

Трансформация рискининг юзага келганлиги ва чуқурлашганлиги қисқа муддатли ресурслар бир йилгача ҳисобидан узоқ муддатли (3-5 йилгача) кредитларнинг берилганлиги билан изоҳланади.

§ 3.2. Тижорат банклари актив ва пасивларини бошқариш усуллари

ТБАПБда бир неча усуллари ва йўлларидан фойдаланилади, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- фонд усули;
- муддатлар бўйича тақсимлаш усули;
- геп-тахлили;
- хеджирлаш;
- секюритизациялаш.

Активлар ва пасивларни сўндириш муддатлари бўйича бошқариш (фонд усули) БАПБнинг классик усул ҳисобланиб, банк пасив операциялар натижасида жалб қилинган молиявий ресурсларни муддати бўйича рисксиз активлар ва рискли активларга жойлаштиради. Банк мижоздан йиллик 12 фоиз тўлов асосида 50 млн сўмни 6 ойлик муддатли депозитга, 0 фоиз тўлов

асосида 40 млн сўмни талаб қилиб олингунча сақланадиган (муддасиз) депозитга қабул қилди. Бу жараён банк балансида қуйидаги кўринишда акс эттирилади.

3.2.1-жадвал

Жалб қилинган депозитларни муддати бўйича жойлаштириш

Актив	Сумма	Пассив	Сумма
Касса	40 000 000,0	Муддасиз депозит	40 000 000,0
Банк вакиллик ҳисоб варағи	50 000 000,0	Муддатли депозит	50 000 000,0
Баланс	90 000000,0		90 000000,0

Банк балансининг пассивидаги 50 млн сўмни йиллик 16 фоиз тўлов асосида 6 ой муддатга riskли активга жойлаштирганда ТБАПБнинг фонд усули қўлланилади. Бундай ҳолатда ТБАПБнинг фонд усули ўзининг ижобий самарасини беради, чунки 6 ой муддатга riskли активга жойлаштирилган 50 млн сўм бўйича мажбуриятни бажариш 6 ойдан сўнг содир бўлади.

Шу давр ичида банк 4 фоиз ($4=16-12$) банк маржасини олиш имкониятига эга бўлади. Бу ерда банк учун risk даражаси унчалик юқори эмас, чунки банк кредитга берган 50 млн сўмнинг манбаси муддатли депозит бўлиб, банк депозитнинг соҳибига ушбу суммани 6 ойдан кейин қайтариш мажбуриятини олган.

3.2.2-жадвал

Жалб қилинган депозитларни муддати бўйича жойлаштириш

Актив	Сумма	Пассив	Сумма
Касса	40 000 000,0	Муддасиз депозит	40 000 000,0
Кредит	50 000 000,0	Банк вакиллик ҳисоб варағи	50 000 000,0
Баланс	90 000000,0		90 000000,0

ТБАПБнинг фонд усули узоқ муддат давомида ўзининг ижобий самарасини берди, бироқ:

- молия бозорларида рақобатнинг кучайиши ва фоиз ставкаларининг беқарорлиги;
- банкларнинг тизимли тўлов қобилиятини йўқотиши;

- банк омонатчиларининг келишилган муддатидан илгари депозитларни талаб қилиши;
- бошқа форс-мажор ҳолатлар ТБАПБнинг фонд усули аҳамиятини йўқотишга олиб келди.

3.2.3-жадвал

Кредит ва банкнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақами қолдиғининг ўзгариши

Актив	Сумма	Пассив	Сумма
Кредит	40 000 000,0	Касса	40 000 000,0
Кредит	50 000 000,0	Банк вакиллик ҳисоб варағи	50 000 000,0
Баланс	90 000000,0		90 000000,0

ТБАПБнинг дастлабки ривожланиш босқичида ушбу усул кенг қўлланилган, кейинчалик эса активлар ва пассивлар ўртасидаги номутаносиблик билан боғлиқ муаммолар юзага келганда бошқариш усулининг геп-таҳлил усули кенг қўлланилган.

Банкларнинг активлари ва пассивларини бошқаришда геп-таҳлилни қўлланилиши унинг муддатли депозит маблағлари ва рискка тортилган активлари ўртасидаги фарқ даражасига эътибор қаратилади. Масалан, банкнинг 12 ойга жалб қилинган муддатли маблағлари 100,0 млн сўм, 12 ойга берган кредитлари, яъни рискка тортилган активлари эса 120,0 млн сўмни ташкил этилади. Бу ҳолатда банкнинг активлари ва пассивларини геп-таҳлили асосида бошқарганда, бу ҳолатда банкнинг 20,0 млн сўмлик мажбуриятни бажармаслик эҳтимоли мавжудлиги кўриниб турибди. Чунки, 20,0 млн сўм рискка тортилган активларнинг суммаси муддатли маблағлар ҳисобидан эмас, балки талаб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган.

Буни қуйидаги мисолда батафсил кўриб чиқамиз. Масалан, балансдаги муддатсиз депозит ҳисобидан 40 млн сўм кредитни йиллик 14 фоиз тўлов асосида кредитга берди, банкнинг маржаси (фойдаси) 14 фоизни ташкил этмоқда, чунки муддатсиз депозитни қабул қилиш шартида фоиз тўлови кўзда тутилмаган.

Албатта, ушбу операция натижасида банк фойдаси юқори бўлсада, муддатсиз депозит ҳисобидан берилган кредитнинг риск даражаси ҳам юқори бўлади, чунки муддатсиз депозит соҳиби кутилмаган пайтда маблағни қайтариш талаби билан банкка мурожаат қилиши мумкин. Бироқ, рискли актив ва муддатсиз депозит ўртасида муддатлари бўйича вужудга келган номувозанатлик геп-таҳлили ёрдамида бошқарилади. Бу ҳолат (геп-таҳлили) да ТБАПБнинг фондли усулида мавжуд бўлган муаммолардан ташқари қуйидаги муаммолар вужудга келиши мумкин:

- кредит олувчи ўз вақтида кредит суммасини қайтара олмаслиги;
- депозит соҳиби муддатида илгари депозитни талаб қилиши;
- бошқа кўзда тутилмаган зиддиятли ҳолатлар юзага келиши мумкин.


ТБАПБнинг геп-таҳлили усулини қўллаганда молия бозорида фоиз ставкалари 5-10 йиллик даврга таҳлил этилиб, фоиз ставкаларининг энг паст, энг юқори, барқарор ёки тез ўсиб борадиган ёки пасаядиган ставкаларида бир неча (одатда 10 тагача) сценарийлар ишлаб чиқилади.

ТБАПБнинг геп-таҳлили бўйича ишлаб чиқилган ҳар бир сценарий банк баланси барқарорлиги ва ликвидлигига таъсир даражаси аниқланади. ТБАПБ бўйича ишлаб чиқилган сценарийларнинг ичида банк фойда даражаси паст, риск даражаси ва зарар кўриш хавфи юқори бўлганлари бўйича банк баланси коррективировка қилинади, шундан сўнг энг маъқул сценарий танланиб рискли операцияларни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилинади.

ТБАПБнинг фонд ва геп-таҳлили усулларида ликвидлилик рискин баҳолашнинг айрим инструменти сифатида фойдаланиш мумкин. Бироқ, ушбу усуллар ликвидлик рискин самарали бошқариш имкониятини бермайди. Бундан кўриниб турибдики, ТБАПБнинг усуллари ва йўллари ҳозирги кунга келиб жиддий ўзгаришларга юз тутди. Айниқса, 1980 йилларда банк муассасалари ТБАПБда асосан активлар ва пассивларнинг бозор қийматига эътибор қаратадиган бўлса, 1990 йиллардан кейин актив ва пассивларни бозор риски орқали бошқаришнинг асосий объектига айланди.

Замонавий шароитда ТБАПБнинг анъанавий (фонд усули, активларни тақсимлаш усули) усуллари асосида банкларнинг куйидаги операциялари бошқарилади:

1-чизма



ТБАПБнинг ноанъанвий усуллари сифатида хеджерлаш ва секюритизациялашни таъкидлаш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида ТБАПБнинг ушбу усуллари жуда кенг ва самарали қўлланилмоқда.

Хеджирлаш – бу келгусида бозор rischi ва фоизларининг ўзгариш эҳтимолини аниқлаш ва ундан ҳимояланиш мақсадида муддатли суғурта контрактларни тузиш тизимидир. Бир сўз билан айтганда, ТБАПБда вужудга келиш эҳтимоли бўлган riskларни камайтириш ва бартараф этиш ҳамда молиявий йўқотишларни олдини олиш мақсадида хеджерлаш қўлланилади.

Курслар (баҳо)нинг ўзгариши натижасида вужудга келадиган riskларни суғурталаш мақсадида тузилган шартнома “хеджв” бўлиб, хеджерлашни амалга ошираётган хўжалик субъект “хеджер” ҳисобланади. Ушбу усул мутаъдил баҳони белгилаш ва даромад олиш ёки мўлжалдаги харажатни қилиш имкониятини беради. Албатта, riskли операцияларни хеджерлаш улар билан боғлиқ riskларни батомам йўқотиб юбориш имкониятини бермайди, балки ушбу хеджерлашда risk трансформацияси юз бериб, вужудга келиши мумкин бўлган riskни воситачи ўз зиммасига олади. Хеджерлашда операцияларнинг иккита ҳолати инобатга олинади: 1) курс (баҳо)ларнинг ошишини хеджерлаш; 2) курс (баҳо)ларнинг пасайишини хеджерлаш.

Активларни бошқаришда қўлланиладиган секюритизациялаш механизми 1990 йилларда АҚШда вужудга келди. Секюритизациялаш жуда тез муддатда банк активларини бошқаришда ва молия бозорларида рискларни пасайтиришда оламшумул аҳамиятга эга бўлди. Моҳиятига кўра секюритизациялаш, банкка даромад келтирувчи активларни зудлик билан сотиш имкониятини берувчи облигация ёки бошқа қимматли қоғозларнинг эмиссияси орқали ликвид маблағларга айлантириш тартибидир.

Бироқ, секюритизациялаш активларни бошқаришнинг бевосита риск билан боғлиқ усулларида бири бўлиб, риск даражасининг юқори ёки паст бўлиши эмитентнинг маҳаллий ва халқаро молия бозорлардаги молиявий ҳолати ва нуфузига боғлиқдир.

Қисқача хулосалар

Тижорат банклари актив ва пасивларини бошқариш аниқ принципларга таянади. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: активларнинг даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш принципи; активлар портфелларини диверсификация қилиш принципи; тўғри инвестицион қарорлар қабул қилиш принципи; пул оқимларининг етарлилиги принципи; фоиз ставкалари, валюта курслари ва товарларнинг баҳоларини ўзгаришига мослашувчанлик принципи; банк қимматли қоғозларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш принципи; депозитларнинг етарлилигини таъминлаш принципи; капиталнинг етарлилигини таъминлаш принципи; банк ликвидлилигини таъминлаш принципи; трансформация принципи; актив ва пасивлар бўйича даромад ва харажатларни назорат қилиш принципи; банк ресурсларининг етарлилиги принципи; захиралар яратиш принципи; рискларни минималлаштириш принципи.

ТБАПБда бир неча усулларида фойдаланилади, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат: фонд усули; муддатлар бўйича тақсимлаш усули; геп-тахлили; хеджирлаш; секюритизациялаш.

Таянч сўз ва иборалар

Даромад, активлар портфели, капиталнинг етарлилиги, трансформация
риски, ликвидлилиг, фонд усули, тақсимлаш усули, геп- тахлил усули,
хеджирлаш усули, секюритизациялаш усули, рискли ва рисксиз актив.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тижорат банклари активлари ва пасивларини бошқариш
принциплари.
2. Активлар ва пасивларни бошқаришни фонд усули.
3. Тижорат банклари актив ва пасивларини бошқаришни муддатлари
бўйича тақсимлаш усули.
4. Тижорат банкларида актив ва пасивларни бошқаришда геп-тахлили
усулидан фойдаланиш.
5. Тижорат банклари актив ва пасивларни бошқаришда хеджирлаш
усулидан фойдаланиш.
6. Тижорат банкларида актив ва пасивларни бошқаришда секюритизация
усулидан фойдаланиш.

4-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ ВА ПАССИВЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

§ 4.1. Тижорат банклари активларини бошқаришнинг асосий йўналишлари

§ 4.2. Тижорат банклари пассивларини бошқаришнинг асосий йўналишлари

§ 4.1. Тижорат банклари активларини бошқаришнинг асосий йўналишлари

Тижорат банклари активларини бошқаришнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Активларнинг оптимал таркибини шакллантириш;
2. Активларнинг даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш;
3. Пул оқимларига бўлган барча эҳтиёжларни қондириш имконини берадиган даражада ликвидлиликни сақлаш;
4. Активларнинг фоиз ставкалари ва валюта курсларининг тебранишларига нисбатан мослашувчанлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида белгилаб берилганлиги тижорат

банклари активлари ва пасивларини бошқаришни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш заруриятини юзага келтиради⁶.

Ҳаракатлар стратегиясида банк тизими олдига қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Айни вақтда, республикамиз тижорат банклари активларини бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Хусусан:

1. Тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида даромад келтирмайдиган активларнинг (кассадаги нақд пуллар, тижорат банкларининг миллий валютадаги ва хорижий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағлари) салмоғини нисбатан юқори эканлиги.


Тараққий этган мамлакатлар тижорат банкларининг активлари таркибида салмоғига кўра иккинчи ўринни (биринчи ўринни кредитлар эгаллайди) банкнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг таркибида эса, салмоғига кўра иккинчи ўринни кассали активлар эгаллайди. Бу эса, активларнинг даромадлилик даражасини паст эканлигидан далолат беради.

2. Муддати ўтган кредитлар миқдорининг катта эканлиги.

Айниқса, давлат дастурлари доирасида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдори катта.

3. Миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги.

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.



4.1. 1-расм. Миллий валюта-сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси, сўм (2017 йил декабрь 8120.07 сўм, 2018 йил декабрь 8339.55 сўм)⁷

1-расм маълумотларидан кўринадики, сўм муомала киритилган 1994 йилнинг июл ойидан 2017 йилнинг сентябр ойига қадар бўлган даврда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан жуда юқори даражадаги қадрсизланиш суръати (1157 марта!) кузатилган.

Блоомберг агентлиги томонидан ўзбек сўми дунё бўйича 2017 йилнинг энг қадрсиз валютаси дея эълон қилинди. Ўзбек сўмидан олдинги ўринда келган Конго франкининг қадрсизланиш суръати 27 фоизни ташкил этди.

§ 4.2. Тижорат банклари пасивларини бошқаришнинг асосий йўналишлари

Тижорат банклари пасивларини бошқаришнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) Пасивларнинг оптимал таркибини шакллантириш;
- 2) Депозитларнинг етарлилигини таъминлаш;
- 3) Регулятив капиталнинг етарлилигини таъминлаш;
- 4) Пасивларнинг фоиз ставкалари ва валюта курсларининг тебранишларига нисбатан мослашувчанлигини таъминлаш;

⁷ ЎР МБ расмий сайти маълумотлари асосида (www.cbu.uz).

5) Банк томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш.

Тараққий этган мамлакатларда тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра иккинчи ўринни (биринчи ўринда депозитлар) банкнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган пул маблағлари эгаллайди. Ўзбекистон Республикасида эса, тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра иккинчи ўринни регулятив капитал эгаллайди. Бу эса, банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операцияларининг ривожланмаганлиги билан изоҳланади.

Депозитлар тижорат банкларининг пасивлари таркибида энг юқори салмоққа эга бўлганлиги сабабли, унинг етарлилигини таъминлаш тижорат банкларининг кредитлаш салоҳияти ошириш ва инвестицион операцияларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Тижорат банклари капиталининг етарлилигини таъминлаш уларнинг тўловга қобиллигини таъминлашнинг бирламчи зарурий шarti ҳисобланади.

Тижорат банклари Марказий банк билан тўғри РЕПО ва тескари РЕПО операцияларини амалга оширадilar.

Тўғри РЕПО – бу Марказий банк томонидан қимматли қоғозларни тижорат банкларига қайтариб сотиб олиш шarti билан сотишдир.

Тескари РЕПО – бу Марказий банк томонидан қимматли қоғозларни тижорат банкларидан қайтариб сотиш шarti билан сотиб олишдир.

Тескари РЕПО битимлари тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Қимматли қоғозлар проспекти банк Бошқаруви томонидан тайёрланади ва Бошқарув раиси ва Бош бухгалтер томонидан имзоланади.

Қимматли қоғозлар проспектида қуйидаги маълумотларнинг бўлиши шарт:

1. Эмитент тўғрисидаги маълумотлар
2. Эмитентнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар

3. Қимматли қоғозларни олдинги эмиссияси тўғрисидаги маълумотлар Шунингдек, тижорат банклари мижозларнинг топшириғига кўра андеррайтинг операцияларини амалга оширадилар.

Тижорат банки томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш уларни бозор баҳоларида сотиш имконини беради. Бу эса, банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз тижорат банкларининг пассивларини бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар:

1. Тижорат банкларининг ресурс базасининг етарли эмаслиги.

2018 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жами депозитлари ҳажмида талаб қилиб олинadиган депозитларнинг салмоғи 59,5 фоизни ташкил этди. Бу эса, банкларнинг депозит базасини етарли эмаслигини кўрсатади. Чунки, тижорат банкининг депозит базаси етарли бўлиши учун талаб қилиб олинadиган депозитларнинг жами депозитлардаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги керак.

2. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операцияларининг ривожланмаганлиги.

2018 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг пассивлари миқдори 84 075 трлн. сўмни ташкил этди. Шунинг атиги 1,3 фоизини тижорат банкларининг қимматли қоғозларини сотишдан олинган пул маблағлари ташкил етди⁸.

3. Тижорат банклари капиталининг таркибида девалвация захираси ва имтиёзли кредитлаш фондининг маблағлари каби нобарқарор молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги.

Базел стандартининг талабларига кўра, девалвация захирасини тижорат банкларининг капитали таркибига киритиш мумкин эмас. Республикамиз тижорат банкларида эса, девалвация захираси биринчи даражали капитал таркибига киритилган. Ҳолбуки, биринчи даражали капитал фақат барқарор

⁸www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

молиялаштириш манбаларидан ташкил топган бўлиши керак. Тижорат банки оғир молиявий аҳволга тушиб қолганида, биринчи даражали капиталдан фойдаланиш йўли билан ана шу оғир аҳволдан чиқиб кетиши лозим.

4. Тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги.

Тижорат банклари ресурсларининг асосий қисмини (70 фоиздан ортиқ қисмини) қисқа муддатли ресурслар ташкил этади. Бу эса, тижорат банкларининг узоқ муддатли актив операциялари ҳажмини оширишга тўсқинлик қилади. Ҳолбуки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банкларининг истиқболли инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги иштирокини кенгайтириш вазифаси қўйилган. Ушбу вазифани бажариш учун эса, тижорат банклари етарли даражада узоқ муддатли ресурсларга эга бўлиши лозим.

Тижорат банкининг ликвидлилиги, Банк тизимининг ликвидлилиги, капиталнинг етарлилиги, тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги, трансформация rischi, ресурссиз кредитлаш, соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти, барқарор молиялаштириш мавжуд суммаси, барқарор молиялаштиришнинг зарурий суммаси.

Қисқача хулосалар

Тижорат банклари активларини бошқаришнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: активларнинг оптимал таркибини шакллантириш; активларнинг даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш; пул оқимларига бўлган барча эҳтиёжларни қондириш имконини берадиган даражада ликвидлиликни сақлаш; активларнинг фоиз ставкалари ва валюта курсларининг тебранишларига нисбатан мослашувчанлигини таъминлаш.

Тижорат банклари пассивларини бошқаришнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: пассивларнинг оптимал таркибини шакллантириш; депозитларнинг етарлилигини таъминлаш; регулятив

капиталнинг етарлилигини таъминлаш; пассивларнинг фоиз ставкалари ва валюта курсларининг тебранишларига нисбатан мослашувчанлигини таъминлаш; банк томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш.

Таянч сўз ва иборалар

Пул оқимлари, валюта курси, регулятив капитал, пассив фоиз ставкалари жозибадорлиги, тўғри РЕПО, тескари РЕПО, қимматли қоғозлар проспекти, нобарқарор молиялаштириш манбалари.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тижорат банки активларининг оптимал таркибини шакллантириш.
2. Банк пассивларининг оптимал таркибини шакллантириш.
3. Тижорат банклари активларининг даромадлилиги билан жалб қилинган маблағлар бўйича харажатлар ўртасидаги ижобий фарқни таъминлаш.
4. Тижорат банкларининг даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш.
5. Тижорат банкларида пул оқимларига бўлган барча эҳтиёжларни қондириш имконини берадиган даражада ликвидликни сақлаш
6. Тижорат банкларида активлар ва пассивларни фоиз ставкалари ва валюта курсларининг тебранишларига нисбатан мослашувчанлигини таъминлаш.

5-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА УНИ БОШҚАРИШ

§ 5.1. Тижорат банкининг ликвидлигини тавсифловчи кўрсаткичлар

§ 5.2. Тижорат банкларининг ликвидлигига таъсир этувчи омиллар

§ 5.3. Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш йўллари

§ 5.4. Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқариш усуллари

§ 5.1. Тижорат банкининг ликвидлигини тавсифловчи кўрсаткичлар

Тижорат банкининг ликвидлиги – бу банкнинг мижозлари ва бошқа банклар олдидаги тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олиш қобилиятидир.

Банк тизимининг ликвидлиги – бу мамлакатдаги банклар орқали ўтадиган тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш имкониятидир.

Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш банкларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ролини ошириш, миллий иқтисодиётдаги тўловларнинг узлуксизлигини таъминлашнинг зарурий шарти эканлиги халқаро ва миллий банк амалиётида исботланган. Хусусан, мамлакат банк тизимида ликвидлик муаммосининг пайдо бўлиши бериладиган кредитлар миқдорининг камайишига, банклар орқали ўтадиган тўловларнинг кечикишига ва ўтмай қолишига сабаб бўлиши амалиётда ўзининг исботини аллақачон топган. Шу сабабли, мамлакат банк тизимининг ликвидлигини таъминлаш масаласи ҳар доим тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолаверади.

Таъкидлаш жоизки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банкларининг капиталлашув даражаси ва депозит

базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончлилигини мустаҳкамлаш макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида банк назоратининг халқаро принциплари доирасида тижорат банклари капиталининг етарлилиги, ликвидлилиги ва барқарорлиги бўйича талабларни бажариш вазифаси қўйилган.

Банкларнинг жорий ликвидлилигини баҳолаш.

I. АҚШ амалиёти:

$$\text{ЖЛК} = \text{БЗ} : \text{Д}$$

Бу ерда:

ЖЛК – жорий ликвидлилик коэффициенти

БЗ - бирламчи захиралар

Д - депозитлар

мин: 0,10 ёки 10%

II. Япония амалиёти:

$$\text{ЖЛК} = (\text{БЗ} + \text{ИЗ}) : \text{Д}$$

Бу ерда:

ЖЛК – жорий ликвидлилик коэффициенти

БЗ - бирламчи захиралар

ИЗ - иккиламчи захиралар

Д - депозитлар

мин: 0,30 ёки 30%

III. Франция амалиёти:

$$\text{ЖЛК} = (\text{ЛА} + \text{ЯЗ0кҚА}) : (\text{ЖД} + \text{ЯЗ0кТМ})$$

Бу ерда:

ЛА – ликвидли активлар

ЎЗ0кҚА- яқин 30 кун ичида қайтариладиган активлар

ЖД – жорий депозитлар

ЎЗ0кТМ – яқин 30 кун ичида тўланадиган мажбуриятлар

мин:1,0ёки100%.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ва 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида Базел кўмитасининг банк назорати бўйича янги талабларини мамлакат банк амалиётига жорий этиш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда Марказий банкнинг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлдаги 2693-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқномалари қабул қилинди.

Ҳозирги даврда республика тижорат банкларининг ликвидлигини баҳолаш ва бошқариш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли қарори билан тасдиқланган “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низом талаблари асосида амалга оширилади.

Мазкур Йўриқномага кўра, Марказий банк томонидан тижорат банкларининг жорий ликвидлигига нисбатан иқтисодий меъёр ўрнатилган.

Ушбу иқтисодий меъёرنинг энг паст даражаси 30% бўлиб, у жорий активларнинг суммасини (тўлов муддати 30 кунгача бўлган банкнинг ликвидли активлари ва қуйилмалари, бундан муддати узайтирилган ёки қайтариш муддати ўтган кредитлар мустасно) жорий мажбуриятлар (талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар) суммасига нисбати орқали аниқланади.

$$\text{ЖЛК} = \frac{\text{ЖА(ТМ30к ЛАҚ)}}{\text{ЖМ(ТҚО м30с М)}}$$

Мазкур меъёрий талабнинг бажарилиши Марказий банк томонидан доимий равишда назорат қилинади ва тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда муҳим ўрин тутadi. Унинг камида 30% бўлишини таъминлаш учун тижорат банклари жорий ликвидли активлар ва жорий мажбуриятлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлашлари зарур. Бунинг учун эса, улар активлар ва пасивларнинг оптимал таркибини шакллантиришлари зарур.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўрқномасига асосан республикамиз тижорат банкларининг фаолиятига соф барқарор молиялаштириш меъёри ва ликвидликни қоплаш меъёри кўрсаткичларининг киритилиши, фикримизча, биринчидан, тижорат банкларининг ликвидлигини барқарор тарзда сақлаб туриш имконини беради; иккинчидан, банклар фаолиятида мавжуд бўлган трансформация рискига барҳам беради; учинчидан, ресурссиз кредитлаш ҳолатининг юзага келишига имкон бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Базел-III стандарти талабларидан келиб чиққан ҳолда, соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти ва ликвидликни қоплаш меъёри кўрсаткичларини аниқлаш методикаларини тасдиқлади. Унга кўра, соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасини барқарор молиялаштиришнинг зарурий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Ликвидликни қоплаш меъёри кўрсаткичи юқори ликвидли

активларни кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқимга нисбати сифатида аниқланади.

Мазкур коэффициентни жорий этилиши тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини таъминлаш билан бирга, уларнинг ликвидлик даражасини оширишга ҳам хизмат қилади.

§ 5.2. Тижорат банкларининг ликвидлилигига таъсир этувчи омиллар

Банкларда ликвидликни бошқаришга ички ва ташқи омиллар таъсир қилади.

Ички омилларга қуйидагилар киради:

- 1) Банк активларининг сифати (банк кредит портфели таркибида рискли активлар ва уларга ҳисобланган тўловларни ўз вақтида қайтарилиши);
- 2) Жалб қилинган маблағларнинг сифати (узоқ муддатли молиявий ресурслар улушининг юқорилиги);
- 3) Жалб қилинган маблағлар ва рискли активлар ўртасида ўзаро мувозанатнинг таъминланиши;
- 4) Банк бошқарувини ташкил этилганлиги ва унинг молия бозордаги имиджи.

Банкларнинг ликвидлигини самарали бошқаришга унинг капиталлашув даражасининг юқори даражада таъминланганлиги муҳим ҳисобланади. Банк капитали таркибида устав капитали ва қўшилган капитал миқдори ва сифатининг юқорилиги банк ликвидлиги таъминлашда муҳим молиявий манба сифатида хизмат қилади. Банк капиталининг даражаси қанчалик юқори бўлса унинг ликвидлигини таъминланганлиги шу даражада юқори бўлади.

Бундан ташқари банк активлари (кредит портфели)нинг юқори сифатга эга бўлиши унинг ликвидлигига ижобий таъсир кўрсатади. Марказий банкнинг 2015 йил 14 июлда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

томонидан 2696-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги” Низомига мувофиқ активлар бешта мезон асосида таснифланади. Хусусан банк активлари:

- 1) Стандарт активлар;
- 2) Субстандарт активлар;
- 3) Қониқарсиз активлар;
- 4) Шубҳали активлар;
- 5) Умидсиз активларга таснифланади.

Банкларнинг ликвидлигини бошқаришга таъсир этувчи ташқи омиллар:

- 1) Мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий ҳолат;
- 2) Банклараро ва қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлик даражаси;
- 3) Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати (асосан қайта молиялаш ставкаси, очик бозор сиёсати ва мажбурий захира ставкаси бевосита таъсир қилади);
- 4) Марказий банк томонидан самарали назорат фаолиятини ташкил этилганлиги.

Мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий ҳолатнинг барқарорлиги маҳаллий ва хорижий жисмоний ва юридик шахслар, инвесторлар ва бошқа иқтисодий ҳамкорларнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга бу эса ўз навбатида ликвидлик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Бу сиз банклар кучли депозит базасини шакллантириш ва юқори рентабеллик кўрсаткичларига эришиш имкониятига эга бўлмайди.

Мамлакатда барқарор банклараро ва қимматли қоғозлар бозорининг фаолият юритиши банкларнинг ликвид маблағларга бўлган талабини зудлик билан қондириш имкониятини беради.

Банкларнинг ликвидлигини бошқариш уларнинг балансидаги қолдиқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Банк ликвидлиги таъминланган

бўлиши учун банк вакиллик ҳисобварағида нақдсиз пулларга, кассада тегишли миқдорда нақд пулларга эга бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётган омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Тижорат банкларида трансформация рискининг чуқурлашиб кетганлиги.

Маълумки, трансформация рисқи тижорат банки активларининг жойлаштириш муддати жалб қилинган ресурслар муддатидан катта бўлиши натижасида юзага келади. Ушбу рисқни қисқа муддат ичида бартараф қилинмаслиги банкда баланслашмаган ликвидлилик муаммосининг чуқурлашишига олиб келади.

Қайд этиш жоизки, республикаимиз йирик тижорат банкларининг барчасида трансформация рисқи мавжуд.

Биз қуйида АТ “Агробанк”да трансформация рисқи даражасига баҳо берамиз (5.2.1-жадвал).

5.2.1-жадвал

АТ “Агробанк” активлари ва мажбуриятларининг муддатига кўра таркиби, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра

(фоизда)

№	Активлар	Суммаси, млрд. Сўм, %
1	Муддасиз активлар	20,0
2	1 кундан 30 кунгача	4,6
3	31 кундан 180 кунгача	17,9
4	181 кундан 365 кунгача	27,2
5	365 кундан ортиқ муддатдаги	30,3
Активлар - жами		100
№	Мажбуриятлар	Суммаси, млрд. Сўм, %
1	Муддасиз мажбуриятлар	36,4
2	1 кундан 30 кунгача	8,9
3	31 кундан 180 кунгача	25,9
4	181 кундан 365 кунгача	22,6
5	365 кундан ортиқ муддатдаги	5,8
Мажбуриятлар - жами		100

5.2.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, АТ “Агробанк”да муддасиз мажбуриятлар жами мажбуриятларнинг 36,4 фоизини ташкил этгани ҳолда, муддасиз активларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғи 20,0

фоизни ташкил қилган. Шунингдек, жами активларнинг 30,3 фоизини 365 кундан ортиқ муддатга эга бўлган активлар ташкил этгани ҳолда, жами мажбуриятларнинг атиги 5,8 фоизини 365 кундан ортиқ муддатга эга бўлган мажбуриятлар ташкил этган. Бу эса, Агробанкда трансформация рискининг сезиларли даражада чуқурлашганлигини кўрсатади.

2. Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдорининг катта эканлиги.

Кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик муаммосининг чуқурлашиб кетиши ушбу масалани Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида акс этишига сабаб бўлди.

Мазкур Қарорда республикамиз тижорат банклари томонидан берилган ва 2017 йилнинг якунига келиб муддати тугайдиган 7220 млрд. сўм миқдоридаги кредитни қайтариш графигига қатъий риоя қилган ҳолда қайтаришни таъминлаш ва 2017 йилда 290 млрд. сўм миқдоридаги, 2018 йилда эса, 460,4 млрд. сўм миқдоридаги муддати ўтган кредитларни ундириш талаби қўйилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг очик бозор операцияларининг паст даражада ва ривожланмаганлиги.

Тараққий этган мамлакатларда Марказий банкнинг очик бозор операциялари тижорат банкларида юзага келган баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал қилишда муҳим ўрин тутди.

Марказий банклар банклардаги баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал қилиш мақсадида тескари РЕПО операцияларидан фаол фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг очик бозор операциялари мавжуд эмас. Бунинг сабаби шундаки, республикамиз Марказий банки ўзининг очик бозор операцияларининг объектлари сифатида фақат Ҳукуматнинг қимматли қоғозларини тан олади. Ҳукуматнинг

қимматли қоғозлари эса, Давлат бюджети профицит билан бажарилаётганлиги сабабли, 2013 йил 1 январдан бошлаб эмиссия жуда кам миқдорда қилиняпти.

4. Республика Марказий банкининг дисконт ва ломбард кредитлари мавжуд эмас. Бу эса, Марказий банкга қайта молиялаш сиёсати орқали банк тизимининг ликвидлилигига таъсир этиш имконини бермайди.

§ 5.3. Тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш йўллари

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат банклари активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш ва транзакцион депозитларнинг фақат барқарор қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш орқали трансформация рискига барҳам бериш лозим.

Транзакцион депозитларда муддат мавжуд эмас. Бунинг устига, уларнинг беқарорлик даражаси жуда юқори. Шу сабабли, улардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланиш, активлар ва мажбуриятларнинг муддатлари ўртасидаги мувофиқлик таъминланган шароитда ҳам, тижорат банкининг ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтириши мумкин.

2. Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик муаммосини ҳал қилиш мақсадида:

- а) Мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган, такомиллашган методикаларини республикамиз банклари амалиётига жорий қилиш;
- б) Тижорат банкларида муаммоли кредитларни “олдиндан огоҳлантириш” тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш зарур;

с) Ҳукумат кафолатлари асосида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликни ўз вақтида ундирилишини таъминлаш мақсадида (Давлат бюджетида ортиқча пул маблағларининг мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб), махсус Жамғарма ташкил этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида Молия вазирига ҳар йилги Давлат бюджети шакллантирилаётганда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан халқаро молия институтларига, хорижий ва мамлакат тижорат банкларига берилган кафолатларга хизмат қилиш бўйича тегишли харажатлар моддасида пул маблағларини кўзда тутиш вазифаси юкланди.

3. Давлат қимматли қоғозларидан очиқ бозор объектлари сифатида фойдаланиш билан бир вақтнинг ўзида халқаро рейтинг агентликларининг (Стандарт & Поортс, Моодс, Фитч Рейтингс) юқори кредит рейтингига эга бўлган (камида ВВ рейтинг баҳога) тижорат банклари ва корхоналарнинг қимматли қоғозлари (депозит сертификатлари, жамғарма сертификатлари, облигациялари) ҳисобидан Марказий банкнинг очиқ бозор операцияларини йўлга қўйиш лозим.

Бунинг учун зарур шарт-шароитларни ҳам яратиш лозим. Масалан, тижорат банкларида, Марказий банкга, пул-кредит органи сифатида, ишонч бўлиши лозим. Бундан ташқари, инфляция ва миллий валютанинг қадрсизланиши таъсирида қимматли қоғозларнинг реал қиймати пасаймаслиги керак.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан марказлашган дисконт ва ломбард кредитлари бериш амалиётини йўлга қўйиш ҳамда тижорат банкларини Марказий банк томонидан тўғридан - тўғри кредитлар (овердрафт, кунлик, муддатли шакллардаги кредитлар) бериш узлуксизлигини таъминлаш йўли билан қайта молиялаш сиёсатининг банк тизимининг ликвидлигини таъминлашдаги ролини ошириш зарур.

Марказий банкнинг овердрафт кредитлари тижорат банкларининг миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида юзага келган пул маблағлари етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш мақсадида берилади. Кунли кредитлар эса, бир операцион кун давомида берилади.

Дунёнинг бир қатор мамлакатларида (Швеция, Россия) кунлик кредитлар Марказий банклар томонидан қимматли қоғозларни гаровга олган ҳолда фоизсиз берилади ва улар миллий тўлов тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадида берилади.

§ 5.4. Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқариш усуллари

Банк ликвидлигини бошқаришнинг асосий элементлари қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) Лаҳзалик, жорий ва узоқ муддатли ликвидликни таъминлаш ва ҳолатини таҳлил қилиб бориш;
- 2) Қисқа муддатли ликвидлик башоратини амалга ошириш;
- 3) Банкнинг ликвидлигига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни таҳлил қилиш (маҳаллий ва хорижий молия бозорларидаги ҳолатни ўрганиш, банк омонотчилари ва қарздорларининг молиявий ҳолатларини доимий таҳлил этиб бориш ва бошқалар);
- 4) Банк ликвидлик маблағлари ортиқчалиги/тақчиллигини аниқлаш;
- 5) Хорижий валюталар билан боғлиқ операцияларнинг банк ликвидлик даражасига таъсирини ўрганиш.

Банкларда ликвидликни бошқаришда учта иқтисодий (лаҳзалик, жорий ва узоқ муддатли) меъёрдан фойдаланилади. Улар банк активлари ва пассивларини муддатлари, суммалари, турлари ва бошқа жиҳатлари нуктаи назардан ликвидликни таъминлашда қўлланилади.

Юқори ликвидли маблағлар банкнинг мажбуриятларини тўхтовсиз, тўлиқ ва зудлик билан бажариш имкониятини беради. Бироқ, ушбу маблағлар (ҳукумат ва Марказий банкнинг қимматли қоғозларига жойлаштирилган

маблағлар бундан истисно) банкка қўшимча даромад келтирмайди, аксинча сақлаш, ташиш ва хавфсизлиги таъминлаш бўйича қўшимча харажатларни талаб этади.

Банкларнинг паст ликвидли активлари зарур бўлганда зудлик билан банкнинг мажбуриятини қондириш имкониятини бермайди, шунингдек, уларни юқори ликвид маблағлар (нақд пул)га айлантириш жараёни анча қийин бўлиб, ҳатто ҳар доим ҳам бунинг имконияти бўлавермайди. Банкларнинг паст ликвидли активлари таркибига қуйидагилар киради:

- 1) Бошқа банклардаги маблағлари;
- 2) Берилган кредитлар;
- 3) Инвестиция, лизинг ва ижарга жойлаштирилган маблағлар;
- 4) Бино ва иншоотлар.

Банкнинг бошқа банклардаги маблағлари ва берилган кредитларни юқори ликвидли активларга айлантириш бўйича иккиламчи молия бозорлари амал қилмайди, депозитларга жойлаштирилган ва берилган кредитларнинг муддатлари тугагандан сўнг банкка қайтарилади. Шундагина банк улардан юқори ликвидли маблағлар сифатида фойдаланиши мумкин, айрим ҳолларда берилган кредитлар ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари ўз вақтида қайтмаслиги оқибатида банкнинг молиявий ҳолатини баттар оғирлаштиради.

Агар, банк мажбуриятларни бажариш учун етарли даражада юқори ликвидли маблағларга эга бўлса, у ликвидлиги таъминланган ҳисобланади. Бироқ, бу жуда мураккаб жараён ҳисобланади, бунинг мураккаблиги шундаки, биринчидан, жалб қилинган маблағларнинг асосий қисми ликвид активларга жойлаштирилиши банкнинг ликвидлигини оширишга хизмат қилсада, унинг фойда даражасини пасайишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, банк миждозларнинг нақд пул ва пул ўтказмалари бўйича эҳтиёжларини тўлиқ аниқлаш имконияти мавжуд эмас, шунингдек, банкнинг вакиллик ҳисобварағига ликвид актив сифатида келиб тушадиган маблағлар ҳажмини аниқ суммасини режалаштира олмайди.

Банклар ликвид маблағларни активларни бошқаришнинг фонд ва тақсимлаш усуллари орқали таъминлаб боришлари мумкин, бироқ жамиятда рўй берадиган кўзда тутилмаган ҳолатлар унга бевосита ва билвосита таъсири натижасида ликвид маблағлар билан боғлиқ турли муаммолар вужудга келади. Хусусан, молиявий-иқтисодий инқирозлар, миждозларнинг банк тизимида бўлган ишончи ва миллий валютанинг сотиб олиш қобилиятини пасайиши, банк миждозлари молиявий барқарорлигининг заифлашуви ва бошқа ҳолатлар шулар жумласидандир.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк ликвидлигини таъминлаш учун зарур бўлган маблағлар ҳажмини аниқлаш жуда қийин. Банк ликвид маблағларга бўлган эҳтиёжини баҳолаш учун жуда юқори аниқликдаги башорат кўрсаткичларига эга бўлиши лозим. Айниқса, банклар кредит портфели талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит маблағлари ҳисобидан шакллантирилган бўлса банкнинг ликвидлигини таъминлаш масаласи янада мураккаб бўлади.

Бу жараёни қуйидаги шартли мисол ёрдамида кўриб чиқамиз. Мисолнинг тушунарли бўлиши учун банкнинг шартли битта миждозининг ҳисобварағи бўйича амалга ошириладиган операцияларни оламиз⁹.

1. Банкнинг “А” миждози томонидан сотилган товар моддий қимматликлари учун банкдаги ҳисобварағига 100 млн сўм маблағ келиб тушди ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилди.

5.4.1-жадвал

Дебет	10301-»Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро»	100 000 000,00
Кредит	20208 -»Мол сотувчининг депозит ҳисобварағи»	

2. Банк “Б” миждоз билан 6 ой муддатга кредит шартномасини имзолади, унга кўра кредит олувчи миждознинг тўлов топшириқномасига асосан 50 млн

⁹ Абдуллаева С.А. Банкларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш масалалари: Монография. Т.: Иқтисод-молия, 2016. 11-13 бб.

сўм бошқа банкнинг миждозига ўтказди ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилди.

5.4.2-жадвал

Дебет	13101 –»Б» миждознинг ссуда ҳисобварақами»	50 000 000,00
Кредит	10301-»Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро»	

Юқорида келтирилган иккита операция бўйича берилган бухгалтерия ёзувини “Т” счетларда акс эттирадиган бўлсак, банкнинг вакиллик ҳисобварағи бўйича тўлов қобилияти (ликвидлиги) билан боғлиқ муаммоли ҳолатни вужудга келганлигини кўришимиз мумкин бўлади (суммалар млн сўмда келтирилган).

5.4.3-жадвал

ДТ ¹⁰	10301 ¹¹	КТ	ДТ	20208	КТ	ДТ	13101	КТ
1 ¹²	100,0		1		100,0			
2		50,0				2	50,0	
Оборот	100,0	50,0	Оборот		100,0	Оборот	50,0	
Қолдиқ	50,0		Қолдиқ		100,0	Қолдиқ	50,0	

1 ва 2 операцияларни “Т” счетда акс эттирганимизда 1-операция бўйича вакиллик ҳисобварағида ва мол сотувчи “А”нинг ҳисобварағида 100,0 млн сўм маблағ вужудга келди.

2-операция натижасида вакиллик ҳисобварағида ва “Б” миждоз билан тузилган кредит шартномаси бўйича унинг тўлов топшириқномасига биноан олинган кредитнинг мақсади учун 50,0 млн сўмни товар моддий қимматликлари ёки хизматларга тўлов сифатида ўтказилиши натижасида банкнинг ссуда ҳисобварағида 50,0 млн сўм вужудга келди.

Бу ўз-ўзидан банкнинг жалб қилинган маблағлари бўйича мажбуриятни бажариш қобилиятини йўқотишига сабаб бўлди ёки бошқача қилиб айтганда, ҳозирги ҳолатида банк талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақлари бўйича бажариши зарур бўлган (50 млн. сўм) ликвид

¹⁰ ДТ-дебет, КТ-кредит

¹¹ Ёрдамчи китобнинг ҳисобварақлар режаси бўйича дастлабки бешта рақами

¹² Операцияларнинг кетма-кетликдаги рақами

маблағларни йўқотади. Агар шартли мисол бўйича мол сотувчи “А”нинг ҳисобварағига маблағ келиб тушган кунининг эртасига 100,0 млн сўм ёки 60,0 млн сўмга тўлов топшириқномасини тақдим этадиган бўлса уни тўлаш имкониятига эга бўлмайди.

Эътиборли жиҳати шундаки, мол сотувчи “А”нинг ҳисобварағидаги 100,0 млн сўм қолдиқ сақланиб турибди, бироқ банкнинг тўлов қобилияти мавжуд эмаслиги, яъни вакиллик ҳисобварағида 50,0 млн сўм қолганлиги оқибатида тўловни амалга ошириш имкониятига эга бўлмай қолди.

Албатта, бундай жараёнда банкнинг мижозларини кўплигини эътиборга оладиган бўлсак, унинг вакиллик ҳисобварағига бошқа мижозлардан келиб тушган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириши мумкин, бироқ бу ҳолат ҳам банкнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағларни сезиларли даражадаги миқдорини рискли активларга жойлаштириши натижасида ўзининг аҳамиятини йўқотади.

Бизнинг назаримизда, муаммонинг ечими сифатида мол сотувчи “А”нинг ҳисобварағидаги вақтинчалик фойдаланилмай турган пул маблағини (50,0 млн сўмини) муддатли омонат шартномасига кўра 6 ойга муддатли депозитга ўтказиши мақсадга мувофиқ. Демак, 3-операция натижасида куйидагича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет	20208 -»Мол сотувчининг депозит ҳисобварағи»	50 000 000,00
Кредит	20608 -“А” мижознинг муддатли депозит ҳисобварағи	

Банкда “А” мижоз билан муддатли депозит бўйича тузилган шартномага асосан амалга оширилган 3 операциянинг бухгалтерия ёзуви “Т” ҳисобда куйидаги кўринишда акс эттирилади.

5.4.4-жадвал

Дт	20208	Кт	Дт	20608	Кт
1	100,0				
3	50,0		3	50,0	

<i>Оборот</i>	50,0			<i>Оборот</i>		50,0
<i>Қолдиқ</i>		50,0		<i>Қолдиқ</i>		50,0

Кўриб чиқиладиган шартли мисолимига асосан банк “А” мижоз билан тузилган муддатли шартнома асосида 3-операцияни амалга оширгандан сўнг тўлов қобилиятига эга бўлди. Чунки, “А” мижознинг ҳисобварағига келиб тушган маблағ ҳисобидан “Б” мижозга 6 ойга берган кредит суммаси миқдорида 6 ойга олинган муддатли депозит маблағи мавжуд.

Албатта, банк “Б” мижозга берган кредити ҳисобидан олган фоиз даромадининг сезиларли қисмини “А” мижознинг омонати учун фоиз тўлови сифатида тўлади. Энг асосийси, ушбу операция натижасида банк тўловга лаёқатли бўлиш билан бирга, “А” мижознинг банкка бўлган ишончини ортишига ва унинг вақтинчалик фойдаланилмай турган маблағи бўйича фоиз тўлов тўлаш имкониятига эришмоқда. Навбатдаги масала банк 6 ойга берган кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни ўз муддатида “Б” мижоздан ундириб олиши зарур бўлади.

Қисқача хулосалар

Тижорат банкининг ликвидлилиги – бу банкнинг мижозлари ва бошқа банклар олдидаги тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олиш қобилиятидир. **Банк тизимининг ликвидлилиги** – бу мамлакатдаги банклар орқали ўтадиган тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш имкониятидир.

Ўзбекистон Мамлакат банк тизимида ликвидлилик муаммосининг пайдо бўлиши бериладиган кредитлар миқдорининг камайишига, банклар орқали ўтадиган тўловларнинг кечикишига ва ўтмай қолишига сабаб бўлиши амалиёти мавжуд.

Тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш ва бошқариш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Базел-III стандарти талабларидан келиб чиққан ҳолда, соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти ва ликвидликни қоплаш меъёри кўрсаткичларини аниқлаш методикаларини

тасдиқлади. Банкларнинг ликвидлигини самарали бошқаришга унинг капиталлашув даражасининг юқори даражада таъминланганлиги муҳим ҳисобланади.

Мамлакатда барқарор банклараро ва қимматли қоғозлар бозорининг фаолият юритиши банкларнинг ликвид маблағларга бўлган талабини зудлик билан қондириш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш ва бошқаришдаги омиллар қуйидагилардан иборат: тижорат банкларида трансформация рискининг чуқурлашиб кетганлиги; тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдорининг катта эканлиги; Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг очик бозор операцияларининг паст даражада ва ривожланмаганлиги; Республика Марказий банкининг дисконт ва ломбард кредитлари мавжуд эмаслиги.

Таянч сўз ва иборалар

Трансформация риски, ресурссиз кредитлаш, соф барқарор молиялаштириш, меъёри коэффициент, барқарор молиялаштириш, стандарт, субстандарт, қониқарсиз, шубхали, умидсиз, активларни жойлаштириш муддати, жалб қилинган ресурслар, баланслашмаган ликвидлилик, очик бозор операцияси, дисконт ва ломбард кредитлари, транзакцион депозитлар, овердрафт, ломбард, лаҳзалик, жорий.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тижорат банки ликвидлиги тушунчаси.
2. Банк ликвидлигига таъсир қилувчи омиллар.
3. Тижорат банкларида ликвидликни тавсифловчи курсаткичлар.
4. Банклар ликвидлигини таъминлаш йўллари.
5. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш усуллари.

6. Тижорат банкларида ликвидиликни бешта мезон асосида таснифлаш.

6-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РИСКЛИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ

§ 6.1. Тижорат банклари активларини риск даражаларига кўра туркумланиши

§ 6.2. Тижорат банклари рискли активларини бошқариш усуллари

§ 6.1. Тижорат банклари активларини риск даражаларига кўра туркумланиши

Базел стандартида халқаро банк амалиётида биринчи бўлиб, тижорат банкларининг активлари тўрт риск даражаси бўйича рискка тортилди.

I. 0 % риск даражасига эга бўлган активларга, яъни рисксиз активларга қуйидагилар киради:

- 1.1. тижорат банкининг кассаларидаги нақд пуллар;
- 1.2. банкнинг Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағлари;
- 1.3. Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталар;
- 1.4. Тижорат банки томонидан ҳукуматнинг 90 кунгача муддатга чиқарилган қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар (Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар, уларнинг муддатидан қатъий назар, рисксиз актив ҳисобланади);
- 1.5. Ҳукумат ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тўғридан-тўғри талаблар ва бу эмитентлар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар;
- 1.6. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИХТТ) кирувчи мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банклари томонидан чиқарилган

қимматли қоғозлар, шунингдек, бу мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банкларига қўйиладиган бошқа талаблар;

1.7. Активлар ёки уларнинг ИХТТга кирувчи мамлакатлар миллий валюталарига деноминация қилиниб, нақд пул билан таъминланган ҳамда банкда алоҳида чеклаб қўйилган депозит ҳисобрақамда сақланаётган қисми.

II. 20 % риск даражасига эга бўлган активлар таркибига қуйидагилар киради:

2.1. Тижорат банкининг бошқа банклардаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари;

2.2. Ҳукуматнинг 90 кундан ортиқ муддатга чиқарилган қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар;

2.3. Флоут (инкассация жараёнидаги пул маблағлари);

2.4. ИХТТ мамлакатларида рўйхатдан ўтган банклар ва бошқа депозитар институтларнинг кредитлари, кафолатлари билан таъминланган кредитлар ва бошқа активлар ёки уларнинг қисми;

2.5. Банкнинг халқаро кредит ташкилотларига берган кредитлари ва бошқа талаблари, шунингдек, ушбу ташкилотларнинг қимматли қоғозлари билан таъминланган талаблар.

III. 50 % риск даражасига эга бўлган активларга қуйидагилар киради:

3.1. Ипотека кредитлари;

3.2. ИХТТ давлатларида рўйхатга олинган депозитар институтларга нисбатан талаблар, шу жумладан, қарзлар ва пул бозори воситалари;

3.3 ИХТТ давлатларида рўйхатга олинган депозитар институтларнинг кредитлари билан таъминланган бошқа барча активлар;

3.4 Банкнинг ИХТТ давлатлари маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан талаблари, шунингдек, улар томонидан кафолатланган банк активлари. Бу талаблар ва кафолатлар бўйича тўловлар алоҳида лойиҳалар бўйича тушумлардан эмас, балки юқорида кўрсатилган ташкилотлар бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

3.5 Банкнинг халқаро кредит ташкилотларига нисбатан талаблари, шунингдек, бу ташкилотлар томонидан кафолатланган банк активлари;

3.6 Жорий бозор қийматида баҳоланган ва халқаро кредит ташкилотлари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар билан таъминланган активлар ва уларнинг қисмлари;

3.7 Банкнинг ИХТТга аъзо бўлмаган мамлакатларнинг миллий валюталарига деноминация қилинган ва миллий валютадаги мажбуриятлар билан қопланган, ИХТТга аъзо бўлмаган давлатлар Марказий Ҳукуматлари ва марказий банкларига нисбатан талаблари. Миллий валютага деноминация қилинмаган ва миллий валютада молиялаштириш суммасидан ошиб кетган активлар қисми риск даражаси юқори (100 фоиз) бўлган активлар қаторига киритилади.

IV. Тижорат банкларининг 100 % риск даражасига эга бўлган активларига қуйидагилар киради:

4.1. Корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар;

4.2. Мижозларга берилган кредитлар;

4.3. Асосий воситалар;

4.4. Бошқа активлар.

Қуйидаги балансдан ташқари активлар юқори рискли, яъни риск даражаси 100 фоизга тенг бўлган активлар ҳисобланади:

4.5. Банк томонидан мижозларнинг фойдасига очилган таъминланмаган аккредитивлар;

4.6. Банк томонидан берилган кафолатлар;

4.7. Форвард трансакциялари;

4.8. Банк томонидан берилган опционлар ва фьючерслар.

Базел-1 тизимида биноан риск даражасини ўлчаш стандарт коэффициентлари активларнинг кенг тоифаларига, чунончи: давлат (суверен), банк ва корпоратив активларга берилади. Масалан, корпоратив рискни қоплаш учун қарз олувчининг кредит сифатидан қатъи назар

капиталга 8% (яъни рискни ўлчаш коэффициентининг 100% бўлган ҳолда) миқдорида ажратмалар қилиш назарда тутилади.

§ 6.2. Тижорат банклари рискли активларини бошқариш усуллари

Тижорат банклари рискли активлари ичида асосий ўринни кредитлар эгаллайди. Шу сабабли, кредит портфелини бошқариш рискли активларни бошқариш тизимида муҳим, ўзига хос ўрин эгаллайди.

Тижорат банкининг кредит портфели – бу банк томонидан берилган ва ҳали қайтарилмаган барча кредитларнинг йиғиндисидир.

Кредит портфелига муддати ўтган кредитлар ҳам, шарти қайта кўриб чиқилган кредитлар ҳам, суд жараёнидаги кредитлар ҳам киради.

Кредит портфелининг сифат кўрсаткичлари:

I. Муддати ўтган кредитларнинг нормал даражаси:

(Муддати ўтган кредитлар: Брутто кредитлар) $\times 100\%$

Агар ушбу кўрсаткичнинг даражаси 3 фоиздан ошмаса, у ҳолда кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг даражаси нормал ҳисобланади.

II. Муддати ўтган кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси:

(Муддати ўтган кредитлар: Брутто кредитлар) $\times 100\%$

Ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражаси 5 фоизни ташкил этади. Агар бу кўрсаткич 5 фоиздан ошса, банк кредит портфелининг сифати қониқарсиз деб ҳисобланади.

Шу сабабли, Германия ва Франция банкларида ушбу кўрсаткич 5 фоизга етиши билан унинг 2,0-2,5% банкнинг балансидан ўчирилади.

III. Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳира ажратмалари даражаси:

(ЗАС : БАЎС) $\times 100\%$

Бу ерда:

ЗАС – заҳира ажратмалари суммаси

БАЎС – банк активларининг ўртача суммаси

Ушбу кўрсаткичнинг юқори меъёрий даражаси 1,0 фоизни ташкил этади.

IV. 1 сўмлик кредит қуйилмасига тўғри келадиган даромад даражаси:
(КОФДС : КҚС) x 100%


Бу ерда:

КОФДС – кредитлардан олинган фоизли даромадлар суммаси

КҚС – кредит қуйилмалари суммаси.

Халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг кредит эмиссияси даражасини баҳолашда кредитларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан даражаси кўрсаткичидан кенг фойдаланилади. Қуйидаги расм маълумотлари орқали республикамиз тижорат банклари кредит эмиссиясининг даражасига баҳо берамиз

(6.2.1-расм).



6.2. 1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан даражаси, фоизда
(www.cbu.uz). (2017 йил 36.5, 2018 йил 41.1)¹³

6.2.1-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг ЯИМга нисбатан салмоғининг 14.7 бандга ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса,

¹³ ЎР МБ расмий сайти маълумотлари асосида (www.cbu.uz).

тижорат банкларининг кредит эмиссияси кўламини тобора кенгайиб бораётганлигидан далолат беради.

2017 йилда тижорат банклари кредитларининг ЯИМга нисбатан салмоғининг 2016 йилга нисбатан кескин ошганлиги 2017 йил сентябр ойида миллий валютанинг АҚШ доллариға нисбатан алмашув курсининг кескин пасайганлиги натижасида доллардаги кредитларни сўмдаги қийматини ошганлиги билан изоҳланади (валюта сиёсатини либераллаштирилиши муносабати билан).

Шуниси аҳамиятлики, тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини кўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида тижорат банкларининг кредит портфелини шакллантириш жараёнларига вазирликлар ва идораларнинг, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг раҳбарларини аралашувига йўл кўйилмаслиги белгилаб қўйилган.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, 2009 йилнинг сентябр ойдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира ставкаларини табақалаштирилиши тижорат банкларининг кредитлаш салоҳиятини оширишда муҳим рол ўйнади.

Таъкидлаш жоизки, республикамиз тижорат банкларининг капиталлашиш даражасининг ошиб бораётганлиги, депозитлари миқдорининг кўпаяётганлиги улар томонидан берилаётган кредитлар ҳажмининг оширишга имкон бермоқда (6.2.1-жадвал).

6.2. 1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг регулятив капиталли, депозитлари ва кредитлари ҳажми, трлн. сўмда.¹⁴

Кўрсаткич номи	Йиллар	2018 йилда 2012 йилга нисбатан
-------------------	--------	--------------------------------------

¹⁴ ЎР МБ нинг Статистик бюлетени-2018 йил

								ўзгариши, марта
	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	
Регулятив капитал	6,2	6,5	6,9	7,8	9,4	20,0	24,2	3,9
Депозитлар	22,9	26,1	28,5	35,6	44,6	59,6	70,0	3,1
Кредитлар	20,4	26,5	34,8	42,7	53,4	108,5	164,7	8,1

6.2.1-жадвалда келтирилган маълумотлар кўрсатадики, 2012-2018 йилларда республикамиз тижорат банкларининг регулятив капитали ва депозитлари ҳажмининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бунинг устига, 2018 йилда мазкур кўрсаткичларнинг 2012 йилга нисбатан юқори даражадаги ўсиш суръатлари кузатилган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур даврда кредитлар ҳажмини юқори суръатларда ўсишини таъминлаш имконини берган.

Тижорат банкларининг кредитларини бошқаришда асосий эътибор кредит портфелининг риск даражасини пасайтиришга ва риск даражасининг ошиб кетишининг олдини олишга қаратилади.

V. Тижорат банклари кредит портфелининг риск даражасини ошиб кетишининг олдини олишнинг синалган, ишончли йўли бўлиб, кредит портфелининг диверсификация даражасини таъминлаш ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг кредит портфелини кредитларнинг тармоқ хусусиятига кўра диверсификация қилиш кенг қўлланилади. Бунда меъёрий мезон сифатида 25% олинган. Яъни, тижорат банки томонидан берилган жами кредитларнинг 25 фоиздан ортиқ қисми битта тармоқда тўпланиб қолмаслиги керак.

VI. Шунингдек, тижорат банкларининг кредитларини бошқаришда таснифланган кредитлар таркибини яхшилаш усулидан ҳам фойдаланилади.

Бунда асосий эътибор таснифланган кредитлар таркибида шубҳали ва умидсиз кредитлар салмоғини пасайтириш ҳисобидан яхши ва стандарт кредитлар салмоғини оширишга қаратилади.

Республикамизда тўловларнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилаётган ҳозирги шароитда давлат солиқ хизматиға солиштириш далолатномасисиз инкассо қўйиш ва солиқ тўловларини аванс тариқасида ундириш ҳуқуқининг берилганлигининг тижорат банклари томонидан берилган кредитларни ўз вақтида ундиришга тўсқинлик қилаётганлиги бу борадаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига берилган хорижий валюталардаги кредитларнинг қайтмаслиги муаммоси ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзияев таъкидлаганидек, “ҳалқаро молия институтларининг кредитлари, айниқса, лойиҳалар буюртмачилари бўлмиш Республика йўл жамғармаси ва “Ўзкоммунхизмат” агентлиги томонидан самарасиз ишлатилмоқда. Чунки уларнинг фаолиятида тизим, назорат ва маъсулият йўқ”¹⁵.

Ҳақиқатдан ҳам, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги хатоликлар, суистеъмолликлар тижорат банклари фаолиятига ва банк инфратузилмасига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2017 йилнинг 5 сентябридан бошлаб амалга оширилган валюта сиёсатини либераллаштириш банклар фаолияти ва банк инфратузилмасига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирди.

2017 йилнинг 5 сентябридан бошлаб, валюта сиёсатини либераллаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси 8100,00 сўм қилиб белгиланди. Бу эса, бунгача амал қилган алмашув курсидан қарийб икки баробар юқоридир. Натижада, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг импортни тўлаш ва хорижий валюталардан олинган банк кредитларини қайтариш билан боғлиқ бўлган харажатларини кескин ошишига олиб келди.

¹⁵Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 28-бет.

Оқибатда, импорт ҳажмини қисқариши ва хорижий валютадаги кредитларни қайтара олмаслик эҳтимоли кучайди.

VII. Тижорат банкларининг юқори рискли активларининг иккинчи тури бўлиб, корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳисобланади.

Корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг риск даражасини пасайтиришнинг асосий усули бўлиб, қимматли қоғозлар портфелини диверсификация қилиш ҳисобланади.

Қисқача хулосалар

Базел стандартида халқаро банк амалиётида рискли активларни бошқариш учун тижорат банкларининг активлари тўрт риск даражаси бўйича рискка тортилди: 0 % риск даражасига эга бўлган активлар; 20 % риск даражасига эга бўлган активлар; 50 % риск даражасига эга бўлган активлар; 100 % риск даражасига эга бўлган активлар.

Тижорат банклари рискли активлари ичида асосий ўринни кредитлар эгаллайди. Шу сабабли, кредит портфелини бошқариш рискли активларни бошқариш тизимида муҳим, ўзига хос ўрин эгаллайди.

Тижорат банклари кредит портфелининг риск даражасини ошиб кетишининг олдини олишнинг синалган, ишончли йўли бўлиб, кредит портфелининг диверсификация даражасини таъминлаш ҳисобланади.

Шунингдек, тижорат банкларининг кредитларини бошқаришда таснифланган кредитлар таркибини яхшилаш усулидан ҳам фойдаланилади.

Бунда асосий эътибор таснифланган кредитлар таркибида шубҳали ва умидсиз кредитлар салмоғини пасайтириш ҳисобидан яхши ва стандарт кредитлар салмоғини оширишга қаратилади.

Тижорат банкларининг юқори рискли активларининг иккинчи тури бўлиб, корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳисобланади.

Таянч сўз ва иборалар

Ноль фоизли риск, риск даражаси, Эллик фоиз риск, рискли активлар, захира ажратмалар, кредит портфелини диверсификацияси, кредит портфели, диверсификацияси.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тижорат банклари активларини риск даражаларига кўра туркумланиши.
2. Банк кредит портфелининг сифат курсаткичлари.
3. Тижорат банклари рискли активларини бошқариш усуллари.
4. Тижорат банклари фаолиятидаги рискларнинг даражаларига таъсир килувчи ички ва ташқи омиллар.

7-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ СИЁСАТИ

§ 7.1. Банкнинг кредит сиёсати ва унга қўйиладиган талаблар

§ 7.2. Тижорат банкларини кредит сиёсатини мезонлари

§ 7.3. Тижорат банклари кредит сиёсатида кредитларни даромадлилигини ошириш, уларни риск даражасини бошқаришга қўйиладиган талаблар

§ 7.4. Кредит сиёсатида кредитларни гаров таъминотига қўйиладиган талаблар

§ 7.1. Банкнинг кредит сиёсати ва унга қўйиладиган талаблар

Банкни кредит сиёсати - кредитлаш жараёнида юзага келувчи таввакалчиликни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти билан ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Кредитлаш банк ишининг ўзаги бўлиб, унинг сифатига қараб банкнинг фаолияти тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Иқтисодчилар томонидан жаҳон банкларининг сениши (банкротликка учраши) сабабларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, банкларнинг сенишига сабаб — банк активлари сифатини (энг аввало кредитларни)

пастлигидир. Кредитнинг сифати кредитлаш жараёнини бошқаришга боғлиқ бўлиб қуйидаги асосий элементлардан иборат бўлади:

- тижорат банкида мукамал ишлаб чиқилган кредит сиёсати, кредитлаштириш жараёнини мавжудлиги;
- кредит портфелини оптимал бошқаришни йўлга қўйилганлиги;
- кредитларни мунтазам назорат қилишни ташкил қилинганлиги;
- банк тизимида ишлайдиган ходимларни тайёргарлик даражаси.

“Кредит сиёсати” хужжати кредитларни бошқариш жараёнини пойдеворини ташкил этади. Тижорат банки томонидан ишлаб чиқилган ва ёзма равишда қайд этилган “Кредит сиёсати” кредитларни оқилона бошқаришни самарали йўлларида бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу хужжат банкни кредитлаштириш фаолиятини андозалари ва параметрларини белгилаб беради. Ушбу белгиланган стандартлар ва параметрларда кредит бериш, қарзларни хужжатлаштириш ва бошқариш бўйича маъсулиятли бўлган банк хизматчилари қўлланма сифатида фойдаланишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инфлацион тарегетлаш режимида босқичма босқич ўтиш орқали пул кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 18 ноябр ПФ 5877 сонли фармонида 2020 йилнинг 1 январига қадар пул бозори фоиз ставкаларига таъсир кўрсатувчи бозор инструментлари, шу жумладан Марказий банк облигациялари, овернайт депозитлар, доимий тусдаги депозит аукционлари, давлат қимматли қоғозлари ва хорижий валюта гарови остида кредит аукционлари ва овернийт кредитлари”ни жорий этишни чора тадбирларини кўрсатишни таъминлашни юклатилган.

Тижорат банкларини кредит сиёсати кредит менежментини самарали олиб боришни асоси бўлиб ҳисобланади. Бу сиёсат банк ходимларини кредит бериш, банкни кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ, объектив стандартларини ва мезонларини аниқлаб беради. Кредит сиёсатини тўғри тузиш ва олиб бориш, барча бўлимлар томонидан бу сиёсатни мақсадини аниқ тушинилиши банк бошқарувига кредит стандартларини тўғри олиб

боришига, юқори рисклардан қочишга, банк имкониятларини тўғри аниқлашга асос ҳисобланади.

Яхши ишлаб чиқилган кредит сиёсати кредит рискинни бошқариш ва уни камайтиришга (қулай) яхши имкон беради.

Кредит сиёсатини зарурлиги шундаки, банкни катта ёки кичиклигидан, унда кам ёки кўп ходим ишлашидан қатъий назар, банкда бу сиёсат бўлиши лозим. Чунки бу сиёсат кредит бўйича унифицирлашган умумий қоида ва таъминларни бажарилишини, операциялар бажарилишини кетма-кетлигини таъминлайди. Банкни кредит сиёсати банкни ҳамма ходимлари – кичик ходимдан ёки банк бошқаруви раисигача бир хил бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам кредит сиёсатини олдиндан белгилаб олинган қоида ва ечимлар тўплами дейилади.

Кредитлаш сиёсати ва унинг самарадорлиги тўғри кредит нархлари белгиланган шароитда муваффақиятли бўлиши мумкин.

Кредит сиёсатини самарали олиб боришда банк ходимлари банк мижозларини маблағларини кимларга фойдаланишга бериш мумкинлигини аниқ билиши лозим.

Банк қандай кредитлар, қанча миқдорда, кимга, қайси шароитлар билан берилишини ҳал қилиши зарур. Бизнеснинг шундай турлари борки, банк кредит бера туриб улар бўйича қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир фаолият риск билан боғлиқ эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Банкни кредит сиёсати уни фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хавфли ҳолатларни олдини олишга, бунинг учун депозитлар ва кредитлар ўртасидаги нисбатни, банк мажбуриятлари билан капитали ўртасидаги ва бошқа кўрсаткичларни меъёрида бўлишини тақазо этади. Оқилона кредит сиёсати бериладиган кредитларни сифатини оширади. Шунинг учун кредит сиёсатини асосий мақсади бошқарув жараёни, фондларни етарлилиги, рискларни сифат даражаси бўйича туркумлашуви, кредит портфелини баланси, мажбуриятларни таркибий қисмларини ажратиш каби элементларини ўз ичига олмоғи лозим.

Банк кредит сиёсатини мазмуни қуйидагилардан иборат:

- ✓ Банк кредит портфелини аниқлаш ва шакллантириш (кредит турлари, қоплаш муддатлари, миқдори, сифати ва бошқалар) масалалари;
- ✓ Банк раискининг кредит фаолияти учун жавоб берадиган ўринбосар, кредит қўмитаси раиси ва кредит инспекторига юкланган ваколатлар рўйхати (энг кўп кредит суммаси ва турлари);
- ✓ Банкни кредит бериш соҳасидаги ҳуқуқлари ва ахборот тақдим этиш бўйича жами мажбуриятлари;
- ✓ Кредитлар бўйича аризаларни текшириш ва тегишли қарор чиқариш баёни;
- ✓ Кредит аризасига илова қилинадиган зарурий ҳужжатлар ва кредит ишида талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати (қарздорнинг молиявий ҳисоботи, кредит шартномаси, гаров, кафолат ҳақида шартнома ва бошқалар);
- ✓ Кредит ҳужжатларини сақланиши ва текширилиши учун маъсул ходимнинг жавобгарлиги, (ким ва қандай ҳолатда уларни олиш ҳуқуқи);
- ✓ Кредитни таъминланганлиги ва уни қабул қилиш, баҳолаш ва амалга оширишни асосий тартиби;
- ✓ Барча кредитларни сифатини белгилайдиган меъёрлар баёни;
- ✓ Энг юқори кредит имтиёзларини белгилаш ва кўрсатиш (яъни кредит суммалари ва банк ялпи активларига энг юқори нисбати);
- ✓ Банк хизмат кўрсатадиган минтақа, кредит қўйилмаларини асосий қисми, жорий этиладиган тармоқ, соҳаси ёки секторлари;
- ✓ Муаммоли кредитлар таркиби ва таҳлили.

Қолган ҳужжатларда таъқиқланадиган ёки номақбул кредит турлари тавсифланади.

Кредит сиёсати малакали тузилиб, банк раҳбаридан тортиб операторгача барча даражаларда меъёрида амалга оширилса, бу банк раҳбариятига тўғри қарорлар чиқариш, ортиқча рисклардан холос бўлиш, банк кредитларини тўғри баҳолаш имкониятини беради.

Банкни кредит сиёсати банк ресурслари, уларни жойлаштирилиш билан чамбарчас боғлиқ. Банк ресурсларини асосий қисмини жалб қилинган маблағлар, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни депозитларидан ташкил топади. Шунингдек, ҳозирги кунда жалб қилинган ресурслар ичида банклараро кредит ҳам алоҳида ўрини эгаллайди. Депозитлар бўйича белгиланган фоиз ставкалари, ҳамда бошқа банкдан олинган кредит учун фоиз ставкалари банк томонидан бериладиган кредитни фоиз ставкалари билан боғлиқ бўлади. Кредит сиёсатини аниқ ва мукамал тайёрлаш ва изоҳлаш ҳар бир банк учун кредитлаш жараёнини ижобий ташкил этиш учун асос бўлиб хисобланади. Банк томонидан тўпланган ресурсларни тўғри ва оқилона жойлаштириш банкнинг кредит сиёсатини сифатига боғлиқ бўлади. Кредит сиёсати сифатига ва ҳолатига қараб банк жалб қилган ресурсларини тўғри жойлаштириш ва олдиндан кўзланган даромад олиш имкониятини беради.

§ 7.2. Тижорат банкларни кредит сиёсатини мезонлари

Ҳар қандай тижорат банкнинг кредит сиёсатини асосий мақсади куйидагилардан иборат бўлади: кредит қўйилмалари ҳажмини ўсишини, rischi юқори бўлган операцияларни одилона диверсификациясини, ўрта ва узоқ муддатли кредит қўйилмалар ҳажмини кўпайтирилишини ва уларнинг самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган бўлади. Шунингдек, кредит сиёсати инвестицион кредитлар салмоғини ошириш, имкон даражада иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш каби асосий йўналишларни ҳам ўз ичига қамраб олиши лозим.

Кредит сиёсати банкнинг ўзига хос “кредит манбаи”ни яратади ва у банк фаолияти ёмонлашганда ҳамда кредит ваколатлари ва мажбуриятлари ўзгарганда банкнинг ҳуқуқни сақлаб қолиш учун катта аҳамият касб этади. Қатъий кредит сиёсат асосида берилган банк кредитлари умумий кредитлаш фаолиятини ривожланиши ва кредитларни самарали ишлаши учун замин яратади. Банкни кредит сиёсати қоидаларига риоя этишни асосий

мақсадлари: фойда олишни таъминлаш, рискларни бошқариш банк фаолияти меъёрларига риоя этишга эришиш имконини беради.

Барча талаблар даражасида ишлаб чиқилган кредит сиёсатга риоя этиш банк ссуда портфелини сифатли бошқариш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида, унинг қарздорлари ва аксиядорлари фойдасини кўпайтиради ва фаравонлигини оширади.

Тижорат банкини кредит сиёсатида кредит портфелини бошқаришнинг асосий йўналишлари қилиб қуйидагилар белгилаб олинади:

- кредит рисклари даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва бартараф этиш;
- қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини ва унинг молиявий аҳволини аниқлаш кредит рискин башорат қилиш;
- муамммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш ва уларни сўндириш чораларини ишлаб чиқиш;
- кредит қўйилмаларини диверсификация қилиш, уларни ликвидлилигини ва даромадлилигини таъминлаш;
- кредит олган мижоз билан доимо алоқада бўлиб туриш;
- кичик ва ўрта тадбиркорликни, деҳқон ва фермер хўжаликларни молиявий қўллаб қувватлаш.

Банк томонидан, хўжалик субъектларини айланма маблағлари етишмаслиги, мавжуд маблағларни меъёридан ортиқча тайёр маҳсулот қолдиқларига жалб қилиниши, маблағларни тайёр маҳсулот сифатида қотириб қўйиш сабабларини ўрганиб бориши, зарарга ишлаётган ва банкротлик аломатлари кўзга ташланаётган хўжалик субъектларининг молиявий аҳволини доимий мониторингини ташкил қилиш банк кредит сиёсатини устувор йўналишлари бўлиб ҳисобланади.

Кредит сиёсатида банк томонидан бериладиган кредитлар тоифаси ва турларини аниқлаш ва белгилаши лозим. Масалан, кредитлаш соҳалари бўйича: тижорат фаолияти, саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қўйилмаларни молиялаштириш ва бошқа тармоқларга кредит бериш, кредит турлари

бўйича: “кредит линияларини очиб ва очмай” кредитлаш ёки кредитлашнинг бошқа усулларини қўллашни белгилаб бериши мумкин.

Кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим, кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида рахбариятни хабардор қилиши лозим. Қарздор ёки гаровчининг аҳволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун жуда муҳимдир.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича “тўловсизлик” тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек, банк бошқаруви ва Кенгашини тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичга олиши лозим. Кредит сиёсатида қарзларни қайтаришга доир изчил, босқичма-босқич чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилиш керак. Рахбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзоларига юклатилган. Одатда тижорат банкини кредит сиёсатини йўналишлари қуйидагилардан ташкил топади:

- банкни ўрни ва обрўсини молиявий-борқарор банклар сингари яхшилаш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нормативларига мувофиқ даражада ўз капиталининг етарлилигини таъминлаш;
- банкни самарадорлиги ва барқарорлигини қўллаб-қувватлаган ҳолда уни даромадларини максималлашувини таъминловчи аниқ кредит ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;
- стратегик жиҳатдан муҳим бўлган шаҳар туманларида янги омонат кассаларини очиш билан боғлиқ бўлган банк тармоғини кенгайтириш.

Кредитлаш жараёнида банк сиёсати банк олдидаги мажбуриятларни бажара оладиган янги мижозларни кредит ресурслари билан таъминлаш, юқори сифат даражасидаги кредитларни тақдим этишни кенгайтириш ҳисобланади. Тижорат банки фойдалилигини ҳисобга олган ҳолда халқаро

стандартлар миқёсида миждозларга сифатли кредит хизматини тақдим этишга эришилади. Шунинг учун банк кредит сиёсатини асосий тамойилларига қуйидагилар киритилган:

- ✓ кредитлаш тўғрисида қарорлар қабул қилишни барча даражалари бўйича жавобгарликни тақсимлаш;
- ✓ банк томонидан амалга ошириладиган кредит операциялари учун аниқ белгиланган шартларнинг мавжудлиги;
- ✓ махсус кредитлаш тамойиллари – муддатлилик, тўловлилик, қайтариб беришлилик, таъминланганлик ва рентабеллик асосида бериладиган кредитларни назорат қилиш;
- ✓ банк бошқарувини умумий сиёсати билан махсус фаолият йўналишлари сиёсати (яъни депозитлар бўйича, инвестиция бўйича, активлар ва пасивларни бошқариш бўйича ва ҳоказо)нинг узвий боғлиқлиги.

§ 7.3. Тижорат банклари кредит сиёсатида кредитларни даромадлилигини ошириш, уларни риск даражасини бошқаришга қўйиладиган талаблар

Тижорат банкларини кредит сиёсатида кредитларни даромадлилигини ошириш ва уларни риск даражасини бошқаришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Кредитларни даромадлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар ва уларни прогноз даражалари кредит сиёсатида аниқ кўрсатилиши керак.

Тижорат банклари кредитларинин даромадлилигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади:

1. Хар бир сўмлик кредит қуйилмасига тўғри келадиган даромад даражаси.

Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун кредитлардан олинган фоизли даромадлар суммаси кредит қуйилмалари суммасига бўлинади ва олинган натижа 100 фоизга қўпайтирилади.

Шуниси характерлики, ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасини мавжуд эмаслиги. Шу сабабли, уни баҳолаш учун молиявий таҳлилнинг қиёсий таҳлили усулидан фойдаланилади. Ушбу усулдан фойдаланганда, биринчидан, ҳар 1 сўмлик кредит қуйилмасига тўғри келадиган даромад даражаси бошқа банкларнинг шу кўрсаткичи билан таққосланади; иккинчидан, ушбу кўрсаткичнинг жорий даврдаги даражаси олдинги даврлардаги даражалари билан таққосланади.

2. Тижорат банклари кредит қуйилмаларини ўсиш суръати билан кредитлардан олинган фоизли даромадларни ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблик кўрсаткичи.

Мазкур кўрсаткичдан фойдаланган ҳолда, тижорат банклари кредит қуйилмаларини ўсиш суръати билан кредитлардан олинган фоизли даромадларни ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун кредит қуйилмаларини ўсиш суръати билан кредитлардан олинган фоизли даромадларни ўсиш суръати ҳар бири таҳлил даври учун таққосланади. Агар кредит қуйилмаларини ўсиш суръати кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ўсиш суръатидан баланд бўлса, мазкур иккала кўрсаткич ўртасидаги мутаносиблик таъминланмаган ҳисобланади.

3. Кредитлардан олинган фоизли даромадларни тижорат банки ялпи даромади ҳажмидаги салмоғини ўзгариши.

Кредитлар тижорат банклари активларини умумий ҳажмида энг юқори салмоқни эгаллайди. Шу сабабли, кредитлардан олинган фоизли даромадларни тижорат банки ялпи даромади ҳажмидаги салмоғи ҳам юқори бўлиши лозим.

Одатда, кредитлардан олинган фоизли даромадларни тижорат банки ялпи даромади ҳажмидаги салмоғи кредитларни брутто активлар ҳажмидаги салмоғига мутаносиб бўлиши шарт.

Кредитлардан олинган фоизли даромадлар миқдорини қисқа муддатли даврий оралиқларда кескин тарзда ўсиши ижобий ҳолат сифатида баҳоланмайди. Чунки, мазкур даромадларни кескин ўсиши кредитларни фоиз

ставкаларини ёки кредит қўйилмаларини юқори суръатларда ўсиши натижасида ҳосил бўлади.

Тижорат банкларини Кредит сиёсатида кредитларни даромадлилик даражасини таъминлаш масаласи кредитларни риск даражасини бошқариш масаласи билан бирга кўриб чиқилади.

Кредитларни риск даражаси ва даромадлилиги ўртасида тўғри муносиблик мавжуд. Яъни, кредитни фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса, унинг риск даражаси шунчалик юқори бўлади.

Кредит сиёсатида кредит рискин баҳолаш мезонлари ва бошқариш усуллари ўзини аниқ ифодасини топган бўлиши керак.

Халқаро банк амалиётида кредит риски даражасига баҳо бериш учун қуйидаги уч кўрсаткичдан кенг фойдаланилмоқда:

1. Муддати ўтган кредитларни брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи.

Ушбу кўрсаткични юқори меъёрий даражаси 3% қилиб белгиланган.

Агар муддати ўтган кредитларни брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 3 фоиздан ошмаса, у ҳолда, берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик меъёрий ҳисобланади.

2. Муддати ўтган кредитларни йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси.

Ушбу кўрсаткични юқори меъёрий даражаси 5% қилиб белгиланган.

3. Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси.

Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари суммаси тижорат банки активларини ўртача суммасига бўлинади.

Мазкур кўрсаткични юқори меъёрий даражаси қилиб 1% белгиланган.

Республикамыз тижорат банкларини кредитлаш амалиётидаги айрим муаммоларни мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Хусусан, мамлакатимиз банк тизимида кредитлаш шаклларида тўлақонли тарзда фойдаланилмаётганлиги, миқдорларни кредитга лаёқатлилиги баҳолаш тизимида сезиларли

камчиликларни мавжудлиги, тижорат банклари кредит сиёсатини тадқиқот қилишини, кредит сиёсати асосида кредитлаш жараёнини олиб бориш асосларини ўрганишини, кредит риси ва уни бошқариш, кредитлаш жараёнидаги бошқа мавжуд камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўллари асосда қўллаган ҳолда банклар томонидан бериладиган кредитларни самарадорлигини ошириш мумкинлигини тақозо этади .

Иккинчи гуруҳга, кредитлаш жараёнида миқдори кредитга лаёқатлилигини аниқлашдаги ташкилий ва иқтисодий муаммоларни киритиш мумкин. Ташкилий муаммоларга кредит олувчини кредитга лаёқатлилигини аниқлашда кредит таъминотининг объекти ва унинг ликвидлилигини аниқлашдаги муаммоларни киритиш мумкин. Аксарият ҳолатларда банк мутахассислари миқдори тўловга қодирлигини кредит таъминотини мавжудлигини инобатга олади. Бироқ, кредит таъминотини кредитни қайтишини асосий омили эканлилигини инобатга олмайдилар ва уни ликвидлилигини кредит муддатига нисбатан аниқламайдилар. Натижада миқдор кредитни қайтара олмаса банк томонидан кредит таъминотини мусодара қилиниши тижорат банки учун ўзига хос унумсиз сарфларни келтириб чиқаради.

Ушбу муаммолар натижасида тижорат банкларини кредитлар ҳисобидан олинган даромадларни тушишига, даромадни пасайиши натижасида банк ликвидлилигига салбий таъсир қилиши, муаммоли кредитларни қўпайиши натижасида тижорат банкни носоғлом банк мақомини олишига ҳам олиб келади.

§ 7.4. Кредит сиёсатида кредитларни гаров таъминотига қўйиладиган талаблар

Кредит сиёсатида кредитларни гаров таъминотига қўйилган талаблар ҳамда бериладиган кредит суммаси ва гаров объектини қиймати ўртасидаги маржинал қиймат аниқ акс эттирилган бўлиши керак.

1.Қимматли қоғозлар гарови.

Қимматли қоғозларни гаровга олишда уларнинг барча реквизитлари шартномада қайд қилиниши лозим (эмитент, нархи, чиқарилган вақти ва бошқалар).

Агар, гаровга қўйиладиган қимматли қоғозлар нақд шаклда бўлса, гаровга қўйилган қимматли қоғозларни сақлаш учун банкка топширилади, нақдсиз шаклда бўлган қимматли қоғозлар банкни депозитариядаги “Депозит” ҳисобварағига ўтказилади.

Гаров сифатида қабул қилинган қимматли қоғозлар кредит бўйича фоизлари ва кредитни асосий суммаси тўлиқ сўндирилгандан сўнг қайтарилади. Кредитни қайтмаган қисми бўлса, гаровга олинган қимматли қоғозларни қисман қайтариб берилишига йўл қўйилмайди.

Қимматли қоғозларни гаровга олишда, агарда банк уни гаровга қўйиш ҳуқуқига шубҳа қилмаса, шартномани нотариал тасдиқламасдан расмийлаштирилиши мумкин.

Қимматли қоғозларни гаров объекти ҳолатидаги сифат мезонлари:

1. Осон сотилиши.
2. Эмитентни молиявий ҳолати.

Ушбу мезонлардан келиб чиққан ҳолда, қимматли қоғозлар қуйидаги маржинал қийматда гаровга олинади:

- давлат қимматли қоғозлари – 95 фоизгача;
- корхоналарнинг акциялари – 80-85%;
- тижорат векселлари – 75-80%.

2. Қимматбаҳо буюмлар гарови.

Қимматбаҳо буюмлар (тақинчоқлар) гаровга олинишида бундай бойликлар сифати ва ҳақиқийлиги бўйича экспертиза қилиниши ҳамда баҳолаш ҳуқуқига эга бўлган ташкилот томонидан баҳолаш хулосаси асосида гаровга олиниши мумкин.

Қимматбаҳо буюмлар умумий мулк (масалан, оила мулки) ҳисобланиши мумкин бўлган ҳолларда бу шартнома нотариал тасдиқланиши шарт.

3.Гаров объектини баҳолаш.

1. Гаров объекти бозор баҳосида баҳоланиши керак.

Аммо банк гаров объектини сотаётганда унинг бозор баҳоси ўзгариши мумкин. Ёки бозор баҳосида сотиб оладиган харидор топилмайди. Натижада банк гаров объектини бозор баҳосидан паст нархда сотишга мажбур бўлади.

2. Гаров объекти даврий равишда қайта баҳоланиб туриши лозим.

3. Гаров объекти қийматини баҳолаш тегишли малакага эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилиши керак.

4. Гаровни баҳолашда уни баҳолаш ва сотиш харажатлари ҳисобга олинishi керак.

4.Кўчмас мулкни баҳолаш усуллари.

4.1. Харажат усулида ер участкасини сотиб олиш ва келгусида амалга ошириладиган қурилиш харажатлари ҳисобга олинади. Бунда инвестор оладиган даромад миқдори ҳам ҳисобга олинади. Аниқланган қийматдан эскириш суммаси айириб ташланади.

4.2. Бозор усулида кучмас мулкни бозорда сотилиш баҳоси ҳисобга олинади. Лекин бунда бозор баҳосига ўзгартиришлар киритилади. Чунки, биринчидан, бир-бирига 100% ўхшайдиган объектлар жуда кам; иккинчидан, мулкни ҳақиқий бозор баҳосини фақат уни сотганда билиш мумкин.

4.3. Даромад усулида ушбу кучмас мулкни келгусида фойдаланиш натижасида олинadиган соф даромад миқдори ҳисобга олинади.

Ушбу усулдан фойдаланишда қуйидаги маълумотларга эътибор қаратилади:

- худди шундай объектни ижарага беришдан олинаётган даромад;
- объектни бекор туриб қолиши натижасида кўриладиган йўқотишлар;
- объектни бошқа мақсадларда ишлатиш натижасида олинadиган даромадлар.

5. Кафолат хати ва суғурта полиси.

Банк ажратилган кредитнинг қисман ёки тўлиғича қайтарилмаслигини олдини олиш юзасидан тўлов қобилиятига эга бўлган молиявий барқарор

суғурта компанияларини суғурта полисини қабул қилиши мумкин. Банк, Қарздор ва Суғурта компанияси ўртасида тузилган Суғурта шартномасида кредит қайтарилмаган тақдирда Суғурта компаниясини мажбуриятлари аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Бундан ташқари, қарздор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини ҳамда тўлов қобилятига эга бўлган тижорат банки ва Суғурта компанияларини кредит қайтарилишини таъминловчи Кафолат хатини тақдим этиши мумкин. Тижорат банки томонидан тақдим этилган кафолат хати ушбу тижорат банкини Бошқарув раиси ёки у ваколат берган ўринбосарлари ҳамда бош муҳосиби томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши шарт. Агар, кафолат бериш ҳуқуқи филиал ваколатига берилган бўлса, у ҳолда бундай ваколат берувчи ҳужжат нусхаси билан филиал бошқарувчиси ва бош муҳосиби томонидан имзоланган ва муҳрланган кафолат хати қабул қилиниши мумкин.

Қисқача хулосалар

Банкни кредит сиёсати - кредитлаш жараёнида юзага келувчи таввакалчиликни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти билан ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Кредитлаш банк ишининг ўзаги бўлиб, унинг сифатига қараб банкнинг фаолияти тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

“Кредит сиёсати” ҳужжати кредитларни бошқариш жараёнини пойдеворини ташкил этади. Тижорат банки томонидан ишлаб чиқилган ва ёзма равишда қайд этилган “Кредит сиёсати” кредитларни оқилона бошқаришни самарали йўлларида бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳужжат банкни кредитлаштириш фаолиятини андозалари ва параметрларини белгилаб беради. Ушбу белгиланган стандартлар ва параметрларда кредит бериш, қарзларни ҳужжатлаштириш ва бошқариш бўйича маъсулиятли бўлган банк хизматчилари қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Кредит сиёсати малакали тузилиб, банк раҳбаридан тортиб операторгача барча даражаларда меъёрида амалга оширилса, бу банк раҳбариятига тўғри қарорлар чиқариш, ортиқча рисклардан ҳолос бўлиш, банк кредитларини тўғри баҳолаш имкониятини беради.

Банкни кредит сиёсати қоидаларига риоя этишни асосий мақсадлари: фойда олишни таъминлаш, рискларни бошқариш, банк фаолияти меъёрларига риоя этишга эришиш имконини беради.

Таянч сўз ва иборалар

Кредит сиёсати, кредитлаш, кредит портфели, андозалар, параметрлар, қарзларни ҳужжатлаштириш, кредит фаолиятини мақсади, кредит сиёсатини зарурлиги, кредит таъминоти, муаммоли кредит, кредит рисклари, кредитга лаёқатлилиқ, кафолат хати ва суғурта полиси.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Банкнинг кредит сиёсати тушунчаси.
2. Банк кредит сиёсатининг устувор йўналишлари.
3. Банкларнинг кредит сиёсатига қўйилган талаблар.
4. Тижорат банкларини кредит сиёсатининг мезонлари.
5. Тижорат банклари кредит сиёсатида кредитларнинг даромадлигини ошириш.
6. Банклари кредит сиёсатида кредитларнинг риск ва даромадлиқ даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш масалалари.
7. Тижорат банклари кредит портфелини диверсификация қилиш мезонлари.
8. Универсал ва ихтисослашган тижорат банклари кредит сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.
9. Кредит сиёсатида кредитларнинг гаров таъминотига қўйиладиган талаблар.

10. Кредит сиёсатида кредитларнинг мониторингига қўйиладиган талаблар.

11. Тижорат банклари кредит сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш.

8-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКИНИ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ БОШҚАРИШ

§ 8.1. Тижорат банкини кредит портфели тушунчаси ва уни ташкил этилиши

§ 8.2. Кредит портфелини сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар

§ 8.3. Кредит портфелини диверсификация қилиш зарурлиги

§ 8.4. Муаммоли ссудалар ва уларни бошқариш

§ 8.5. Кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасини ташкил қилиш тартиби

§ 8.6. Тижорат банкларини кредит портфелини бошқариш усуллари

§ 8.1. Тижорат банкини кредит портфели тушунчаси ва уни ташкил этилиши

Тижорат банкини кредит портфели – бу банк томонидан берилган ва ҳали қайтарилмаган барча кредитларни йиғиндисидир.

Кредит портфелига муддати ўтган кредитлар ҳам, шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар ҳам, суд жараёнидаги кредитлар ҳам кирази.

Тижорат банклари томонидан берилган барча кредитлар унинг кредит портфелида ўз ифодасини топади. Тижорат банклари ўз мижозларига турли қуринишдаги кредитлар бериши мумкин. Авваламбор, қарз олувчиларни асосий гуруҳлари бўйича:

- ✓ хўжаликка;
- ✓ аҳолига;
- ✓ ҳукуматга ва давлат органларига берилган кредитларга бўлинади.

Йўналиши бўйича кредитлар қуйидагича:

- ✓ истеъмол;
- ✓ саноат;
- ✓ савдо;
- ✓ кишлок хўжалиги;
- ✓ инвестицион;
- ✓ бюджет.

Кредитларни фойдаланиш муддатлари бўйича:

- ✓ киска муддатли;
- ✓ узок муддатли кредитларга бўлинади.

Микдори бўйича кредитлар:

- ✓ йирик;
- ✓ ўрта;
- ✓ кичик кредитларга бўлинади.

Таъминланганлик бўйича:

- ✓ таъминланмаган (ишончли) кредитлар;
- ✓ таъминланган кредитларга бўлинади.

Ўз навбатида, таъминланган кредитлар таъминланиш характериға кўра:

- ✓ гаровли;
- ✓ кафолатланган;
- ✓ суғурталанган кредитларга бўлинади.

Банк кредитларини мақсади бўйича:

- ✓ ипотека ссудалари;
- ✓ молиявий ташкилотларга берилган ссудалар;
- ✓ кишлок хўжалигига берилган ссудалар;
- ✓ савдо ва саноат корхоналарига берилган ссудалар;
- ✓ жисмоний шахсларга берилган ссудалар;
- ✓ бошқа ссудалар;
- ✓ лизингни молиялаштириш.

Бунда банк ўзининг кайси тармокка кўпроқ этибор беришиға караб, у ёки бу кредит улуши кредит портфелида кўпроқ бўлади. Бу унинг кредит

сийсатидан келиб чиқади.

Банк актив операциялари ичида кредит асосий ва банк даромадини катта қисми ҳам айнан шу кредит операциялари орқали келади. Шу сабабли банк кредит портфелини қандай шаклланиши банк фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. Банк яхши кредит портфелини шакллантириш ниятида экан, кредитлаш жараёнини тўғри ташкил қилиши зарур бўлади.

Биз юқорида турли кўринишдаги кредитларни кўрдик, бироқ конкрет банкларни кредит портфелини таркиби ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Банк кредит портфелини таркибини аниқловчи муҳим омиллардан бири бу айти банк хизмат кўрсатадиган бозор секторининг хусусиятидир.

Ҳар бир банк ўз бозор сегменти мижозларини қарз маблағларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиши керак. Масалан, банк шаҳар чеккасидаги уйлар ва кичик дўконларга эга, туманда жойлашган бўлса, асосий уй бинолари гарови остида, ипотека кредити, автомобил, уй жиҳозлари, умуман уй хужалигини юритиш учун харажатларни қоплашга кредит беради, аксинча катта шаҳарда офислар, катта универмаглар, саноат корхоналари орасидаги банклар, одатда ўз кредитларини асосан тижорат фирмаларига товар материаллар захираларини тўлдиришга, жиҳозлар сотиб олишга ва иш ҳақиға йўналтирадилар.

Албатта, банклар кредит бераётганларида ўзлари хизмат кўрсатаётган ҳудудларга тўлиқ боғлиқ бўлмайдилар. Керакли кредит маблағларини тўлиқ ёки қисман улар бошқа банклардан олишлари мумкин. Бу адолат агар банк хизмат қилаётган регион иқтисодий қийинчиликларга дуч келса, зарар куриш рискинни пасайтиради.

Банк миқёси ҳам унинг кредит портфелига таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади, айтикса, бир қарз олувчига бериладиган кредитни максимал миқдорини белгиловчи капитални ҳажми муҳимдир. Катта банклар, одатда улгуржи кредиторлар ҳисобланадилар, улар ўзларини кредитлари асосий миқдорини корпорациялар ва бошқа фирмаларга берадилар. Кичикроқ банкларни фаолияти эса фуқароларга кичик ссудалар,

уй гарови остида хусусий шахсларга кредитлар, фирма ва офис эгаларига кичик кредитлар шаклидаги якка ҳолдаги кредитларни беришга йўналтирадilar.

Бундан ташқари, кредит портфели таркибига кўра кредитлашни турли кўринишлари соҳасидаги менежерларни тажриба ва малакаси ҳамда ўз кредит инспекторларига маълум кўринишдаги кредитларни бермаслиги кўрсатилган банкни кредит сиёсати ҳам таъсир кўрсатади.

Кредит портфелини таркиби маълум даражада банкни кутилаётган даромадига ҳам боғлиқ. Чунки банк, одатда кутилаётган даромади максимал бўлган судаларни беришни маъқул кўради.

Тижорат банклари сифатли кредит портфелини шакллантириш учун авваламбор кредитлаш жараёнини тўғри ва сифатли олиб бориши зарур.

Кредитлаш жараёни бир неча тамойиллар орқали амалга оширилади:

- ◆ мақсадлилиқ;
- ◆ таъминланганлиқ;
- ◆ муддатлилиқ;
- ◆ қайтаришлиқ;
- ◆ тўловлилиқ.

Ушбу тамойиллар асосида кредит олмоқчи бўлган миждозларга кредит пакети таёрланади ва кредит олиш мумкин ёки мумкин эмаслиги таҳлил қилинади.

Яхлит олиб қаралганда, кредит сиёсати тижорат банкини ягона кредитлаш тизимини вужудга келтиради десак хато бўлмайди. Чунки бу сиёсат банк ўсган сари уни янгидан ташкил этиладиган бўлинма ва филиалларига банк фаолиятини, кредит ваколатларини, бурчларини тақсимоотида муҳим аҳамият касб этади. Аниқ бир сиёсатдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган кредит сиёсати банк кредити маданиятини умумий тараккиётини ўзагини кўрсатади.

§ 8.2. Кредит портфелини сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари кредит портфелини сифатини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси (ККЗҚМЗАД).

$$\text{ККЗҚМЗАД} = (\text{ЗАС} / \text{БАЎС}) \times 100\% \quad (1)$$

бу ерда:

ЗАС – захира ажратмалари суммаси;

БАЎС – банк активларининг ўртача суммаси.

Ушбу кўрсаткичнинг юқори меъёрий даражаси 1,0 фоизни ташкил этади.

Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси кўрсаткичини меъёрий даражадан юқори бўлиши тижорат банки таснифланган кредитлар таркибини ёмонлашганлигидан далолат беради.

2. Муддати ўтган кредитларни мўътадил даражаси (МЎКМД).

$$\text{МЎКМД} = (\text{МЎКС} / \text{БК}) \times 100\% \quad (2)$$

бу ерда:

МЎКС – муддати ўтган кредитларни ўртача суммаси;

БК – брутто кредитлар.

Мазкур кўрсаткични юқори меъёрий чегараси 3,0 фоиз қилиб белгиланган.

3. Муддати ўтган кредитларни йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси.

Ушбу кўрсаткич 2-формула орқали ҳисобланади ва унинг юқори меъёрий даражаси 5,0 фоизни ташкил этади.

4. Ҳар бир сўмлик кредит қуйилмасига тўғри келадиган даромад даражаси

$$(\text{КОФДС} : \text{КҚС}) \times 100\%$$

Бу ерда:

КОФДС – кредитлардан олинган фоизли даромадлар суммаси

ККС – кредит қуйилмалари суммаси

5. Кредитлардан олинган фоизли даромадларни ўсиш суръати билан кредит қуйилмаларини ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблик кўрсаткичи(8.2.1-жадвал)

8.2.1-жадвал

Кўрсаткичлар	Таҳлил даври		
	I	II	III
Кредитлардан олинган фоизли даромадлар суммаси, млн. Сўм	X1	X2	X3
Ўсиш суръати, %	-	X2/X1	X3/X2
Кредит қуйилмалари суммаси, млн. Сўм	Y1	Y2	Y3
Ўсиш суръати, %	-	Y2/Y1	Y3/Y2
Ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблик кўрсаткичи	-	X2/X1/ Y2/Y1	X3/X2/ Y3/Y2

6. “Мудис” халқаро рейтинг агентлиги томонидан қўллайдиган кўрсаткичлар(8.2.2-жадвал)

8.2.2-жадвал

Кўрсаткичлар	А	Б	С	Д	Е
Муаммоли кредитларнинг кредит портфелидаги салмоғи, %	0,8 %гача	0,8 %дан 2,0 %гача	2,0 фоиздан 5,0 фоизгача	5,0 фоиздан 12 фоизгача	12% ва ундан юқори
Эҳтимоллий йўқотишлар захирасининг муаммоли кредитларнинг умумий суммасига	10 фоизгача	10 фоиздан 20 фоизгача	20 фоиздан 30 фоизгача	30 фоиздан 50 фоизгача	50 % ва ундан юқори

нисбатан даражаси, %					
-------------------------	--	--	--	--	--

7. Кредит рисини баҳолаш бўйича халқаро стандартлашган ёндашув(8.2.3-жадвал)

8.2.3-жадвал

Кредит рейтинги	AAA AA –	A+ A –	BBB+ BB–	BB– дан паст	Рейтинг сиз
Риск даражаси	20%	50%	100%	150%	100%

8. Кредит портфелини диверсификация даражаси (тармоқларнинг хусусиятига кўра 25% бўлиши керак).

§ 8.3. Кредит портфелини диверсификация қилиш зарурлиги

Халқаро амалиётда тижорат банклари кредит портфелини миқдорларни тармоқ хусусиятига кўра диверсификация қилиш бўйича меъёрий мезон қилиб 25% олинган. Яъни, тижорат банки кредитларини 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда тўпланиб қолиши мумкин эмас. Республикаимизнинг айрим йирик банкларида ушбу кўрсаткичнинг даражаси 50 фоиздан юқоридир.

Халқаро банк амалиётида кредит портфелини диверсификация қилишни асосий йўналишлари сифатида қуйидагилардан фойдаланилмоқда:

- банк кредит қўйилмаларини иқтисодиётни турли тармоқлари бўйича диверсификациялаш;
- банк кредит қўйилмаларини миқдорлар қисмида диверсификациялаш.

Диверсификация қилинмаган кредит портфели доимо юқори рискли бўлиб боради.

Банкни кредит портфелини диверсификация қилиш йўли билан кредит портфелини бошқариш банкни стратегик режалаштириш жараёни билан узлуксиз боғлиқдир.

Диверсификацияни хусусиятлари шундаки:

- биринчидан, диверсификация ҳамма вақт рискни камайтиради;

- иккинчидан, кредит бўйича фойда ҳаракати қанча кам мос келса, рискни камайтириш ҳисобига диверсификациядан шунча кўп наф кўради.

Банклар учун кредит портфелини диверсификациялаш осон, кредитни кам суммада турли соҳаларга, турли минтақаларга ажратишга эришиш лозим.

Кредитларни таъминланганлиги бўйича диверсификация қилишда - таъминлаш асос қилиб олинган объектни ликвидлик даражасига эътибор бериш зарур. Кредитни таъминланганлигида ликвидлилик даражаси қанча юқори бўлса, кредит ва у бўйича фоизни ҳам ўз вақтида қайтиши осон ва тез бўлади.

Агар кредит портфели ўн бешдан ортиқ миқдорга берилган йигирмадан ортиқ кредитдан ташкил топган бўлса, бундай портфел яхши диверсификация қилинган портфел дейилади. Демак, диверсификация талаб даражасида бўлиши учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим:

- портфел кўп сонли нисбатан майда кредитлардан ташкил топиши;
- кредитлар риск жиҳатидан бир - бирига боғлиқ эмас, яъни бирон бир кредит бўйича тўлай олмаслик эҳтимоли бошқа кредит бўйича тўлай олмаслик эҳтимоли билан боғлиқ бўлмаслиги керак.

Диверсификация ёрдамида кредит портфелини умумий риск даражасини камайтиришга эришиш мумкин. Баъзида алоҳида олинган кредит бўйича риск ўзгармаган ҳолда ҳақиқий олинадиган даромад кутилаётган даромадга тенглашиши мумкин.

Банклар учун кредит портфелини диверсификациялаш жуда ҳам осон. Юқорида таъкидлаганимиздек кредитни кам суммада турли соҳаларга (саноат, кишлок хўжалиги, транспорт, бизнес, хорижий миқдорларга), жумладан (шаҳар, вилоят, мамлакатларга) турли минтақаларга ажратишга эришиш лозим.

Тижорат банкларни маълум соҳалар бўйича ихтисослашуви, шу соҳалар бўйича анъанавий кредитлар бериши - диверсификациялаш усулига тўлиқ, мос келмаслиги мумкин. Шу сабабли бизнинг амалий шароитимизда ихтисослашган банклар ихтисослашув билан диверсификация ўртасидаги

муқобил чегарани танламоқлари, зарур ҳолда улардан бирига ён бермоқлари лозим.

Кредит портфелини диверсификациялаш қарзни тўлашлик рискинни энг оддий ва арзон усул - хеджирлаш ёрдам беради ва банкни ссуда ва депозитлари кенг миқдорлар қўламига бўлиб чиқишни англатади.

Қарз беришда диверсификациялаш банкни ссуда портфелида абсолют миқдор ёки ялпи тутган салмоқни тўғридан - тўғри чеклашни англатади.

Кредитларни диверсификация қилишда кредитларни кам миқдорда кўпроқ миқдорларга беришга алоҳида эътибор қилиш лозим.

Кредитларни таъминланганлиги бўйича диверсификация ўтказиш бизни банкларимиз амалиётида кам қўлланилади. Бизни фикримизча, диверсификацияни кредитларни таъминланганлиги бўйича ўтказиш ҳам анча самара берувчи усул ҳисобланади. Чунки таъминланганлик кредитни асосий тамойилларидан бири бўлиб кредитни ўз вақтида тўланишига асос ҳисобланади.

Кредитларни таъминланганлиги бўйича диверсификация қилишда таъминлаш асос қилиб олинган объектни ликвидлик даражасига эътибор бериш зарур. Кредит таъминотини ликвидлилиқ даражаси қанча юқори бўлса, кредит ва у бўйича фоизни ҳам ўз вақтида қайтиши осон ва тез бўлади. Шу жиҳатдан амалиётда банклар берган кредитлари бўйича уларни таъминланганлигига қараб диверсификация қилиш усулини қўллаш кредит рискларни камайишига ва банк фойдасини ошишига олиб келиши мумкин

§ 8.4. Муаммоли ссудалар ва уларни бошқариш

Ўзбекистон Республикасида муаммоли кредитлар келиб чиқишини асосий сабабларини қуйидагича туркумлаш мумкин:

- кредит олувчини молиявий кўрсаткичларини, кредит маблағларидан фойдаланиш бўйича бизнес-режаларини, инвестицион лойиҳаларни техник-иқтисодий асосланишини паст даражада таҳлил қилиниши;

- қарздорни кредит маблағларидан фойдаланиши устидан мониторингни сифатсиз олиб борилиши, яъни қарздорни молиявий ҳолатини ёмонлашиши, пул оқимларини салбий динамикаси ҳолатларида кредитни реструктуризациялаш ҳамда кредитни статусини ўзгартиришни ҳам қамраб олувчи чораларни ўз вақтида кўрмаслик;

- банклар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига турли давлат органларини аралашуви;

- миллий валюта девалвацияси, яъни хорижий валютадаги кредитлар бўйича инвестицион давр мобайнида айирбошлаш курсларида ортиқча фарқни пайдо бўлиши.

Муаммоли кредитларни бартараф этиш амалиёти самарали бўлиши учун уларни келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, таснифлаш муаммоли кредитларни бартараф этиш жараёнини асосий ва дастлабки босқичларидан биридир.

Кредит фаолияти банкни кредит ташкилоти сифатида шакллантирувчи фаолият ҳисобланади. Банкларни хизмат кўрсатиш доираси қанчалик кенгаймасин, барибир кредит операциялари банклар учун асосий даромад манбаи бўлиб қолаверади. Шундай экан, банк амалиётида кредит операциялари катта рискни ҳам келтириб чиқаради. Чунки даромад қанча катта бўлса, риск ҳам шунчалик катта бўлади. Айниқса, қайтмайдиган кредитлар миқдорини ошиш эҳтимоли банк учун катта зарар ҳавфини келтириб чиқаради.

Шу сабабли ҳар бир банк ўз кредит сиёсатини айнан мана шундай муаммоли кредитлар олдини олиш, улар билан ишлаш чора тадбирларига йўналтиради, яъни кредит сиёсати, кредит операцияларини самарали ташкил этиш йўли билан муаммоли кредитларни юзага келиш ҳавфини олдини олиш мақсадида ташкил этилади.

Республикамиз банк амалиётида сўнгги йилларда берилаётган кредитлар динамикаси ва уларни қайтаришда юзага келаётган қарздорлик муаммоси, уни юзага келтираётган омиллар ҳамда юзага келган қарздорлик

бўйича тижорат банкларида шакллантирилаётган захиралар ҳолати ҳақида бироз тўхталиб ўтиш лозим.

Сўнгги йилларда кредитни иқтисодиётдаги ўрни ва ролигина эмас, балки кредит муносабатларини ташкил этиш жараёни ҳам сифат жиҳатидан анча ўзгарди.

Мижозларни пул оқими nobарқарор бўлган шароитда тижорат банклари кредит бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда асосий эътиборни юқори ликвидли объектларни гаровга олишга қаратади. Бу эса, амалий жиҳатдан тўғри қабул қилинган қарор ҳисобланади. Чунки, кредитни қайтариш вақти келганда мижозни жорий ҳисобрақаида пул маблағларини бўлмай қолиш эҳтимоли юқори бўлади. Айниқса, иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси паст бўлган мамлакатларда хўжалик юритувчи субъектларни пул оқими nobарқарорлик даражасини юқори бўлиши кузатилади.

Кредитлар устидан жорий назоратни амалга оширишда ушбу операциялар турли даражаларда иккита холис мансабдор шахс томонидан текширилиши лозим.

Аввало жорий назорат жараёни ушбу мижозни кредитлашни амалга оширган ёки ушбу кредитни ишини юритиш топширилган банк ходими томонидан амалга оширилиши лозим. Бундан ташқари, ҳар бир кредит ишини маълум даврий оралиқларда таҳлил қилиб бориш, кредит операцияларини амалга ошириб бориш устидан назорат қилиш топширилган шахс томонидан амалга оширилиши лозим. Бундай икки поғонали тизимда ҳар иккала поғонани тўлиқ мустақиллигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга ва назорат тизимидаги ходим кредит бериш тўғрисидаги қарорда иштирок этмаслиги лозим. Назоратни иккинчи йўналиши бўлган мукамал назоратни амалга оширишда фақат таваккалчилик даражаси юқори бўлган маълум операцияларни тўлиқ таҳлил қилиш учун танлаб олиш имконини берувчи механизмни ишлаб чиқиш лозим. Банк ходими ўзи кредит ишини бевосита юритаётганлиги сабабли мижоз билан доимий равишда муносабатда бўлади.

Бу эса, янги маълумотларни олиш имкониятини беради, у миџозни кредит шартномаси шартларига риоя қилаётганлиги ва тўлов лаёқатлилигини баҳолаш учун катта имкониятга эга бўлади. Айни вақтда назорат жараёни миџоз билан бевосита алоқада бўлмаган шахс томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Бунинг асосий сабаби шундаки, биринчидан, назорат ва таҳлилни амалга оширишда банк ходими ўзини баҳолаш хусусидаги қарашларига асосланади ва энг муҳими бу баҳо уни миџоз билан ўзаро шахсий муносабатларини субъектив таъсири остида бўлмаслиги керак, банк ходими миџоз билан доимий алоқада бўлиши улар орасида шахсий муносабатларни бўлишига қулай муҳит яратади.

Иккинчидан, назорат жараёни банк ходимини тўғри кредит қарори қабул қилиш имкониятини беради. Холис таҳлил ссудани бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда банк ходимини ҳолатини объективлигини кафолатлаш учун зарурдир.

Тижорат банкларини кредитлаш амалиётини таҳлил қилиш натижалари кўрсатмоқдаки, айрим тижорат банк раҳбарлари ўз мансаб ваколатларидан фойдаланиб кредит қўмита аъзолари фикри билан ҳам ҳисоблашмаган ҳолда ёки қўмита қарорига салбий таъсир этиши натижасида молиявий жиҳатдан беқарор бўлган, бизнес режасида кўрсаткичлар реал бўлмаган айрим миџозларга мажбурият ижросини таъминотисиз кредитлар бермоқдаки, бунинг оқибатида муаммоли кредитлар миқдори ортмоқда.

Тижорат банкларини кредит сиёсатида Марказий банк томонидан қўйиладиган талабларда берилган кредитлар устидан доимий мониторингни амалга оширишни зарурлиги белгилаб қўйилган. Мазкур мониторингда қўйидаги ҳолатлар текширилиши лозим:

- кредит олган субъектни хўжалик-молиявий фаолияти;
- қарздорни тузилган шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажариши;
- кредит олган субъектни ишлаб чиқариш ҳажмлари, ноишлаб

чиқариш харажатлари ва йўқотишлари, муомала чиқимлари, фойдаси, ўз айланма маблағларини етарлилиги;

- қарздорни товар-моддий бойликлар захираларини аҳволи;
- дебитор қарздорликни айланиш даражаси;
- асосий воситаларни айланиши ва ҳ.к.

§ 8.5. Кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасини ташкил қилиш тартиби

Кредит портфелини бошқариш самарадорлигини баҳолашда инобатга олинadиган асосий омиллардан бири – бу кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларини даражаси ва динамикаси ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз тижорат банкларида активларни таснифлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2015 йил 13 июнда 14/5-сон билан тасдиқланган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”га низомга мувофиқ олиб борилади.

8.5. 1-жадвал

Таснифланган кредитлар бўйича захира ставкалари

Таснифланган кредитлар таркиби	Захира ажратмалари ставкаси
Стандарт кредитлар	5 %
Субстандарт кредитлар	10 %
Қониқарсиз кредитлар	25 %
Шубҳали кредитлар	50 %
Умидсиз кредитлар	100 %

Мамлакатимизда банк активлари қуйидаги тартибда ва тоифалар бўйича таснифланади:

Тижорат банкларини активларини сифатига кўра “стандарт”, “субстандарт”, “қоникарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” тоифаларга таснифланади.

1. “Стандарт” активлар. Бунда қарз оловчи молиявий жиҳатдан барқарор ҳисобланади, у етарли миқдорда капиталга, юқори даромадлилик даражасига ҳамда барча мавжуд мажбуриятларни, жумладан, мазкур қарзни кондиритиш учун етарли пул маблағлари оқимига, шунингдек амалга оширилиши мумкин бўлган стратегик режага, бозордаги рақобатдошлик қобилиятига, яхши маҳсулотни ишлаб чиқаришга ва ўз маҳсулоти бўйича маркетинг режасига эга бўлади. Таъминот “яхши таъминланган” кредит мезонларига мос келади. Таъминот турлари нотариал жиҳатдан тасдиқланган бўлиши (агар қонун ҳужжатларида нотариал тасдиқланиши назарда тутилган бўлса), зарур ҳолларда, тегишли мулк битимини рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатга олиниши, шу жумладан, тижорат банкини гаров мол-мулкига доир ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзув гаров реестрида акс эттирилиши лозим. Тижорат банки кредит қайтарилмаган ҳолда чекловларсиз ва эркин равишда уни таъминот ҳисобидан ундириб олишга ҳақли. Таъминотга доир тақдим этилаётган барча ҳужжатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилиши лозим.

Сифати “стандарт” деб таснифланган активлар қайтарилишида муаммолар кузатилмайди. Бунда асосий қарз суммасини ва фоизларини ҳеч қандай қисми муддати ўтган ёки шартлари қайта кўриб чиқилмаган бўлиши лозим. Асосий қарз суммаси ёки фоизлардан муддати ўтган ва шартлари қайта кўрилган активлар сифати “стандарт” деб таснифланиши мумкин эмас.

Тижорат банки захира капитали таркибида сифати “стандарт” деб таснифланган активлар учун уларни қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасини бир фоизи миқдорида стандарт активларга яратиладиган захира шакллантириши лозим.

Стандарт активларга яратиладиган захиралар тижорат банклари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг қолган

соф фойда ҳисобидан мазкур Низом кучга кирган кундан кейин ажратилиб, ҳисобот санасига сифатида “стандарт” деб таснифланган активлар қолдиғидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилинади.

2. Қарздорнинг молиявий ҳолати барқарор ҳисобланган, лекин айрим салбий ҳолатлар ёки тенденциялар мавжуд бўлиб, агар улар бартараф этилмаса, молиялаштирилган лойиҳани амалга ошишига ёки қарздорни активни ўз вақтида тўлаш қобилиятига нисбатан шубҳа пайдо бўлиши мумкин бўлган активлар сифати “субстандарт” деб таснифланади. Бунда молиявий ҳолати ёки таъминотни назорат қилиш борасида бир мунча шубҳалар бўлган, кредит ҳужжатларида етарлича ахборот бўлмаган ёки таъминот бўйича ҳужжатлари бўлмаган “стандарт” деб таснифланган активларни сифати ҳам “субстандарт” деб таснифланиши лозим.

Тижорат банки сифатида “субстандарт” деб таснифланган активлар учун уларни қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасини ўн (10) фоизи миқдорида махсус захира шакллантириши лозим.

3. Қуйида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлса, активларни сифати “қониқарсиз” деб таснифланади:

- ❖ асосий тўлов манбалари қарз тўлаш учун етарли бўлмаса, таъминотга қўйилган мулкни ва қарз олувчини бошқа асосий воситаларини сотиш, тўланиши лозим бўлган қарзларни узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча тўлов манбаларини топиш талаб этиладиган бўлса;

- ❖ қарз олувчини жорий молиявий ҳолати ёки уни пул маблағларини мўлжалланаётган оқими мажбуриятларни қоплаши учун етарли бўлмаса;

- ❖ қарз олувчини капитали етарли даражада бўлмаса;

- ❖ ушбу соҳага нисбатан тенденция ва истиқболлар барқарор бўлмаса;

- ❖ таъминот қиймати асосий қарз суммасидан ошмаган, ҳеч бўлмаганда асосий қарзни тўланмаган суммасига тенг бўлса;

- ❖ асосий қарз ва фоизлар бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлиб, унинг муддати 90 кундан ошмаган бўлса.

Тижорат банки сифати “қониқарсиз” деб таснифланган кредитлар учун уларни қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасини йигирма беш (25) фоизи миқдорида махсус захира шакллантирилиши лозим.

Сифати “қониқарсиз” деб таснифланган активларга ҳос барча хусусиятларга эга бўлиб, мавжуд шароитда активларни тўлиқ қайтарилишини шубҳа остига ва кам ишончли қилиб қўядиган активлар сифати “шубҳали” деб таснифланади. Бунда йўқотишлар кўриш эҳтимоли юқори бўлган, лекин айрим ижобий омиллари мавжуд бўлган активлар сифати шароит ойдинлашгунча “умидсиз” деб таснифланмайди.

4. Қуйида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлса, активларнинг сифати “шубҳали” деб таснифланади:

- Сифати “қониқарсиз” активларнинг ҳеч бўлмаганда бирорта кўрсаткичи, шунингдек айрим бошқа салбий тавсифлари мавжуд бўлса (бозорда осон сотиладиган таъминотни мавжуд эмаслиги ёки таъминланмаган активларни мавжудлиги ёхуд қарз олувчини банкрот деб эълон қилиниши);

- яқин келажакда активни қисман тўланиш эҳтимоли мавжуд бўлса;

- асосий қарз ва фоизлар бўйича 90 кундан ортиқ лекин, 180 кундан ошмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса.

Тижорат банки сифати “шубҳали” деб таснифланган активлар учун уларни қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасини эллик фоизи миқдорида махсус захира шакллантирилиши лозим.

Шартномада белгиланган муддатда қайтарилмаган ёки қайтмаслигидан далолат берувчи омиллар ёки аломатлар мавжуд бўлган ҳамда қайтмайдиган ёки қиймати жуда пастлиги туфайли ҳисобини балансда актив сифатида юритилиши мақсадга мувофиқ эмас деб баҳоланадиган активлар сифати “умидсиз” деб таснифланади. Бундай таснифлаш активларда умуман ҳеч қандай тугатиладиган қиймат мавжуд эмаслигини билдирмайди. Бироқ, тижорат банклари ўз балансларида бундай активларни ҳисобини

юритишни давом эттиришлари мақсадга мувофиқ эмас. Тижорат банки томонидан таъминотга олинган мулкни сотиш орқали бундай қарздорликни бартараф этиш ёки уни қайтариш чоралари қўлланиши лозим.

5. Қуйида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлса, активларнинг сифати “умидсиз” деб таснифланади:

- ✓ активларни ундирилиши суд жараёнида бўлса;
- ✓ қарздор ва лизинг олувчидан ундирилган, гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш йўли билан тижорат банки томонидан балансга қабул қилинган кундан бошлаб уч ой муддатда сотилмаган ва банк фаолиятини кенгайтириш учун сотиб олинган бинодан икки йил мобайнида фойдаланилмаган ҳамда банк фаолияти учун ортиқ фойдаланилмай қўйилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида сотилмаган бўлса;
- ✓ активларнинг тўлаш муддати узайтирилган бўлса;
- ✓ асосий қарз ва фоизлар бўйича 180 кундан ортиқ кунга муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса.

Тижорат банки сифати “умидсиз” деб таснифланган активлар учун уларни қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасини юз фоизи миқдорида махсус захира шакллантириши лозим.

Агар тижорат банкида битта қарздорга берилган бир неча активлар мавжуд бўлса, қарздор томонидан тижорат банкига қайтариладиган барча активлар сифати улардан энг паст тоифада таснифланган активлар сифатидек таснифланиши лозим.

Агар қарздорни бир нечта тижорат банклари олдида қарзи мавжуд бўлиб, уларни бирида қайтарилиши лозим бўлган активлар сифати энг паст тоифада таснифланган бўлса, бошқа тижорат банклари ҳам ушбу қарздорга берилган активлар сифатини мазкур тоифада таснифлашлари шарт. Бунда тижорат банклари қарздорга бошқа тижорат банклари томонидан берилган активлар сифатини таснифини аниқлаш учун кредит ахбороти маълумотлар базасидан фойдаланишлари лозим.

§ 8.6. Тижорат банклари кредит портфелини бошқариш усуллари

Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- * диверсификациялаш усули;
- * кредитларни реструктуризациялаш усули;
- * захиралар шакллантириш усули;
- * муддати ўтган кредитлар ва фоизларни балансдан чиқариш усули.

Реструктуризация қилинган кредитлар - қарздорни молиявий аҳволи ёмонлашиши сабабли тўловни дастлабки шартлари ўзгарган кредитлар. Агарда банк томонидан қуйидаги амалларни ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилса, кредит реструктуризацияланган ҳисобланади:

- * фоиз ставкасини камайтирилиши ёки ҳисобланган фоизларни ундириб олинмаслиги;
- * асосий қарзни камайтирилиши ёки ундан қисман воз кечилиши;
- * фоизлар ва (ёки) асосий қарзга доир тўловларни бир қисми ёки барчасидан воз кечилиши;
- * активни асосий ва (ёки) фоизларини тўлаш муддати кечиктирилиши ёки узайтирилиши;
- * қарз олувчи ва (ёки) таъминот турининг ўзгартирилиши.

Активларнинг қуйида келтирилган асосий шартларидан ҳеч бўлмаганда биттаси ўзгартирилган бўлса, уларни шартлари қайта кўриб чиқилган активлар деб ҳисобланади:

- фоиз ставкасини пасайтирилиши, Марказий банкни қайта молиялаш ставкаси пасайиши муносабати билан фоиз ставкасини пасайтириш ҳолатлари бундан мустасно;
- асосий қарзни камайтирилиши ёки ундан қисман воз кечилиши;
- фоизлар ва (ёки) асосий қарзга доир тўловларни бир қисми ёки барчасидан воз кечилиши;

- активни асосий ва (ёки) фоизларини тўлаш муддати кечиктирилиши ёки узайтирилиши;

- қарз олувчи ва (ёки) таъминот турини ўзгартирилиши, кредитни бир қисми қайтарилганлиги муносабати билан таъминотдан чиқарилган ҳолатлар бундан мустасно.

Қисқача хулосалар

Тижорат банкини кредит портфели – бу банк томонидан берилган ва ҳали қайтарилмаган барча кредитларни йиғиндисидир,

Кредит портфелига муддати ўтган кредитлар ҳам, шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар ҳам, суд жараёнидаги кредитлар ҳам киради,

Тижорат банклари томонидан берилган барча кредитлар унинг кредит портфелида ўз ифодасини топади. Тижорат банклари ўз мижозларига турли қуринишдаги кредитлар бериши мумкин.

Банк актив операциялари ичида кредит асосий ва банк даромадини катта қисми ҳам айнан шу кредит операциялари орқали келади. Шу сабабли банк кредит портфелини қандай шаклланиши банк фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: диверсификациялаш усули; кредитларни реструктуризациялаш усули; захиралар шакллантириш усули; муддати ўтган кредитлар ва фоизларни балансдан чиқариш усули.

Таянч сўз ва иборалар

Ссудалар, кредит мониторинги, икки поғонали тизим, стандарт кредити, субстандарт кредити, қоникарсиз кредити, шубҳали кредити, умидсиз кредити, кредитларни реконструкциялаш усули, муддати ўтган кредитлар, фоизларни балансдан чиқариш.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тижорат банклари кредит портфели тушунчаси
2. Тижорат банклари кредит портфелини шакллантириш
3. Кредит портфелини сифат жиҳатдан таҳлили.
4. Кредит портфелини диверсификация қилиш зарурлиги.
5. Муаммоли ссудалар.
6. Муаммоли ссудаларни юзага келишининг белгилари ва асосий сабаблари.
7. Кредитларнинг қайтарилмаслик муаммосини келтириб чиқарувчи омиллар.
8. Муаммоли ссудаларни бошқариш усуллари.
9. Муддати ўтган кредитларни ва уларга ҳисобланган фоизларни тижорат банкларининг балансидан чиқариш тартиби.
10. Тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариш усуллари.

9-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ БОШҚАРИШ

§ 9.1. Тижорат банклари инвестицион операцияларини мазмуни ва зарурлиги

§ 9.2. Банклар инвестицион операцияларини бошқариш принциплари

§ 9.3. Тижорат банкларининг инвестиция портфелини сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар

§ 9.4. Тижорат банклари инвестицион операцияларини бошқариш усуллари

§ 9.1. Тижорат банклари инвестицион операцияларини мазмуни ва зарурлиги

Тижорат банки инвестор сифатида қимматли қоғозларни сотиб олади.
Банк қимматли қоғозларни икки мақсадда сотиб олади:

1. Ликвидлилигини таъминлаш мақсадида

2. Даромад олиш мақсадида

АҚШнинг Колумбия университетининг профессори Ф.Мишкиннинг хулосасига кўра, тижорат банкларини инвестицион операцияларини ривожлантиришда молиявий инновацияларга асосий эътиборни қаратиш лозим. Фоиз ставкаларининг сезиларли даражада тебраниши янги молиявий маҳсулотларга бўлган талабнинг ўзгаришига бевосита ва кучли таъсир килувчи муҳим иқтисодий омил ҳисобланади. 1950-йилларда уч ойлик хазина векселлари фоиз ставкаларининг тебраниши 1,0 фоиздан 3,5 фоизгача диапазонда, 1970-йилларда – 4,0 фоиздан 11,5 фоизгача, 1980-йилларда 5,0 фоиздан 15,0 фоизгача бўлган диапазонни ташкил этди. Фоиз ставкаларини бу қадар кучли тебраниши капитал қийматини сезиларли даражада ошишига ёки камайишига олиб келди, инвестицияларнинг қайтиши борасидаги ноаниқлик кучайди¹⁶.

Ф.Мишкин АҚШ мисолида молиявий инновацияларнинг банк тизимининг барқарорлигини таъминлашдаги ролини асослаб берган. Аммо, ушбу хулоса Ўзбекистон иқтисодиёти учун ҳозирча амалий аҳамиятга эга эмас. Чунки, республикамизда Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари мавжуд эмас.

Е. Долан иккиламчи захираларнинг қуйидаги тўрт шаклини ажратиб кўрсатди:

- а) Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари;
- б) Бошқа банкларнинг депозит сертификатлари;
- в) Тижорат қимматли қоғозлари;
- г) Инвестицион фондлар.

Тижорат қимматли қоғозларига қилинган банк инвестицияларини юқори ликвидли активлар қаторига киритиш мантиқан тўғри эмас. Чунки тижорат қимматли қоғозлари аниқ моддий қафолатга эга эмас, айниқса,

¹⁶ Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых циклов. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2013. – С.295.

республикамиз шароитида кўплаб корхоналарни қимматли қоғозлари бўйича тўловсизлик муаммоси мавжуд. Бундай ҳолатларни “Ўзсаноатқурилиш” банкида, Ташқи иқтисодиёт фаолият “Миллий банки” да ва бошқа тижорат банкларида кузатиш мумкин. Ана шу фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда тижорат қимматли қоғозларига қилинган банк инвестицияларини юқори ликвидли активлар таркибидан чиқариб ташлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

9.1.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Барклайс банк активларини умумий ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ва кредитлар асосий салмоқни эгаллайди. Ушбу икки активни жами активлар ҳажмидаги салмоғи, 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 82,0 фоизни ташкил этди. Бу эса, биринчидан, Барклайс банкнинг асосий фаолият йўналишларидан бирини кредитлаш эканлиги билан, иккинчидан, банкнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларини ривожланганлиги билан изоҳланади.

9.1. 1-жадвал

**Барклайс банк активларининг таркиби, 2018 йилнинг 1 январ ҳолати^{17 18},
фоизда**


Активлар таркиби	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2017 й.	2018 й.
Нақд пуллар ва Марказий банкдаги пул маблағлари	3,3	4,1	5,7	8,4	4,6	15,6
Бошқа банклардаги пул маблағлари	2,3	1,7	2,1	0,1	0,7	6,8
Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	37,6	39,4	40,1	46,7	47,2	27,3
Берилган кредитлар	47,3	46,5	44,7	35,9	34,8	28,8
Асосий воситалар ва номоддий активлар	6,8	4,2	2,7	5,9	9,1	19,6
Бошқа активлар	2,7	4,1	4,7	3,0	3,6	1,9
Активлар -жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100

¹⁷Жадвал AnnualReports. www.barclayc.com маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁸ Barclays PLC Annual Report 2018

9.1.1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Барклайс банк активларини умумий ҳажмида унинг бошқа банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари жуда кичик салмоқни эгаллайди. Бунинг сабаби шундаки, ушбу маблағлар банкка даромад келтирмайди. Асосий воситалар ҳам тижорат банклари учун даромад келтирмайдиган актив ҳисобланади. Шу сабабли, тижорат банкларини активлар ҳажмида асосий воситалар жуда кичик салмоқни эгаллайди.

9.1.1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, АҚШнинг “Бенк оф Америка” банки ва Германиянинг “Дойчебанк”и активларини умумий ҳажмида юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, мазкур банкларни жорий ликвидлилигини юқори ликвидли қимматли қоғозлар ҳисобидан таъминланиши билан изоҳланади.



9.1.1-расм. Бенк оф Америка (АҚШ) ва Дойчебанк (Германия) активларини умумий ҳажмида юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни салмоғи¹⁹, 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра (фоизда)

¹⁹Расм муаллиф томонидан www.bankofamerica.com ва www.db.com сайтлари маълумотлари асосида тузилган.

Тараққий этган мамлакатларда тижорат банкларини ликвидлилигини таъминлашда кредит ва фоиз рискларини бошқаришга алоҳида эътибор қаратилади²⁰. Бу эса, риск-менежментни такомиллаштиришга олиб келади.

§ 9.2. Банкларни инвестицион операцияларини бошқариш принциплари

Тижорат банкларини инвестицион операцияларини бошқариш бир қатор принципларга таянади. Ана шундай муҳим принциплардан бири бўлиб, банк инвестиция портфелини диверсификация қилиш принципи ҳисобланади.

Корпоратив қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар юқори рискли бўлганлиги сабабли тижорат банклари қимматли қоғозлар портфелини диверсификациялашга катта эътибор берадилар

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари инвестиция портфелини диверсификация қилишда 7 фоизли меъёрий чегара кенг қўлланилади. Яъни, бир эмитентнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар тижорат банки инвестиция портфелини 7 фоиздан ошиб кетмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларини инвестицион фаолиятига нисбатан учта иқтисодий меъёр белгиланган:

* тижорат банкини бир эмитентни қимматли қоғозига қиладиган инвестициялари миқдори унинг биринчи даражали капиталини 15 фоиздан ошиб кетмаслиги керак;

* тижорат банкини олди-сотдига мўлжалланган қимматли қоғозларига қиладиган инвестициялари миқдори унинг биринчи даражали капиталининг 25 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим;

²⁰ Ephraim Clark , Davide Salvatore Mare, Nemanja Radic Cooperative banks: What do we know about competition and risk preferences? J. Int. Financ. Markets Inst. Money 52 (2018) 90–101 journal homepage: www.elsevier.com/locate/intfin

* тижорат банкини барча эмитентларни қимматли қоғозларига қиладиган инвестициялари миқдори унинг биринчи даражали капиталини 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Тижорат банклари инвестицион операцияларини риск даражалари ва даромадлилиги ўртасидаги муносаббатни таъминлаш принципи ҳам асосий принциплардан бири ҳисобланади.

Халқаро амалиётда валюта опционларини икки стандарти мавжуд бўлиб, ушбу стандартлар риск даражасига кўра бир-биридан кескин фарқланади. Валюта опционларини биринчи стандарти европа стандарти деб аталади ва бу опционлар ўз эгасига фақат шартнома муддати тугагандан сўнг опциондан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Валюта опционларининг иккинчи стандарти эса, америка стандарти дейилади ва мазкур опционлар ўз эгасига опцион шартномаси муддатини исталган вақтида опциондан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Демак, валюта опционларини америка стандартида риск даражаси европа стандартига нисбатан юқори ҳисобланади²¹.

Валюта фьючерс бозорини беқарор валюта курси ҳукм сураётган мамлакатларда ташкил этиш лозим. Валюталарни беқарор бўлишида энг аввало мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий тадбирларга ишончни йўқлигидадир.

Қайд этиш жоизки, деривативлар билан амалга ошириладиган спекулятив операциялар юқори рискли операциялар ҳисобланади ва улар тижорат банкларига катта миқдорда зарар келтириши мумкин. Бунга аниқ мисол қилиб 1995 йил 25 февралда банкрот деб эълон қилинган Англиянинг “Берингс” банкини келтириш мумкин. Ҳолбуки, ушбу банк 233 йиллик тарих тажрибасига эга эди.

Берингс банкнинг Сингапур филиали трейдери Ник Лисон банкни пассивидаги барча бўш турган пул маблағларини Сингапур фонд биржасига чиқиб, Япония корпорацияларини фьючерс ва опционларини сотиб олишга йўналтирди. Орадан 3 кун ўтгандан сўнг Япониянинг Кобе шаҳрида

²¹ Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные отношения. – М. ФиС, 2013. – С. 173-176.

даҳшатли зилзила бўлди. Зилзила натижасида Япония корпорацияларини фючерс ва опционларини баҳоси кескин пасайиб кетди. Натижада, Берингс банк 1,3 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар кўрди.

Берингс банкини Президенти дунёнинг энг бой одамларидан бири ҳисобланган Бруней Султони билан дўст эди. У банкни қутқариб қолиш учун Бруней Султонидан 1,0 млрд. доллар қарз сўради. Аммо султон таваккал қилишни ҳоҳламади. Охир-оқибат 233 йиллик тарихга эга бўлган Берингс банк банкрот бўлди.

Ўзбекистон Республикасини тижорат банкларида валюталарни сотиб олиш мақсадида берилган опционлар 92728-»Опцион битими бўйича сотиб олиш» ҳисобрақамини дебитида ва 96379-»Опцион бўйича сотиб олиш контр ҳисобврағи»ни кредитида ҳисобга олинади.

Тижорат банкларини валюта опционларидан оладиган даромадлари 45404-ҳисобрақамини кредитида, опционлардан кўрилган зарарлар эса, 55306-ҳисобрақамини дебитида ҳисобга олинади.

Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари молиявий брокер сифатида қимматли қоғозларни олди-сотдисида миждозни ҳисобидан ва унинг топшириғи билан комиссия шартномаси ёки шартнома топшириғига мувофиқ агентлик функциясини бажаради. Тижорат банкларининг коммиссион муомалалари (операциялари) ўз миждозни топшириғига мувофиқ банклар коммиссион операцияларни бажаради. Бунда улар миждозни топшириғига мувофиқ коммиссионер сифатида ўз номларидан, миждозни ҳамма кўрсатмаларини, масалан курсларни чеклаш, келишувларни вақти ва келишув ўтказиладиган жой тўғрисидаги кўрсатмаларни бажариши лозим.

Бу хизматлар учун банк миждоздан комиссия ҳақи, қўшимча харажатлар компенсациясини олиши керак, чунки бу ишлар миждоз топшириғини бажарилишига боғлиқ тадбирлардир. Коммиссион келишув типини икки шартномани тузишни кўзда тутлади:

- банк (коммиссионер) ва миждоз(комитент) ўртасидаги коммиссион шартнома;

- банк комиссиянер ва учинчи келишув қатнашчиси ўртасидаги олди-сотди шартномаси, қоида бўйича, комитент сотиб олувчи қимматли қоғозларни сотиб олиш шартномасини тузишдан олдин, воситачи-банк ихтиёридаги ўзини ҳисоб варақасига пул маблағларини ўтказди. Ўтказилган пул маблағлари қимматли қоғозларни сотиб олишга етадиган даражада бўлиши керак.

Қимматли қоғозларларни сотишга боғлиқ шартнома комиссиясини тузишда, комитент сотувчи воситачи-банкда сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларни депонентлаштиради.

Қимматли қоғозларни инвестицион жозибадорлиги банкларни инвестицион операцияларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Шу сабабли, банкларни инвестиция портфелини даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашда сотиб олинадиган қимматли қоғозларни инвестицион жозибадорлигига алоҳида эътибор қаратилади.

§ 9.3. Тижорат банклари инвестиция портфелини сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар

Тижорат банкларини инвестиция портфелини сифатини баҳолашда халқаро банк амалиётида бир нечта кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

1. Бир эмитентнинг қимматли қоғозларига қилинадиган инвестицияларни максимал миқдори.

Тижорат банки томонидан бир эмитентнинг қимматли қоғозларига қилинадиган инвестициялар суммаси, банк биринчи даражали капиталини 15 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

2. Олди-сотдига мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни максимал миқдори.

Тижорат банки томонидан олди-сотди учун мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни жами суммаси банк биринчи даражали капиталини 25 фоиздан ошиб кетмаслиги керак.

3. Барча эмитентларни қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг максимал миқдори.

Тижорат банки томонидан барча эмитентларни қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар суммаси банк биринчи даражали капиталини 50 фоиздан ошиб кетмаслиги керак.

4. Банк инвестиция портфелининг даромадлилик даражаси.

$$\text{ИПд} = (\text{П}_1 - \text{П}_0) : \text{П}_0$$

Бу ерда:

ИПд – инвестиция портфелининг даромадлилик даражаси;

П₁ – инвестиция портфелини сўнгги қиймати;

П₀ – инвестиция портфелини бошланғич қиймати.

5. Инвестиция портфелини диверсификация даражаси.

Бир эмитентнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларни инвестиция портфелидаги улуши 7 фоиздан ошиб кетмаслиги керак.

6. Юқори ликвидли қимматли қоғозларни инвестиция портфелидаги салмоғини ўзгариши.

Халқаро банк амалиётида тижорат банкларини юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари, бир томондан, уларни жорий ликвидлилигини таъминлаш имконини берса, иккинчи томондан, Марказий банкнинг очиқ бозор операциялари ҳажмини ошириш имконини беради.

Юқори ликвидли қимматли қоғозлар сифатида, одатда, Ҳукумат томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар, Марказий банкни қимматли қоғозлари ва тўлови, Ҳукумат томонидан кафолатланган қимматли қоғозлар киради.

Мамлакатимизда узатма тижорат векселлари, яъни тратталар муомаласини мавжуд эмаслиги Марказий банкка дисконт кредитлари бериш имконини бермайди.

Мамлакат Марказий банкида ломбард кредитларининг мавжуд эмаслиги уни қайта молиялаш сиёсатини самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади ва мазкур кредитларни берилмаётганини сабаби Ҳукуматни қимматли қоғозларини эмиссия қилишни тўхтатилганлигидадир. Чунки, Марказий банк фақат ҳукумат қимматли қоғозларини ўзининг ломбард кредитлари учун гаров объекти сифатида тан олади.

2017 йилнинг 1 январ ҳолатига, қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни брутто активлар ҳажмидаги салмоғи ТИФ Миллий банкида 0,5 фоизни, Саноатқурилишбанкда – 0,4%, Ипотекабанкда - 0,2 фоизни ташкил этди²².

2019 йил қиммалбаҳо қоғозларни умумий ҳажми 25 трлн ташкил этди ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6% ни ташкил этди 605 та акционер жамияти мавжуд бўлиб уларни 85% давлатга тегишли жамиятдир. 105 та акционер жамиятдан атиги 5% аксия фонд бозорида иштирок этган. Шунинг учун аҳоли ва инвесторлар фонд бозорида фаоллиги сустр бўлган.²³

Ушбу ҳолат тижорат банклари инвестицион операцияларини даромадлилигига ва уларни жорий ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Республикаимиз тижорат банкларини инвестиция портфелида хорижий валюталарда эмиссия қилинган қимматли қоғозлар мавжуд эмас. Демак, банкларни инвестиция портфели миллий валюта-сўмда эмиссия қилинган қимматли қоғозлардан иборат. Бу эса, республикаимиз тижорат банкларини инвестиция портфелини молиявий рискларга таъсирчанлигини оширади. Бунда инфляция ва девалвация таъсирида банкларни қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларини реал қийматини пасайиш хавфи юзага келади.

²²Мазкур банкларнинг “Банк ахборотномаси” газетасида эълон қилинган 2017 йил натижалари бўйича йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

²³ Банк, пул кредит журнали №11 2019 йил стр 37 Азизов Улугбек Капитал бозор: иқтисодий ўсишни таминотчи драйвер.

§ 9.4. Тижорат банкларида инвестицион операцияларини бошқариш усуллари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инфляция тарегетлаш режимига босқичма босқич ўтиш орқали пул кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 18 ноябр ПФ 5877 сонли фармонида “жамғармаларни инвестицияларга трансформация қилиш учун молиявий воситачилик институтларини ривожлантириш мақсадида банк тизимида молия бозорларини ислох этиш, шунингдек, молиявий оқимларни узоқ муддатли режалаштириш учун имконият яратиш”²⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банкка тўлиқ ўтиш учун шароитлар яратиш белгилаб берилган

Тижорат банкларини инвестицион операцияларини бошқаришда бир қатор инвестицион менежмент усулларида фойдаланилади. Ана шундай усуллардан бири бўлиб, инвестицион операцияларни пассив бошқариш усули ҳисобланади.

Инвестицион операцияларни пассив бошқаришда банк менежерлари қимматли қоғозларни сотиб олиш тўғрисидаги қарорларни уларнинг риск ва даромад даражаларини баҳолашни умумқабул қилинган методлари асосида қабул қиладилар. Бундай шакллантирилган портфелларни бозор портфелини ўзига хос бўлган суррогати сифатида қараш мумкин (индекс фондс).

Пассив менежерлар дастлаб шакллантирилган қимматли қоғозлар портфелини самарадорлигида юқори бўлган самарадорликни таъминлашга интилмайдилар.

Инвестицион операцияларни пассив бошқаришни таянч асослари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- * миқдорни ҳоҳиши;
- * рисксиз ставкани даражаси;
- * рискни прогнози;

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инфляция тарегетлаш режимига босқичма босқич ўтиш орқали пул кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 18 ноябр ПФ 5877 сонли фармони

* даромадлиликни прогнози.

Инвестицион операцияларни актив бошқаришни менеджерлар вақти-вақти билан бозор томонидан нотўғри баҳоланган қимматли қоғозлар учраб туради деб ҳисоблашади. Бунда менеджерларни қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларни риск ва даромадлилик даражалари тўғрисидаги прогнозлари мавжуд умумий тасаввурлардан фарқ қилади.

Банкларни қимматли қоғозлар портфелини актив бошқаришда куйидаги кўриниш олади (9.4.1-жадвал).

Иккинчи устунда портфелни актив бошқариш учун қимматли қоғозларни ҳақиқатдаги салмоғи кўрсатилган.

Учинчи устунда ўртача бозор портфели сифатида олинган дастлабки портфелдаги қимматли қоғозларни улуши кўрсатилган.

Актив позиция қимматли қоғозларни ҳақиқатдаги портфелдаги улуши билан дастлабки портфелдаги улуши ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.


9.4. 1-жадвал

Тижорат банкини актив усулда бошқарилаётган қимматли қоғозлар портфелини шакли

Қимматли қоғозни номи	Ҳақиқатдаги қимматли қоғозлар портфелидаги улуши	Бозор портфелидаги улуши	Актив позиция
1	2	3	4
C ₁	0,30	0,45	- 0,15
C ₂	0,20	0,25	- 0,05
C ₃	0,50	0,30	0,20
Жами	1,00	1,00	0,00

Мазкур фарқнинг юзага келишини сабаби шундаки, актив менеджер қимматли қоғозлар бўйича кутилаётган риск ва даромад тўғрисидаги умумий прогнозга рози эмас.

Ресурсларни қимматли қоғозларга жойлаштириш



9.4. 1-расм. Тижорат банки маблағларини қимматли қоғозларга жойлаштириш

Тижорат банки томонидан жалб қилинган маблағлар ва банк капиталини қимматли қоғозларга жойлаштиришнинг икки шакли мавжуд (9.4.1-расм):

1. Стратегик жойлаштириш.
2. Тактик жойлаштириш.

Тижорат банклари маблағларини қимматли қоғозларга стратегик жойлаштиришда кутилаётган даромадни, дисперсия ва ковариацияни узоқ муддатли прогноз кўрсаткичларидан фойдаланилади. Маблағларни қимматли қоғозларга тактик жойлаштириши эса, кутилаётган даромадни, дисперсия ва ковариацияни қиска муддатли прогноз кўрсаткичларига асосланади.

Қисқача хулосалар

Тижорат банки инвестор сифатида қимматли қоғозларни сотиб олади. Банк қимматли қоғозларни икки мақсадда сотиб олади: ликвидлилигини таъминлаш мақсадида; даромад олиш мақсадида.

Тижорат банкларини инвестицион операцияларини ривожлантиришда молиявий инновацияларга асосий эътиборни қаратиш лозим. Фоиз

ставкаларининг сезиларли даражада тебраниши янги молиявий маҳсулотларга бўлган талабнинг ўзгаришига бевосита ва кучли таъсир килувчи муҳим иқтисодий омил ҳисобланади.

Тижорат банкларини инвестицион операцияларини бошқариш принциплардан бири бўлиб, банк инвестиция портфелини диверсификация қилиш принципи ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банкларини юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари, уларни жорий ликвидлилигини таъминлаш имконини беради.

Юқори ликвидли қимматли қоғозлар сифатида, одатда, Ҳукумат томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар, Марказий банкни қимматли қоғозлари ва тўлови, Ҳукумат томонидан кафолатланган қимматли қоғозлар киради.

Республикаимиз тижорат банкларини инвестиция портфелида хорижий валюталарда эмиссия қилинган қимматли қоғозлар мавжуд эмас. Банкларни инвестиция портфели миллий валюта-сўмда эмиссия қилинган қимматли қоғозлардан иборат. Бу эса, республикаимиз тижорат банкларини инвестиция портфелини молиявий рискларга таъсирчанлигини оширади. Бунда инфляция ва девалвация таъсирида банкларни қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларини реал қийматини пасайиш хавфи юзага келади.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестицион оператциялар, юқори ликвидли қимматли қоғозлар, инвестиция портфелини диверсификацияси, корпоратив қимматли қоғозлар, инвестицион операцияларни rischi, инвестицион оператцияларни даромадлилиги, валюта опционлари, валюта опционларни европа стандарти, валюта опционларни америка стандарти, дериватив оператциялар, инвестиция портфелини сифат кўрсаткичлари.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тижорат банклари инвестицион операцияларининг мазмуни ва зарурлиги.
2. Банклар инвестицион операцияларини бошқариш принциплари.
3. Тижорат банклари инвестицион операцияларини марказлашган тарзда бошқариш
4. Тижорат банклари инвестицион операцияларини номарказлашган тарзда бошқариш усуллари.
5. Тижорат банклари инвестицион операцияларининг самарадорлигини баҳолаш.

10-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ ВА ПАССИВЛАРИНИ ТЕЗКОР ВА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ

§ 10.1. Тижорат банклари актив ва пасcивларини тезкор ва стратегик режалаштиришни моҳияти

§ 10.2. Тижорат банклари активлари ва пасcивларини тезкор ва стратегик режалаштириш

§ 10.3. Тижорат банкларини молиявий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни режалаштириш

§ 10.4. Ўзбекистонда тижорат банкларни тезкор ва стратегик режалаштиришни такомиллаштириш

§ 10.1. Тижорат банклари актив ва пасcивларини тезкор ва стратегик режалаштиришни моҳияти

Тижорат банкларини молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларни ресурс базасини мустаҳкамлаш Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ўрта муддатли истиқболда ривожлантиришни устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларида стратегик режалаштиришни такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Тижорат банкларини ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларни ресурс базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни мавжудлиги банкларда стратегик режалаштиришни такомиллашмаганлигидан далолат беради. Хусусан, республикада тижорат банкларида баланслашмаган ликвидлилик муаммосини чуқурлашганлиги кузатилмоқда. Бунинг устига, тижорат банклари депозит базасини етарлилиги таъминланмаган. 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларини умумий ҳажмида талаб қилиб олинadиган депозитларнинг салмоғи 59,5 фоизни ташкил этди. Бу эса, банкларнинг депозит базасини етарли эмаслигини кўрсатади. Чунки, тижорат банкини депозит базаси етарли бўлиши учун

талаб қилиб олинадиган депозитларнинг жами депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги керак.

Тижорат банкларида тезкор режалаштириш деганда стратегик режалаштиришда кўзда тутилган режа кўрсаткичларини бажарилишини таъминлашга қаратилган тадбирлар тушунилади.

Тижорат банкларида стратегик режалаштириш деганда банкни қуйидаги фаолият йўналишлари бўйича бошқариш стратегияларини муқобил сценарийларини ишлаб чиқиш жараёнлари тушунилади:

- активларни бошқариш;
- ресурсларни бошқариш;
- рискларни бошқариш;
- персонални бошқариш;
- маркетинг.

Тижорат банкларида тезкор режалаштириш банк фаолиятини бошқариш жараёнида аниқланган ўзгаришларнинг сабабларини аниқлаш ва ушбу ўзгаришларни салбий таъсирига барҳам бериш чораларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

АҚШлик профессор Ж.Синкининг²⁵ хулосасига кўра, тижорат банки фаолиятини ҳар бир йўналиши бўйича стратегик режалаштириш ишлаб чиқилган бўлиши ва унинг пировард мақсади банк активларини даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Ж.Синкининг ушбу хулосаси ҳозирги замон банк амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банклари фаолиятида рискларнинг чуқурлашиб кетаётганлиги сабабли Базел қўмитаси тижорат банклари фаолиятидаги кредит rischi ва операцион riskни баҳолаш ва бошқариш бўйича талаблар ва ёндашувларни 2004 йилда қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди. Натижада, кредит riskини баҳолаш бўйича янги

²⁵ Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. - М.: Алпина Паблишер, 2017. - 1018 с.

“стандартлашган ёндашув” деб номланган янги ёндашув ва операцион рискни бошқариш бўйича янги базавий индикатив ёндашув ишлаб чиқилди.

Тижорат банкларидаги стратегик режалаштиришни банкни бошқаришнинг муқобил сценарийларини ишлаб чиқиш жараёни сифатида қараш лозим ва бунда банк фаолиятини 5 соҳаси бўйича стратегик режалаштиришга устувор йўналишлар сифатида қараш зарур:

- маркетинг;
- активларни бошқариш;
- ресурсларни бошқариш;
- рискларни бошқариш;
- банк ходимларини бошқариш.

Тижорат банклари фаолиятини молиявий натижаларини режалаштиришда асосий эътибор юқори ликвидли активлар билан юқори даромадли активлар ўртасидаги нисбатни оқилона даражасини таъминлашга қаратилиши лозим.

Европа Иттифоқи мамлакатларида тижорат банклари молиявий кўрсаткичларини стратегик режалаштиришда асосан Базел қўмитасини капитални етарлилиги ва риск-менежментга бўйича белгилаган мезонлари ва меъёрларидан фойдаланилади.

§ 10.2. Тижорат банклари активлари ва пасивларини тезкор ва стратегик режалаштириш

Тижорат банкларини активларини тезкор ва стратегик режалаштиришда ликвидли активларини миқдорини депозитларнинг нобарқарор қисмига нисбатан эмас, балки жорий депозитлар ва жамғарма депозитларига нисбатан белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки айнан шу депозитларни нобарқарорлик даражаси юқори бўлиб, тижорат банкларида ликвидлилик рискини доимий тарзда юзага келтиради. Депозитларни барқарор қисмини жами депозитларнинг 75 фоизи миқдорида шаклланиши ривожланган хорижий давлатларни амалиётига хос бўлган ҳолат ҳисобланади. Мазкур

мамлакатларда молия бозорларини ривожланганлиги, молиявий ҳолати барқарор бўлган миқдорларнинг кўплиги, Марказий банк монетар сиёсатини мақсади ва вазифаларини аниқ ҳамда шаффофлиги, корхоналарни солиқ юкини мўътадил даражага келтирилганлиги ва бошқа омиллар хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимини барқарор даражасини таъминлашга замин яратади. Ривожланаётган давлатларда эса, молия бозорлари ривожланмаганлиги, Марказий банкни монетар сиёсатида ноаниқликларни мавжудлиги, солиқ сиёсатини такомиллашмаганлиги ва бошқа омиллар хўжалик субъектларини молиявий ҳолатига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Бу ҳолатлар, пировард натижада, хўжалик субъектларини пул оқимини барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида тижорат банкларидаги талаб қилиб олинадиган депозитлар ва жамғарма депозитлари қолдиқларини нобарқарорлиги кучаяди.

Тижорат банкларини пасивларини тезкор ва стратегик режалаштиришда асосий эътибор банкнинг депозит базасини барқарорлигини таъминлашга қаратилиши керак ва бунда тижорат банклари ресурсларини энг барқарор қисми бўлиб муддатли депозитлар ва жамғарма омонатлари ҳисобланади ва улар қуйидаги муҳим хусусиятларга эгадир:

- ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун фойдаланилмайди ва уларга тўлов ҳужжатлари ёзилмайди;
- муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларидаги маблағларни айланиш тезлиги паст;
- қатъий белгиланган фоиз тўланади, Марказий банк зарур ҳолларда фоиз ставкаларини юқори чегарасини тартибга солиши мумкин;
- тижорат банкини депозитни олиш тўғрисида олдиндан огоҳлантириш тартиби мавжуд;
- нисбатан паст мажбурий заҳира ставкалари қўлланилади.

Трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш тижорат банкларини ликвидлилигига жиддий зиён етказди. Шу сабабли, Гласс-Стиголл қонунига асосан 1933 йилда трансакцион депозитларга фоиз

тўлашни таъқиқланиши оқилона тадбир ҳисобланади. Лекин муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига тижорат банклари томонидан тўланадиган фоиз ставкаларини юқори чегарасини белгиланиши тижорат банкларини депозит базасига салбий таъсир қилади.

Банк ресурсларини бошқаришда стратегик режалаштириш камида 2–10 йилга мўлжалланиб ишлаб чиқилади, бунда асосий эътибор ресурсларни жалб этиш ва жойлаштиришни муддатлар бўйича мувозанатлаштириш, мижозларни таркибини шакллантириш, ресурсларни жалб этишни омонатчилар ва мижозлар бўйича диверсификациялаш кабиларга эътибор қаратилади.

Иқтисодий ўтиш шароитида тижорат банклари ресурсларини бошқаришни стратегик режалаштириш усули иқтисодий ва сиёсий рискларни минималлаштиришда, банкни ўзгарувчан бозор шароитига мослашувчанлигида муҳим рол ўйнайди.

Сбербанкнинг 2014-2018 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегиясида молиявий натижалар бўйича қуйидаги 6 та кўрсаткич бўйича стратегик режалаштириш амалга оширилган:

1. Капиталнинг рентабеллиги.
2. Биринчи даражали капитални етарлилиги.
3. Харажатларни даромадларга нисбати.
4. Харажатларни активларга нисбати.
5. Соф фойдани ўсиши.
6. Активларни ўсиши.

10.2.1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, Сбербанк томонидан 2018 йилда капитални рентабеллигини 18% даражасига етказиш режалаштирилган эди. Ушбу режа кўрсаткичи 2016 йилнинг якуни бўйича бажарилди (21%).

Биринчи даражали капитални етарлилик даражасини 2018 йилда камида 10 % бўлиши режалаштирилган эди. 2016 йил якуни бўйича ушбу режа кўрсаткичи бажарилди ва у 12,3 фоизни ташкил этди.

10.2.1-жадвал

Сбербанк (Россия) молиявий натижалар бўйича 2018 йилга мўлжалланган стратегик режаси ва уни 2016 йилда бажарилиши²⁶

№	Кўрсаткичлар	2016 йил	2018 йил
1	Капиталнинг рентабеллиги, %	21,0	18,0
2	Биринчи даражали капитални етарлилиги, %	12,3	мин 10,0
3	Харажатларни даромадларга нисбати, %	39,7	40 гача
4	Харажатларни активларга нисбати, %	2,6	2,5 гача
5	Соф фойдани ўсиши, марта (2013 йилга нисбатан)	1,5	мин 1,8
6	Активларни ўсиши, марта (2013 йилга нисбатан)	1,4	1,8

Харажатларни даромадларга нисбати кўрсаткичи бўйича 2018 йилга мўлжалланган режа кўрсаткичи ҳам 2016 йилда бажарилди. Мазкур кўрсаткични 40 фоиздан ошмаслиги режалаштирилган эди. 2016 йилда эса, ушбу кўрсаткични ҳақиқатдаги даражаси 39,7 фоизни ташкил этди.

10.2.1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, харажатларни активларга нисбатан даражаси бўйича 2018 йилга мўлжалланган режа кўрсаткичи 2016 йилда бажарилмади. Шунингдек, соф фойдани ва активларни ўсиш суръатлари бўйича 2018 йилга режалаштирилган кўрсаткичлар ҳам бажарилмади.

2018 йил учун мўлжалланган режа кўрсаткичига мувофиқ, соф фойда миқдори 2013 йилга нисбатан 1,8 мартага ошиши керак эди. 2016 йилда мазкур кўрсаткични 2013 йилга нисбатан ўсиш суръати 1,5 мартани ташкил этди.

Сбербанк жами активларини 2018 йил учун 2013 йилга нисбатан ўсиш суръати 1,8 марта қилиб режалаштирилган эди. 2016 йилда ушбу кўрсаткични 2013 йилга нисбатан ҳақиқатдаги ўсиш суръати 1,4 мартани ташкил этди.

²⁶ Годовой отчет Сбербанка за 2016 год. www.cbrf.ru.

Сбербанкнинг 2014-2018 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегиясида чакана миқозлар сонини ошириб бориш режалаштирилган эди.

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари депозит базасини етарлилигини аниқлашда икки усулдан кенг фойдаланилмоқда. Биринчи усул Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) экспертлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда тижорат банклари депозит базасининг етарлилиги (ДБЕ) қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{ДБЕ} = \frac{\text{ТД}}{\text{ТД} + \text{ЖД} + \text{МД}} \times 100\%$$

Бу ерда:

ТД – трансакцион депозитлар;

ЖД – жамғарма депозитлари;

МД – муддатли депозитлар.

ХТТБ экспертларининг тавсиясига кўра, мазкур кўрсаткичнинг энг юқори чегараси 30 фоизни ташкил этиши лозим. Агар унинг амалдаги даражаси 30 фоиздан юқори бўлса, у ҳолда, ушбу тижорат банкининг депозит базаси етарли эмас, деб ҳисобланади.

ХТТБ экспертлари томонидан ишлаб чиқилган усулда трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғи тижорат банклари депозит базасини етарлилигини аниқлашда ҳисобга олинмаган. Лекин айрим иқтисодчи олимлар, жумладан, проф. О.И.Лаврушин²⁷ тижорат банклари депозит базасини етарлилигини баҳолашда трансакцион депозитларни барқарор қолдиғини ҳисобга олиш лозим, деб ҳисоблайди.

Ҳозирги даврда дунёнинг кўпчилик мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари фаолиятини инспекцион

²⁷ Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: Учебное пособие. - М.: Кнорус, 2014. - 360 с.

текширишда “САМЕЛ” рейтинг тизимидан кенг фойдаланилмоқда. Ушбу тизимда тижорат банклари депозит базасини барқарорлиги қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{ДБЕ} = \frac{\text{Асосий депозитлар}}{\text{Депозитлар жами}} \times 100\%$$

Мазкур кўрсаткичнинг амалдаги даражаси 75 фоиздан паст бўлмаган тақдирдагина тижорат банкини депозит базаси етарли ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, тижорат банклари депозитларини умумий ҳажмида асосий депозитларни салмоғи камида 75 фоизни ташкил этиши лозим.

“САМЕЛ” рейтинг тизимида асосий депозитлар деганда депозитларнинг банкни тарк этмайдиган қисми тушунилади. Шу жиҳатдан олганда, асосий депозитлар ҳар уч турдаги депозитлар – трансакцион депозитлар, муддатли депозитлар ва жамғарма депозитларини барқарор қолдиғини ўз ичига олади.

“САМЕЛ” рейтинг тизимидаги депозит базасини етарлилигини баҳолаш усули ХТТБнинг баҳолаш усулига нисбатан мукамалроқ ҳисобланади. Яъни, биринчидан, трансакцион депозитларни барқарор қолдиғи ҳисобга олинмоқда. Бу эса, жуда муҳим, чунки трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғидан фойдаланилганда тижорат банкларини ликвидлилигига нисбатан жиддий хавф юзага келмайди; иккинчидан, жамғарма депозитларини барқарор қолдиғигина асосий депозит сифатида эътироф этилмоқда. Ҳолбуки, жамғарма депозитларини маълум қисми нобарқарор пассив ҳисобланади. Улар трансакцион депозитлардан банкни маълум муддат олдиндан огоҳлантириш йўли билан олиниши жиҳатидан фарқ қилади.

§ 10.3. Тижорат банкларини молиявий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни режалаштириш

Тижорат банкларини молиявий барқарорлигини тавсифловчи бир қатор кўрсаткичлар мавжуд. Булар:

- ❖ кредит қўйилмаларини таснифланиши (*стандарт, субстандарт, қониқарсиз, шубҳали, умидсиз*);
- ❖ муаммоли қарздорликлар (*муддати ўтган, шундан оралиқ муддати ўтган, суд жараёнидаги, шартлари ўзгартирилган, балансдан ташқари хисобварақдаги қарзлар*);
- ❖ тақсимланмаган фойда;
- ❖ банк томонидан активлар бўйича яратилган махсус заҳиралар;
- ❖ шакллантирилган мажбурий заҳиралар жамғармаси;
- ❖ нақд пул тушуми, биринчи даражали ижтимоий тўловлар ва иш ҳақларни тўланиши;
- ❖ муомалага чиқарилган пластик карталар ва ўрнатилган терминаллар, улар бўйича ўтаётган тўловлар ҳажми;
- ❖ Марказий банк томонидан белгиланган бошқа иқтисодий нормативлар ва бошқа кўрсаткичлар.

Мазкур кўрсаткичлар рўйхатини албатта яна давом эттириш мумкин. Аммо шуни доимо эсда тутиш лозимки, юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар банкнинг макро даражадаги иқтисодий салоҳиятини кўрсатиб берувчи кўрсаткичлар саналади.

Худди шундай, банк фаолиятини йўналишларини ички тарафдан очиб берувчи, масалан акцияларни турлари, кредитларни ҳудудларга йўналтирилиши, уларни фоизлари, муддатида қайтарилиши, гаровларни турлари, инвестиция портфелини даромадлилиги, қандай турдаги корхоналарга йўналтирилганлиги, муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни муддатлари, фоизлари, депозитларни қандай валютада жалб қилинганлиги ва муддатлари, банк даромади ва харажатларини таркиби, I-даражали капитални етарлилиги, левераж, активлар бўйича таваккалчилик

даражасини кўрсатувчи меъёрлар, нақд пул тушумларини мижозлар турлари бўйича таркиби, муомалага чиқарилган пластик карта турлари (аҳолига, якка тартибдаги тадбиркорларга, хўжалик субъектларига), уларга кириш қилинаётган маблағлар, уларни қолдиғи каби ўнлаб кўрсаткичларни санаб ўтиш мумкин.

Бу каби кўрсаткичлар юқорида таъкидланганидек, банк фаолиятини ички хусусиятларини ёритиб беради ва улардан асосан тармоқ ичидаги ҳисоботларда фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги “Банк тизимини молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестицион фаоллигини кучайтириш чоралари тўғрисида”ги 1317-сонли қарорига кўра банкларга:

- Умумий капитални ҳар йили камида 20%га ошириб бориш;
- Банк устав капиталини 50,1 млрд.сўмга кўпайтириш;
- Депозит базасини ҳар йили камида 20%га ошириш;
- Тадбиркорларни кредитлаш ҳажмини 1,3 баробарга ошириб бориш;
- Инвестиция мақсадларига йўналтириладиган кредитларни янада ўстириш вазифалари юклатилган.

Ундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш, уни барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишни устувор йўналишлари тўғрисида”ги 1438-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда 2011-2015 йилларда:

- Умумий капитални 2,1 баробарга ошириш;
- Депозит базасини 2,5 баробарга ошириш;
- Муомалага чиқарилган пластик карталар сонини 1,5 баробарга ошириш;
- Инвестиция кредитлари ҳажмини 2,8 баробарга ошириш;
- Тадбиркорларга кредит ажратиш ҳажмини 2,7 баробарга ошириш;
- Микрокредитлар ҳажмини 2,8 баробарга ошириш белгиланди.

Навбатдаги қабул қилинган қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги 2344 –сонли қарори бўлди. Ушбу қарор талаблари ҳозирда амал қилмоқда. Демак, унга кўра:

- * регулятив капитал етарлилиги меъёрини босқичма-босқич 10%дан 14,5%га етказиш;

- * I-даражали капитални етарлилиги меъёрини босқичма-босқич 5%дан 11%га етказиш;

- * ликвидлилиқни қоплаш меъёрини жорий этиш ва 100%га етказиш;

- * соф барқарор молиялаштириш меъёрини жориш этиш ва 100%га етказиш;

- * ликвидлилиқ – бу банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасини пасайишини самарали бошқаришни билдиради.

Жорий ликвидлилиқ коэффиценти - жорий активлар суммасини (тўлов муддати 30 кунгача бўлган банкни ликвидли активлари ва кўйилмалари, бундан муддати узайтирилган ёки қайтариш муддати ўтган кредитлар мустасно) жорий мажбуриятлар (талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар) суммасига нисбати орқали аниқланади.

Мазкур кўрсаткич 30 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Ликвидлилиқни қоплаш меъёри коэффиценти юқори ликвидли активларни кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқимга нисбати сифатида аниқланади ($ЛҚМК = \frac{\text{юқори ликвидли активлар}}{\text{кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқим}}$). Мазкур кўрсаткич 2018 йил 1 январдан бошлаб 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

2018 йил 1 январдан бошлаб банкларда **соф барқарор молиялаштириш меъёри** жорий қилинди.

Ушбу меъёр барқарор молиялаштиришни мавжуд суммасини барқарор молиялаштиришни зарур суммасига нисбати сифатида аниқланади ва кўрсаткич 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Бунда барқарор молиялаштиришни мавжуд суммасига:

- банк регулятив капитали;
- амалдаги қайтариш муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган банк мажбуриятлари;
- қайтариш муддати белгиланмаган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30 фоизи;
- қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30 фоизи киритилади.
- **Барқарор молиялаштиришни зарур суммасига :**
- қайтарилишига 1 йил ва ундан ортиқ муддат қолган банк активлари, шу жумладан, муаммоли кредитлар ва номолиявий активлар (ер участкалари, бинолар, мебел, компьютерлар ва автомашиналар);
- суд жараёнида бўлган ёки белгиланган тартибда ундирилмаган активлар;
- қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа активлар суммасини 30 фоизи (қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган ёки муддатсиз ликвидли активлар бундан мустасно);
- балансдан ташқари моддалардаги мажбуриятларни 15 фоизи киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентини 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2017 йил 1 октябрдан бошлаб тижорат банклари устав капиталини энг кам миқдorigа нисбатан талаб 100 млрд. сўм қилиб белгиланди. Бу эса, банкларнинг капиталлашиш даражасини оширишга хизмат қилади.

§ 10.4. Ўзбекистон тижорат банкларида тезкор ва стратегик режалаштиришни такомиллаштириш

Банкларда тезкор ва стратегик режалаштиришни такомиллаштириш йўллари:

I. Стратегик режалаштириш жараёнида молиявий активларни амортизация қилинадиган қийматини тўғри аниқлаш ва уларни кадрсизланишини аниқ баҳолаш мақсадида самарали фоиз ставкаси усулини режалаштириш жарёнига жорий қилиш лозим.

Самарали фоиз ставкаси шундай фоиз ставкаки, у молиявий инструмент бўйича кутилаётган давр мобайнидаги барча пуллик тушумлар ва тўловларни ҳисобланган суммасини уларни дастлаб тан олинган соф баланс қийматига келтириш имконини беради (дисконтлаш йўли билан).

Самарали фоиз суммасини ставкасини ҳисоблаш учун ҳар бир тегишли ҳисобот даврида самарали фоиз ставкаси актив ёки мажбуриятнинг ўтган ҳисобот даврини сўнггидаги амортизацияланган қийматига кўпайтирилади. Мазкур давр учун ҳисобланган самарали фоиз билан активни фоизли купони ўртасидаги фарқ суммаси мазкур даврдаги амортизация суммаси ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлардаги қоидаларига кўра, барча молиявий мажбуриятлар дастлабки тан олингандан сўнг самарали фоиз ставкасини қўллаган ҳолда амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланиши керак. Бироқ, мазкур қоидалар қуйидаги турдаги молиявий мажбуриятларга нисбатан қўлланилмайди:

1.1. Адолатли қиймат бўйича баҳоланадиган молиявий мажбуриятлар,
Чунки мазкур турдаги молиявий мажбуриятлар шу даврдаги фойда ёки зарар таркибида ҳисобга олинади.

1.2. Молиявий активни узатаётганда тан олиниши тўхтамайдиган ҳолатда юзага келадиган молиявий мажбуриятлар.

1.3. Бозор ставкасидан паст бўлган фоиз ставкаларида бериладиган кредитлар бериш бўйича битимлар бўйича юзага келадиган молиявий мажбуриятлар.

II. Тижорат банкларини молиявий барқарорлигини режалаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида, биринчидан, қимматли қоғозлар эмитентларини молиявий ва мулкӣ ҳолатини таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш орқали банкларни корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳажмини ошириш зарур; иккинчидан, банкларни Марказий банкнинг облигацияларига қилинган инвестициялари ҳажмини ошириш орқали уларни жорий ликвидлилик даражасини ошириш лозим; учинчидан, банкларни “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги ортиқча пул маблағларини иқтисодиётни турли тармоқларига мансуб бўлган корхоналарни қимматли қоғозларига инвестиция қилиш лозим.

Ушбу таклифимизни амалиётга татбиқи натижасида:

- тижорат банкларини қимматли қоғозлардан оладиган даромадлари миқдори кўпаяди;
- юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳисобидан тижорат банкини жорий ликвидлилик даражаси ошади;
- банкларни қимматли қоғозлар портфелини ликвидлилик даражаси ошади.

III. Тижорат банклари даромадларини тезкор режалаштиришда асосий эътибор тижорат банкларини кредитлардан олинадиган фоизли даромадларини ялпи даромад ҳажмидаги салмоғини барқарорлигини таъминлашга қаратилиши лозим.

Биринчидан, кредитларни брутто активлар ҳажмидаги салмоғини пасайишига йўл қўймаслик зарур; иккинчидан, кредитлар фоиз ставкаларини кескин тебрашини олдини олиш лозим; учинчидан, муддати ўтган кредитларни брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичини меъёрий даражасини таъминлаш зарур.

Қисқача хулосалар

Тижорат банкларини молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларни ресурс базасини мустаҳкамлаш Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ўрта муддатли истиқболда ривожлантиришни устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларида стратегик режалаштиришни такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Тижорат банкларида стратегик режалаштириш деганда банкни қуйидаги фаолият йўналишлари бўйича бошқариш стратегияларини муқобил сценарийларини ишлаб чиқиш жараёнлари тушунилади: активларни бошқариш; ресурсларни бошқариш; рискларни бошқариш; персонални бошқариш; маркетинг.

Тижорат банки фаолиятини ҳар бир йўналиши бўйича стратегик режалаштириш ишлаб чиқилган бўлиши ва унинг пировард мақсади банк активларини даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Тижорат банкларини ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларни ресурс базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни мавжудлиги банкларда стратегик режалаштиришни такомиллашмаганлигидан далолат беради.

Тижорат банкларида тезкор режалаштириш деганда стратегик режалаштиришда кўзда тутилган режа кўрсаткичларини бажарилишини таъминлашга қаратилган тадбирлар тушунилади.

Тижорат банкларида тезкор режалаштириш банк фаолиятини боқшариш жараёнида аниқланган ўзгаришларнинг сабабларини аниқлаш ва ушбу ўзгаришларни салбий таъсирига барҳам бериш чораларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Таянч сўз ва иборалар

Стратегик режалаштириш, банкларни ликвидлиги, банкни молиявий барқарорлиги, депозит базасини етарлиги, депозит базасини

барқарорлиги, мудатли депозитлар, жамғарма омонатлари, трансакцион депозитлар, “САМЕЛ” рейтинг тизими, самарали фоиз ставкаси, активнинг амортизацияланган қиймати.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тижорат банклари актив ва пассивларини тезкор режалаштириш босқичлари.
2. Тижорат банклари актив ва пассивларини стратегик режалаштириш босқичлари.
3. Тижорат банклари актив ва пассивларини оператив ва стратегик режалаштириш принциплари.
4. Банklar актив ва пассивларини режалаштириш жараёнларига ички муҳитнинг таъсири.
5. Банklar актив ва пассивларини режалаштириш жараёнларига ташқи муҳитнинг таъсири.
6. Тижорат банклари актив ва пассивларини оператив ва стратегик режалаштириш усуллари.
7. Тижорат банкларида тезкор ва стратегик режалаштириш самарадорлигини баҳолаш.

11-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИНИ БОШҚАРИШ.

§ 11.1. Банк капиталини ташкил қилувчи асосий элементларни тавсифи

§ 11.2. Банк капитали етарлилиги ва унга нисбатан ўрнатилган меъёрлар

§ 11.3. Банк капиталини оширишнинг асосий манбалари. Тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш бўйича халқаро талаб ва стандартлар (Базель III) ҳамда улардан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари

§ 11.4. Тижорат банклари капиталини бошқаришнинг асосий йўналишлари ва усуллари


§ 11.5. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг замонавий босқичида тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш бўйича белгиланган вазифалар ва чора-тадбирлар

§ 11.1. Банк капиталини ташкил қилувчи асосий элементларни тавсифи

Хар қандай банк тизимини барқарорлигини, тўловга қобиллиги ва ишончилигини таъминлашда, банк активларини ўстиришда банк капитали муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Фақатгина етарлича миқдорда барқарор капиталга эга тижорат банклари актив операцияларини эркин амалга оширишлари, талаб этилган даражада ликвидликни доимо сақлаган ҳолда самарали фаолият юритишлари ҳамда молия бозорларига эркин чиқиш имкониятига эга бўлишади.

Банк тизимини барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини, уларни ресурс базасини янада ошириш орқали банк-кредит тизимини барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, банкларни иқтисодийetni модернизация қилиш жараёнларидаги иштирокини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Банк сармояси Базель андозадари талабларига кўра “Асосий” (I даражали) ва “қўшимча” (II даражали) сармоядан ташкил топади. 1988 йилда Халқаро Базель қўмитаси томонидан банк капитали етарлигигига доир келишув (Базель I) ишлаб чиқилди ва унда капитал етарлилигини ҳисоблаш мақсадида регулятив капитал (умумий капитал) тушунчаси амалиётга жорий қилинди. Регулятив капитал асосий ва қўшимча капиталдан ташкил топиб, банк фаолиятини бошқариш ва иқтисодий меъёрларни ҳисоб-китобини ўтказиш мақсадида ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган банк капиталидир.



11.1.1-расм. Базель андозаларига кўра асосий капитал элементлари

Бунда асосий капитал жами сармояни камида 50% ни ташкил этиши керак.

Базель қўмитаси бозор иқтисодиёти шароитида кўзда тутилмаган рискларни қоплаш мақсадида 1997 йилдан III даражали капитални амалиётга жорий қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Унга кўра, учинчи даражали

капитал қисқа муддатли (икки йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим) субординар қарзлардан иборат бўлиб, биринчи даражали капитални 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Амалиётда Республикамизда фонд бозори тўлиғича ўз қувватида ишламаётганлиги сабабли ҳозирда 3-даражали капитални ажратиш унча катта аҳамият касб этмайди.

Ҳозирги вақтда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатда тижорат банклари капиталини таркибини шакллантиришда ва уни етарлилик даражасини белгилашда халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган андозалардан асос сифатида фойдаланилмоқда.

Базель андозаларига кўра асосий капитал элементлари қуйидаги расмда келтирилган.


Хорижий банк амалиётида Ўзбекистон банк амалиётидан фарқли равишда банкларда аудит текшируви ўтказилиб, аудит хулосаси тасдиқлангунга қадар жорий йилни фойдаси асосий капитал таркибига киритилади. Аудит хулосасидан кейин эса фақат тақсимланмаган фойда киритилади.

Халқаро Базель андозалари бўйича банкларни қўшимча капитали таркиби асосий элементлари қуйидаги чизмада берилган.

Ўзбекистон тижорат банклари капиталининг таркиби ва унинг етарлилигига қўйилган талаблар Марказий банкнинг 1998 йил 2 ноябрда тасдиқланган 420-сонли «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низоми асосида тартибга солинади. Унга кўра, тижорат банки I даражали капитали таркиби қуйидагилардан иборат:

- а) тўлиқ тўланган ва муомалага чиқарилган оддий акциялар,
- б) нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар. Бу акциялар:
 - муайян сотиб олиш санаси ва шартларига эга эмас;
 - эгасининг хоҳишига кўра сотиб олиниши мумкин эмас;
 - банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорига мувофиқ уларга доир дивидендлар тўланмаслиги мумкин;

- улар бўйича ўтган даврдаги олинмаган (нокумулятив) дивидендлар тўланмайди;



11.1. 2-расм. Базель андозалари бўйича банкларни қўшимча капитали таркибини асосий элементлари

в) қўшимча капитал (капиталнинг ортиқча қисми) — оддий ва имтиёзли акциялар бозор нархини уларни номинал қийматидан ошиб кетиши;

г) тақсимланмаган фойда, шу жумладан:

- капитал захиралар;
- аввалги йиллар тақсимланмаган фойдаси;
- жорий йил зарарлари.

д) озчилик акция эгаларининг бирлашган корхоналар акциядорлик ҳисобварақларидаги улуши. Бу улуш шўъба корхоналари ҳисобварақлари

банк молиявий ҳисоботларида умумлаштирилганда ва банк улуши бундай корхоналар капиталини 100 фоиздан кам қисмини ташкил қилганда вужудга келади.

е) банкни устав капиталидаги валюта қисмига тенг бўлган валюта активларини қайта баҳоланиш ҳисобига ташкил этилган девальвацияга захирадир.

Дивиденд ставкалари ўзгариб турадиган имтиёзли акциялар I даражали капитал ҳисобига киритилмайди.

II даражали капитал қуйидагилардан иборат:

а) жорий йилдаги соф фойда;

б) хатарни ҳисобга олган ҳолда активлар суммасининг 1,25 фоизи ва ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдордаги умумий захира;

в) ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдорда аралаш турдаги мажбуриятлар (акциядорлик ва қарз капитали тавсифларини ўз ичига олган воситалар). I даражали капиталга киритилмаган аралаш турдаги мажбуриятлар, жумладан, имтиёзли акциялар агарда улар қуйидаги шартларга жавоб берсалар, II даражали капиталга киритилиши мумкин:

- тўлиқ тўланган бўлиши керак;

- гаров билан таъминланмаган;

- банк тугатилганда уларга доир талаблар банк депозиторлари талаблари қондирилганидан сўнг қондирилиши;

- акция эгасини ташаббуси билан ва олдиндан олинган Марказий банк рухсатисиз тўланиши мумкин эмас;

- банкни ҳар қандай зарарларини қоплаши ва банкни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиш ҳуқуқини бермаслиги;

- агар банк охирги 3 чорак мобайнида фойда олмаган бўлса, эмитент хоҳишига кўра ёки оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар

(фоизлар) тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишда ушбу мажбуриятларга доир дивидендлар (фоизлар)ни тўлаш муддати кечиктирилиши мумкинлиги.

г) субординар қарз, бу банкни қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадида ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали капитални 50 фоизидан ошмаслиги керак. II даражали капиталга кирувчи субординар қарз тўлаш муддати етиб келгунга қадар охириги 5 йил давомида йилига 20 фоизга камайиб бориши шарт. II даражали капитал таркибига кирувчи субординар қарз қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- гаров таъминотига эга бўлмаслик;
- банк тугатилаётганда ушбу мажбуриятлар бўйича талаблар депозиторлар талаблари қондирилганидан сўнг амалга оширилиши;
- бошланғич тўлов муддати 5 йилдан ортиқ бўлиши;
- банкни устав капиталидаги валюта қисмига тенг бўлган валюта активларини қайта баҳоланиш ҳисобига ташкил этилган девальвация учун захиралар.

Ўзбекистон тижорат банкларини биринчи даражали капитали таркибига халқаро Базель андозаларидан фарқли ўлароқ, банкни устав капиталидаги валюта қисмига тенг бўлган валюта активларини қайта баҳоланиш ҳисобига ташкил этилган девальвация захираси алоҳида манба сифатида эътироф этилади. Шунингдек, тижорат банкларини жорий йилдаги соф фойдаси иккинчи даражали капитали таркибига киритилган.


Махсус захиралар банк балансини контр-актив ҳисоб варақасида акс эттирилиб банк харажатлари ҳисобидан шакллантирилади. Базель қўмитасини андозаларига кўра активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захирасини рискка тортилган жами активлар суммасини 1,25 фоизга тенг миқдорини II даражали банк капитали таркибига киритилади.

Девальвация захираси эса, у шубҳасиз банкни ўзига тегишли бўлган хорижий валютадаги капитал захира қийматини ўсиши натижасида юзага келади, яъни девальвация захирасига нобарқарор молиявий манба сифатида қараш мумкин.

Айни вақтда, миллий валютасини курси нобарқарор бўлган мамлакатларда девальвация захираси миқдорида кескин тебраниш юз бермоқда. Бу эса девальвация захирасини нобарқарор молиялаштириш манбаига айлантирмоқда. Шу муносабат билан таклиф қилардикки, хорижий валюталар бўйича девальвация захирасини асосий капитал таркибидан чиқариб қўшимча капитал таркибига киритиш лозим.

Тижорат банкларини капиталини самарали бошқаришга эришиш иқтисодий ислохотлар ва бозор муносабатларини самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Тижорат банклари капиталини бошқариш кўпқиррали жараён бўлиб, ушбу жараёнда асосий эътибор капитални таркибига қаратилади. Қуйидаги чизмада банк капиталини бошқариш объектларидан келиб чиқиб уни банк фаолиятига таъсирини кўриш мумкин.



11.1. 3-расм. Банк капиталини бошқаришни асосий объектлари

Расмда банк капиталини бошқаришнинг объектив асослари келтирилган. Тижорат банкларини капиталини барқарор даражасини таъминлаш банк капиталини бошқаришни асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Бунда асосий эътиборни тижорат банклари капиталини шакллантиришни барқарор манбаларига қаратилади. Тижорат банклари капитали таркибида барқарор манбалар сифатида уларни устав капитали ва ўтган йилларни тақсимланмаган фойдасини келтириш мумкин. Устав

капитали банкларни барқарор манбаи ҳисоблангани боис тижорат банклари ҳам жами капитал таркибида унинг улушини ошириб боришга эътибор қаратиши зарур. Тижорат банклари капиталини бошқаришнинг яна бир асосий жиҳати сифатида улар жами капиталини етарлилигини таъминлаш масаласи ҳисобланади. Жами капитални етарлилигини таъминлаш тижорат банкларини фаолиятини нормал равишда ҳаракат қилишга имкон бериш билан бирга, уларни молиявий мустаҳкамлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Банклар асосий капитали етарлилигини таъминлаш банк капиталини бошқаришни муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Унинг асосий кўрсаткичларидан бири банк фаолиятини самарадорлик даражасини паст ёки юқори эканлиги билан изоҳланади.

Тижорат банклари капиталидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қилувчи омил гуруҳига асосан қуйидаги омиллар киради:

а) Банк капиталини даромадлик коэффицентини ўзгариши.

Банк капиталини даромадлик даражасини аниқлаш банк капиталидан фойдаланиш самарадорлигини белгиловчи билвосита кўрсаткич ҳисобланади. Чунки, биринчидан, банк капитали ҳисобидан айнан қайси актив операция молиялаштирилаётганлигини билишни иложи йўқ; иккинчидан, банк капитали банкни жами ресурсларига нисбатан кичик салмоқни эгаллайди.

Даромадлик коэффицентини пасайиши капиталдан самарали фойдаланиш даражасини пасаяётганлигидан далолат беради.

б) Банк устав капиталини жами капитал ҳажмидаги салмоғини ўзгариши.

Бунда кўзда тутилмаган харажатлар ва зарарларни устав капиталидан қоплаш имконияти назарда тутилади. Банкни устав капитали ўзига хос суғурта фонди сифатида операцион фаолият давомида юзага келадиган кўзда тутилмаган харажатлар ва зарарларни қоплаш учун етиши керак.

§ 11.2. Банк капитали етарлилиги ва унга нисбатан ўрнатилган меъёрлар

Регулятив капитални етарлилик коэффиценти тижорат банкларини тўловга қобиллигини тавсифловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Шунингдек, Базель стандартига кўра, биринчи даражали капитални етарлилиги ҳам баҳоланади ва бунда биринчи даражали капитални етарлилик коэффиценти қўлланилади.

Биринчи даражали капитални етарлилик коэффиценти биринчи даражали капитални банк активларини рискка тортилган суммасига бўлиш йўли билан аниқланади ва унинг энг паст меъерий даражаси 0,04 ёки 4% қилиб белгиланган.

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари капиталини етарлилигини баҳолаш бўйича учта методика мавжуд бўлиб, уларни ичида нисбатан мукаммали бўлиб, Базель қўмитаси экспертлари томонидан ишлаб чиқилган методика ҳисобланади.

Тижорат банки капиталини етарлилигини баҳолаш бўйича Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан ишлаб чиқилган методикада капитални етарлилиги регулятив капитални активларни умумий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Ушбу коэффицентни энг паст норматив даражаси 8% қилиб белгиланган.

АҚШ Федерал захира тизими томонидан ишлаб чиқилган методика бўйича, тижорат банки капиталини етарлилиги капитални депозитларни умумий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Ушбу коэффицентни энг паст норматив даражаси 10% қилиб белгиланган.

Ўзбекистон банкларининг I-даражали капитали регулятив капитални 75 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

II-даражали капитал миқдори I-даражали капитал миқдорини учдан бир қисмидан ошиб кетса, ошган сумма регулятив капитал таркибига киритилмайди.

I-даражали капитал I-даражали асосий капитал ва I-даражали қўшимча капиталдан иборат.

I-даражали асосий капитал банк регулятив капитални 60 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Субординар қарзлар I-даражали капитални учдан бир қисмидан ошмаслиги керак.

II-даражали капитал таркибига кирувчи субординар қарз охирги 5 йил давомида йилига 20% камайиб бориши шарт.

11.2. 1-жадвал

Базель-I стандартида кўзда тутилган капитални етарлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар ва уларнинг меъёрий даражалари

№	Кўрсаткичлар	Меъёрий даражаси
1	Регулятив капитални етарлилик коэффициенти	0,08
2	Биринчи даражали капитални етарлилик коэффициенти	0,04

11.2.1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Базель-I стандартида тижорат банкларини биринчи даражали капитални миқдорини регулятив капитални ярмидан кам бўлмаслиги белгиланган.

11.2. 2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини капиталлашиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларни ҳолати²⁸

Кўрсаткичлар	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Банклар регулятив капитални миқдори, трлн. сўм	6,5	6,9	7,8	9,4	20,0	24,2
Тижорат банкларини регулятив капитални етарлилик даражаси, %	24,3	23,8	23,6	23,8	18,8	15,6

11.2.2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2013-2018 йилларда республикада тижорат банкларини регулятив капитални миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, мазкур давр мобайнида тижорат банкларини регулятив капитални етарлилик даражаси Базель стандарти талабларидан қарийб 3 баробар юқори бўлган. Мазкур ҳолатлар

²⁸ ЎР МБ расмий сайти маълумотлари асосида

тижорат банкларини капиталлашиш даражасини ошириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳисобланади.

2013-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини умумий капитали миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банкларни тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

§ 11.3. Банк капиталини оширишнинг асосий манбалари. Тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш бўйича халқаро талаб ва стандартлар (Базель III) ҳамда улардан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари

2010 йил сентябрь ойида Банк назорати бўйича Базель қўмитаси банк капитали ва ликвидлилигини янги стандартлари тўлиқ ишлаб чиқилганлигини эълон қилди ҳамда ноябрь ойида ушбу янги стандартлар катта йигирмалик давлатлари раҳбарларини Сеул Саммитида тасдиқланди. Базель III дея номланаётган ушбу янги стандартлар банklar капитали етарлилига минимал талабларни тобора ва босқичма-босқич кучайтиришни назарда тутди. Ушбу янги стандартларга катта йигирмалик давлатларида 2013 йилдан бошлаб ўтилиши ҳамда 2019 йилга келиб ушбу давлатларда банklar ўз капиталларини Базель III талабларига тўлиқ мослаштиришлари кутилмоқда.

Базель III талаблари ўзи нималардан иборат, деган савол юзага келиши аниқ. Ушбу саволга батафсилроқ тўхталиб ўтсак. Базель III да банк капиталига оид қатор янги тушунчалар, жумладан «Буфер капитали» деб умумий ном олган иккита: консервацион ҳамда контрциклик буфер капитали тушунчалари киритилмоқда.

Консервацион капитал иқтисодий, молиявий инқирозлар даврида банklar зарарларини қоплаш учун ўзига яраша қалқон сифатида хизмат қилиши кутилмоқда.

Контрциклик капитал ҳар бир мамлакат шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда, 0-2,5 фоиз доирасида белгиланади.

Яна бир янги тушунча — бу тизим учун муҳим банклар капиталига қўшимча талаблардир. Тизим учун муҳим банклар деганда ҳажми, мураккаблиги ҳамда тузилмавий ўзаро боғланганлиги сабабли уларни таназзулга учраши бутун молия тизими инқирозига ҳамда иқтисодий фаоллик фалажига сабаб бўладиган банклар тушунилади. Базель III да бундай банклар капиталига нисбатан қўшимча талаблар ишлаб чиқилиши лозимлиги тўғрисида умумий келишувга келинган.

Демак, Базель III га кўра, банклар регулятив капитали кўрсаткичи биринчи даражали банк капитали, консервацион буфер капитали, контрциклик буфер капитали ҳамда тизим учун муҳим банклар капиталига қўшимча талаблар йиғиндисидан иборат бўлади.

Тижорат банкларида риск бошқарувини такомиллаштириш лозим. Халқаро амалиётда банк менежментини марказий бўғини риск бошқаруви эканлиги аллақачон исботланган. Базель I, Базель II ва Базель III, стандартларини асл моҳияти ҳам риск ва капитал ўртасидаги боғлиқликда намоён бўлади. Базель III келишувини бош мақсади — банк ишида риск бошқаруви сифатини ошириш ҳисобланади.

Базель-III тавсияларини қўллашдан кўзланаётган асосий мақсадлар:

- ▶ банк секторини молиявий-иқтисодий тангликдан келиб чиқадиган инқирозларга қарши тура олиш имкониятини ошириш;
- ▶ риск-менежмент ва бошқарув сифатини ошириш;
- ▶ банклар фаолияти, капитал базаси шаффофлигини (транспарентлиги) кучайтириш.

Базель-III негизидаги асосий янги талаблар:

- ▶ капитал етарлилигига нисбатан янги талаблар (оддий акциялар ва тақсимланмаган фойдага устуворлик бериш, қўшимча махсус захира капиталини шакллантириш);

► 2 та ликвидлилик коэффициентига (liquidity coverage ratio, net table funding ratio) нисбатан меъёрий талабларни жорий этиш;

► левераж коэффициентини жорий қилиш (Бунда коэффициентни ўртача чораклик даражаси ҳисобланади ва дастлабки босқичда унинг меъёрий даражаси 3 фоиз этиб белгиланади).

Тижорат банклари капиталини ошириш манбалари

а) Тижорат банклари оддий ва имтиёзли акциялари бозор баҳосининг ўзгариш омили.

Тижорат банклари оддий ва имтиёзли акциялари бозор баҳосини ўсиши уларни сотиш жараёнини тезлаштиради ва сотилиш коэффициентини юқори даражасига эришиш имкониятини беради. Бунинг натижасида, устав капиталини ҳақиқатда тўланган қисми ошади. Аксинча, банк оддий ва имтиёзли акциялари бозор баҳосини пасайиши уларни сотишдан олинadиган тушумлари миқдorigа ва эмиссиявий даромадлари ҳажмига салбий таъсир қилади.

Шуниси характерлики, кўпчилик ривожланаётган давлатларда молия бозори ривожланмаганлиги оқибатида оддий ва имтиёзли акциялар бозор баҳосини аниқлаш имконияти мавжуд эмас. Бунинг устига, банкларни молиявий барқарорлиги ва тўловга қобиллиги тўғрисида ишончли маълумотлар мавжуд эмаслиги инвесторларда қимматли қоғозларни сотиб олишга бўлган ишончнинг пасайишига сабаб бўлади.

Ривожланаётган давлатларда инфляция даражасининг юқори эканлиги банк акциялари бозор баҳосига салбий таъсир қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Инфляцияни юқори даражаси инвесторлар томонидан банк акцияларини сотиб олишга қилинган қўйилмалар ва улардан олинadиган даромадларни реал қийматини пасайишига олиб келади. Акциялар бозор баҳосини ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омиллардан яна бири миллий валюта курсини хорижий валютага нисбатан сезиларли даражада тебранишидир.

б) Акциядорларни устав капиталини шакллантириш бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажариш омили.

Бизга маълумки, акциядорлик тижорат банклари устав капитали икки қисмдан иборат бўлади: 1) устав капиталини эълон қилинган қисми; 2) устав капиталини ҳақиқатда тўланган қисми.

Акциядорларни маълум қисми айрим ҳолларда ўзлари устав капиталини шакллантириш юзасидан олган мажбуриятларини бажаришдан бош тортади ёки бажариш муддатини жуда чўзиб юборадилар. Бунинг натижасида устав капиталини шаклланишига нисбатан салбий таъсир юзага келади. Бу, ўз навбатида, уни бошқариш жараёнини самарадорлигини пасайтиради.

в) Банк активлари рискка тортилган миқдорини ўзгариш омили.

Бу омилни муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини шундан ҳам билса бўладики, халқаро Базел андозалари бўйича жами капитални ҳам, асосий капитални ҳам етарлилик даражаси активлар рискка тортилган миқдорига нисбатан белгиланган.

Мазкур андозаларни амалиётга жорий қилингунга қадар тижорат банклари тўловга қобиллигини асосий кўрсаткичи сифатида улар миқдорлар олдидаги мажбуриятларини бажара олиш имконияти эътиборга олинар эди. Унга мувофиқ, банк миқдори, асосан муддатсиз депозитлари бўйича қўйган талабларини шу заҳоти бажара олиш имкониятига эга бўлиши зарур эди. Албатта, ушбу кўрсаткич ҳозирги кунда ҳам ўзининг долзарблигини сақлаб турибди, лекин банklar иқтисодий жиҳатдан инқирозга тушиб қолишини асосий омиллари сифатида уларни актив операциялари таркибида рискка тортилган активлари даражасини ҳолатига қараб аниқланиши муҳим кўрсаткич бўлиб қолди.

Мулоҳаза ўрнида таъкидлаш лозимки, халқаро банк амалиётида тижорат банклари иқтисодий жиҳатдан банкротликка учрамасликлари учун қанча миқдорда капитал маблағи зарур бўлади, деган саволга аниқ жавоб мавжуд эмас. Чунки, катта миқдорда капиталга эга бўлган Япония, Ғарбий

Европа мамлакатларда кўзга кўринган банклар иқтисодий жиҳатдан таназзулга юз тутганлиги тарихдан маълум. Демак, Базел андозаларига кўра банк капиталини етарлилиги тижорат банклари рискка тортилган активларини сифатига боғлиқлиги мантиқан тўғри. Яъни, рискка тортилган активларни сифати қанчалик ёмон бўлса, банк капиталини миқдори ҳам шунга нисбатан юқори бўлиши ва тегишли захираларни яратиш лозим, ва аксинча.

г) Банк капитали етарлилиги шароитида унинг ликвидлилигини таъминлаш учун зарур бўлган ликвидли активлар мавжудлиги омили.

Ушбу омилнинг аҳамияти шундаки, айрим тижорат банклари юқори фойда олиш мақсадида ресурсларни, шу жумладан, капитални асосий қисмини юқори рискли актив операцияларга йўналтирадilar. Бундай шароитда банклар ликвидлилиги хавф остида қолади. Шунинг учун, банк активлари таркибида унинг ликвидлилигини таъминлаш мақсадида маълум миқдордаги ликвидли активларни сақлаб туриш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро Базель қўмитасини капитал етарлилигига қўйилган янги талабларини жадвалда кўришимиз мумкин:

Банк капитали етарлилиги бўйича Базель-III талабларини жорий этиш муддатлари (Тегишли молиявий йилнинг 1 январь ҳолатига)

11.3.1-жадвал

Кўрсаткич номи	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Базавий 1 даражали капитал (Оддий акциялар+тақсимланмаган фойда)	3,5%	4,0%	4,5%	4,5%	4,5%	4,5%	4,5%
Махсус захира капитали				0,625%	1,25%	1,875%	2,50
Базавий 1 даражали капиталга минимал талаб(махсус захира капитали)	3,5%	4,0%	4,5%	5,125%	5,75%	6,375%	7,0%
1 даражали капиталга минимал талаб	4,5%	5,5%	6,0%	6,0%	6,0%	6,0%	6,0%
Умумий капиталга минимал талаб	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%
Умумий капиталга минимал талаб+махсус захира капитали	8,0%	8,0%	8,0%	8,625%	9,25%	9,875%	10,5%

Жадвалдан маълум бўладики I даражали капиталга минимал талаб амалдаги 4 %дан 2013 йил 1 январга келиб 4,5 фоизга, 2019 йил 1 январга келиб эса 6 %га етади. Базавий I даражали капитал эса (оддий акциялар + тақсимланмаган фойда)га нисбатан талаб 2013 йилдан бошлаб 3,5%, 2015 йилдан буён эса 4,5 % даражасида белгиланади. Фавқулодда ҳолатлар учун махсус захира капитали (Capital Conservation Buffer) шакллантирилиб, унинг меъёрий даражаси 2019 йилга келиб 2,5% этиб белгиланган. Контрциклик захира капитали (Countercyclical Capital Buffer) миллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич 2019 йилга келиб базавий I даражали капиталнинг 2,5 %и миқдорида белгиланади. Бундан ташқари Базель-IIIга мувофиқ, банкларга капитални 15 фоиздан ошмайдиган миқдорда консолидациялашмаган молиявий муассасаларни оддий акцияларига инвестициялар қилишга рухсат берилади. Инвестицияларни юқоридаги 15 фоиздан ортиқ қисми 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб капитал таркибидан 100 фоиз чегириб ташланади. Базель-III да банк ликвидлигига нисбатан ҳам янги талабларни белгилайди:

1. Жорий ликвидлилик қоплаш коэффиценти (Liquidity Coverage Ratio (LCR))–2016 йил 1 январдан бошлаб

$$\text{LCR} = (\text{юқори сифатли активлар}) / (\text{30 кун мобайнида соф пул чиқимлари}) \geq 100\%$$

2. Соф барқарор манбалар коэффиценти (The Net Stable Funding Ratio (NSFR))–2018 йил 1 январдан бошлаб

$$\text{NSFR} = (\text{Мавжуд барқарор манбалар}) / (\text{талаб қилинган барқарор манбаларни фойдаланилиши}) \geq 100\%$$

Юқоридаги янги талаблар банк тизимида жорий этишда қуйидаги муаммолар юзага келиши мумкин:

► Оддий акциялар салмоғини ошириш учун қўшимча акцияларни муомалага чиқариш ва инвесторларни жалб этиш, акциялар таклифини ортиши ҳисобига акция баҳосини пасайиши;

► Тақсимланмаган фойда салмоғини ошириш борасида акциядорлар ўртасида манфаатлар келишмовчилигини юзага келиши;

► Иқтисодий рецессия шароитида соф фойдани ошириш имкониятини чекланиши;

► Янги ликвидлилик талабини жорий этиш ҳисобига даромадлиликни пасайиши;

► Банкларнинг кредитлаш қўламини қисқариши ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли қарорига мувофиқ, тижорат банкларини капиталлашув даражаси, барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш устувор йўналишлардан бири этиб белгиланди. Биргина тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш бўйича қўйидаги чоралар маъқулланди:

-2011-2015 йиллар мобайнида тижорат банкларининг ялпи капиталини қўшимча акциялар чиқариш ҳисобидан ўртача 2,1 марта кўпайтириш;

- банк тизими устав капитали таркибида нодавлат сектори улушини янада ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

-банк назорати тизимига, капитал етарлилигига бўлган талабларни такомиллаштиришни, қутилаётган йўқотишлар модели асосида эҳтимолий йўқотишларга захираларни шакллантиришни кўзда тутувчи Базель қўмитасини янги тавсияларини тадбиқ этиш;

-халқаро банк амалиётига мувофиқ операцион харажатларини қоплашни ва банклар тузилмаларини рационал фойдалилигини

таъминлашни ҳисобга олган ҳолда республика тижорат банкларини тариф сиёсатини такомиллаштириш;

-банклар капитали, активлари, бошқаруви, даромадлари, мажбуриятларини сифати ва даражасини холис баҳоланишини таъминловчи CAMEL(S) тизимини янги талқинини тадбиқ қилишни кўзда тутган ҳолда тижорат банкларини молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш;

-ҳар чорақда банк Кенгаши йиғилишларида банк бошқарув раиси ва аъзолари, ички аудит бўлими раҳбарларини банк активлари, кредит ва инвестиция портфеллари ҳолати, банк капиталини ўсишини таъминлаш, даромадлилик ва ликвидлилик кўрсаткичлари, шунингдек банк тизими олдига қўйилган бошқа устувор вазифаларни ижроси тўғрисидаги масалалар бўйича ҳисоботларини кўриб чиқиш.

Банк назорати бўйича Базель қўмитасини янги тавсияларига мувофиқ тижорат банкларини капитал етарлилигига нисбатан талабларни ошириш, тижорат банклари таркибида уларни инқироз ҳолатлари таъсирига барқарорлигини таъминлайдиган барқарорлаштириш захираларини яратиш мақсадида Марказий банк томонидан Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасини халқаро экспертлари билан биргаликда банк назоратига оид меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ишлари олиб борилди. Натижада 2012 йил 29 декабрдаги “Тижорат банклари капиталини етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Марказий Банк Бошқарувининг 36/2-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур Низомга банк назорати бўйича Базель қўмитасини янги тавсиялари асосида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, улар босқичма-босқич амал қила бошлади.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi Базель қўмитасини банкларни капиталига нисбатан белгиланган талабларни кескин кучайтиришга мажбур қилди. Натижада Базель-III деб номланувчи янги

Битим юзага келди ва унинг асосий жиҳатлари 2010 йилн 12 сентябридан кучга кирди.

Ушбу янги Битим Базел-II ни бекор қилмайди, балки уни тўлдиради.

Базель-III нинг асосий талаблари:

1. Қўмитани Янги талабларини бажара олмаган тижорат банклари бонус тўловлари ва дивидендлар миқдорини камайтиришга мажбур бўладилар.

2. Акциядорлик капитали миқдorigа нисбатан белгиланган талаблар оширилди.

Агар мазкур талаб бундан олдин активларни рискка тортилган суммасини солиқ тўлангунга қадар бўлган миқдорини 2 фоизини ташкил этган бўлса, энди ушбу кўрсаткич мазкур сумманинг солиқ тўлангандан кейинги миқдорини 4,5 % даражасида белгиланди.

3. Биринчи даражали капитални етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб оширилди.

Ушбу талаб 2013 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда амалдаги 4 фоиздан 6 фоизга оширилади.

4. Капитални химоявий «консервация «буфери» жорий этилади.

Капитални химоявий «консервация «буфери» биринчи даражали капитални 2,5 фоизи хажмида ташкил этиладиган қўшимча захирадан иборатдир. Шундай қилиб, биринчи даражали капиталга нисбатан белгиланган умумий талаб даражаси 7 фоизни ташкил этади (2,5% + 4,5 %).

5. Контрциклик буфер жорий этилади.

Контрциклик буфер банк ўз капиталини 0 %дан 2,5 фоизигача хажмда ташкил этилади ва кредитлаш хажмини кескин ошишига тўсқинлик қилади.

6. Тижорат банкларини ўз капитали ва жалб этилган капитали ўртасидаги нисбат.

Ушбу нисбат рисксиз миқдорни аниқлаш мақсадида қўлланилади. Рисксиз миқдор сифатида биринчи даражали капитални 3% даражаси

олинади. Мазкур кўрсаткич 2013-2017 йилларда жорий қилинди ва тегишли тузатишлардан сўнг директив аҳамият касб этади.

7. 2016 йилдан бошлаб ликвидлиликни қоплаш кўрсаткичи – Liquidity Coverage Ratio (LCR) жорий этилади.

ЛСР 30 кунлик муддатда капитал чиқимини юқори ликвидли активлар захираси билан қопланишини кўрсатади.

Банкларда молиялаштиришни етарлилигини назорат қилиш мақсадида The Net Stable Funding Ratio (NSFR) кўрсаткичини 2018 йилдан бошлаб жорий этиш кўзда тутилган. Ушбу кўрсаткич мавжуд ва талаб қилинадиган молиялаштириш ҳажми ўртасидаги нисбат шаклида аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишни устувор йўналишлари тўғрисида”ги ва 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларини молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларни ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида Базел қўмитасини банк назорати бўйича янги талабларини мамлакат банк амалиётига жорий этиш бўйича аниқ вазифалар қўйилди. Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банкларини ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда Марказий банкни 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлдаги 2693-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банклари капиталини монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқномалари қабул қилинди.

Ушбу йўриқномаларда Базел қўмитасини бир қатор янги талаблари, шу жумладан, банкларни ликвидлиги ва барқарор молиялаштириш манбалари,

капиталини етарлилигига қўйиладиган талабларни босқичма-босқич ошириб бориш бўйича талаблари ўз аксини топди.

Ликвидлилиқни қоплаш меъёри коэффиценти қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{ЛҚМК} = \text{ЮЛА} : 30 \text{ к.ЖСЧ} \quad (1)$$

бу ерда:

ЮЛА – юқори ликвидли активлар;

30 к. ЖСЧ – кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқим.

Ликвидлилиқни қоплаш меъёри коэффиценти энг паст меъёрий даражаси қуйидагича белгланган:

* 2016 йил 1 январдан бошлаб – 80%

* 2017 йил 1 январдан бошлаб - 90%

* 2018 йилдан 1 январдан бошлаб – 100%.

Юқори ликвидли активлар таркиби қуйидагилардан иборат:

* соф қўйма олтин;

* банкнинг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағлари (10301);

* 7 кунгача муддатдаги банклараро кредитлар ва депозитлар;

* “Стандарт & Поорс”, “Фитч Рэтингс” ва “Моодс” халқаро рейтинг агентликларини энг юқори баҳолари берилган, ривожланган фонд биржалари рўйхатига киритилган, риск даражаси паст бўлган мамлакатларни трансмиллий компанияларини қимматли қоғозлари;

* банкни бошқа банкларда очилган “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари (10501);

* риск даражаси паст бўлган мамлакатлардаги банкларга активларни жойлаштирилиб, таъминот сифатида қўйилмаган ликвидли активлар.

Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти (СБММК) қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{СБММК} = \text{БММС} : \text{БМЗС} \quad (2)$$

Бу ерда:

БММС – барқарор молиялаштиришни мавжуд суммаси;

БМЗС – барқарор молиялаштиришни зарур суммаси.

Барқарор молиялаштиришни мавжуд суммасига қуйидагилар киради:

- * банкни регулятив капитали;
- * қайтариш муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган банк мажбуриятлари;
- * қайтариш муддати белгиланмаган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасини 30 фоизи;
- * қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасини 30 фоизи.

Барқарор молиялаштиришни зарур суммасига қуйидагилар киради:

- * қайтарилишига 1 йил ва ундан ортиқ муддат қолган банк активлари, шу жумладан, муаммоли кредитлар ва номолиявий активлар (ер участкалари, бинолар, мебел, компьютерлар ва автомашиналар);
- * суд жараёнида бўлган ёки белгиланган тартибда ундирилмаган активлар;
- * қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа активлар суммасини 30 фоизи, муддатсиз ликвидли активлар бундан мустасно;
- * балансдан ташқари моддалардаги мажбуриятларни 15 фоизи.

Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти 2018 йилни 1 январидан бошлаб жорий этилади ва унинг энг паст меъёрий даражаси 100% қилиб белгиланган.

§ 11.4. Тижорат банклари капиталини бошқаришнинг асосий йўналишлари ва усуллари

Банк капитали тижорат банки фаолиятида вужудга келадиган иқтисодий танглик ҳамда зиддиятли вазиятлар шароитида хавфсиз “молиявий ёстиқ” вазифасини бажариши билан бирга, банк кутилмаганда молиявий қийинчилик ва йўқотишларга дуч келганда унга тўловга қобилияти даражасини сақлаб қолиш ва фаолиятини давом эттириш имкониятини берадиган молиявий манба ҳисобланади. Халқаро ва маҳаллий банк амалиётида банк капитали етарлилиги унинг рискка тортилган активларига

нисбатан аниқланади. Банк капиталининг ҳажми рискка тортилган активларга нисбатан жудаям паст бўлиши уни инқироз ҳолатига тушиб, турли хизматларни кўрсатиш ва ҳисоб-китобларни амалга оширолмай қолишига олиб келиши мумкин. Иккинчи жиҳатдан банк капиталининг ҳажми ҳаддан зиёд ортиши банк левережини²⁹ бошқаришда турли салбий ҳолатларни вужудга келиши ва даромад даражасини пасайишига олиб келади.

Одатда тижорат банклари левереж даражаси юқори бўлишини, яъни банк капиталига нисбатан рискка тортилган активлар ҳажмининг ошиб кетишига йўл қўяди, бироқ назорат органлари эса молия бозорлари ва банк тизими барқарорлигини ошириш нуқтаи назаридан левереж даражасини пасайтиришга интилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида барча хўжалик юритувчи субъектлар каби тижорат банклари фаолияти самарадорлиги ва тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлашда уларнинг капитали барқарорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Барқарорлик – ташқи ва ички таъсирларнинг мавжудлиги шароитида субъектнинг фаолият юритиш қобилиятини сақлаб қолишини англатади. Турли мулк шаклида хўжалик юритувчи субъектлар барқарорлик ҳолатида ўз фаолиятини давом эттириш ва мажбуриятларини бажариши мумкин, акс ҳолда унга тазийқ соладиган молиявий инқироз ва молиявий салбий ҳолатлардан чиқолмаслиги натижасида фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади.

Халқаро ва маҳаллий банк амалиётида тижорат банклари капитали барқарорлигига алоҳида эътибор қаратишади. Таъкидлаш жоизки, тижорат банклари капитали барқарорлигига қатор омиллар таъсир қилади. Ушбу

²⁹ Халқаро эксперт ва мутахассисларнинг фикрига кўра, левереж жалб қилинган молиявий ресурслар ҳажмини ўз капиталига нисбати сифатида қаралади. Номолиявий корхоналарда леверж 1:1 ва 3:1 паст даражадаги нисбатда бўлиб, бу уларнинг молиявий жиҳатдан барқарорлигини англатади. Банкларда ушбу кўрсаткич, яъни капиталнинг етарлилик даражаси рискка тортилган активларга нисбатан 8% ёки 12,5:1 юқори даражадаги нисбатда бўлади, бу банк муассасаларининг номолиявий ташкилотларга нисбатан юқори левержга эга эканлигини англатади.

омилларни ташқи ва ички омилларга гуруҳлаган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Тижорат банклари капитали барқарорлигини таъминлашнинг **ташқи омиллари** қуйидагилардан иборат.

I Халқаро ва маҳаллий фонд бозорларида қимматли қоғозлар баҳоси индексларининг ўзгариши. Тижорат банклари капитали устав фонди асосан улар томонидан чиқарилган акциялар ҳисобидан шакллантирилади. Банк акциялари оддий ва имтиёзли акциялардан ташкил топган бўлиб, бу ҳақда олдинги параграфда атрофлича мушоҳада юритган эдик. Тижорат банклари акцияларининг олди-сотдисига мамлакатда қимматли қоғозлар бозорининг ҳолати бевосита таъсир қилади. Айниқса, иккиламчи қимматли қоғозларнинг ривожланганлиги тижорат банклари акцияларини олди-сотди ҳажмига сезиларли таъсир ўтказиш орқали уларнинг асосий капитали таркибидаги эмиссион даромадларнинг вужудга келишига олиб келади.

Тижорат банклари капитали таркибида эмиссион даромаднинг вужудга келиши уларнинг акциялари баҳосининг ортиб бораётганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, халқаро фонд бозорларида акциялар баҳосининг тушиб кетиши банклар капитали барқарорлигига тўғридан-тўғри салбий таъсир қилиб, уларни инқироз ҳолатига олиб келиши мумкин. Бунини, дунёда, кейинги 200 йил давомида рўй берган 20 дан ортиқ жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозлари, шунингдек АҚШда 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий инқирозлари ҳам тасдиқлаб турибди.

II Халқаро тўлов воситаси вазифасини бажараётган валюталар курсининг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги. Маълумки, ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларнинг кўпчилигида, шунингдек, республикамизда ҳам тижорат банклари минимал капиталига қўйилган талаблар АҚШ доллари ёки еврода ўрнатилади. Бунинг асосий сабаби, ушбу валюталарнинг тўлов қобилияти бошқа валюталарга нисбатан мустаҳкам бўлиб, уларнинг курси сезиларли равишда тебраниб турмайди. Шу боис ҳам тижорат банклари устав капитали минимал даражасига қўйилган талабнинг

ушбу валюталарда белгиланиши миллий валюталар курсининг мазкур валюталарга нисбатан тушиб кетган ҳолатида ҳам банк таъсисчиларини тегишли миқдордаги молиявий маблағни жамғариш заруриятидан озод этилмайди ёки бошқача талқин қиладиган бўлсак миллий валютанинг инфляцияга учраши таъсисчиларга банк очишда ҳеч қандай енгиллик туғдирмайди.

Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, кейинги пайтларда халқаро молия ташкилотларининг ўзаро яқинлашуви ва улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг чуқурлашуви жаҳон захира ва тўлов воситаси вазифасини бажараётган валюталар курсининг сезиларли равишда тебранишига сабаб бўлмоқда. Масалан, 2008 йил июлда АҚШ доллари курси дунёдаги етакчи валюталарига нисбатан жуда паст даражага тушиб кетди. Жумладан, АҚШ доллари еврога 35-50 центга ва Британия фунтига 20-30 центга (1981 йил июнидан буён энг паст даража) пасайди, шунингдек, Янгизелландия долларига 79,41 центгача пасайди (бу 1985 йил март ойидан буён энг паст даража), Канада долларига нисбатан 96 центга пасайиши кейинги 30 йил ичидаги энг юқори пасайиш ҳисобланди.

Бунинг асосий сабаби, бизнинг назаримизда, жаҳондаги кўплаб мамлакатларнинг иқтисодий салоҳияти ортиб бориши билан бирга, уларнинг олтин ва валюта захиралари таркибида АҚШ долларининг салмоғи ортиб бориши билан изоҳланади. Чунки ушбу мамлакатлар АҚШ иқтисодиётига тўғридан-тўғри иқтисодий таъсир қилиш имкониятига эга бўлиб, айрим ҳолларда информацион хуружлар ҳам салбий таъсир қилмоқда.

III *Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати ва иқтисодий меъёрлари.* Марказий банк пул-кредит сиёсати ва иқтисодий меъёрлари орқали тижорат банклари капитали барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Хусусан, Марказий банк қайта молиялаш ставкасини пасайтириши натижасида тижорат банклари жалб қилинган ресурслари ҳажмини ошириши мумкин, бу ўз-ўзидан уларнинг кредит бериш имкониятини ошириш билан бирга

тижорат банклари рискка тортилган активларига нисбатан капиталини кўпайтиришни талаб этади.

IV Миллий иқтисодиёт ва миллий валютанинг барқарорлиги. Мамлакатда миллий иқтисодиёт ва миллий валютанинг барқарорлиги тижорат банклари капитали барқарорлигига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, миллий валюта барқарорлигига миллий иқтисодиёт барқарорлиги чамбарчас боғлиқдир. Агар миллий иқтисодиёт барқарорлиги ва рақобатбардошлиги юқори бўлмаса, унинг ташқи импортга боғлиқлигининг ортишига олиб келади. Бу ўз навбатида миллий валютанинг харид қобилятига салбий таъсир кўрсатади. Чунки, мамлакат эҳтиёжи учун зарур бўлган товарларнинг асосий қисми четдан келтирилиши хорижий валюталарни турли йўллар билан мамлакатдан чиқиб кетишига олиб келади, бу эса хорижий валюталарга ички талаб даражасини ошишига сабаб бўлади.

Миллий валютанинг хорижий валюталарга боғлиқлигининг ортиб бориши банкдан ташқари айланмалар ҳажмининг ортиши, миллий валютанинг расмий курси билан биргаликда “қора бозор” курсининг вужудга келиши кузатилади ва улар ўртасидаги фарқ сезиларли даражада ўсиб боради, шунингдек, товар ва хизматлар баҳосининг нақд пулда ва нақдсиз пулдаги баҳолари ўртасида фарқ пайдо бўладики, нақд пулдаги баҳолар нақд пулсизга нисбатан арзон бўлади. Буларнинг барчаси бевосита ва билвосита тижорат банклари капитали барқарорлигига таъсир кўрсатади;

V Мамлакат ташқи сиёсати ва иқтисодиётни бошқаришнинг шаффофлиги. Маълумки, мамлакат ташқи сиёсатининг барқарорлиги халқаро молиявий алоқалар ҳамда экспорт ва импорт борасидаги муносабатларнинг ривожланишига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида мамлакат тўлов баланси ва миллий валюта курсига ижобий таъсир кўрсатади. Миллий валюта курсининг хорижий валюталар курсига нисбатан мустаҳкамланиши акциядор, инвестор, омонатчи ва хўжалик юритувчи субъектлар даромади барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Буларнинг

барчаси мамлакат тижорат банклари капитали барқарорлигида ўзининг аксини топади.

**§ 11.5. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва
ривожлантиришнинг замонавий босқичида тижорат банкларининг
капиталлашув даражасини ошириш бўйича белгиланган
вазифалар ва чора-тадбирлар**

Ўзбекистон Республикаси Президентини 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тасдиқланди.

Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банкларини капиталлашиш даражасини янада ошириш вазифаси қўйилди.

Ушбу вазифани бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПК-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.


Мазкур Қарорга мувофиқ:

*2017 йил 1 октябрдан бошлаб устав капиталини энг кам миқдорига нисбатан талаблар қуйидагича белгиланди:

- тижорат банклари учун – 100 млрд. сўм;
- микрокредит ташкилотлари учун – 2 млрд. сўм;
- ломбардлар учун – 500 млн. сўм.

* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкини Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Асакабанкни валютада шакллантирилган устав капиталини ушбу хорижий валюталарни сотиш йўли билан миллий валютада шакллантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкини 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлдаги 2693-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банклари капиталини монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқномаси қабул қилинди. Ушбу йўриқномада республикамиз тижорат банклари регулятив капиталини етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талабларни босқичма-босқич ошириб бориш талаби ўз аксини топди (11.5.1-расм).



11.5. 1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талабларни босқичма-босқич ошириб бориш талаби³⁰

11.5.1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини регулятив капиталига ва биринчи даражали капиталига нисбатан белгиланган минимал талаблар 2015 йилни 1 январидан бошлаб 2019 йилни 1 январига қадар бўлган даврда босқичма-босқич ошириб борилади. Ушбу жараёнда, айниқса, биринчи даражали

³⁰Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №27.- 27-б.

капитални етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб сезиларли даражада оширилади.

Қисқача хулосалар

Банк тизимини барқарорлигини, тўловга қобиллиги ва ишончлилигини таъминлашда, банк активларини ўстиришда банк капитали муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Фақатгина етарлича миқдорда барқарор капиталга эга тижорат банклари актив операцияларини эркин амалга оширишлари, талаб этилган даражада ликвидликни доимо сақлаган ҳолда самарали фаолият юритишлари ҳамда молия бозорларига эркин чиқиш имкониятига эга бўлишади.

Халқаро Базель қўмитаси томонидан банк капитали етарлилигига доир келишув (Базель I) ишлаб чиқилди ва унда капитал етарлилигини ҳисоблаш мақсадида регулятив капитал (умумий капитал) тушунчаси амалиётга жорий қилинди. Регулятив капитал асосий ва қўшимча капиталдан ташкил топиб, банк фаолиятини бошқариш ва иқтисодий меъёрларни ҳисоб-китобини ўтказиш мақсадида ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган банк капиталидир.

Регулятив капитални етарлилик коэффициенти тижорат банкларини тўловга қобиллигини тавсифловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Базель I, Базель II ва Базель III стандартларини асл моҳияти ҳам риск ва капитал ўртасидаги боғлиқликда намоён бўлади. Базель III келишувини бош мақсади –банк ишида риск бошқаруви сифатини ошириш ҳисобланади.

Базель III га кўра, банклар регулятив капитали кўрсаткичи биринчи даражали банк капитали, консервацион буфер капитали, контрциклик буфер капитали ҳамда тизим учун муҳим банклар капиталига қўшимча талаблар йиғиндисидан иборат бўлади.

Тижорат банклари фаолияти самарадорлиги ва тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлашда уларнинг капитали барқарорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Таянч сўз ва иборалар

Банк капитали. регулятив капитал, 1 даражали (асосий) капитал, 2 даражали (қўшимча) капитал, банк капитали етарлилиги, Халқаро Базель қўмитаси, Базель 1 келишуви, Базель андозалари ва талаблари, асосий капитал элементлари, банкларнинг капиталлашув даражаси, қисқа муддатли субординар қарзлар, номолиявий активлар, банк леверажи, фонд бозорлари, валюта курсларнинг барқарорлиги, марказий банкнинг пул-кредит сиёсати, миллий валютани барқарорлиги, мамлакат тўлов баланси.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Банк капиталини ташкил қилувчи асосий элементлар.
2. Базель андозалари бўйича банкларнинг қўшимча капитали таркибидаги асосий элементлари.
3. Тижорат банклари I ва II даражали капиталлари нималардан иборат?
4. Банк капиталини бошқаришнинг асосий объектлари.
5. Банк капитали етарлилиги ва унга нисбатан ўрнатилган талаблар.
6. Базель III талаблари нималардан иборат?
7. Тижорат банклари капиталини ошириш манбалари.

12-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЭМИССИОН ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ БОШҚАРИШ

§ 12.1. Тижорат банкларини эмиссион фаолияти

§ 12.2. Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни муомалага чиқариш тартиби

§ 12.3. Тижорат банкларини эмиссион операцияларини бошқариш усуллари

§ 12.1. Тижорат банкларини эмиссион фаолияти

Халқаро банк амалиётида банкларни депозит бўлмаган ресурслари таркибида йирик манбалардан бири қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Банклар молиявий ресурсларни шакллантириш мақсадида акция, облигация, депозит ва жамғарма сертификатларни муомалага чиқаради. Шунингдек, тижорат банклари узоқ муддатли ресурсларини шакллантиришда ипотека ва субординар қимматли қоғозлари муҳим ўрин тутди. Банкларни қимматли қоғозларни муомалага чиқариш орқали ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларини иккита гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳга, тижорат банклари устав ва қўшимча капиталини шакллантириш мақсадида акция ва субординар қимматли қоғозларни муомалага чиқариш бўйича операциялари, иккинчи гуруҳга, қисқа ва узоқ муддатли ресурсларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун облигация ва ипотека қимматли қоғозлари, депозит ва жамғарма сертификатлари билан боғлиқ операциялари киради.

Акция ва сертификатларнинг бозор баҳоси банкларнинг ушбу бозордаги фаолиятини баҳоловчи иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади.

Тижорат банклари акциялари ва сертификатларни бозор баҳоси ортиб бориши уларни олди–сотдисига ижобий таъсир кўрсатади. Кўпчилик ҳолларда тижорат банклари ўз акциялари ва сертификатларини иккиламчи

қимматли қоғозлар бозоридаги баҳосини ошириш мақсадида инвестицион компаниялар орқали инвестор сифатида ҳам майдонга чиқиши мумкин.

Тижорат банклари акциялари, облигациялари ва сертификатларни бозор баҳоси молия бозоридаги мавжуд талаб ва таклиф асосида ўрнатилади. Акция ва сертификатларни номинал ва бозор баҳоси ўртасидаги фарқ ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Агар ушбу фарқ ижобий бўлса, тижорат банклари молиявий жиҳатдан барқарор ва рақобатбардош эканлигидан далолат беради. Мазкур ҳолат банкларни қимматли қоғозлар орқали ресурсларини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Тижорат банклари акция, облигация ва сертификатларини баҳосига таъсир қиладиган асосий омиллардан бири уларга тўланадиган дивиденд миқдори ва фоиз тўловлари ҳисобланади. Акция ва сертификатларга тўланадиган тўловлар миқдорини юқорилиги ва барқарорлиги банкларни қимматли қоғозлар бозоридаги эмитент нуфузини оширишга бевосита таъсир қилади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай фаолиятни асосида иқтисодий манфаатдорлик ётади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларига ресурсларни жалб қилишни мақбул усулларида бири қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш ёки «репо» операцияси ҳисобланади. Ушбу келишувда, банк сотилган қимматли қоғозларни маълум муддатдан сўнг олдиндан келишилган баҳода қайта сотиб олишни ўз зиммасига олади.


Бу операцияни афзаллиги шундаки, банк ўзини қисқа муддатли кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондирса, бенифициар эса вақтинча бўш маблағларини ишончли манбага самарали жойлаштириш орқали нисбатан юқори миқдорда фойда олади. Одатда, ушбу операциялар бўйича маблағлар бир кундан бир неча ойгача, асосан, қисқа муддатга берилади. Шу билан бирга, «репо» операцияси банкка қуйидаги қулайликларни беради:

- банкни ликвидлилик жиҳатидан юқори рискка дучор қилмайди.

Чунки, қимматли қоғозлар маълум келишилган муддатга эмиссия қилинади;

- банк сотилган қимматли қоғознинг қиймати миқдоридаги маблағни миждон ҳисобварағини, агар уни ҳисобварағи шу банкда очилган бўлса, дебетлаш йўли билан ёки бенефициарни бошқа банкдаги ҳисобаварағидан қисқа муддатда олиш имкониятига эга. Шунингдек, агар бенефициарнинг ҳисобварағиси шу банкда очилган бўлса, у ҳолда банк Марказий банкка «репо» суммаси миқдоридаги суммага мажбурий захира ажратмаси базасини камайтиради;

- халқаро банк амалиётида тижорат банклари «репо» операциялари асосида жалб қилинган маблағлари ҳисобидан Марказий банкка мажбурий заҳиралар тўлашдан ва депозит операциялардаги каби маблағни суғурта қилишдан озод этилган. Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари амалиётида ҳам жорий этилган бўлиб, уларга мазкур операция асосида маблағларни кенгроқ жалб қилиш имкониятини беради.



12.1. 1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар миқдори, трлн. Сўм (2017 йил 1.9 трлн сўм, 2019 йил 1.5 трлн сўм)³¹

12.1.1-расм маълумотларидан кўринадикки, республикада тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар миқдори 2019 йилда 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсган.

³¹ ЎР МБ расмий сайти маълумотлари асосида (www.cbu.uz).

2019 йил қиммалбаҳо қоғозларни умумий ҳажми 25 трлн ташкил этди ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6% ни ташкил этди 605 та акционер жамияти мавжуд бўлиб уларни 85% давлатга тегишли жамиятдир. 105 та акционер жамиятдан атиги 5% аксия фонд бозорида иштирок этган. Шунинг учун аҳоли ва инвесторлар фонд бозорида фаоллиги суст бўлган.³²

Ушбу ҳолат тижорат банклари инвестицион операцияларини даромадлилигига ва уларни жорий ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Республикамиз тижорат банкларини инвестиция портфелида хорижий валюталарда эмиссия қилинган қимматли қоғозлар мавжуд эмас. Демак, банкларни инвестиция портфели миллий валюта-сўмда эмиссия қилинган қимматли қоғозлардан иборат. Бу эса, республикамиз тижорат банкларини инвестиция портфелини молиявий рискларга таъсирчанлигини оширади. Бунда инфляция ва девалвация таъсирида банкларни қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларини реал қийматини пасайиш хавфи юзага келади.

§ 12.2. Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни муомалага чиқариш тартиби

Ўзбекистонда банклар шу, жумладан, уларнинг қимматли қоғозлар бозорида эмитент, инвестор, инвестицион воситачи ва бошқа фаолиятни амалга ошириши мумкин. Банклар қимматли қоғозлар билан боғлиқ фаолияти турларини амалга оширишлари учун қўйидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки туғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти туғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият юритиши механизми туғрисида” ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳолда амалга оширилади. Бу қонун ҳужжатларига асосан қимматли қоғозлар эмиссияси

³² Банк, пул кредит журнали №11 2019 йил стр 37 Азизов Улуғбек Капитал бозор: иктисодий ўсишни таминотчи драйвер.

қилиши-жойлаштириш шартлари бир хил бўлган ҳамда жисмоний ва юридик шахс бўлган биринчи эгалари ёки инвесторларни бир хил хажмдаги ҳуқуқлари билан таъминлайдиган муомиладаги банк қимматли қоғозлари мажмуи тушинилади. Чақирилган қимматли қоғозларни жойлаштириш эса – фуқаролик ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан қимматли қоғозларни қийматини тўлиқ тўлашни кўзда тутган ҳолда уларни биринчи эгаларига банк томонидан сотилиши тушинилади. Қимматли қоғозлар муомаласи – қимматли қоғозлар эгасининг алмашувга олиб келадиган қимматли қоғозларни олди–сотдиси шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳаракатлар тушинилади. Банклар томонидан муомилага чиқариладиган қимматли қоғозлар нақд ёки нақдсиз муомалага чиқарилиши мумкин. Нақдсиз қимматли қоғозлар деб – депозитарийларнинг ҳисоб регистрларида ёзувлар шаклида муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар тушинилади.

Нақд қимматли қоғозлар эса – сертификатлар ёки қимматли қоғозлар бланкалари кўринишида муомилага чиқарилган қимматли қоғозлар тушинилади. Қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи ёки чиқарилиш сўровномаси деб банк тўғрисида, чиқариладиган қимматли қоғозларнинг хажми, номинал қиймати, чиқарилиш шакли, тури ва сони, чиқариш шартлари ва шу қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиб олишдан воз кечиш тўғрисидаги қарорга таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа ахборотни ўз ичига олган ҳужжат.

Қимматли қоғозларни очик ҳамда ёпиқ ҳолда жойлаштириш мумкин. Қимматли қоғозларга очик обуна, оммавий жойлатириш ёки очик жойлаштириш деганда – чекланмаган доирадаги инвесторлар орасида жойлаштиришдир. Қимматли қоғозларга ёпиқ обуна, хусусий жойлаштириш ҳам дейилади. Бунда аввалдан маълум бўлган чекланган доирадаги инвесторлар ўртасида жойлаштириш тушинилади.

Ўзбекистонда қуйидаги қимматли қоғозлар амал қилади:

- Акциялар;

- Облигациялар;
- Хазина мажбуриятлари;
- Депозит сертификатлари;
- Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари;
- Векселлар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириши мумкин. Бу қимматли қоғозларга турли маъноларни англатиб бўларга қўйидагича тариф берамиз.

Акция-бу бошқа қимматли қоғозлардан мутлоқ фарқ қилиб, акция – акциядорлик жамиятининг устав фондига юридик ёки жисмоний шахс муайян хисса қўшганидан гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи ҳамда дивиденд олишда, қоида тариқасида, ушбу жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳукукини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғозлардир.

Облигациялар-эса уларнинг эгаси пўл маблағлари берганлигини тасдиқ этувчи ва қимматли қоғозларни белгиланган қийматини уларда кўрсатилган муддатда, қайд этилган фоиз тўланган ҳолда башарти облигацияларни чиқариш шартларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғозлардир. Тижорат банклари фақатгина корпоратив облигацияларни эмиссия фаолияти билан шуғилланади.

Депозит сертификатлари – бу пўл маблағлари – омонатга қўйилгани тўғрисидаги, омонатчи ёки унинг ҳуқуқий ворисини белгиланган муддат тугагандан кейин омонат сўммасини ва унга тегишли фоизларни олишга бўлган ҳукукини тасдиқловчи банк – эмитент гувоҳнома дейилади. Депозит сертификатларини чиқариш ва руйхатдан ўтказиш қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди.

Вексель-берувчининг ёхуд векселда кўрсатилган бошқа туловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексел эгасига муайян суммани тулаш юзасидан қатъий мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоз вексел ҳисобланади.

Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари – даромади (зарари) бир ёки бир неча бозор кўрсаткичлари (индекслари) мазмунига боғлиқ бўлган қимматли қоғозлардир. Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари опционлар, фьючерслар ва бошқа молиявий воситалар тарзида чиқарилиши мумкин. Опцион-шартнома бўлиб, унинг эгасига қимматли қоғозларни ёки товарларни битимда қайд этилган нархда белгиланган муддатда харид қилиш ҳуқуқини беради. Фьючерс шартнома бўлиб, муайян қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларни ёки товарларни шартномада белгилаб қўйилган нархда белгиланган келгуси санада харид қилиш ёки сотишдан иборат сўзсиз мажбуриятини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Хазина мажбуриятлари – уларни эгалари бюджетга пўл маблағлари берганликларини тасдиқловчи ҳамда бу қимматли қоғозларга эгалик қилишини бутун муддати давомида қайд этилган даромадни олиш ҳуқуқини берувчи, тақдим этувчига тегишли қимматли қоғозлар туридир. Хазина мажбуриятларини қўйидаги турлари чиқарилади: *узок муддатли* – беш йил ва ундан кўпроқ муддатга мўлжалланган хазина мажбуриятлари; *ўртача муддатли* – бир йилдан беш йилгача муддатга мўлжалланган хазина мажбуриятлари; *қисқа муддатли* – бир йилгача бўлган муддатга мўлжалланган мажбуриятлари. Узок муддатли ва ўрта муддатли хазина мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан бирга Молия вазирлиги томонидан қабул қилинади. Хазина мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарорларда даромадларни ҳамда мажбурият қарзларини тўлаш шартлари белгилаб қўйилади. Тижорат банклари Хазина мажбуриятларини эмиссиясини амалга оширмайди.

Акциялар, облигациялар, хазина мажбуриятлари ва қимматли қоғозлар ҳосилаларини реквизи́тлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мўлкини бошқариш қўмитаси ҳузуридаги Бозор капиталини ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилади. Депозит сертификатлари ва векселларини реквизи́тлари эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

томонидан белгиланади. Қимматли қоғозлар эгаси ёзилган ва тақдим этувчига тегишли бўлиши мумкин. Эгаси ёзилган қимматли қоғозни бир мулкдордан иккинчисига бериш ҳисоб – китобдаги тегишли ёзувларни ўзгартиришда акс этади.

Ҳар бир тижорат банклари эмиссион фаолиятини амалга оширишда ўзининг эмиссия сиёсатини ишлаб чиқади. Ушбу сиёсатда эмиссия фаолиятини қуйидаги стратегияси ва мақсадлари белгиланади:

- Акция чиқариш йўли билан устав сармоясини шакллантириш;
- Аҳоли омонатлари ҳажмини кўпайтириш, шунингдек, банк баланси ликвидлигини сақлаб туриш мақсадида ўртача ҳамда узоқ муддатли депозит сертификатларини йил давомида узлуксиз чиқариши;
- Энг кам ҳаражатлар билан узоқ муддатли, субординацияланган, аниқ мақсадли облигациялар чиқариш орқали (ипотека ва истеъмол кредитлари бўйича таъминот учун) қарз маблағларини жалб этиш;
- Молия воситасини бозор қиймати ўзгаришидан максимал даромад олиш учун қимматли қоғозлар чайқов операцияларини амалга ошириш мақсадида ҳосила қимматли қоғозларни чиқариш.

Эмиссия сиёсати таркибида банк чиқарадиган қимматли қоғозларни турлари хиллари ва муддати аниқ кўрсатилади. Эмиссия сиёсатини стратегияси ва мақсадларидан келиб чиқиб, банк Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ акция, облигациялар ва депозит сертификатлари ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариши мумкин. Банк акциялари эмиссияси асосан эгаси кўрсатиладиган оддий акциялар ва эгаси кўрсатилмайдиган имтёзли акцияларни муомилага чиқаради.

Банк акцияларини чиқариш процедураси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- Банкнинг ваколатли бошқарув органи қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилиши.

- Қимматли қоғозларни чиқариши туғрисида қарор қабул қиладиган банк ваколатли органи томонидан қимматли қоғозлар эмиссияси проспектини тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантириш агентлигида қайд этиш;

- Қимматли қоғозлар нашрини ва эмиссия проспектини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиш;

- Қимматли қоғозлар нашрини давлат рўйхатидан ўтказиш;

- Қимматли қоғозлар чиқарилганини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхаларини ҳисобга олиш учун уларни рўйхатга оловчи орган Марказий депозитарияга юбориш;

- Қимматли қоғозларни сертификатлари ва бланкларни тайёрлаш (нақд қимматли қоғозларни чиқарадиган ҳолларда);

- Қимматли қоғозлар наشري тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш йўли билан ахборотни бериш;

- Қимматли қоғозлар чиқариш якунлари тўғрисида рўхатга оловчи органга ҳисобот тақдим этиш;

- Қимматли қоғозлар чиқариш якунлари тўғрисидаги ахборотни бериш.

Банк ҳар йили дивидендлар тўланишини таъминлайди ва шу тариқа мазкур молия воситасини ликвидлигини тасдиқлайди. Банк акциялари очик ёки ёпиқ обуна йўли билан жойлаштирилади ва уларнинг қай бири кулланилиши банк Уставида бегиланади. Агар банк Уставида бу ҳақида кўрсатмалар бўлмаса, обуна усулини банкнинг қимматли қоғозлар чиқариш туғрисида қарор қабул қилган органи белгилайди.

Акциялар очик обуна йўли билан жойлаштирилганда давлат рўйхатида ўтказиш эмиссия проспектини рўйхатга олиш йўли билан амалга оширилади. Акциялар ёпиқ обуна йўли билан жойлаштирилганда давлат рўйхатидан ўтказиш нашр анкетасини рўйхатга олиш билан амалга оширилади.

Жойлаштирилган имтиёзли акциялар номинал қиймати банк Устав сармоясининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Чиқарилган акциялар эмиссия проспектида (нашр анкетасида):

- Акцияларнинг биринчи наشري муассислар орасида жойлаштирилганда – банк давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб 1 йилдан ошмайдиган муддатда;
- Акцияларнинг иккинчи ва кейинги нашрлари – нашр давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб 1 йилдан ошмайдиган муддатда жойлаштирилади;
- Бир йил мобайнида нашр умумий миқдорини 60 фоизидан кам қисми жойлаштирилган тақдирда нашр амалга ошмаган деб ҳисобланади.

Банк облигациялари эмиссияси.

Банк облигациялари – унинг эгаси пўл маблағларини киритганлигини исботловчи ҳамда унда кўрсатилган муддатда эгасига қимматли қоғозни номинал қиймати ва фоизни тўлаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоз (агар нашр шартларида бошқа ҳолат назарда тутилган бўлмаса).

Банк облигацияларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан ўз сармояси доираси миқдорида уларни чиқаради. Унинг ўз сармояси миқдори аудиторлик ташкилотини хулосаси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Банк қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарорни Банк Кенгаши қабул қилади.

Банкнинг устав сармоясини кўпайтириш мақсадида, шунингдек банк фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарарлар ўрнини қоплаш учун облигациялар чиқаришга йўл қуйилмайди.

Банк облигацияларини чиқариш процедураси қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- Банк Кенгаши облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиши;
- Банк Кенгаши эмиссия проспектини тасдиқлаши;

- Марказий банкида келишиш;
- Қимматли қоғозлар эмиссии проспектини ёки нашр анкетасини тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлигида тасдиқлатиш;
- Облигациялар чиқариланлигини тасдиқловчи ҳужжатларни асл нусахаларини ҳисобга олиш учун уларни рўйхатга оловчи орган Марказий депозитарийга юбориши;
- Облигациялар бланкаларини тайёрлаш (нақд қимматли қоғозлар чиқариладиган ҳолларда);
- Облигациялар нашри тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш йўли билан ахборотни очиб бериш;
- Қимматли қоғозлар чиқариш якунлари тўғрисида рўйхатга оловчи органга ҳисобот тақдим этиш;
- Қимматли қоғозлар чиқариш якунлари тўғрисидаги ахборотни очиб бериш.

Облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарор қимматли қоғозлар қанча жойлаштирилган тақдирда нашр амалга ошмаган деб ҳисобланиши белгилаб қўйилади. Бундай улуш нашр облигациялари умумий миқдорини 60 фоизидан кам қилиб белгиланиши мумкин эмас. Бунда қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорда, қимматли қоғозларни белгиланган қисми жойлаштирилмай қолиб, нашр амалга ошмай қолган деб топилган тақдирда облигациялар учун ҳақ сифатида банк томонидан олинган маблағларни қайтариш тартиби назарда тутилади.

Банкнинг депозит ва жамғарма сертификатлари эмиссияси: Депозит сертификати – пул маблағлари қўйилгани тўғрисида банк берган гувоҳнома бўлиб, бундай сертификат омонатчи ёки унинг вориси белгиланган муддат тугагандан кейин депозит сўммасини ва унинг фоизларини олиш ҳуқуқига эгалигини тасдиқлайди.

Сертификатлар икки турда чиқарилиши мумкин:

- “Депозит сертификатлари” – юридик шахслар учун;

- “Депозит (жамғарма) сертификатлари” жисмоний шахслар учун.

Депозит жамғарма сертификатлари сотилган товарлар ва курсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб ёки тўлов воситаси бўлиб хизмат қила олмайди. Банк сертификатлари Ўзбекистон Республикасининг биржа ва биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида олди-сотди объекти бўлиши, эгаси кўрсатилмайдиган сертификатлар уларни оддий топшириши йўли билан бошқа шахсга берилиши мумкин. Бу ҳолат мазкур қимматли қоғознинг юксак даражадаги ликвидлилигини қайта-қайта исботлайди. Банк Кенгаши бошқарув тайёрлаган, эмиссияни иқтисодий асосномаси, муддатлари, фоиз ставкалари ва бошқа кўрсаткичларини ўз ичига олувчи эмиссия хужжатлари асосида депозит, жамғарма сертификатларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек юқорида айтилган талаблар асосида депозит сертификатларини чиқариш, улар муомалада бўлиши ва сўндирилиши шартлари ишлаб чиқилади. Бу шартларни ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тасдиқлайди. Депозит сертификатлари банк каттароқ фойда меъёрини таклиф этиш йўли билан мустақил равишда жалб этиши мумкин бўлган бошқариладиган пассивлар ҳисобланади. Банк депозит, жамғарма сертификатларини бир марталик тартибда ҳам туркумлар бўйича ҳам ҳоҳ нақдсиз, ҳоҳ нақд шаклда чиқариши мумкин.

Банкларни қимматли қоғозларни муомалага чиқариш орқали ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларини иккита гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳга, тижорат банклари устав ва қўшимча капиталини шакллантириш мақсадида акция ва субординар қимматли қоғозларни муомалага чиқариш бўйича операциялари, иккинчи гуруҳга эса қисқа ва узоқ муддатли ресурсларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун облигация ва ипотека қимматли қоғозлари, депозит ва жамғарма сертификатлари билан боғлиқ операциялари киради.

Акция облигация ва сертификатларни бозор баҳоси банкларни ушбу бозордаги фаолиятини баҳоловчи иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади.

Тижорат банклари акциялари ва сертификатларни бозор баҳоси ортиб бориши уларнинг олди–сотдисига ижобий таъсир кўрсатади. Кўпчилик ҳолларда тижорат банклари ўз акциялари ва сертификатларини иккиламчи қимматли қоғозлар бозоридаги баҳосини ошириш мақсадида инвестицион компаниялар орқали инвестор сифатида ҳам майдонга чиқиши мумкин.

Тижорат банклари акциялари ва сертификатларни бозор баҳоси молия бозоридаги мавжуд талаб ва таклиф асосида ўрнатилади. Акция ва сертификатларни номинал ва бозор баҳоси ўртасидаги фарқ ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Агар ушбу фарқ ижобий бўлса, тижорат банклари молиявий жиҳатдан барқарор ва рақобатбардош эканлигидан далолат беради. Мазкур ҳолат банкларнинг қимматли қоғозлар орқали ресурсларини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Тижорат банклари эмитент сифатида қуйидаги қимматли қоғозларни муомалага чиқаради:

1. Эмиссион қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар, опционлар);
2. Ноэмиссион қимматли қоғозлар (депозит сертификатлари, жамғарма сертификатлари).

Қимматли қоғозларни эмиссия қилиш 5 босқичдан иборат:

1. Қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;
2. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш;
3. Чиқарилган қимматли қоғозларни давлат рўйхатидан ўтказиш;
4. Қимматли қоғозларни жойлаштириш;
5. Қимматли қоғозларни чиқариш якунлари тўғрисидаги ҳисоботни давлат рўйхатидан ўтказиш.

Тижорат банкларига қимматли қоғозларни чиқаришга рухсат берадиган органлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги капитал бозорни ривожлантириш агентлиги.

Тижорат банклари устав капиталини шакллантириш учун оддий ва имтиёзли акцияларни муомалага чиқаради.

Банкнинг барча акциялари тартиб рақами ва чиқарилган вақтидан қатъий назар бир хил номинал қийматга эга бўлиши шарт.

Муомалага чиқарилган акциялар тўлиқ сотиб бўлинмагунга қадар янги акцияларни муомалага чиқаришга рухсат этилмайди.

Қимматли қоғозлар проспекти банк Бошқаруви томонидан тайёрланади ва Бошқарув раиси ва Бош бухгалтер томонидан имзоланади.

Қимматли қоғозлар проспектида қуйидаги маълумотларни бўлиши шарт:

1. Эмитент тўғрисидаги маълумотлар;
2. Эмитентнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;
3. Қимматли қоғозларни олдинги эмиссияси тўғрисидаги маълумотлар.

Цессия – сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш.

Цедент – сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечаётган томон.

Цессионарий – сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқини олувчи томон.

§ 12.3. Тижорат банкларининг эмиссион операцияларини бошқариш усуллари

Тижорат банкларининг эмиссион операцияларини бошқаришда таъсир этиш нуктаи назаридан қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Маъмурий усуллар.
2. Иқтисодий усуллар.

Маъмурий усулларга қуйидагилар киради:

- * эмиссион операцияларни режалаштириш;
- * эмиссион операцияларни амалга ошириш сиёсати, қоидаалри ва меъёрларини ўзида акс эттирган ички банк ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

Эмиссион операцияларни бошқариш усулларида фойдаланиш самарадорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири бўлиб, қимматли қоғозларни жойлаштиришда риск ва даромад даражаларини тўғри баҳолаш имконини берадиган ишончли маълумотларни мавжудлиги ҳисобланади.

Эмиссион операцияларни бошқариш усуллари қуйидагиларга бўлинади:

- * аналитик усуллар;
- * специфик усуллар;
- * маркетинг усуллари.

Аналитик методлар эмиссион операциялар билан боғлиқ бўлган тенденциялар ва муаммоларни аниқлаш имконини беради. Ўз навбатида, аналитик методларга қуйидагилар киради:

- гуруҳлаш усули;
- қиёсий таҳлил усули;
- таркибий таҳлил усули;
- трендли таҳлил усули.

Специфик усуллар эмиссион операциялар билан рискларни камайтириш, банкнинг ресурс базасини диверсификация қилиш имконини беради.

Маркетинг усуллари қуйидагилардан иборат:

- * мижозларни турли тоифалари бўйича туркумлаш;
- * мижозларнинг картотекасини яратиш;
- * эмиссион банк хизматлари бозорини мониторинг қилиш;
- * эмиссион банк хизматларини реклама қилиш;
- * банк қимматли қоғозларини инвестицион жозибадорлигини

таъминлаш.

Жаҳон банки экспертлари томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари кўрсатдики, тижорат банклари даромадларини 80 фоизини мижозларни 40 фоизини ташкил қилувчи гуруҳ беради. Қолган 20 фоиз банк

даромадини яна 40% мижозлар беради. Қолган 20% мижоз банкка ҳеч қандай даромад келтирмайди. Шу сабабли, тижорат банкларининг эмиссион операцияларини амалга оширишда биринчи тоифага кирувчи 40% мижознинг ҳоҳиш-истакларини, эмиссион банк хизматларига бўлган талабларини инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банклари харажатларини асосий қисмини ресурслар жалб қилиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ресурсларни ўртача қийматини аниқлаш ва унинг ўзгаришига баҳо бериш тижорат банкини молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади. Шу сабабли, тижорат банклари эмиссион фаолиятни амалга оширишда банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ўртача баҳосининг ўзгаришига алоҳида эътибор қаратишади.

Қисқача хулосалар

Халқаро банк амалиётида банкларни депозит бўлмаган ресурслари таркибида йирик манбалардан бири қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Банклар молиявий ресурсларни шакллантириш мақсадида акция, облигация, депозит ва жамғарма сертификатларни муомалага чиқаради. Шунингдек, тижорат банклари узоқ муддатли ресурсларини шакллантиришда ипотека ва субординар қимматли қоғозлари муҳим ўрин тутади.

Тижорат банклари акциялари, облигациялари ва сертификатларни бозор баҳоси молия бозоридаги мавжуд талаб ва таклиф асосида ўрнатилади. Акция ва сертификатларни номинал ва бозор баҳоси ўртасидаги фарқ ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Агар ушбу фарқ ижобий бўлса, тижорат банклари молиявий жиҳатдан барқарор ва рақобатбардош эканлигидан далолат беради. Мазкур ҳолат банкларни қимматли қоғозлар орқали ресурсларини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Тижорат банклари акция, облигация ва сертификатларини баҳосига таъсир қиладиган асосий омиллардан бири уларга тўланадиган дивиденд

миқдори ва фоиз тўловлари ҳисобланади. Акция, облигациялар ва сертификатларга тўланадиган тўловлар миқдорини юқорилиги ва барқарорлиги банкларни қимматли қоғозлар бозоридаги эмитент нуфузини оширишга бевосита таъсир қилади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида Акция, облигациялар ва сертификатларнинг бозор баҳоси банкларнинг ушбу бозордаги фаолиятини баҳоловчи иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади.

Таянч сўз ва иборалар

РЕПО операцияси, эмитент, бенифициар, нақд ва нақдсиз қимматли қоғозлар, эмиссия (проспекти) рисоласи, қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ жойлаштириш, хазина мажбуриятлари, вексиллар, корпоратив облигациялар, қимматли қоғозлар ҳосилалари, опционлар, фьючерслар, эмиссия сиёсати, қимматли қоғозлар чайқов операциялари, цессия, цедент, цессионарий, маъмурий усуллар, иқтисодий усуллар, аналитик усуллар, специфик усуллар, маркетинг усуллари.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тижорат банкларининг эмиссион фаолияти тўғрисида гапириб беринг.
2. Ўзбекистонда қайси турдаги қимматли қоғозлар амал қилади?
3. Тижорат банкларидаги эмиссия фаолиятининг стратегияси ва мақсадларини гапириб беринг.
4. Банк акцияларини чиқариш процедураси қандай босқичларни ўз ичига олади?
5. Банк облигациялари эмиссиясини гапириб беринг.
6. Сертификатларни неча турда чиқарилиши мумкин?
7. Тижорат банклари эмиссион операцияларини бошқаришда қайси усуллардан фойдаланилади?

13-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТЛАРИНИ БОШҚАРИШ

§ 13.1. Тижорат банклари депозитларини зарурлиги ва банклар фаолиятида тутган ўрни

§ 13.2. Тижорат банклари депозит базасини етарлилиги ва уни тавсифловчи кўрсаткичлар

§ 13.3. Тижорат банклари депозитлари баҳосини шакллантириш усуллари

§ 13.4. Банклар депозитларини бошқариш усуллари

§ 13.1. Тижорат банклари депозитларининг зарурлиги ва банклар фаолиятида тутган ўрни

Тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини банкга жалб қилиш билан боғлиқ операциялар депозит операциялари дейилади. Депозит операциялари ёрдамида тижорат банкларнинг 90 фоиздан ортиқ пасивлари ташкил қилиниши мумкин. Депозит операцияларини тижорат банклари ўзларининг депозит сиёсатлари асосида олиб борадилар. Тижорат банкининг депозит сиёсати унинг кредит сиёсати, фоиз сиёсати ва бошқа фаолият турлари билан чамбарчарс боғлиқ бўлиб, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир. Депозит операцияларини амалга оширишда бу операция турининг объект ва субъектини аниқлаш лозим.

Депозит операцияларни субъектлари бўлиб бир томондан тижорат банклари қатнашса, иккинчи томондан:

- давлат корхона ва ташкилотлари;
- молия, суғурта, инвестицион ва траст компаниялар;
- хусусий корхона ва ташкилотлар;
- акционер компаниялар;
- банклар ва бошқа кредит муассасалари;
- қўшма корхоналар, кооперативлар;

- жамоа ташкилотлари ва фондлар;
- алоҳида жисмоний шахслар ёки уларнинг бирлашмалари катнашадилар.

Депозит операцияларини объекти бўлиб эҳтиёждан ортиқча пул маблағлари (қўйилмалар) ҳисобланади. Депозит операцияларини ташкил қилишнинг асоси бўлиб, баланс ликвидлилиги, мижозларнинг молиявий аҳволини барқарорлиги ҳисобланади. Депозит операциялари тижорат банкларини депозит сиёсатини амалга ошириш орқали таъминланади, яъни:

- депозит операциялари банк даромадини ошишга ёки келажакда даромад олишга шароит яратиши керак;
- банк балансини ликвидлилигини сақлаш мақсадида депозит сиёсатини амалга ошириш керак;
- депозит операцияларини амалга оширишда муддатли қўйилмаларга эътибор қаратиш лозим;
- депозитларни жалб қилиш ва уларни вақтида қайтариб бериш билан боғлиқ банк хизматларини ривожлантириш чораларини кўриш зарур ва бошқалар.

Пул қўювчилар тоифасидан келиб чиққан ҳолда депозитлар қуйидагиларга бўлинади:

1. Юридик шахслар (корхоналар, ташкилотлар) қўйилмалари;
2. Жисмоний шахслар қўйилмалари.

Маблағларни олиш шаклига кўра депозитлар қуйидагиларга бўлинади:

- муддатли депозит маблағлар;
- талаб қилиб олингунга қадар депозит маблағлар;
- аҳолининг жамғарма қўйилмалари.

Ўз навбатида бу гуруҳларнинг ҳар бири турли белгиларига қараб таснифланади. Муддатли депозит маблағлар уларнинг муддатидан келиб чиқиб:

- 3 ой муддатгача депозитлар;
- 3 ойдан 6 ойгача депозитлар;

- 6 ойдан 9 ойгача депозитлар;
- 9 ойдан 12 ойгача депозитлар;
- 12 ойдан юқори бўлган депозит маблағларига таснифланади.

Юридик ва жисмоний шахслар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустақил равишда танлайдилар ҳамда бир ёки бир неча банкларда миллий ва хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлар ҳамда депозит ҳисобварақларнинг бошқа турларини очиш ҳуқуқига эгалар.

Мижоз томонидан ҳар қандай ҳисобварақ очилаётганда банк ҳисобварағига хизмат кўрсатиш шартномаси тузилади.

Банк ҳисобварағи шартномаси бўйича юзага келадиган муносабатлар Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Хўжалик юритувчи субъектни биринчи марта миллий валютада очган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи унинг асосий ҳисобварағи ҳисобланади.

Мижозлар қонунчилик асосида бир ёки бир неча банкларда иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очишлари мумкин.

Бюджет муассасаларига ҳисобварақлар республика ёки маҳаллий бюджетлар ҳисобидан ажратиладиган маблағларни кирим қилиш ва шу маблағлардан фойдаланиш учун очилади. Бундан ташқари, бюджетдан ташқари маблағлар учун талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлар очилиши мумкин. Бюджет ташкилотларига жамғарма ва муддатли ҳисобварақлар фақат бюджетдан ташқари маблағларни сақлаш учун очилади. Республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан маблағлар ажратиладиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга ҳар бир бюджет бўйича алоҳида ҳисобварақлар очилади. Мижозлар томонидан ҳисобварақлар очиш учун банкка ушбу йўриқномада кўзда тутилган зарурий ҳужжатлар тақдим қилинган кундан бошлаб, банклар икки банк иш куни мобайнида уларга ҳисобварақлар очишлари шарт. Ҳисобварақларнинг егалари ҳисобварақ очиш

учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги бўйича жавобгардирлар. Тадбиркорлик субъектлари учун, банкларда очиладиган ҳисобварақлар учун тўлов миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг бир қаррасидан ошмаслиги лозим. Хўжалик юритувчи субъектларга ҳисобварақлар очилгандан кейин, банклар кейинги иш кунидан кечиктирмай, ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисида тегишли солиқ органига ёзма равишда хабар беришлари шарт.

Мижозларнинг (тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган жисмоний шахслардан ташқари) ҳисобварақ очиш учун асос бўлган ҳужжатлари, банк ҳисобварағига хизмат кўрсатиш шартномаси, шунингдек унга қилинган ўзгартиришлар, мижознинг манзили ўзгарганлиги тўғрисидаги банкка берган хати ва номи ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси мижознинг алоҳида жилди (юридик йиғмажилди)да сақланади.

Тадбиркорлик субъектлари (юридик шахсни ташкил этган ҳолда ва ташкил этмаган ҳолда фаолият кўрсатадиган) томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлар очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

- а) ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;
- б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- в) имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча.

Тадбиркорлик субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар, жумладан бюджет ташкилотлари томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлар очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

- а) ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза
- б) солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- в) имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча

Юридик шахснинг таркибий бўлинмалари (ваколатхоналари, филиаллари)га талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлар ушбу юридик шахснинг илтимосномаси бўйича (илтимосномада юридик шахснинг солиқ

тўловчининг идентификация рақами кўрсатилади) ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза ҳамда имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча тақдим этилганда очилади.

Ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга оширмоқчи бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларга устав капиталини шакллантириш учун давлат рўйхатидан ўтгунларига қадар таъсисчилар (иштирокчилар)нинг дастлабки бадалларини киритиш учун миллий ва/ёки хорижий валютада вақтинчалик (маблағ йиғиш учун) талаб қилиб олингунча ҳисобварақ очилиши мумкин.

Вақтинчалик ҳисобварақ очиш учун ваколатли шахс банкка таъсисчи (иштирокчи)лар номидан ихтиёрий шаклда ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза тақдим қилади.

Резидент ва норезидент жисмоний шахслар томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлар очиш учун банкка ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжатлар) тақдим қилинади. Ҳужжатдаги маълумотлар ҳисобварақ очиш тўғрисидаги аризага ёзилади.

§ 13.2. Тижорат банклари депозит базасининг етарлилиги ва уни тавсифловчи кўрсаткичлар

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини аниқлашда икки усулдан кенг фойдаланилмоқда. Биринчи усул Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) экспертлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда тижорат банклари депозит базасининг етарлилиги (ДБЕ) қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{ДБЕ} = \frac{\text{ТД}}{\text{ТД} + \text{ЖД} + \text{МД}} \times 100\%$$

Бу ерда:

ТД – трансакцион депозитлар;

ЖД – жамғарма депозитлари;

МД – муддатли депозитлар.

ХТТБ экспертларининг тавсиясига кўра, мазкур кўрсаткичнинг энг юқори чегараси 30 фоизни ташкил этиши лозим. Агар унинг амалдаги даражаси 30 фоиздан юқори бўлса, у ҳолда, ушбу тижорат банкининг депозит базаси етарли эмас, деб ҳисобланади.

ХТТБ экспертлари томонидан ишлаб чиқилган усулда трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғи тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини аниқлашда ҳисобга олинмаган.

Ҳозирги даврда дунёнинг кўпчилик мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари фаолиятини инспекцион текширишда “CAMEL” рейтинг тизимидан кенг фойдаланилмоқда. Ушбу тизимда тижорат банклари депозит базасининг барқарорлиги қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{ДБЕ} = \frac{\text{Асосий депозитлар}}{\text{Депозитлар жами}} \times 100\%$$

Мазкур кўрсаткичнинг амалдаги даражаси 75 фоиздан паст бўлмаган тақдирдагина тижорат банкининг депозит базаси етарли ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида асосий депозитларнинг салмоғи камида 75 фоизни ташкил этиши лозим.

“CAMEL” рейтинг тизимида асосий депозитлар деганда депозитларнинг банкни тарк этмайдиган қисми тушунилади. Шу жиҳатдан олганда, асосий депозитлар ҳар уч турдаги депозитлар – трансакцион депозитлар, муддатли депозитлар ва жамғарма депозитларининг барқарор қолдиғини ўз ичига олади.


“CAMEL” рейтинг тизимидаги депозит базасининг етарлилигини баҳолаш усули ХТТБнинг баҳолаш усулига нисбатан мукамалроқ

ҳисобланади. Яъни, биринчидан, трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғи ҳисобга олинмоқда. Бу эса, жуда муҳим, чунки трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғидан фойдаланилганда тижорат банкларининг ликвидлилигига нисбатан жиддий хавф юзага келмайди; иккинчидан, жамғарма депозитларининг барқарор қолдиғигина асосий депозит сифатида эътироф этилмоқда. Ҳолбуки, жамғарма депозитларининг маълум қисми нобарқарор пассив ҳисобланади. Улар трансакцион депозитлардан банкни маълум муддат олдиндан огоҳлантириш йўли билан олиниши жиҳатидан фарқ қилади.

Тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини баҳолашда эътиборга олиниши лозим бўлган жиҳатлардан бири, фикримизча, ўзида ҳам трансакцион депозит ҳисобрақамини, ҳам муддатли депозит ҳисобрақамини намоён этаётган янги ҳисобрақамларининг пайдо бўлаётганлиги ҳисобланади. Масалан, АҚШдаги “НАУ” ҳисобрақамлари ана шундай янги турдаги ҳисобрақаи ҳисобланади. Унга бозор ставкаларида фоиз тўланади. Шу билан бирга, мазкур ҳисобрақамлар ўзида трансакцион депозит ҳисобрақамларига хос бўлган хусусиятни ҳам ифода этади: уларнинг қолдиғига тўлов ҳужжатларини ёзишга рухсат этилади.

“НАУ” ҳисобрақамларининг қолдиғи барқарорлиги жиҳатидан трансакцион депозитларни барқарор қолдиғидан қолишмайди. Шу сабабли, уларни қолдиғини тижорат банки депозит базасини барқарорлигини аниқлашда ҳисобга олиш лозим деб ҳисоблаймиз.

13.2.1-расм маълумотларидан кўринадики, 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозитлари миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.



13.2. 1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозитлари, трлн. Сўм. (2017 йил 59.6 трлн сўм, 2018 йил 70.0 трлн сўм, 2019 йил 63,9 трлн сўм)³³

§ 13.3. Тижорат банклари депозитлари баҳосини шакллантириш усуллари.

Банклар орасидаги ресурсларни жалб қилиш учун рақобатли курашда муҳим восита бўлиб турлича фоиз сиёсати ҳисобланади, чунки қўйилган маблағларга даромад олиш мижозларнинг қўйилма қўйишга ундовчи муҳим омил ҳисобланади. Депозит фоиз ставкалари даражасини ҳар бир тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳисоб ставкаси, пул бозори ҳолати ва ўзининг депозит сиёсатидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгилайди. Депозит счетларининг алоҳида кўринишлари бўйича даромад ҳажми қўйилма муддати, суммаси, ҳисобварағини амал қилиш хусусияти, хизматлар ҳажми, характери ва ниҳоят, мижознинг қўйилма шартномаси шартларига амал қилишига боғлиқ.

Талаб қилингунгача бўлган депозитлар бўйича ҳисобварақалари эгалари томонидан жорий операцияларни амалга ошириш учун ишлатилади ва улар қолдиқнинг номунтазамлиги билан характерланади. Шунинг учун

³³ ЎР МБ расмий сайти маълумотлари асосида (www.cbu.uz).

бундай счетлар гуруҳи даромадлик даражаси билан ажралиб туради. Юридик шахсларга очилган талаб қилингунча ҳисобварақаларидаги маблағлар қолдиғи бўйича фоизлар умуман тўланмаслиги мумкин. Бундай фойда, одатда, мижозларни ҳисоб касса хизматлари учун тўлов маблағларини талаб қилингунча ҳисобварақаларда маблағларни минималлаштириш ва ортиқча суммаларни қўйилмаларнинг даромадлироқ шаклларига жойлаштиришга ундайди.

Жисмоний шахслар учун очилган талаб қилингунча варақалар бўйича фоизлар деярли мажбурий тартибда ўрнатилади, аммо у бўйича даромад ҳамиша муддатли қўйилмаларга қараганда пастроқ бўлади. Муддатли қўйилмалар бўйича фоиз ставкаси ҳажмини ўрнатишдаги муҳим омил бўлиб, маблағлар жойлаштирилган муддат ҳисобланади.

Марказий банк эмиссия маркази сифатида макроиктисодий даражадаги пул айланиши ҳамда банк тизимининг ликвидлиги нуқтаи назаридан тижорат банкларининг улар томонидан жалб қилинган маблағлардан фойдаланиш имкониятларини доимий равишда тартибга солиб туради.

Назарий жиҳатдан замонавий банк тизимида нақд пулсиз айланишларнинг ривожланиши натижасида дастлабки шакллантирилган депозитларни (дастлабки ёки реал депозитлар Марказий банк томонидан чиқарилган нақд пуллар асосида шаклланганликни тақозо қилади) чекланмаган тарзда бир банкдан иккинчи банкка ўтказиш, шу билан бирга, тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларни чексиз ошириш имконияти мавжуд. Хорижий назарияда бу жараён депозит мултипликацияси (яъни маблағларнинг бир банкдан бошқасига занжирсимон шаклда ўтказилиши) ва кредит экспансияси деб ном олган.

Марказий банк томонидан ўрнатилган мажбурий захира талаблари банк тизимида депозит ва кредитларни оширишнинг бевосита чекловчиси бўлиб хизмат қилади.

“А” банкдаги дастлабки депозит 1000 бирликнинг 20%и (200 бирлик) мажбурий захира сифатида Марказий банкка ўтказилгандан кейин тижорат

банкнинг кредит бериш имконияти 800 бирликни ташкил қилади. Бу кредит миқдорга берилгандан кейин бошқа банк депозитига айланиши мумкин. Масалан. Ушбу берилган кредит суммаси “Б” банкнинг миқдори бўлган маҳсулот етказиб берувчининг ҳисобварағига сотувдан тушум шаклда келиб тушади. “А” банкнинг кредити “Б” банкда депозитни вужудга келтиради. “Б” банк бу депозитдан кредит берадиган бўлса, мажбурий захирани ҳисобга олган ҳолда $(800 \cdot 20/100)$ унинг миқдори 640 $(800-160)$ бирликка тенг бўлади. Ушбу жараёни охиригача (яъни депозит ва кредитларнинг тўлиқ ишлатилишигача) тасаввур қиладиган бўлсак, 1000 бирлик шакллантирилган дастлабки депозит миқдори, мажбурий заҳира даражаси 20% бўлганда барча банклар бўйича 5000 бирликкача, 800 бирликка тенг бўлган дастлабки кредит миқдори эса 4000 бирликка ўсиши мумкин.

Агар мажбурий заҳира йўқ деб тахмин қилинса назарий жиҳатдан депозит мультипликацияси ва кредит экспансияси чексизликка тенг ва тескариси, мажбурий заҳира 100% бўлган тақдирда депозит мультипликацияси 0 га тенг бўлади.

Депозит (ёки кредит) мультипликациясининг максимал миқдори ёки чегарасини ҳисоблаш учун қуйидаги математик формуладан фойдаланилади.

$$D = D_0 \cdot 1/P$$

Бундан:

D —банк тизимида шакллантирилиши мумкин бўлган депозитнинг максимал миқдори;

D_0 —дастлабки депозит;

P —депозит бирлигига тенг келадиган ликвидлик заҳираси.

Юқорида келтирилган мисолимизда депозит мультипликацияси коэффиценти 5 ёки 5000 бирликка ($D = 1000 \cdot (1/0,2)$), кредит мультипликацияси коэффиценти эса 4 ёки 4000 бирлик ($K = 800 \cdot (1/0,2)$)ка тенг.

Мультипликация даражаси мажбурий захира даражасига тескари мутаносиб равишда ўзгаради, демак мажбурий захира даражаси ошса, банк тизимининг кредит салоҳияти имкониятлари ҳам камаяди.

Депозит мультипликацияси ва кредит экспансияси ғояси қуйидаги иқтисодий заруриятни келтириб чиқаради: ҳар қандай тижорат банки депозитларни қабул қила туриб, ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини бажаришлари учун унинг маълум бир қисмини ликвидлик захираси сифатида сақлашлари лозим. Шу боис тижорат банкларини кредит бериш салоҳияти миқдори банк томонидан жалб қилинган молиявий ресурслар, мажбурий захира ҳажмига боғлиқ. Кредит потенциали (салоҳияти) миқдори (K_c)ни қисқача ҳолда қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин.

$$K_c = D - M_z - L_z$$

Бу ерда:

D —жалб қилинган маблағлар;

M_z —мажбурий захира миқдори;

L_z —ликвидликни таъминлаш бўйича захиралар.

Шундай қилиб тижорат банкларини кредит салоҳиятига:

- банкка жалб қилинган маблағларни умумий миқдори;
- Марказий банк томонидан ўрнатилган мажбурий захира даражаси;
- жорий ликвидлиликни сақлаш мақсадида ташкил қилинган захира ва ундан фойдаланиш тартиби;
- кредит салоҳияти манбаларининг таркиби ва барқарорлиги;
- банк мажбуриятларининг таркиби ва умумий миқдори каби омиллар таъсир кўрсатади.

§ 13.4. Банклар депозитларини бошқариш усуллари

Тижорат банкларининг депозит операцияларини бошқаришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Маъмурий усуллар.
2. Иқтисодий усуллар.

Маъмурий усулларга қуйидагилар киради:

- * депозит операцияларни режалаштириш;
- * депозит операцияларни амалга ошириш сиёсати, қоидалари ва меъёрларини ўзида акс эттирган ички банк ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

Депозит операцияларни бошқариш усулларида фойдаланиш самарадорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири бўлиб, депозитлар жалб қилиш ва уларни активларга жойлаштиришда риск ва даромад даражаларини тўғри баҳолаш имконини берадиган ишончли маълумотларнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Депозит операцияларни бошқариш усуллари қуйидагиларга бўлинади:

- * аналитик усуллар;
- * специфик усуллар;
- * маркетинг усуллари.

Аналитик методлар депозитлар жалб қилиш билан боғлиқ бўлган тенденциялар ва муаммоларни аниқлаш имконини беради. Ўз навбатида, аналитик методларга қуйидагилар киради:

- гуруҳлаш усули;
- қиёсий таҳлил усули;
- таркибий таҳлил усули;
- трендли таҳлил усули.

Специфик усуллар депозит операциялар билан боғлиқ бўлган рискларни камайтириш, банкнинг ресурс базасини диверсификация қилиш имконини беради.

Маркетинг усуллари қуйидагилардан иборат:

- * миждозларни турли тоифалари бўйича туркумлаш;
- * миждозларнинг картотекасини яратиш;
- * депозит хизматлари бозорини мониторинг қилиш;
- * депозит хизматларини реклама қилиш;
- * депозитларнинг барқарорлигини таъминлаш.

Қисқача хулосалар

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини аниқлашда икки усулдан кенг фойдаланилмоқда. Биринчи усул Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) экспертлари томонидан ишлаб чиқилган.

ХТТБ экспертлари томонидан ишлаб чиқилган усулда трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғи тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини аниқлашда ҳисобга олинмаган.

Ҳозирги даврда дунёнинг кўпчилиқ мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари депозит фаолиятини инспекцион текширишда “CAMEL” рейтинг тизимидан кенг фойдаланилмоқда.

“CAMEL” рейтинг тизимида асосий депозитлар деганда депозитларнинг банкни тарқ этмайдиган қисми тушунилади. Шу жиҳатдан олганда, асосий депозитлар ҳар уч турдаги депозитлар – трансакцион депозитлар, муддатли депозитлар ва жамғарма депозитларининг барқарор қолдиғини ўз ичига олади.

“CAMEL” рейтинг тизимидаги депозит базасининг етарлилигини баҳолаш усули ХТТБнинг баҳолаш усулига нисбатан мукамалроқ ҳисобланади. Биринчидан, трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғи ҳисобга олинмоқда, иккинчидан, жамғарма депозитларининг барқарор қолдиғигина асосий депозит сифатида эътироф этилмоқда. Ҳолбуки, жамғарма депозитларининг маълум қисми нобарқарор пассив ҳисобланади.

Банклар орасидаги ресурсларни жалб қилиш учун рақобатли курашда муҳим восита бўлиб турлича фоиз сиёсати ҳисобланади, чунки қўйилган маблағларга даромад олиш мижозларнинг қўйилма қўйишга ундовчи муҳим омил ҳисобланади.

Муддатли қўйилмалар бўйича фоиз ставкаси ҳажмини ўрнатишдаги муҳим омил бўлиб, маблағлар жойлаштирилган муддат ҳисобланади.

Марказий банк томонидан ўрнатилган мажбурий захира талаблари банк тизимида депозит ва кредитларни оширишнинг бевосита чекловчиси бўлиб хизмат қилади.

Депозит операцияларни бошқариш усуллари қуйидагиларга бўлинади: аналитик усуллар; специфик усуллар; маркетинг усуллари.

Таянч сўз ва иборалар

Аҳолининг жамғарма қўйилмалари, резидент ва норезидент жисмоний шахслар, талаб қилиб олунгунга қадар депозит, асосий ва иккиламчи ҳисоб варағлари, банк варағига хизмат кўрсатиш шартномаси, тадбиркорлик субъекти, резидент юридик шахслар, депозит мултипликацияси, кредит потенциали миқдори, банклар депозитларини бошқариш усуллари, маркетинг усуллари.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тижорат банклари депозитларини зарурлиги тушунтириб беринг?
2. Депозит операцияларини объект ва субъектини аниқлаб беринг?
3. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) экспертлари томонидан ишлаб чиқилган тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини тушунтириб беринг?
4. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари фаолиятини инспекцион текширишда “CAMEL” рейтинг тизимини моҳият маҳмунини тушунтириб беринг?
5. Тижорат банклари депозитлари баҳосини шакллантириш усуллари нимадан иборат?
6. Банклар депозитларини бошқариш усуллари тушунтириб беринг?

14-БОБ: БАНКЛАРАРО КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ БОЗОРИ

§ 14.1. Банклараро кредит ресурслари бозорининг мазмуни ва таркиби

§ 14.2. Банклараро кредитлар бўйича фоиз ставкалари

§ 14.3. Банклараро кредит ресурслари бозорига Марказий банк пул-кредит сиёсатининг таъсири

§ 14.1. Банклараро кредит ресурслари бозорининг мазмуни ва таркиби

Банклараро бозорнинг ривожланиши вақтинчалик бўш турган пул маблағларини банклар ўртасида қайта тақсимланишига имконият туғдиради. Ундан банк ўзининг ликвидлигини таъминлаши учун турли хил муддатда маблағларни жалб этишлари мумкин, хусусан, бир кундан то бир неча ойгача бўлган муддатни ташкил этади. Бу маблағларни банклараро кредит ресурслари бозоридан қай даражада жалб қилиши иқтисодий конъюнктурага, банк нуфузига ва банклараро бозордаги бошқа тижорат банкларининг фаолияти билан боғлиқ. Банклараро кредит ресурслари бозори мамлакатимизда ўз фаолиятини юритмоқда, унда банк ресурсларини сотиш ва сотиб олиш индикаторлари эълон қилинади ва қатнашиш ҳуқуқини олган банклар бўш турган банкнинг ресурсларини сотади, ўзининг мажбуриятларини бажариш учун етишмаган маблағларини бошқа банкларнинг маблағлари ҳисобидан жалб қилади. Банклар ресурсларни сотишлари натижасида ўзига фоизли даромад олади, банк ресурсларга зарурий эҳтиёжлар сезганда банк уларни сотиб олиши ҳам мумкин. Бу жараён банклараро бозордаги энг арзон ва қулай усуллардан бири ҳисобланади. Бунда банк ўзининг ресурсларини мижозлар учун жойлаштирмасдан, балки бошқа банкларга ўзининг бўш турган ресурсларини жойлаштириш сиёсатини олиб боради. Бу сиёсат уларнинг хатарлилик даражасини камайтириш сиёсатининг юритилаётганлигини кўрсатади. Бунинг сабаби банклар томонидан бошқа банкларга берилган ресурсларнинг

хатари мижозларга берилган кредитларнинг хатаридан пастроқ бўлиши шухбасиз.

Банклараро бозорнинг ривожланиш омили Марказий банкнинг қайта молиялаш тизими билан ўзаро боғлиқ. Банкларда ликвидли активлар билан таъминлаш манбаи Марказий банкнинг мақсадли кредитлаш ресурслари билан шаклланишидадир. Марказий банк тижорат банкларининг ликвидлилигига қайта молиялаш сиёсати орқали таъсир кўрсатиши маълум. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кузатилаётганда кўпгина давлатлар Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини анча пасайтиришган ва улар арзон пуллар сиёсатини юритганлар. Масалан, бу шароитда АҚШ Федерал Захира Тизими томонидан ҳисоб ставкасини 5,25 фоиздан 1 фоизгача туширган. Бундай чоралар мамлакатнинг молиявий инқироздан чиқиб кетишига ва банкларнинг ликвидлилигини таъминлашга ўз самарасини бермай қолмайди.

Банклараро кредит ресурслари бозори – бу кредит ресурсларини олди-сотди қилиш мақсадида ташкил этилган махсус марказлардир. Банклараро кредит ресурслари бозори ссуда капиталлари бозори ҳам деб аталади.

Банклараро кредит ресурслари бозорида тижорат банкларининг биринчи қисми кредит ресурси сотувчи сифатида, иккинчи қисми эса, кредит ресурсини сотиб олувчи сифатида иштирок этади.

Банклараро кредит ресурслари бозори икки сегментдан иборат:

- пул бозори;
- капитал бозори.

Пул бозорида қисқа муддатли, яъни муддати 12 ойгача бўлган депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкалари шаклланади.

Капитал бозорида ўрта ва узоқ муддатли депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкалари шаклланади.

Банклар ресурсларини бошқа банклардан ссуда олиш, яъни банклараро кредит ҳисобига ҳам кенгайтириш мумкин. Ортиқча кредит ресурсларини сотиш билан молиявий барқарор тижорат банклари шуғулланади. Бу

ресурслар даромад келтириши учун банклар бу ресурсларни бошқа банкларга жойлаштиришга ҳаракат қиладилар. Банклар ресурсларини жойлаштириб, даромад олишдан ташқари, банк-кредитор учун банкнинг бошқа фаолиятлари бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятларига эга бўлади. Банклар учун ўз кредит ресурсларини хўжаликларга жойлаштиришдан кўра, банкларга жойлаштирган фойдалироқдир. Айниқса, ҳозирги шароитда кредитнинг қайтиши учун кафолат хўжалик корхоналаридан кўра банкларда каттароқдир. Банклараро кредитнинг муддатлари ҳар хил. Ривожланган давлатлар тижорат банклари амалиётида бир, уч, олти ой муддатли банклараро кредит бериш кўпроқ ишлатилади. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, 1 кундан тортиб бир неча йил муддатга бериладиган банклараро кредит бериш ҳам ривожланмоқда.

Ҳозирги пайтда МДХ давлатларида 3 ойдан 6 ой муддатгача банклараро кредитдан фойдаланиш банклар фаолиятида кенг тарқалган. Банклараро кредитнинг фоиз ставкаси, одатда, хўжаликларга бериладиган кредитлар фоиз ставкасидан паст бўлади ва Марказий банк томонидан бу ставкалар назорат қилинади. Ресурсларни жалб қилиш нуқтаи назаридан эса банк учун банклараро кредит бошқа депозитларни жалб қилишдан кўра қимматроққа тушади. Банклар ресурсларини банклараро кредитлар ҳисобига шакллантиришдан мақсади шуки, банклар ўз мижозларини кредитга бўлган эҳтиёжини қондиришдир ва кредит қўйилмаларини янада кенгайтириб фойда олишдир.

Банклараро бозор молия бозорининг сегментларидан бири ҳисобланиб, банк инвестицияларини реал иқтисодиётга банк тизимида жамланган маблағларни тез ва самарали қайта тақсимлаш орқали жойлаштиришни таъминлайди. Банклараро бозорнинг фаолият юритиши иқтисодиёт учун инвестиция бўйича маълум қарорларини қабул қилиш нуқтаи назаридан уларнинг умумий ҳажми ва самарадорлигига таъсир кўрсатади ва пировард натижада иқтисодий ўсишга эришишни таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Банклараро бозор фаолиятида тартибга солинган тизимнинг мавжудлиги ҳар қандай замонавий банк тизиминининг асосини ташкил этиб, банкларнинг

зарурий маблағлардан фойдаланишларини енгиллаштиради, банк битимлари хажмини кўпайишини таъминлайди, қўшимча маблағларни ушлаб туриш заруриятини пасайтиради. Шунингдек банкларнинг ҳам харажатлар эвазига янада самарали ишлашларига имконият яратиб беради. Яхши ишлайдиган банклараро бозор нафақат банклар фаолиятини енгиллаштиради, балки бозор номутаносибликларининг вужудга келишини камайтиради. Ҳар қандай банк тизимига ликвидликнинг тебраниши хос. Лекин яхши фаолият юритаётган банклараро бозор ликвидли маблағларнинг назарда тутилмаган истеъмоли натижасида вужудга келган nobarqarorlikни камайтиради ва кутилмаган ҳолатларга нисбатан банк сектори барқарорлигини таъминлайди.

Тор маънода ссуда капиталининг жаҳон бозори (СКЖБ) деганда – халқаро кредит операциялари рўй берадиган бозор ёки ссуда капиталининг халқаро бозори тушунилади. У ўз ичига чет эл кредитлари ва заёмлар бозорини олади. Бу бозор, ўз навбатида, ссуда капитали (СК) миллий бозоридаги халқаро операцияларини келтириб чиқаради. Евровалюта бозори ёки евробозор бу чет эл валютасида мамлакат ташқарисида нақд пулсиз депозит – ссуда операциялари рўй берадиган бозордир. Евровалюта операциялари СКЖ бозорини деярли қамраб олганлиги туфайли баъзи адабиётларда СКЖБ синоними сифатида евробозор тушунчаси ҳам ишлатилади. (Баъзи бир маълумотларга қараганда СКЖБдаги 70-90% операциялар евровалюта операцияларига тўғри келади).

Кенг маънода СКЖБ деганда ссуда капиталининг жаҳон миқёсида тақсимланиши ва қайта тақсимланишининг иқтисодий механизми тушунилади. Яъни бу жараён ссуда капитали миллий бозорини ва евробозорни мувофиқлаштиришга асос бўлади.

СКЖБ эволюцияси жаҳон иқтисодиётининг байналминаллашув жараёни динамикасида ўз аксини топади. Бу ривожланиш босқичларини куйидагича ифодалаш мумкин.

Биринчи босқич, ривожланишининг монопол даражаси, СКЖБ кўп тарқалган СК миллий бозорларининг мувофиқлашуви сифатида кўринган.

Иккинчи босқич, юқори ривожланиш даврида хўжалик алоқаларини байналминаллашуви ва халқаро кредитнинг ривожланиши асосида СКЖБ шаклланади.

Дастлаб халқаро кредитнинг ривожланиши миллий бозорларда фақат халқаро операциялар шаклида намоён бўлган. Аста-секин йирик бозорлар (Лондон, Париж, Нью-Йоркда) жаҳон молия марказларига айланади. Бу молия марказларида ўтказилган операциялар жаҳон бозорининг иккинчи секторини шакллантирди. Бу марказлар оффшоринг. Офф-шове – мамлакат ташқарисида маълум бир масофада жойлашган. Жаҳон молия марказларига банклар ва кредит-молия институтлари жамланган. Халқаро кредит олтин ва чет эл валютасида операциялар олиб борадиган бу муассасалар СКЖБнинг ташкилий марказлари бўлиб қолди. 1929-1933 йилларда жаҳон иқтисодий таназзули, ундан кейин депрессия ва II Жаҳон уруши даврида ташқи савдо ҳажми шунингдек, жаҳон марказларида ҳам, миллий бозорда ҳам халқаро операцияларнинг сони қисқариб борди. Кейинги босқичларда СКЖБнинг ривожланишининг 50-йиллардаги евробозорнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Валюта муносабатларини олиб боришда валюта чекловларининг юзага келиши ва СК миллий бозорлари орасидаги фарқланиш мавжудлиги шароитида халқаро молия капиталининг ҳаракати ва ривожланиши ягона, миллий давлат бошқарувидан устунроқ бошқарилувчи бозорни талаб қилди. Евробозор шундай бозор сифатида вужудга келди. У миллий бозорлар ўртасида ўзига хос фаолият олиб борувчи воситачи ҳисобланади. Чунки бунда операциялар миллий давлат ташкилотлари томонидан бошқарилмайди. Евробозорлар дастлаб евродоллар бозори шаклида ривожлана борди. Евродолларнинг пайдо бўлиши долларнинг чет эл банкларида жамғарилишига ва уларнинг кредит операцияларда ишлатилишига олиб келди. 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб евробозор операциялари евромарка, евростерлинг, еврофранклар каби бошқа валюталарда олиб борила бошланди. Евробозор таъсирида Европада йирик жаҳон молия марказлари вужудга келди. Лондонда, Цюрихда, Парижда ва бошқа

ривожланган давлатларда молиявий марказлар пайдо бўлиб борди. “Евробозор” терминидаги евро қўшимчаси шу билан изоҳланади. 60- йиллар иқтисодиётининг яна бир хусусияти шундаки, бу даврда Америка доллар бозори пайдо бўлди.

§ 14.2. Банклараро кредитлар бўйича фоиз ставкалари

Банкларнинг кредитлар бўйича фоиз ставкасини белгилаш уларнинг асосий фаолиятида самарадорликни белгилайди ва натижада уларнинг молиявий асосларининг барқарорлигига, капитал маблағларини тўплаш орқали таъсир қилади. Шунинг учун кредит фоиз ставкаларини белгилаш банкларнинг алоҳида энг муҳим қарорларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, банк кредитларининг фоиз ставкаларини қандай белгилаганлиги, молиявий тизимда марказий роль ўйнаганлиги сабабли, пул кредит сиёсатининг самарадорлигининг муҳим ҳал қилувчи омилidir. Шу сабабларга кўра, банкларнинг кредитлар бўйича фоиз ставкасини аниқлаш хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш, банк операцияларини мониторинг қилиш ва пул сиёсатини узатиш каналларини тушуниш учун фойдалидир. Кўпгина мавжуд тадқиқотлар банкларнинг фоиз ставкасини белгилашдаги хатти-ҳаракатлари фоиз ставкасини ўтиш истикболидан ўрганиб чиқилади ва бу кредит фоиз ставкаларининг, бозор фоиз ставкалари ўзгаришига таъсирини текширади. Шунингдек, банкларнинг кредитлар бўйича фоиз ставкалари, бозор фоиз ставкалари ўзгаришларига аста-секин жавоб беришга қодир эканлигини эътироф этади, бу эса кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг боғлиқлик даражаси юқори эканлигини кўрсатади. Қисқа муддатда, бозор фоиз ставкалари ортиб бораётганига қарамай, банклар ҳар қандай сабабларга кўра қарздорлик бюджетини молиялаштириш харажатларини камайтиришга ҳаракат қилишади, ҳатто бундай хатти ҳаракатлар уларнинг фоиз ставкаларини белгилашда ҳам номоён бўлади.

Бозорни банклараро кредитлар ўртача фоизлари ставкалари бўйича маълумотлар билан таъминлашнинг йўлларида бири банклараро бозорлар

пул маблағлари миллий кўрсаткичларини қабул қилиниши ҳисобланади. Банклараро пул бозори кўрсаткичлари халқаро банк амалиётида кенг қўлланилади. Уларнинг ичида энг таниқлиси Буюк Британия банклари уюшмалари томонидан эълон қилинадиган ЛИБОР фоиз ставкасидир. Ушбу ставкалар бўйича банклар бошқа банклардан пул маблағларини қарзга оладилар. Шундай ставкалар Франкфурт молия бозорлари иштирокчилари (ФИБОР), Токио (ТИБОР), Гонконг (ХИБОР) ва бошқаларда ҳам мавжуд. Бундан ташқари шунга ўхшаш ставкалардан Россия ва Қозоғистон молия бозорларида ҳам фойдаланилади.

Молиявий кўрсаткичлардан фойдаланишнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- банклараро кредитлар ўртача статистик фоиз ставкаларини аниқлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўзига хос умумлаштирувчи натижалар ҳисобланади;

- пул маблағларини жойлаштиришнинг узоқ муддатлари бўйича фиксинг тавсия этилади;

- халқаро андозадаги кўрсаткич ҳисобланади;

- банклараро пул бозорида кенг тарқалган;

- уларни ҳисоблаш механизми очиқ ва ҳамма учун тушунарли;

- ҳисоблар тизмига кирувчи банклар юқори кредит рейтингига эга.

Ўзбекистонда пул маблағлари банклараро бозорида ўртача статистик фоиз ставкаларини ўрнатиш тажрибаси мавжуд эмас. Бундан ташқари, банкларнинг қарз берувчи банклар ҳақида керакли ва ишончли маълумотларга эга бўлишлари зарурияти мавжуд бўлиб, банклараро шартномалар ҳулосалари бўйича меъёрларни унификация (бир хил) қилиш йўлга қўйилмаган.

Таклиф қилинаётган кўрсаткичлар Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси (Уюшмаси) томонидан ҳисоблаб чиқилиши мумкин ва улар келажакда қисқа муддатли кредитлар фоиз ставкалари кўрсаткичлари (индекслари) вазифасини ўтайди. Ҳисобланган кўрсаткичлар тижорат банкларига бепул

тақдим этилади. Индекс ҳисоблари базасига (маркет-мейкерлар) кирувчи банклар, Ассоциация (Уюшма)ни марказий банклар билан келишилган ҳолда уларни банклараро бозорда мавқеи ва фаоллик даражаси асосида танланади. Ушбу банклар Марказий банк меъёрларига риоя қилишлари ва бозор балансини тузишлари лозим. Банклар ҳар бир иш кунида Ассоциацияга (Уюшмага) ўзларининг котировкасини тақдим этадилар ва Ассоциация (Уюшма) банкларни фиксингини миллий валюта сўм бўйича чоп этади. Бунда банкларни эълон қилинган ставкалар бўйича пул маблағларини сотишлари ёки сотиб олишлари шарт эмас.

Ўртача статистик фоиз ставкаларини ҳисоблашни унификация (бир хил) қилиш учун пул маблағлари банклараро бозори кўрсаткичларини шакллантиришни ягона услуби ишлаб чиқилиши зарур. (кейингиларда услуб дейилади). Банкнинг банклараро бозор миллий кўрсаткичларда иштирок этиши бевосита унинг обрўйига ва молиявий ҳолатига боғлиқ бўлади. Маркет-мейкерлар дастлаб пул маблағлари банклараро бозори кўрсаткичларини шакллантириш ҳақида Меморандум имзолашлари лозим. (кейингиларда меморандум дейилади). Меморандумда ҳар бир банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилади. Улар бошқа банклар ва маркет-мейкерлар фаолияти манафаатларига зид бўлмаслиги ёки бундай ҳолатлардан ўзларини тийишлари зарур. Меморандум меъёрларини бузган иштирокчилар маркет-мейкерлар рўйхатидан чиқарилади. Ушбу ҳужжатларнинг мавқеини ошириш учун уларни дастлаб Марказий банк ва тижорат банклари билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

XX асрнинг 90-йиллари бошларида жаҳондаги заёмларнинг 80%и еврозаёмлар ҳиссасига тўғри келди. Еврозаёмларнинг асосий устунлиги шундаки, улар кредитор ва қарздорлар учун ҳам валюта заёми мавқеига эга бўлади. Заёмларнинг бу турлари Буюк Британия, АҚШда тарқалган. Яна бошқа бир фарқи анъанавий хорижий заёмлар бирор мамлакат миллий бозорида чиқарилса, еврозаёмлар эса бир пайтда бир неча давлатларда тарқатилади. Еврооблигация, одатда, 7 йилдан 15 йил муддатга чиқарилади.

80-йилларда 30 ва ҳатто 40 йил муддатли облигациялар чиқарилди. Асосий заём чиқарувчилар бўлиб, давлат, халқаро ташкилотлар маҳаллий ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари фаолият кўрсатган. Еврозаёмлар, одатда, йирик банклар томонидан чиқарилган. Бу йирик банклар еврозаёмларни халқаро консорциумлар ва синдикат ташкилотлари сифатида чиқардилар. Консорциумлар фаолиятига банклар, ҳар хил молия-кредит институтлари: пенсия фондлари, суғурта ва инвестицион компанияларни жалб қилдилар. Жаҳон молия бозорида ҳар хил турдаги оддий ёки “доимий”, “сузувчи” фоиз ставкали, нол фоизли (купон билан), конвертирланган облигациялар кабилар амал қилади. Бу облигацияларнинг 60% и оддий облигациялар ташкил қилади ва бу бўйича облигация эмитенти заём муддати тугагунча мустаҳкам (ўзгармас) фоиз тўлайди. “Сузувчи” ставкали облигациялар ставкаси ва даромади ҳам бозор фоизлари ўзгаришига боғлиқ ҳолда тебраниб туради.

Облигациялар бўйича сузувчи фоиз ставкалари Либор ставкасида ифодаланади.

Ўзгарувчи ставкали облигациялар фарқли равишда индексацияланган фоизли облигациялар ҳисобланади.

Фоиз ставкасининг макроиктисодий даражада ҳаракат қилишдаги асоси бўлиб бозор жараёнларининг ривожланиши ва кредитга тўлов миқдорининг эркин ўзгариши шароитида ҳўжаликда ўртача фойда нормаси ҳисобланади. Фойда нормасидан у ёки бу томонга ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни умумий ва махсус омилларга бўламиз. Умумий омилларга қарз маблағаларига талаб ва таклифнинг ўзгариши, Марказий банк сиёсати, пул қадрсизланиши даражаси.

Актив операциялар бўйича фоиз ставкасини аниқловчи хусусий омилларга қуйидагилар киради:

- ❖ Ссуда ҳажми ва уни қайтариш муддати;
- ❖ Таъминот ва унинг характери;
- ❖ Ссуда капиталининг ҳажми;
- ❖ Қарз олувчининг кредитга лаёқатлиги ва бошқалар.

Ссуда фоизларидан фойдаланиш механизми бир томондан фоиз моҳиятини товар ишлаб чиқариш сифатида бошқа томондан фоиз сиёсатини ошириш мақсадида аниқлайди.

Банкларнинг фоиз сиёсати бугунги кунда банк ликвидлигини таъминлаш ва уни оптимал бошқаришга қаратилиши керак. Ссуда фоизининг дифференцияси актив операциялар бўйича қўйилмалар ликвидлигига боғлиқ ҳолда бўлиши лозим. Миллий иқтисодиётда банк фоизининг ролини ошириш, унинг бевосита таъсир доирасини кенгайтириш ва иқтисодий жараёнларни тизимлаштиришга ёрдам беради.

Депозитлар ва кредитлар бўйича фоиз ставкалари, уларнинг суммаси, уларни тўлаш вақти даври, тўлаш шартлари ва бошқалар мижоз билан банк ўртасида келишиб олинади ва тузиладиган шартномада акс эттирилади. Кредитлар бўйича фоиз ставкалар кредитнинг муддати, қарз олувчи томонидан тавсия қилинган гаров ҳолати ва қиймати, унинг ликвидлигига, кредит ресурслари баҳосига, кредит рискнинг даражасига қараб тижорат банки томонидан мустақил белгиланади ва у кредит шартномада акс эттирилади. Кредит бўйича фоизлар муддати келганда мемориал ордер билан расмийлаштирилиб, мижознинг асосий талаб қилиб олингунча бўлган депозит варағидан график бўйича ундириб олинади.

Фоиз даражаси кредит битими томонлари ўртасидаги кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда шартнома орқали аниқланади.

Марказий банк доимий равишда тўғридан-тўғри ссуда фоиз нормасини маъмурий бошқарувидан унинг даражасини қайта молиялаштириш фоиз ставкасини ўзгартириш ва мажбурий резервлар нормасини маневрлаш орқали тартибга солишнинг иқтисодий усулларига ўтаяпти.

Ссудалар бўйича фоиз ставкалари тижорат банклари томонидан кредит келишувининг аниқ шартларини ҳисобга олиб ўрнатилмоқда, яъни ссуда ҳажми ва уни тугаш муддати, таъминот мавжудлиги, маблағларни жалб

килишдаги харажатлар, кредитни расмийлаштириш ва назорат бўйича харажатлар, қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги ва бошқалар.

Банк пассив операциялари бўйича фоиз бўш пул маблағларини вақтинча омонатларга жалб қилиш стимули сифатида ошиб бормокда.

Фоизларнинг ўтказилиши ва ундирилиш тартиби шартномада белгиланади. Амалиётда ссуда кунлари санаси яқинлашиши билан оддий фоизлар ҳисоблаш усулидан фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда фоизларни тўлаш манбаси кредит қўйилмаларининг йўналишидан келиб чиқиб турличадир. Қисқа муддатли ссудалар бўйича тўловлар маҳсулот таннарҳига қўшилади, узоқ муддатли ва муддати ўтган кредитлар бўйича харажатлар корхона солиққа тортилган фойдасига олиб борилади.

Замонавий механизмнинг хусусияти бевосита фоизлар бўйича даромад ва харажатларнинг банк якуний моддий манфаатлари билан бевосита боғлиқлиги ҳисобланади.

Банк ссуда капиталининг таннархи ишлаб чиқариш харажатлари умумий суммасининг жойлаштирилган маблағлар ҳажмига нисбатан ифодалайди.

Ссуда капиталининг таннархи, яъни банк харажатлари 2 асосий элементлардан таркиб топган:

- Ресурсларни шакллантириш бўйича харажатлар;
- Банк фаолиятини таъминловчи харажатлар.

Биринчи гуруҳ харажатларга – жалб қилинадиган депозитлар (муддатли ва талаб қилиб олингунга қадар депозитлар)га тўловлар, Марказий банкнинг ресурсларига фоиз, банклараро ссудалар бўйича, қимматли қоғозлар бўйича ва бошқалар.

Иккинчи гуруҳга бошқа операцион ва банк маъмурий бошқрув харажатлари киради. Жумладан:

- ✓ қимматликлар ва ҳужжатларни ташиш учун транспорт ижараси харажатлари;

✓ бланкалар, магнит ленталар ва бошқа нарсаларни сотиб олиш учун харажатлар;

✓ ҳисоблар маркази хизматларига харажатлар;

✓ амортизация харажатлари;

✓ банк ходимларига иш ҳақи харажатлари;

✓ биноларни сақлаш ва таъмирлаш харажатлари.

Амалиётда ссуда капиталининг таннархи актив операциялар бўйича фоиз даражасини аниқлашда уларни берган вақтдан бошлаб фоизлар ҳисоблаш бошланади. Ссуда фойзининг юқори чегараси бозор шароитидан келиб чиқиб белгиланади. Қўйи фоиз даражаси банкнинг жалб қилиш ва фаолиятини таъминлаш бўйича харажатлари орқали аниқланади. У кредитлаш ресурсларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир алоҳида олинган битимда фоиз нормасини ҳисоблашда тижорат банклари қуйидагиларни ҳисобга оладилар:

- Базавий фоиз ставкасининг даражаси, бу маълум даврга таъминланган ссудалар бўйича банкнинг энг кредитга лаёқатли мижозлари учун ўрнатилади;

- Алоҳида ҳар битим шароитидан келиб чиқиб рискни қўшиш.

Базавий фоиз ставкаси қуйидаги формула орқали аниқланади:

Базавий фоиз ставка = $C_1 + C_2 + П$; (1)

Бу ерда:

C_1 - режалаштирилаётган даврга барча кредит ресурсларининг ўртача реал баҳоси;

C_2 - банк фаолиятини таъминлаш бўйича режалаштирилаётган харажатларнинг жойлаштирилаётган маблағлар ҳажмига нисбати;

П – банк ссуда операцияларининг режалаштирилган фойдалилик даражаси.

Кредит ресурсларининг ўртача реал баҳоси (C_1) ўртача тортилган формула бўйича ҳисобланиб алоҳида ресурс тури баҳоси ва унинг банк

умумий жалб қилинган ресурслар суммасидаги улушидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Ўз навбатида алоҳида банк жалб қилган ресурснинг ўртача ҳақиқий баҳоси мазкур ресурс бозоридаги номинал баҳоси ва мажбурий захира нормасига корректив асосида аниқланади.

Рискни ҳисобга олган ҳолатда қуйидаги мезонлардан келиб чиқиб гуруҳланади:

- қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги;
- ссуда бўйича таъминот ва унинг характери;
- мижознинг банк билан мустаҳкам алоқаси;
- фоизларни ҳисоблаш усуллари;
- қарз олувчининг кредит муддатига риоя қилишлиги.

Маълумки ссуда фоизи банк даромадини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди ва жалб қилинган маблағларга тўловлар унинг харажатлари таркибида муҳим ўрин эгаллайди. Банк фоиз маржаси банк актив ва пассив операциялари бўйича ўртача фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ муҳим маъно касб этади.

Қуйидагича аниқланади:

$$M_{\text{факт}} = \frac{D_{\text{п}} - P_{\text{п}} * 100 \%}{A_{\text{д}}} \quad (3)$$

Бунда:

$M_{\text{факт}}$ - фоиз маржасининг амалдаги ҳажми;

$D_{\text{п}}$ - фоизли даромадлар;

$P_{\text{п}}$ - фоизларни тўлаш бўйича харажатлар;

$A_{\text{д}}$ - фоиз кўринишида даромад келтирувчи активлар.

Фоиз маржасининг таҳлили қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

амалдаги фоиз маржасини базавий билан солиштириш усули;

фоиз маржаси компонентларини ўзгаришининг таҳлили.

Таҳлил кўрсаткичлари даромад (харажатларнинг)ларнинг қайси категорияси унинг умумий ўзгаришига олиб келишини аниқлаш имконини беради.

Кредит қўйилмалари ва уларнинг манбаларининг ҳажми ва таркиби, тўловлар муддати қўлланиладиган фоиз ставкалар характери ва бошқалар фоиз маржасининг ҳажмига таъсир қилувчи асосий омиллар ҳисобланади.

§ 14.3. Банклараро кредит ресурслари бозорига Марказий банк пул-кредит сиёсатининг таъсири

Миллий ссуда капиталлари бозори фаолиятининг узлуксизлиги ва унинг ликвидлиги кредит ресурслари таклифи ва уларга бўлган талаб ўртасидаги мувозанатнинг таъминланишига боғлиқ. Бу эса, кредит ресурсларига бўлган талабнинг ошиб кетиши натижасида юзага келадиган кредитлар фоиз ставкаларининг кескин кўтарилиши натижасида юзага келадиган бозор мувозанатининг бузилишига барҳам берадиган махсус захира фондини шакллантириш заруриятини юзага келтиради.

Миллий ссуда капиталлари бозори фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш Марказий банк томонидан РЕПО аукционлари орқали фоиз ставкаларининг ўзгаришини назорат қилиш заруриятини юзага келтиради. Бунда, Марказий банк миллий ссуда капиталлари бозорининг доимий ва тўлақонли аъзоси сифатида ўзининг кредит ресурсларини, бозордаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, тўғри РЕПО ва тескари РЕПО шартлари бўйича жойлаштириши лозим.

Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва мажбурий захира талабномаларининг базавий ставкаси инфляциянинг жорий даражасига, монандилигини таъминлашга тижорат банкларининг ресурс базаси ҳажмини ва ликвидлик даражасини ошириш имконини беради. Бунинг устига, тижорат банклари кредитларининг номинал фоиз ставкасининг барқарорлигини таъминлашда кредит қўйилмалари ҳажмини барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Марказий банк ўзининг қайта молиялаш сиёсати орқали ҳам банклараро кредит ресурслари бозоридаги фоиз ставкаларининг даражаларига таъсир эта олади. Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати Марказий банк томонидан тижорат банкларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи бўлиб, ушбу сиёсат қуйидаги уч хил кредитлаш усулидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади:

1. Тижорат банкларини Марказий банк томонидан, уларнинг балансидаги тратталарни қайта ҳисобга олиш йўли билан, кредитлаш усули.

Мазкур усулда берилган кредитлар ҳисоб ёки дисконт кредитлари ҳисобланади, уларнинг фоиз ставкаси эса, ҳисоб ёки дисконт ставкаси дейилади.

Марказий банк ҳар бир молиявий йил учун олдиндан тратталарни, яъни узатма тижорат векселларини ўзида қайта ҳисобга олиш контингентини белгилайди. Қайта ҳисобга олиш контингенти ҳажмини белгилашда пул массасининг ўсиш суръати, инфляция даражаси каби муҳим макроиктисодий кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Тратталарни қайта ҳисобга олиш контингентини мамлакатдаги тижорат банклари сонига бўлиш йўли билан ҳар бир банк учун белгиланадиган қайта ҳисобга олиш лимити суммаси аниқланади. Бу эса, лимитни аниқлашнинг адолатли усули ҳисобланади. Чунки, ушбу усулда барча тижорат банкларига, уларнинг катта ёки кичиклигидан қатъий назар, бир хил лимит белгиланади. Аммо ушбу усулнинг камчилиги шундаки, бунда тижорат банклари активлари миқдори ўртасидаги фарқ натижасида юзага келадиган ликвидли маблағларга бўлган талаб ўртасидаги фарқ ҳисобга олинмайди.

2. Тижорат банкларини Марказий банк томонидан, уларнинг балансидаги қимматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш усули.

Ушбу усулда берилган кредитлар ломбард кредитлари бўлиб, уларнинг фоиз ставкаси эса, ломбард ставкалари дейилади.

3. Тижорат банкларини Марказий банк томонидан тўғридан-тўғри кредитлаш усули.

Мазкур усулда берилган кредитлар овердрафт, овернайт, кунлик ва муддатли кредитлар шаклида бўлади.

Марказий банкнинг овердрафт кредитлари тижорат банкларининг миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисоб рақамида юзага келган пул маблағлари етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш мақсадида берилади.

Овернайт кредитлари бир суткага бериладиган кредитлар бўлиб, улар тижорат банкларида фавқулодда юзага келадиган жуда қисқа муддатли ликвидлилик муаммосини ҳал қилиш мақсадида берилади.

Кунлик кредитлар бир операцион кун давомида берилади.

Дунёнинг бир қатор мамлакатларида (Швеция, Россия ва бошқ.) кунлик кредитлар Марказий банклар томонидан қимматли қоғозларни гаровга олган ҳолда фоизсиз берилади ва улар миллий тўлов тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадида берилади³⁴.

Республикамизда банклараро кредитлар бозорининг ривожланмаганлиги Марказий банк қайта молиялаш сиёсатининг таъсирчанлиги, самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, банклараро кредитлар бозоридаги депозитлар ва кредитларнинг бозор баҳоси аниқланади ва кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифнинг амалдаги ҳолатини баҳолаш ва прогнозлаш имкони юзага келади; иккинчидан, талаб ва таклиф асосида шаклланган фоиз ставкасигина ссуда капиталлари ҳаракатини тартибга солишнинг бозор регулятори ҳисобланади.

Банклараро кредитлар бозори ривожланмаган шароитда Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган кредитларнинг миқдорини ошириш йўли билан миллий валютадаги пулларга бўлган талабга ва улар таклифига таъсир этишнинг аҳамияти ошади. Лекин бунинг учун,

³⁴ Моисеев С.Р. Денено-кредитная политика: теория и практика. Учебное пособие. – М.: Московская финансово-промышленная академия, 2011. - С. 723.

биринчидан, тижорат банклари Марказий банк кредитларини қисқа вақт ичида, тезкор тарзда олиш имконига эга бўлишлари лозим; иккинчидан, Марказий банк қайта молиялаш инструментларининг (ломбардли кредитлар, овернайт, муддатли кредитлар, дисконтли кредитлар, овердрафт) деярли барчасига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, Марказий банкнинг қайта молиялаш кредитлари ҳажмини ошириш имконияти чегараланиб қолади. Масалан, ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг дисконтли кредитлари мавжуд эмас, ломбардли кредитлари миқдори кичик. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг дисконтли ва ломбардли кредитларга бўлган талабларини қондирилмай қолишига сабаб бўлади.

Марказий банк молия бозоридаги операциялари орқали фоиз ставкасининг шаклланишига жадал таъсир кўрсатди. Хусусан, Марказий банкнинг фоиз ставкаларига таъсири банк тизимининг жорий ликвидлилигини тартибга солиш операцияларини амалга ошириш жараёнида намоён бўлди. Марказий банк ликвидликни таъминлаш операцияларини тижорат банклари билан битим(лар)да белгиланган фоиз ставкасида амалга оширди. Бу ҳолат, ўз навбатида, банк тизимидаги ресурслар қиймати ҳамда банкларнинг молиявий активлари билан операцияларига таъсир кўрсатади ва тизимида фоиз ставкалари тебранишлари интервалини юзага келтиради. Бу жараёнда Марказий банк аниқ тамойиллар ва муносабатларга таяниб, операциялар бўйича фоиз ставкаларини тартибга солади. Бу саъйи-ҳаракатлар тактик жиҳатдан пул-кредит сиёсатини асосий йўналишларда ҳамда банк тизими жорий ликвидлилигини тартибга солиш жараёнларида ўз аксини топади. Мазкур йўналишдаги иқтисодий жараёнлар динамикасини ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қатъий пул-кредит сиёсати 2019 йилнинг октябрь-декабрь ойларида монетар омилларнинг инфляцияга таъсирини минимал даражага пасайтириб, айнан, шу давр учун дастлаб прогноз қилинган кўрсаткичларга эришилишида қулай шароитни яратиб берди. Миллий валютадаги активларнинг даромадлилигини сақлаб қолиш, реал фоиз ставкалари ижобийлигини таъминлаш ва иқтисодиётда пул

таклифи суръатлари ўсишини олдини олиш мақсадида Марказий банк қайта молиялаш ставкаси 16 фоиз қилиб белгиланди.

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати биринчидан, валюта инструментлари бўйича даромадлиликни (тебраниш даражаси ва коридорини) ошириш, валюта операцияларининг пул бозорларидаги даромадлиги даражасининг ўрта муддатлардаги истиқболини аниқ белгилаш, худди шундай қисқа муддат оралиғида, шу жумладан, валюта курси ўзгаришлари рискни баҳолаш, уни камайтиришга имкон беради, иккинчидан, миллий валютанинг қийматини фоиз ставкаси орқали тартибга солишга эришилади. Марказий банк пул-кредит сиёсати орқали макродаражада энг муҳим ҳисобланган ҳамда ўзаро боғлиқ ва таъсирга эга бўлган қуйидаги:

- жамиятда жамғариш даражаси ва жамғаришга мойиллик;
- иқтисодиётга киритиладиган инвестициялар;
- инфляция даражаси;
- молиявий активларга бўлган талаб ва таклиф;
- капитал ҳаракати каби кўрсаткичларни мувофиқлаштиради.

Бу эса, ўз навбатида мамлакатдаги молиявий муносабатларнинг жадал суръатларда ривожланиши ва самарадорлиги ортишига замин яратади. Марказий банк пул-кредит сиёсати стратегиясига мувофиқ молия бозорида операцияларни амалга ошириб, нафақат фоиз ставкалари тебраниши интервалини шакллантиради, балки тижорат банклари молиявий ресурсларини самарали бошқаришига рағбат бериши, шу жумладан, ресурс базасини шакллантириш ва уларни жойлаштириш билан боғлиқ тезкор қарорларни қабул қилиш имкониятини юзага келтириши орқали иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш омиллари ҳам шаклланишига туртки беради. Ўзбекистонда пул-кредит сиёсати концепцияси негизида фоиз ставкасининг оптимал бўлиши мамлакатдаги пул-кредит тизимининг барқарорлигини таъминлайди. Айнан ушбу мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиши Марказий банк фоиз инструментлари самарадорлигига ижобий таъсир

кўрсатиши пировардида пул-кредит операциялари бўйича “фоиз оралиғи” шакллантирилишига замин яратади.

Қисқача хулосалар

Банклараро бозорнинг ривожланиши вақтинчалик бўш турган пул маблағларини банклар ўртасида қайта тақсимланишига имконият туғдиради. Бунда банк ўзининг ресурсларини мижозлар учун жойлаштирмасдан, балки бошқа банкларга ўзининг бўш турган ресурсларини жойлаштириш сиёсатини олиб боради. Бу сиёсат уларнинг хатарлилик даражасини камайтириш сиёсатининг юритилаётганлигини кўрсатади.

Банклараро кредит ресурслари бозори – бу кредит ресурсларини олди-сотди қилиш мақсадида ташкил этилган махсус марказлардир. Банклараро кредит ресурслари бозори ссуда капиталлари бозори ҳам деб аталади.

Банклараро кредит ресурслари бозори икки сегментдан иборат: пул бозори; капитал бозори. Пул бозорида қисқа муддатли, яъни муддати 12 ойгача бўлган депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкалари шаклланади. Капитал бозорида ўрта ва узоқ муддатли депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкалари шаклланади.

Тор маънода ссуда капиталининг жаҳон бозори (СКЖБ) деганда – халқаро кредит операциялари рўй берадиган бозор ёки ссуда капиталининг халқаро бозори тушунилади. У ўз ичига чет эл кредитлари ва заёмлар бозорини олади. Бу бозор, ўз навбатида, ссуда капитали (СК) миллий бозоридаги халқаро операцияларини келтириб чиқаради. Евровалюта бозори ёки евробозор бу чет эл валютасида мамлакат ташқарисида нақд пулсиз депозит – ссуда операциялари рўй берадиган бозордир.

Бозорни банклараро кредитлар ўртача фоиз ставкалари бўйича маълумотлар билан таъминлашнинг йўлларида бири банклараро бозорлар пул маблағлари миллий кўрсаткичларини қабул қилиниши ҳисобланади. Банклараро пул бозори кўрсаткичлари халқаро банк амалиётида кенг қўлланилади.

Ўзбекистонда пул маблағлари банклараро бозорида ўртача статистик фоиз ставкаларини ўрнатиш тажрибаси мавжуд эмас ва банклараро шартномалар ҳулосалари бўйича меъёрларни унификация (бир хил) қилиш йўлга қўйилмаган.

Жаҳон молия бозорида ҳар хил турдаги оддий ёки “доимий”, “сузувчи” фоиз ставкали, нол фоизли (купон билан), конвертирланган облигациялар кабилар амал қилади.

Ссуда капиталининг таннари яъни харажатлари 2 асосий элементлардан таркиб топган: ресурсларни шакллантириш бўйича харажатлар; банк фаолиятини таъминловчи харажатлар.

Ссуда фойзининг юқори чегараси бозор шароитидан келиб чиқиб белгиланади. Қўйи фоиз даражаси банкнинг жалб қилиш ва фаолиятини таъминлаш бўйича харажатлари орқали аниқланади.

Республикамызда банклараро кредитлар бозорининг ривожланмаганлиги Марказий банк қайта молиялаш сиёсатининг таъсирчанлиги, самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг дисконтли кредитлари мавжуд эмас, ломбардли кредитлари миқдори кичик. Бу эса, тижорат банкларининг дисконтли ва ломбардли кредитларга бўлган талабларини қондирилмай қолишига сабаб бўлади.

Таянч сўз ва иборалар

Ресурслари бозори, фоиз ставкалари, банкни бўш пул маблағлари, банк ресурслари, банк ресурсларга зарурий эҳтиёж, фоизли даромад, ссуда капитал бозори, пул бозори, капитал бозори, молия бозорни сегменти, сеуда капиталнинг жаҳон бозори, Евровалюта бозори, ссуда капитали миллий бозори, евро бозорни мувофиқлаштириш, жаҳон молия марказлари, халқаро операциялари, халқаро валюта муносабатлари, валюта чекловлари, халқаро молия капитални ҳаракати, евродоллор бозори, ЛИБОР фоиз ставкиси, банклараро кредит ресурслари бозорининг котиловкаси, фиксинги, индекс

ҳисоблари базасига кирувчи банклар, маркет-майкер.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Банклараро кредит ресурслари бозорининг қандай сегментлари мавжуд?
2. Банклараро кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг моҳияти
3. Банклараро кредитлар бозорида савдони ташкил этиш тартиби қандай амалга оширилади?
4. Хорижий заёмлар бозори ва еврозаёмлар бозори ривожланиш ҳолати

15-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ

§ 15.1. Банк фаолиятида актив ва пасивларини шакллантириш билан боғлиқ рисклар ва уларнинг турлари

§ 15.2. Кредит рисклари ва уларни келиб чиқиш сабаблари

§ 15.3. Банк рискларини бошқариш усуллари

§ 15.1. Банк фаолиятида актив ва пасивларини шакллантириш билан боғлиқ рисклар ва уларнинг турлари

Иқтисодий адабиётда “банк rischi” тушунчасини турли хилда талқин қилиш ҳолатлари мавжуд.

Базел Қўмитасининг Консултатив хати асосида тақдим этилган рўйхатда рискларнинг 9 та тури мавжуд:

- * кредит rischi;
- * операцион риск;
- * ҳуқуқий риск;
- * суғурта rischi;
- * трансферт rischi;
- * бозор rischi;
- * фоиз rischi;

- * ликвидлик риск;
- * репутация rischi.

Аммо кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан тижорат банклари фаолиятига хос бўлган асосий риск турлари сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

- * кредит rischi;
- * фоиз rischi;
- * валюта rischi;
- * операцион риск;
- * ликвидлилик rischi;
- * бозор rischi.

Кредит rischi – бу кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтмаслиги натижасида банкнинг зарар кўриш хавфидир.

Фоиз rischi – бу фоиз ставкаларининг тебраниши натижасида тижорат банкининг зарар кўриш хавфидир.

Тижорат банкларига нисбатан фоиз rischi фоиз ставкаларининг тебраниши натижасида соф даромаднинг камайиши ва капитал қийматининг маълум қисмининг йўқотилиши сифатида талқин қилиниши мумкин.

Фоиз rischi таъсирида тижорат банки катта миқдорда даромад олиши мумкин. Аммо, фоиз rischiнинг чуқурлашиши шароитида фоиз ставкаларининг банк учун ноқулай тебраниши тижорат банкини катта миқдорда зарар кўришига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли, тижорат банклари раҳбарияти фоиз rischi бошқариш самарадорлигини ошириш масаласига катта эътибор қаратадилар.

Валюта rischi деганда, ташқи иқтисодий фаолият жараёнида айирбошлаш курсларини ўзгаришидан ёки бошқа турли валюта операцияларини амалга оширилишида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар (ёки даромад олиш) тушунилади. Валюта rischiларининг юзага келишининг асосий сабаби – валюта курсларини ўзгариши ҳисобланади.

Бундай ўзгаришлар ҳамма шахсларга: ишбилармон фирмалар ва давлат структураларига ҳам таъсир кўрсатади.

Ликвидлилик rischi 2 хил ҳолатда намоён бўлади:

1. Банкнинг вакиллик ҳисоб рақамларида ортиқча пул маблағларининг тўпланиб қолиши.
2. Банкнинг вакиллик ҳисоб рақамларида пул маблағларининг етмай қолиши.

Ликвидлиликнинг 2-кўриниши баланслашмаган ликвидлилик дейилади.

Бозор rischi фоиз ставкаларининг барқарор эмаслиги оқибатида молиявий активларнинг бозор қийматининг ўзгариши сабабли банкнинг актив операцияларидан келувчи даромадни ўзгариши эҳтимоли туфайли юзага келади.

Операцион риск – бу банк ходимларининг ноқонуний ҳатти-ҳаркатлари ва дастурий таъминотнинг бузилиши натижасида банкнинг зарар кўриш хавфидир.

Базел-II кредит riskини баҳолаш бўйича уч ёндашувни таклиф этади:

- a) стандартлашган ёндашув;
- b) ички рейтингларга асосланган базавий ёндашув (ИРБ);
- c) ички рейтингларга асосланган такомиллашган ёндашув.

Тижорат банкларида (ИРБ) базавий ёндашуви асосида дефолт бўлиш эҳтимолини баҳолаш учун қуйидаги моделдан фойдаланилади:

$$PD_i = \frac{\Delta ICR_{Ti}}{ICR_{Def} - ICR_{t_1}} \times 100\%,$$

Бу ерда:

PD_i – и – мижознинг дефолт бўлиш эҳтимоли;

ΔICR_{Ti} – и мижознинг кредит шартномаси даврида кредит рейтингининг ўзгариши;

ICR_{Def} – максимал дефолт рейтинги.

Ушбу моделни тузиш учун икки босқичдан ўтиш талаб этилади. Биринчи босқич – мижознинг кредит рейтингини ўзгариш тезлигини ҳисоблаш.

$$V_{\Delta CR_{Ti}} = \frac{ICR_{t_2i} - ICR_{t_1i}}{(t_{2i} - t_{1i})},$$

Бу ерда:

ICR_{t_2i} - i -мижознинг t_2 вақтдаги кредит рейтинги;

ICR_{t_1i} - i -мижознинг t_1 вақтдаги кредит рейтинги;

t_1 - i -мижознинг ҳисобот саналари ($t_2 > t_1$).

Кўрсатилган ҳисобот саналари сифатида қуйидагиларни ишлатиш мумкин:

t_1 – ҳисобот йилининг боши ёки кредитни бериш санаси (кредитланаётган мижозлар учун), агар кредит жорий йилда берилган бўлса;

t_2 – дефолт эҳтимолини баҳолашдан олдинги сўнгги ҳисобот санаси.

Иккинчи босқич – ΔICR_{ti} – i – мижознинг кредит шартномаси даврида кредит рейтингини ўзгариши.

Базел-II кредит рискин баҳолашда қўлланиладиган коэффициентлар қуйидагиларни ҳисобга олади:

- мамлакатнинг суверен кредит рейтинги;
- банкнинг рейтинги;
- кредит олган мижознинг рейтинги;
- банк операциясининг тури.

15.1 1-жадвал

Кредит рискин баҳолаш бўйича стандартлашган ёндашув

Кредит рейтинги	AAA AA –	A+ A –	BBB + BB –	BB – дан паст	Рейтинг сиз
Риск даражаси	20%	50%	100%	150%	100%

Базел-II нинг муҳим талабларидан бири етарли даражада захира ажратмалари билан таъминланмаган банк кредитларининг риск даражасини

ошириш талабидир. Ушбу талабнинг моҳияти шундаки, кредитнинг қайтариш муддати тугаганига 90 кун ва ундан ортиқ вақт ўтган бўлса, яратилган заҳира ажратмаси миқдори кредит бўйича умумий қарздорликнинг 20 фоизидан кам бўлса, у ҳолда, мазкур кредитларнинг риск даражаси 150 фоизни ташкил қилади. Бу эса, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи нисбатан юқори бўлган тижорат банкларининг ликвидлилигига ва капитал базасининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Халқаро банк амалиётида кредит rischi даражасини баҳолашда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади:

1. Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳира ажратмалари даражаси (ККЗҚМЗАД).

$$\text{ККЗҚМЗАД} = (\text{ЗАС} / \text{БАЎС}) \times 100\% \quad (1)$$

Бу ерда:

ЗАС – заҳира ажратмалари суммаси;

БАЎС – банк активларининг ўртача суммаси.

Ушбу кўрсаткичнинг юқори меъёрий даражаси 1 фоизни ташкил этади.

Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳира ажратмалари даражаси кўрсаткичининг меъёрий даражадан юқори бўлиши тижорат банки таснифланган кредитлари таркибини ёмонлашганлигидан далолат беради.

2. Муддати ўтган кредитларнинг мўътадил даражаси (МЎКМД).

$$\text{МЎКМД} = (\text{МЎКС} / \text{БК}) \times 100\% \quad (2)$$

Бу ерда:

МЎКС – муддати ўтган кредитларнинг ўртача суммаси;

БК – брутто кредитлар.

Мазкур кўрсаткичнинг юқори меъёрий чегараси 3,0 фоиз қилиб белгиланган.

3. Муддати ўтган кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси (МЎКЙҚМБЧД).

$$\text{МЎКЙҚМБЧД} = (\text{МЎКС} / \text{БК}) \times 100\% \quad (3)$$

Ушбу кўрсаткич 2-формула орқали ҳисобланади ва унинг юқори меъёрий даражаси 5,0 фоизни ташкил этади.

15.1. 2-жадвал

“Мудис” халқаро рейтинг агентлиги томонидан кредит рискинни баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	А	Б	С	Д	Е
Муаммоли кредитларнинг кредит портфелидаги салмоғи, %	0,8 % гача	0,8 % дан 2,0 % гача	2,0 % дан 5,0 % гача	5,0 % дан 12 % гача	12 % ва ундан юқори
Кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасининг муаммоли кредитларнинг умумий суммасига нисбатан даражаси, %	10 % гача	10 % дан 20 % гача	20 % дан 30 % гача	30 % дан 50 % гача	50 % ва ундан юқори

Базел қўмитасининг 1997 йилда ишлаб чиқилган “Фоиз ставкалари рискларини бошқариш принциплари” номли ҳужжатида фоиз рискинни юзага келтирувчи 4 омилнинг мавжудлиги эътироф этилган:

1. Баҳоларнинг ўзгариш риски.

Ушбу омил тижорат банклари фаолиятидаги фоиз рискинни юзага келтирувчи асосий сабаб ҳисобланади.

Бунда фоиз риски активлар ва пасивларнинг муддатлари ўртасида номувофиқликнинг юзага келиши натижасида пайдо бўлади. Масалан, қисқа муддатли депозит ҳисобидан қатъий белгиланган ставкадаги узоқ муддатли кредит берилади. Бундай ҳолатда бозор ставкаларининг ошиши натижасида банкда соф даромад камаяди, яъни банк зарар кўради. Бунинг сабаби шундаки, берилган кредитнинг фоиз ставкаси ўзгармайди, аммо жалб қилинган депозитнинг баҳоси кўтарилади.

2. Даромадлиликнинг ўзгариши.

Активлар ва пасивлар бўйича фоиз ставкаларини ўзгаришини даврий оралиқларда мос келмаслиги натижасида даромадлилик даражаси пасаяди.

Масалан, тижорат банки кредит бергандан кейин ўтган маълум давр мобайнида кредитларнинг фоиз ставкаси ошади. Натижада тижорат банкида кредитлар бўйича йўқотилган даромад юзага келади.

3. Базис rischi.

Базис rischi турли молиявий инструментлар бўйича олинган ва тўланган фоизларни тартибга солиш жараёнида юзага келадиган номувофикликлар натижасида юзага келади. Масалан, бир йил муддатга берилган кредитнинг ойлик тўлови ЛИБОР ставкаси бўйича қайта баҳоланганда, ЛИБОРнинг ўзгариши базис riskини юзага келтиради.

Халқаро ссуда капиталлари бозорида хорижий валюталардаги кредитларнинг баҳоси ҳар куни аниқланади ва турли омилларнинг таъсирида улар тебраниб туради. Бу эса, базис riskини юзага келиши учун замин яратади.

4. Опционлар билан боғлиқ бўлган riskлар.

Колл ва пут опционлар бўйича фоиз ставкаларининг ўзгариши, банкнинг позицияси мувозанатлашмаган шароитда, зарарни юзага келтириши мумкин.

Опционларнинг биринчи стандарти европа стандарти деб аталади ва бу опционлар ўз эгасига фақат шартнома муддати тугагандан сўнг опциондан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Опционларнинг иккинчи стандарти эса, америка стандарти дейилади ва мазкур опционлар ўз эгасига опцион шартномаси муддатининг исталган вақтида опциондан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Демак, валюта опционларининг америка стандартида фоиз riskи даражаси европа стандартига нисбатан юқори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида валюталарни сотиб олиш мақсадида берилган опционлар 92728-“Опцион битими бўйича сотиб олиш” ҳисоб рақамининг дебетида ва 96379-“Опцион бўйича сотиб олиш контр ҳисобварағи”нинг кредитида ҳисобга олинади.

Тижорат банкларининг валюта опционларидан оладиган даромадлари 45404-ҳисоб рақамининг кредитида, опционлардан кўрилган зарарлар эса, 55306-ҳисоб рақамининг дебитида ҳисобга олинади.

Ҳозирги даврда тараққий этган мамлакатларнинг тижорат банклари томонидан фоиз рискин баҳолашда қуйидаги усуллардан фойдаланилмоқда:

1. Активлар ва пасивлар ўртасидаги фарқни таҳлил қилиш усули (ГЕП усули).

2. Дюрация усули.

3. Имитацион моделлаштириш усули.

4. Статистик таҳлил усуллари.

I. ГЕП усули.

ГЕП усули активлар ва пасивлар ўртасидаги фарқни ўлчашга асосланган бўлиб, ушбу активлар ва пасивларнинг қиймати маълум даврий ораликда ўзгаради. Бунда активлар ва пасивлар қуйидагича гуруҳланади:

РСА – ўзгарадиган фоиз ставкаларига эга бўлган активлар;

РСЛ – ўзгарадиган фоиз ставкаларига эга бўлган пасивлар.

Агар $РСА > РСЛ$ бўлса, у ҳолда ГЕП ижобий ҳисобланади. Агар $РСА < РСЛ$ бўлса, у ҳолда ГЕП салбий бўлади.

Агар фоиз ставкалари ошса, ижобий ГЕПга эга бўлган банкларда фоиз маржаси ўсади. Чунки, бундай шароитда ўзгарадиган фоиз ставкасига эга бўлган активлар миқдори шундай ставкадаги пасивлар миқдоридан катта бўлади.

II. Дюрация усули.

Дюрация усули банк капиталининг кутилаётган ўзгаришини фоиз ставкаларини ўзгаришини прогнозлаш йўли билан баҳолаш имконини беради. Ушбу усул дюрацияни аниқлашга асосланган.

Дюрация – бу фоизли активлар ва фоизли пасивларнинг муддатлари ўртасидаги номувофиқликдир.

$$ДГАП = ДА - (ДЛ \times Л - А)$$

Бу ерда:

ДГАП– дюрация;

ДА – активлар дюрацияси;

ДЛ – пассивлар дюрацияси;

Л – пассивлар;

А – активлар.

Дюрацияни аниқлашда фақат фоиз кўринишида даромад келтирувчи инструментлар ҳисобга олинади.

III. Имитацион моделлаштириш усули.

Имитацион моделлаштириш банк балансининг таркибини ва фоиз ставкалари даромадлилигининг келгусидаги ўзгариш сценарийларини ишлаб чиқишни кўзда тутди.

Имитацион моделлаштириш натижалари ҳисоб-китоблардаги у ёки бу хатоликларнинг қўлланилишини асослаб беришга боғлиқ.

Имитацион моделлаштиришда моделлаштиришнинг икки усулидан фойдаланилади:

1. Статик.
2. Динамик.

Статик моделлаштиришга кўра, баланс ва балансдан ташқари талаб ва мажбуриятларнинг таркиби ўзгармайди, яъни банк таҳлил қилинган давр мобайнида ресурслар жалб қилишни ҳам, ресурслар жойлаштиришни ҳам режалаштирмаган.

Динамик моделлаштириш баланс активлари ва пассивлари жорий таркиби ва балансдан ташқари моддалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Аммо бунда келгусида жалб қилинадиган ва жойлаштириладиган ресурслар ҳисобга олинади.

IV. Таҳлилнинг статистик усуллари.

Фоиз рискин микдорий баҳолаш мақсадида кенг қўлланиладиган статистик усул бўлиб, **ВАР-таҳлил** усули ҳисобланади.

Базел-II операцион рискни баҳолашда қўлланиладиган коэффициентлар қуйидагиларни ҳисобга олади:

- мамлакатнинг суверен кредит рейтинги;
- банкнинг рейтинги;
- кредит олган мижознинг рейтинги;
- банк операциясининг тури.

Базел - II стандарти талабларини бажариш борасидаги тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш жараёнида Битимни миллий банк тизимлари шароитига мослаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор қийинчиликлар, мураккабликлар юзага келиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда операцион рискни эксперт баҳолаш усули кенг қўлланилади.

Дустурий таъминоти операцион рискни баҳолашда қўллаш учун қулай ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, мазкур тизим график шаклидаги интерфейс ва тоқ сонли алгоритмлар орқали операцион рискнинг даражасидаги ўзгаришларни аниқлаш ва кузатиб бориш имконини беради.

Базел қўмитасининг янги стандартида таклиф этилган стандартлашган ёндашувда бета омилларнинг улуши қуйидагича тақсимланган:

15.1. 3-жадвал

Операцион рискни баҳолаш бўйича стандартлашган ёндашувда бета омиллар улушининг тақсимоти³⁵

Бизнес-линиялар	Бета омиллар
Корпоратив молиялаштириш	18%
Савдо	18%
Банкнинг чакана операциялари	12%
Банкнинг тижорат операциялари	15%
Тўловлар ва ҳисоб-китоблар	8%
Агентлик хизматлари	15%
Активларни бошқариш	12%
Чакана брокерлик хизматлари	12%

15.1.3 – жадвал маълумотларидан кўринадикки, корпоратив молиялаштириш ва савдо операциялари нисбатан юқори улушни эгаллайди. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида

³⁵ Международная конвергенция измерения капитала и стандартов капитала. Уточненные рамочные подходы. Банк международных расчетов. – Базель, 2004. – С. 158.

кредитлар ва қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари энг юқори салмоқни эгаллайди.

§ 15.2. Кредит рисклари ва уларни келиб чиқиш сабаблари

Кредит моҳиятига кўра битта иқтисодий субъектда аниқроғи, банкларда пул оқимларини юзага келтириб, бошқа иқтисодий субъект (қарз олувчи)ларга ушбу пул оқимларидан ўз мақсадларига эришиш учун фойдаланишларига имкон яратиб берадиган механизмдир. Бугунги кунда макроиқтисодий барқарорликка эришилган, иқтисодий ўсишлар мавжуд бўлса-да, микродаражадаги айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг тўла молиявий барқарорлигини мустахкамлаш бўйича бирқанча муаммолар илмий-услубий ечимини кутмоқда. Республикада амал қилаётган меъёрий-ҳуқуқий тизим ва иқтисодиётнинг ҳозирги аҳволига мос равишда кредитлаш операциялари банклар учун ҳам, хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам жиддий рисклар билан боғлиқ. Кредитлаш жараёнида рисклар юзага келиш эҳтимолининг юқорилиги ва уларнинг олдини олиш зарурати кредит рисклари таҳлилининг ташкилий-услубий жихатларини такомиллаштиришни тақазо этмоқда.

Кредит рискларининг кўламига макроиқтисодий ва микроиқтисодий омиллар таъсир кўрсатади. Макроиқтисодий омилларга хўжалик юритувчи субъектга боғлиқ бўлмаган, лекин кредит мажбуриятларининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ходисалар киради.

Микроиқтисодий омилларга эса қарз олувчи корхонанинг маълум бир соҳадаги фаолияти ва корхона раҳбарияти қабул қиладиган қарорлар билан бевосита боғлиқ тадбирлар киради. Иқтисодий муносабатларда кредит алоҳида ўрин эгаллайди. Кредит – фоизда қайтариш шарти билан вақтинча фойдаланиш учун пул ёки материал маблағлари бериш жараёнида юзага келадиган муносабатлар тизимидир. Табиийки, бу борада олинган маблағни қайтариш масаласи ҳам ётади. Кредит рисклари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– кредитни ўз вақтида қайтармаслик билан боғлиқ риск. Бу риск қарз олувчининг кредит шартномасининг шартларини бажармаслиги;

– ликвидлик rischi (тўловларнинг муддатида ўтказмаслик), бу риск кредитни ва фоизларни муддатида кайтара олмаслик натижасида банк ликвид маблағларининг камайишига олиб келиши билан боғлиқ;

– кредитни таъминлаш билан боғлиқ риск, бу riskни алоҳида кўриб бўлмайди, чунки бу ҳолат кредитни қайтармаслик билан боғлиқ бўлган риск билан биргаликда ўрганилади. Ушбу риск тури кредит учун қўйилган гаровни сотишдан тушган маблағ ажратилган кредитни қоплаш учун етарли эмаслиги билан боғлиқдир, натижада банк ўз талабини тўла қондира олмайди;

– қарз олувчининг ишбилармонлиги билан боғлиқ riskлар. Бу риск корхонанинг иш фаолияти билан боғлиқ бўлиб (сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш), аммо бошқа riskлардан фарқли ўлароқ бу riskка корхона раҳбаридан боғлиқ бўлмаган факторлар таъсир кўрсатади, масалан тармоқнинг ривожланиши ва конъюктураси. Бу riskнинг ҳажмини инвестицион дастур ва ишлаб чиқарилган маҳсулот тури ва сифати белгилайди;

– капиталнинг таркибий қисми билан боғлиқ riskлар. Бу riskлар пассивларнинг таркибий қисми ва ишбилармонлик rischi билан боғлиқ.

Банк кредит riskининг даражаси қуйидаги омилларга боғлиқ:

– банк кредит фаолиятининг маълум бир соҳада марказлашуви даражаси;

– ўзига хос маълум қийинчиликларни бошидан кечираётган мижозларга кредит ва бошқа банк хизматларининг қанчага тўғри келиши;

– кам ўрганилган, янги, ноанъанавий соҳаларда банк фаолиятининг марказлашуви;

– кредит бериш, қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш бўйича банк сиёсатига хусусий ва жиддий ўзгаришлар киритиш;

– янги ва яқинда жалб қилинган мижозларнинг фоизи;

– қисқа вақт ичида амалиётга жуда кўп хизматларнинг киритилиши (у вақтда банкда салбий талаблар кўпайиши мумкин);

–бозорда сотилиши қийин бўлган қимматликларни ёки қиймати тез тушадиган нарсаларни гаров сифатида қабул қилиб олиш ва бошқалар.

Кредит рискларини баҳолашнинг беш асосий ўлчови мавжуд:

а) Репутация. Мазкур жараён шахсий муомала, ҳам шахсий, ҳам иш бўйича тажрибасидан иборат бўлиши керак. (кредитор, маҳсулот етиштириб берувчилар ва мижозларни текшириш)

б) Имкониятлар. Қарз олувчи ўзининг барча операциялари бўйича (ўзининг бутун фаолияти давомида қарз олувчининг олган пуллари) ёки аниқ лойиҳа бўйича маблағ олиш қобилияти ва пул воситаларини бошқариш қобилияти.

в) Капитал. Қарз олувчининг капитал базаси ва кредит сўралган лойиҳа учун ўзининг маблағларини сарфлашга доир қатъийлиги. Қарз олувчи лойиҳа хавфи масъулиятини кредит берувчи банк билан бирга ўз зиммасига олиши , ўзининг ҳиссадорлик капиталининг қабул қилиниши мумкин бўлган қисмини тақдим этиб, ўзига тегишли бўлган мажбуриятларни зиммасига олиши керак.

г) Шарт-шароитлар. Маҳаллий, ҳудудий ва умуммиллий иқтисоднинг жорий аҳволи ва тавсифи, шунингдек, қарз олувчи хўжалигининг соҳалари.

д) Гаров. Кредитни гаров ёки кафиллик шаклида ишончли таъминлаш бошқа томондан кучсизликларни йўққа чиқариб қўяди. Яхши бир қоида бор: фақат гаров ва кафиллик асосида ҳеч вақт кредит берманг.

Ҳар бир кредитор ўзининг кредит рискларини ва йўқотишларини имкон қадар пасайтиришга интилади. Ҳозирги кунда кредит рискларини таҳлил қилиш ва уларни камайтириш бўйича турли ёндашувлар мавжуд. Банклар кредит рискларини кредитларнинг барча турлари бўйича баҳолашлари лозим. Кредитларнинг туркумланиши банклар томонидан мустақил равишда ёки шартнома асосида аудиторлик ташкилоти томонидан амалга оширилиши зарур. Хўжалик юритувчи субъектнинг активларини таҳлил қилишда банклар томонидан фойдаланадиган мезонлар рўй бериш

эҳтимоли бўлган йўқотишларни қоплаш учун резервларни шакллантириш ва улардан фойдаланишга доир қарорлар қабул қилиш ҳамда ижро этиш тадбирлари, шунингдек, уларни амалга оширишга нисбатан ёндашувлар банкнинг кредит ва ҳисоб сиёсатини белгилайдиган ҳужжатларида қайд этилиши лозим.

Акциядорлик тижорат банкининг ижроия органи кредит рискларини бошқаришга доир стратегия ва кредит сиёсатининг муҳим қоидаларини тасдиқлаш ҳамда вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш (бир йилда камида бир марта) учун масъул ҳисобланади. Тижорат банкининг ижроия органлари кредит рискнинг мақбул даражасини ва банк ўз зиммасига турли кредит рискларини олиши натижасида кутилаётган даромадлилик даражасини акс эттириши лозим. Банк раҳбарияти ижроия орган томонидан қабул қилинган кредит рискни бошқаришга оид стратегияни амалга ошириш, бундай рискларни назорат қилиш ва баҳолаш учун масъулдир. Бу алоҳида кредит бўйича амалга ошириладиган тадбирларга ҳам, бутун кредит портфели бўйича амалга ошириладиган тадбирларга ҳам тааллуқлидир. Кредит рискларини таҳлил қилар экан, банклар ҳам, хўжалик юритувчи субъектлар ҳам ўзларига бевосита боғлиқ бўлмаган қатор муаммолар: мамлакатдаги иқтисодий аҳвол, сиёсий аҳвол, меъёрий-ҳуқуқий тизим, унинг мамлакатнинг кредитлаш соҳасидаги реал ҳолатга мувофиқлиги, инфляция даражаси, банк тизимининг ривожланиш даражаси кабиларни ҳисобга олишлари зарур. Буларнинг барчаси кредит рискларининг юзага келиш эҳтимоли ва уларни баҳолаш усулларига таъсир кўрсатади.

§ 15.3. Банк рискларини бошқариш усуллари

Тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискни бошқаришда кредит портфелини диверсификация қилиш, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳиралар ташкил этиш ва лимитлар белгилаш усулларида кенг фойдаланилади.

Халқаро банк амалиётида умумэтироф этилган мезонга кўра, тижорат банклари кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда тўпланиб қолиши мумкин эмас.

Валюта рискин бошқаришда тижорат банкларининг очик валюта позицияларини қискартиришга алоҳида эътибор қаратилади. Тижорат банкларининг валюта фаолиятларини тартибга солишда очик валюта позициясини юритилиши ҳақидаги ҳисобот муҳим ўрин тутди. Бу ҳисоботнинг таҳлил қилишнинг зарурати Марказий банк томонидан республикадаги мавжуд ваколатли банкларнинг валютавий рискларини камайтиришга қаратилган сиёсати билан изоҳланади. Чунки, Марказий банк томонидан ваколатли банкларга чет эл валютаси билан боғлиқ операцияларга лимит ўрнатилади. Бу тартиб бўйича банкнинг ўз маблағларига нисбатан 20 фоизгача валюта сотиб олиши ва сотишига рухсат бор. Бир валюта тури бўйича бу кўрсаткич 5 фоиз қилиб белгиланган. Лимит ўрнатишнинг асосий сабаби, ваколатли банкларнинг валютавий рискларини камайтиришдир. Чунки, ваколатли банклар барча активларини чет эл валюталарига қўйса, ва бу валюталарнинг курси жаҳон валюта бозорида тушиб кетса, банк активлари камайиши ва ҳатто банк банкрот бўлиши мумкин (бу ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини секин-асталик билан инқирозга юз тутишига замин яратади). Шунини олдини олиш мақсадида, бу лимит барча ваколатли банклар учун жорий қилинган.

Базел-II стандартида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилигини ҳисоблаш учун уч усулдан фойдаланиш тавсия этилган. Биринчи усул - базавий индикатив усули, иккинчи усул – стандартлаштирилган усул, учинчи усул эса, кенгайтирилган усул ҳисобланади. Мазкур усуллар бўйича ҳисобланган капиталнинг етарлилик коэффициентлари бир-биридан сезиларли даражада фарқланади. Шу сабабли, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мавжуд уч усулдан бирини танлаб олиши ва республикада тижорат банкларининг барчасида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилиги ана шу усулда ҳисобланиши

лозим. Капиталнинг етарлилигини ҳисоблашнинг кенгайтирилган усулини республикамиз банк амалиётида қўллаш учун шароит мавжуд эмас. Чунки ушбу усул банкларнинг ўзлари ишлаб чиққан рейтинг баҳолаш натижаларига асосланади. Республикамиз банкларида эса, операцион рискни баҳолашнинг рейтинг усули мавжуд эмас.

Базавий индикатив ёндашувга кўра: $КБИА = [(\sum_{i=1}^n \alpha_i)]/n$,

Бу ерда:

КБИА – тижорат банкининг капиталига бўлган талаб;

ГИ – сўнгги уч йил мобайнидаги ҳар йиллик ижобий ялпи даромад;

н – ўтган уч йил ичида ялпи даромад ижобий бўлган йиллар сони;

$\alpha_i = 15\%$ – бу кўрсаткич Базел қўмитаси томонидан индикаторнинг тармоқ даражасига нисбатан ўрнатилган³⁶.

Ликвидлилик riskини бошқаришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

– Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ликвидлигига нисбатан иқтисодий меъёрлар ўрнатиш;

– банкнинг вакиллик ҳисоб рақамидаги ортиқча пулларни турли эмитентлар томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олишга йўналтириш;

– жалб қилинган маблағларнинг муддатлари билан активларнинг муддатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш;

– банк активларининг сифатини яхшилаш;

– юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинадиган инвестициялар ҳажмини ошириш.

Бозор riskини бошқаришда активлар портфелини диверсификациялаш, суғурталаш, капиталнинг етарлилигини таъминлаш усулларида кенг фойдаланилади.

³⁶ Международная конвергенция измерения капитала и стандартов капитала. Уточненные рамочные подходы. Банк международных расчетов. – Базель, 2004. – С. 156.

Бозор rischi бўйича йўқотишлар пайдо бўлишининг эҳтимолларини ҳисоблаш учун кўрилатган операцияларнинг банк томонидан амалга ошириш натижавийлигига таалукли барча статистик маълумотларни таҳлил қилинади. Бунда, ҳисобларни аниқлигини ошириш учун нисбатан катта статистик танловдан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тасдиқланган банк тизимини ривожлантиришнинг 2016-2020 йилларга мўлжалланган стратегиясида банк riskлари даражасининг ошишига йўл қўймасликка қаратилган тадбирларни амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилган.

Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда Марказий банкнинг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлдаги 2693-сонли рақам билан рўйхатга олинган) “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқномалари қабул қилинди.

Ушбу йўриқномаларга асосан 2 та янги коэффициент – ликвидликни қоплаш меъёри ва соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициентлари қабул қилинди.

Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{ЛҚМК} = \text{ЮЛА} : 30 \text{ к.ЖСЧ}$$

Бу ерда:

ЮЛА – юқори ликвидли активлар;

30 к. ЖСЧ – кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқим.

Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициентининг энг паст меъёрий даражаси қуйидагича белгланган:

- * 2016 йил 1 январдан бошлаб – 80%
- * 2017 йил 1 январдан бошлаб - 90%
- * 2018 йилдан 1 январдан бошлаб – 100%.

Юқори ликвидли активлар таркиби қуйидагилардан иборат:

- * соф қуйма олтин;
- * банкнинг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисоб рақамидаги пул маблағлари (10301);
- * 7 кунгача муддатдаги банклараро кредитлар ва депозитлар;
- * “Стандарт & Пооръс”, “Фитч Ратингс” ва “Моодйъс” халқаро рейтинг агентликларининг энг юқори баҳолари берилган, ривожланган фонд биржалари рўйхатига киритилган, риск даражаси паст бўлган мамлакатларнинг трансмиллий компанияларининг қимматли қоғозлари;
- * банкнинг бошқа банкларда очилган “Ностро” вакиллик ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари (10501);
- * риск даражаси паст бўлган мамлакатлардаги банкларга жойлаштирилиб, таъминот сифатида қўйилмаган ликвидли активлар.

Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти (СБММК) қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{СБММК} = \text{БММС} : \text{БМЗС}$$

Бу ерда:

БММС – барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси;

БМЗС – барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси.

Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасига қуйидагилар киради:

- * банкнинг регулятив капитали;
- * қайтариш муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган банк мажбуриятлари;
- * қайтариш муддати белгиланмаган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30 фоизи;

* қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30 фоизи.

Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига қуйидагилар киради:

* қайтарилишига 1 йил ва ундан ортиқ муддат қолган банк активлари, шу жумладан, муаммоли кредитлар ва номолиявий активлар (ер участкалари, бинолар, мебел, компьютерлар ва автомашиналар);

* суд жараёнида бўлган ёки белгиланган тартибда ундирилмаган активлар;

* қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа активлар суммасининг 30 фоизи, муддатсиз ликвидли активлар бундан мустасно;

* Балансдан ташқари моддалардаги мажбуриятларнинг 15 фоизи.

Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб жорий этилади ва унинг энг паст меъёрий даражаси 100% қилиб белгиланган.

Қисқача хулосалар

Базел Қўмитасининг Консултатив хати асосида тақдим этилган рўйхатда рискларнинг 9 та тури мавжуд: кредит rischi; операцион риск; ҳуқуқий риск; суғурта rischi; трансферт rischi; бозор rischi; фоиз rischi; ликвидлик риск; репутация rischi.

Халқаро банк амалиётида кредит rischi даражасини баҳолашда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади: кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳира ажратмалари даражаси; муддати ўтган кредитларнинг мўътадил даражаси; муддати ўтган кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси;

Базел қўмитасининг ишлаб чиқилган “Фоиз ставкалари рискларини бошқариш принциплари” номли ҳужжатида фоиз riskини юзага келтирувчи 4 омилнинг мавжудлиги эътироф этилган: баҳоларнинг ўзгариш rischi;

даромадлиликнинг ўзгариши; базис rischi; опционлар билан боғлиқ бўлган riskлар.

Ҳозирги даврда тараққий этган мамлакатларнинг тижорат банклари томонидан фоиз riskини баҳолашда қуйидаги усуллардан фойдаланилмоқда:

Активлар ва пасивлар ўртасидаги фарқни таҳлил қилиш усули; (ГЕП усули), дюрация усули; имитацион моделлаштириш усули; статистик таҳлил усуллари.

Кредит riskлари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин: кредитни ўз вақтида қайтармаслик билан боғлиқ risk; ликвидлик riskи (тўловларнинг муддатида ўтказмаслик); кредитни таъминлаш билан боғлиқ risk; қарз олувчининг ишбилармонлиги билан боғлиқ riskлар; капиталнинг таркибий қисми билан боғлиқ riskлар.

Кредит riskларини баҳолашнинг беш асосий ўлчови мавжуд: репутация; имкониятлар; капитал; шарт-шароитлар; гаров.

Тижорат банклари фаолиятидаги кредит riskини бошқаришда кредит портфелини диверсификация қилиш, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳиралар ташкил этиш ва лимитлар белгилаш усулларида кенг фойдаланилади.

Валюта riskини бошқаришда тижорат банкларининг очиқ валюта позицияларини қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Лимит ўрнатишнинг асосий сабаби, ваколатли банкларнинг валютавий riskларини камайтиришдир.

Базел-II стандартида операцион risk бўйича капиталнинг етарлилигини ҳисоблаш учун уч усулдан фойдаланиш тавсия этилган: базавий индикатив усули; стандартлаштирилган усул; кенгайтирилган усул.

Таянч сўз ва иборалар

Кредит riskи, операцион risk, ҳуқуқий risk, суғурта riskи, трансферт riskи, бозор riskи, фоиз riskи, ликвидлик risk, репутация riskи, валюта

риски, “Мудис” халқаро рейтинг агентлиги, опцион, ГЕП усули, Дюрация усули, имитацион моделлаштириш усули, статистик таҳлил усуллари.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Банк rischi тушунчасининг иқтисодий моҳияти
2. Амалиётда банк riskларини баҳолаш усуллари
3. Банк riskларини бошқаришда қандай усуллардан фойдаланилади?
4. Базел Қўмитаси томонидан тақдим этилган рўйхатда riskларнинг қандай турлари мавжуд?

16-БОБ: МОЛИЯ ВА ЭЛЕКТРОН ПУЛ БОЗОРЛАРИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ

§ 16.1. Молия бозори ва унинг сегментлари

§ 16.2. Электрон пул бозори тушунчаси ва унда тўловларни амалга ошириш тартиби

§ 16.3. Электрон пуллар муомаласини бошқариш усуллари

§ 16.1. Молия бозори ва унинг сегментлари

Молия бозори – бу молиявий хизматлар таклиф этиладиган бозордир.

Молия бозорининг қуйидаги сегментлари мавжуддир:

- ссуда капиталлари бозори;
- валюта бозори;
- қимматли қоғозлар бозори;
- суғурта бозори;
- лизинг бозори.

Ссуда капиталлари бозорида кредит ресурслари олди-сотди қилинади.

Ссуда капиталлари бозорининг ўзи 2 та сегментга эга:

1. Қисқа муддатли пул бозори;
2. Капитал бозори

Валюта бозорида турли хил валюталар олди-сотди қилинади.

Қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозлар олди-сотди қилинади.

Суғурта бозорида суғурта хизматлари таклиф этилади.

Лизинг бозорида лизинг компаниялари ва тижорат банклари томонидан лизинг хизмати таклиф этилади.

Молия бозорининг эмитентларини қуйидаги белгиларга асосан таснифлаш мумкин:

1. Ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича: давлат органи, турли мулкчилик асосидаги юридик шахс.

2. Фаолият йўналиши бўйича: давлат, халқаро ва нодавлат молиявий институтлар ва номолиявий ташкилотлар.

3. Молиявий инструментлари бўйича: давлат, муниципал, халқаро ва нодавлат (корпоратив) инструментлар чиқарувчи ташкилотлар.

4. Эмиссион сиёсати бўйича: давлатнинг иқтисодий сиёсатини (монетар, бюджет-солиқ) юритувчи ваколатли ташкилотлар, халқаро иқтисодий сиёсатни юритувчи ташкилотлар, инвестицион сиёсат (стратегик, портфел, хорижий инвесторларга қаратилган сиёсат) юритувчи ташкилотлар.

5. Миллийлиги бўйича: резидентлар ва норезидентлар.

6. Эмиссион потенциали бўйича: катта, ўрта ва кичик ҳажмда молиявий инструментларни чиқарувчи ташкилотлар.

7. Имиджи ва rischi бўйича: юқори, ўрта ва камнуфузли ва riskли ташкилотлар.

8. Молиявий инструментларининг жалбдорлиги бўйича: юқори, ўртача ва кам жалбдор эмитентлар.

Инвесторларни қуйидаги белгиларга асосан таснифлаш мумкин:

1. Ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича: давлат ташкилоти (давлат бошқаруви ва ҳокимияти органи), турли мулкчилик асосидаги юридик шахслар, жисмоний шахслар (фуқаролар ва вақтинчалик фуқаролик ҳуқуқига эга эмаслар).

2. Фаолият йўналиши бўйича: индивидуал ва институционал бўлган давлат, халқаро ва нодавлат молиявий институтлар ва номолиявий ташкилотлар, жисмоний шахслар.

3. Инвестицион воситалари бўйича: пул, валюта, кредит, мулк, товар-хом-ашё, қимматли қоғозлар ва ҳ.к. ресурсларига эга бўлган инвесторлар.

4. Инвестицион сиёсати бўйича: давлатнинг иқтисодий сиёсатини (монетар, бюджет-солиқ) юритувчи ваколатли ташкилотлар, халқаро иқтисодий сиёсатни юритувчи ташкилотлар, инвестицион сиёсат юритувчи шахслар.

5. Миллийлиги бўйича: резидентлар (ички) ва норезидентлар (ташқи).

6. Инвестицион потенциали бўйича: катта (институционал, стратегик), ўрта ва кичик (миноритар) ҳажмда инвестицияларни йўналтирувчилар.

7. Риск бўйича: юқори, ўрта ва кам riskли инвесторлар.

8. Стратегияси бўйича: агрессив, консерватив ва уларнинг гибридига асосланган инвесторлар.

9. Инвестициялар турлари бўйича: портфел, тўғри инвестициялар қилувчи инвесторлар. Портфелли инвесторлар спекулятив-портфел ва стратегик-портфел турида бўлиши мумкин.

10. Инвестиция муддати бўйича: қисқа, ўрта ва узоқ муддатли инвесторлар.

2. Молия бозори инструментларини бошқариш усуллари.

Молия бозори инструментларини бошқаришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Орттириш ва дисконтлаш.

Инвестицион қўйилмаларнинг турли вариантлари тўловлар тушумини турли графикларига эга бўлганлиги бу графикларни ўзаро солиштиришни бир мунча қийинлаштиради. Шунинг учун пул тушумларини вақтнинг бир моментида келтириш лозим. Агар бу момент келажакда жойлашган бўлса, унда бундай процедурани орттириш дейилади, агар бу момент ўтган вақтда бўлса – дисконтлаш дейилади.

2. Пулларнинг келажакдаги баҳосини аниқлаш.

Инвесторнинг ҳозирги вақтда бўлган пуллари унга келажакда капиталини банк депозитига қўйиш йўли билан орттириш имконини беради. Натижада инвесторда келажакда бир мунча кўпроқ пул суммаси (аввалги пул қўйилмаси билан бирга) пайдо бўлиши пулларнинг келажакдаги баҳоси дейилади.

3. Даромадлиликнинг жорий ва тўлиқ нормасини таъминлаш

Облигация даромадлилигининг купон нормаси g -га тенг. Даромадлиликнинг жорий нормаси

$$i_r = \frac{g \times N}{C}$$

Бу ерда:

g -купонли фоиз нормаси,

N -облигацияни сони,

C -облигацияни нархи

Облигация даромадлилигининг тўлиқ нормасини ҳисоблаймиз.

Бунда қисқа муддатли қимматли қоғозлар бўйича даромадлиликни топишдагига ўхшаш йўл тутамиз. Фараз қилайлик, облигация сўндирилгунига қадар t_1 йил қолганда C' нарҳда сотиб олинган ва сўндирилишига t_2 йил қолганда C'' нарҳда сотилган.

C' ва C'' учун қуйидаги тенгликни оламиз:

$$C'(1+i)^{t_1-t_2} = C'' \Rightarrow i = \left(\frac{C''}{C'}\right)^{\frac{1}{t_1-t_2}} - 1.$$

Келишувга биноан бу облигациялар фоиз ставкалари у ёки бу товар баҳоси ўзгаришига қараб ўрнатилади. Масалан, 80-йилларда мис, нефт ёки олтин баҳосига асосланган бир неча облигациялар машҳур бўлган. Бунда «сузувчи» фоизли облигацияларнинг фоиз ставкаси баҳоларга қараб ўзгариб туради ва маълум бир даражага етганда барқарор фойда келтира бошлайди ёки облигациянинг бошқача бир тури мустаҳкам (ўзгармас) фоизли облигация бўлиб, бунда облигация чиқарилганидан кейин биринчи беш йил давомида бир фоиздан маълум даражага етгунча даромад тўланган. Нол

купонли облигация ҳар йили эмас, балки фақат бир марта облигация қайта сотиб олинганида фоиз олиш имконини беради. Бу облигацияларга фоиз уларнинг эмиссияси курси бўйича тўланади. Эмиссия баҳоси номинал баҳода амалга оширилиши туфайли облигация эгаси эмиссион ва номинал курс суммалари орасидаги фарқ миқдорида даромад олади. Бу облигациялар бўйича инвесторлар фойдадан солиқ тўлашдан озод қилиниши мумкин. Шу туфайли бу облигацияларга бўлган талаб юқоридир.

Конвертирланадиган облигациялар 80-йилларда кенг тарқалди. Бу турдаги облигациялар камроқ фойда келтиради. Бу облигацияларнинг ижобий томони шундаки, агарда заём чиқарувчи компания акцияларига тўланадиган дивиденд облигация фоизидан катта бўлса, конвертирланадиган облигацияларни акцияга алмаштириб олишга имкон беради.

XX асрнинг 80-йилларида еврооблигация бозорида пайдо бўлган яна бир янгилик аукционли облигациялар жойлашувини таъминлаш, яъни инвесторга ҳар хил шартнома вариантларидан ўзига қулай бўлган турини танлаб олиш ҳуқуқини берган. Бу усулнинг моҳияти шундаки, олдиндан ўрнатилган баҳо бўйича облигация эгасига 1 троя унция олтин сотиб олиш имконини берувчи заём чиқарилади. Агар олтиннинг бозор баҳоси ўрнатилган баҳодан юқори бўлса, бундай облигацияни сотиб олиш қизиқиш уйғотади. Бошқа опционли облигациялар бир қимматли қоғозни бошқасига алмаштириш имконини беради. Масалан, облигацияни – акцияга, «сузувчи» ставкали облигацияни қатъий белгиланган ставкали облигацияга алмаштириш имконини бериш ва турли хил облигацияларни чиқариш шубҳасиз, инвестор ва кредиторларни жалб этади. Маблағларни еврозаём бозорига жалб этишда заём чиқарувчилар томонидан турли хил қимматли қоғозларни турли хил шартларда чиқаришга ёки облигацияларнинг кечиктириб сотиши ёрдам беради. Сотиб олувчи облигациянинг курс қийматини дастлаб бир қисмини тўлайди. Маълум вақтдан кейин қолган қисмини тўлайди.

§ 16.2. Электрон пул бозори тушунчаси ва унда тўловларни амалга ошириш тартиби

Электрон пул бозори – бу номоддий кўринишга эга бўлган электрон пуллар воситасида тўловларни амалга ошириш учун такшил этилган махсус марказдир. Электрон пулларнинг кенг тарқалиб бораётган тури бўлиб, рақамли пуллар ҳисобланади. Рақамли пуллар (дигитал саш) –бу товар ва хизматлар учун тўлов воситаси бўлиб, рақамли маълумотни бир компютердан иккинчисига узатувчи номоддий кўринишга эга бўлган восита ҳисобланади. Рақамли пуллар ҳам моддий кўринишга эга бўлган пулларники каби уникал рақам кетма-кетлигига эга бўлади. Агар электрон ташувчида жойлашган пуллар эгаси ҳақида маълумот олиш имконияти бўлса, рақамли пулларда анонимлик мавжуд, яъни пул эгаси ҳақида маълумот олиш имконияти йўқ ва улар кўп маротаба ишлатилиши мумкин. Демак, бу тизимда ички (рақамли) валюта мавжуд бўлиб, уни маълум тўлов тизими иштирокчиларида нақдлаштириш мумкин. Рақамли пулларнинг жорий қилиниши электрон савдони янада ривожланишига сабаб бўлди.

Охирги йилларда молия бозорларида юқори тендецияларда ривожланиб бораётган чакана электрон тўлов тизими воситаларидан бири “виртуал карталар”дир.

Виртуал карта – бу махсус банк картаси бўлиб, у Интернет орқали тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган воситадир. У моддий кўринишга эга бўлмаган восита бўлиб, ушбу карточкага интернет орқали савдо қилиш учун зарур бўлган фойдаланувчи маълумотлари киритилган бўлади.

Одатда виртуал карталар реквизитлари қуйидагича:

- Карта рақами (ПИН)
- Амал қилиш муддати: ой ва йил
- Хавфсизлик коди СВВ2/СВС2
- Карта эгасининг исми – виртуал карталарда кўрсатилмаган ҳам бўлиши мумкин.

Виртуал карталар ўз келиб чиқишига кўра махсус йўналишга эга бўлган, онлайн инструментдир. Ушбу карталарнинг бошқа карточкалардан аҳамиятли томони шундаки, бу карточкалар орқали хориж интернет-магазинларида савдо қилиш имконияти кенгроқ ва энг асосийси “виртуал карточка” бу банк ҳисоб рақами ва физик картаси бўлмаган қатнашчилар учун қулай воситадир.


Виртуал карталарнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

1. *Универсаллик.* Банк пластик карточкалар, шу жумладан виртуал карточкалар, бутун дунёда интернет магазин орқали харид амалга оширишда қулай тўлов воситасидир. У нобанк тўлов тизимидан фарқ қилади (рақамли пуллар). Ушбу тизимдан фойдаланиш учун картага пул маблағларини ўтказилиши керак.

2. *Карточкани олиш қулайлиги.* Виртуал карталарни банкка ташриф буюрмасдан Интернет ёки мобил алоқа орқали олиш имконияти мавжудлиги билан ажралиб туради. Физик кўринишга эга бўлмаган карточкани кечиктирилмаган ҳолда мурожаатни ўзида тўхтатиш мумкин.

3. *Хавфсизлик.* Виртуал карталардан фойдаланиш жараёнида Интернет орқали ўғирлик ва маълумотларини олиш рискиннинг камлиги, чунки виртуал карталар кўпинча бир мартталик тўлов амалга ошириш учун етарли бўлган суммага очилади.

4. *Анонимлик.* Виртуал карталар дебетли ёки олдиндан тўланган бўлиши мумкин. Олдиндан тўланган карталар банк ҳисоб рақами очиш учун банкка мурожаат қилишни талаб этмайди. Шу сабабли виртуал карталар эгасининг исми шарифи картанинг асосий реквизити ҳисобланмайди.



16.2. 1-расм. Виртуал карталарнинг ўзига хос жихатлари


Мобил пуллар – термини ўз моҳиятига кўра мобил телефон воситаси орқали, ихтиёрий киритилган ва тугатилган молиявий транзакциялардир. Мобил пуллар орқали таклиф этиладиган хизматлар турли шаклда бўлиши мумкин. Бу хизматлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Мобил тўлов;
- Мобил банкинг;
- Мобил ўтказмалар.

Мобил пуллар мобил тижорат учун мўлжалланган восита ҳисобланади.

Банкинг – оффлайн тизимида банк карталари ҳамда ҳисоб-рақамларини бошқариш хизмати, барча турдаги молиявий ҳужжатлар билан ишлаш имконини беради. Олдинги маълум бўлган Банк-Мижоз хизматининг эволюцион ривожланиши натижаси ҳисобланади. Электрон рақамли имзо шифрлаш механизмига эга банк сервери билан боғланган ҳолатда мижозлик компонентларини автоматик янгилашни таъминлайди, жамоа бўлиб ишлаш имконини яратади ҳамда бухгалтерия дастурлари билан ўзаро алоқада ишлаш имкониятига эга.

Банкинг тизими “йирик” ҳамда “нозик” мижозларга мўлжалланган тизимларга бўлинади. Охирги йилларда банклар чакана хизматларининг



16.2. 2-расм. Мобил пуллар орқали таклиф этиладиган хизматлар турлари.

шакли “нозик мижозлар” учун мўлжалланган бўлиши тарафдори бўлишмоқда, чунки Интернет-банкнинг мижозлар ҳар қандай интернет тармоғига уланган компьютер ёрдамида махсус дастурий таъминот ўрнатмасдан туриб ҳам ишлаш имкониятига эга бўладилар. “Йирик мижоз” эса кўпроқ юридик шахслар билан ишлаш учун қулай ҳисобланади.

Мобил е-банкнинг – банк карталари ёки ҳисоб-рақамларини планшет, смартфонлар орқали бошқариш ҳисобланади ва онлайн тизимида ишлайди. Барча турдаги молиявий ҳужжатлар билан ишлаш имконини беради. Мобил е-банкнинг туну кун ишлайди, тезкор ва мижозларнинг электрон банкнинг хизматлар инспекторидан тўлиқ функцияда фойдаланишни таъминлайди. Ушбу хизмат турининг таркибида яна бир нечта турли хил номлар билан қайд этиладиган, фақатгина айрим чекланган имкониятлар билангина бир

нечта бошқа банк хизматлари ҳам мавжуд. Масалан Жава-банкнинг, СТК-банкнинг, Пхоне-банкнинг ва шу каби бошқа тизимлар.

Юқорида санаб ўтилган тизимларга ўхшаш ва электрон тўловларни амалга ошириш учун мослаштирилган тўлов тизимларини кўплаб келтириш мумкин. Ушбу тизимларни ривожланишида электрон тижоратнинг аҳамияти катта. Унинг йилдан-йилга ривожланиши янгидан янги чакана тўлов тизимларини жорий қилинишида замин яратмоқда.

Халқаро амалиётда Интернет тармоғида деярли барча соҳалардаги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ишчан муносабатларни амалга ошириш, аҳолининг кенг қатламларига Интернет тармоғи орқали товарларни сотиш ҳамда истеъмолчилар ўртасида товарлар ва хизматлар билан тармоқда алмашишга хизмат қилувчи олди-сотди турлари кенг тарқалган ҳисобланади.

§ 16.3. Электрон пуллар муомаласини бошқариш усуллари

Техника воситаларидан, ахборот технологияларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш электрон тўловдир.

Электрон тўлов тизимида товарлар ва хизматлар тўлови харидорнинг электрон ҳисобидан шахсий банк рақами ҳисобига пул маблағларини чиқариш имконига эга бўлган сотувчининг электрон ҳисобига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Электрон чунтакни тўлдириш ва улардан пул ечиш қуйидаги усуллар билан амалга ошириш мумкин:

- * тижорат банкларида нақд пул билан;
- * банк карталари (ВИЗА, Мастер Кард, Уз Карт, Ҳумо карт) ёрдамида;
- * почта орқали;
- * Интернет-банкнинг ёрдамида;
- * пул ўтказмалар тизимлари ёрдамида;
- * мобил алоқа ёрдамида.

Савдо иштирокчилари мустақил равишда савдо тизимига киришнинг қуйидаги услубларидан бирини танлашлари мумкин:

- масофавий — иш ўрнидан фойдаланиш орқали;
- валюта биржаси савдо залидаги иш ўрнидан фойдаланиш орқали.

Валюта биржаси савдо тизимида ишлаш учун савдо иштирокчиларини икки босқичли логин ва парол билан таъминлайди.

Биринчи босқич логини ва паролидан фойдаланиш ҳуқуқига фақатгина трейдер эга бўлади.

Биринчи босқич логини ва пароли савдо иштирокчиси савдо тизимини фаоллаштириш ҳуқуқини беради.

Иккинчи босқич логини ва паролидан фойдаланиш ҳуқуқи банк раҳбари томонидан ваколат берилган биржа савдолари бўйича биржа битимларини тузишга масъул бўлган шахсга берилади.

Иккинчи босқич логини ва пароли савдо иштирокчиси биржа битимини тасдиқлаш ҳуқуқини беради.

Биржа битимларини тузиш учун савдо тизимига битим тузишга ташаббус қилаётган савдо иштирокчисининг пул маблағларини жойлаштириш ва/ёки жалб этиш бўйича буюртмаси киритилади.

Дастлабки буюртмада қуйидаги кўрсаткичлар кўрсатилиши лозим:

- пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш;
- жалб этиладиган ёки жойлаштириладиган валюта тури;
- жалб этиладиган ёки жойлаштириладиган пул маблағлари миқдори;
- пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш муддати;
- пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш бўйича фоиз ставкаси;
- фоиз тўловларини тўлаш муддати.

Савдо тизимига киритилган дастлабки буюртмага пул маблағларини жалб этиш ва/ёки жойлаштириш мақсадида контрагентлар томонидан қарши буюртмалар киритилади.

Пул маблағларини жойлаштириш учун буюртмалар навбати фоиз ставкасининг ўсиб бориши тартибида, фоиз ставкалари тенг бўлганда эса буюртмалар тақдим этилган вақт тартибида жойлаштирилади.

Пул маблағларини жалб этиш учун буюртмалар навбати фоиз ставкасининг камайиб бориши тартибида, фоиз ставкалари тенг бўлган тақдирда эса буюртмалар тақдим этилган вақт тартибида жойлаштирилади.

Ҳар бир биржа битими тузилганда савдо тизими уни рўйхатга олади, унга рўйхатга олиш рақамини бириктиради ва савдо иштирокчиларига ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга асос бўладиган биржа гувоҳномаларини тақдим этади.

Тузилган биржа битимлари бўйича барча ҳисоб-китоб операцияларининг ижроси савдо иштирокчилари томонидан битим тузилган банк иш куни Марказий банкнинг банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўлов ҳужжатларини узатиш, қабул қилиш ва назорат қилиш вақти яқунланишига қадар амалга оширилади.

Савдо тизимига тақдим этилган ҳар қандай дастлабки буюртма у бекор қилинганга, тўлиқ қондирилганга ёки биржа савдолари якунига қадар амал қилади. Савдо тизимига тақдим этилган ҳар қандай буюртма биржа битимлари тузилганга қадар савдо иштирокчилари томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Савдо тизими орқали тузилган биржа битимлари бўйича пул маблағларини қайтариш муддати келганда жалб қилинган маблағлар ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш банк томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Пул маблағларини қайтариш куни пул маблағлари тегишли ҳисоб рақамига келиб тушган кун деб ҳисобланади.

Биржа битимлари бўйича барча тўловлар битим тузилган валютада амалга оширилади. Биржа битимлари бўйича жойлаштирилган пул маблағлари томонларнинг ўзаро келишувига асосан муддатидан аввал қайтарилиши мумкин.

Пулнинг эволюцион ривожланишида инновацион кўринишининг пайдо бўлишига: жамиятимизда мавжуд пуллардан тез ва қулай фойдаланишга бўлган эҳтиёж борган сари ошиб бориб, пулнинг қулай эволюцион шакли электрон пулларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Бугунги кунда электрон пуллардан - пулларни узатиш ва сақлаш ҳамда тизимли компютер тармоқларидаги воситачи сифатида фойдаланиш мумкин. Электрон пуллар - муомалада бўлган миллий бирликдаги пуллар ёки нодавлат хусусий(шахсий) пул ва унга тенглаштирилган бирликлар. Электрон пуллардан фойдаланиш ва уларни тартибга солишда, мамлакатнинг Марказий банки томонидан белгиланган ва қабул қилинган тартиб қоидалар асосида ёки нодавлат тўлов тизимлари қоидалари асосида амалга оширилади.

Дунё пул бозорида янги электрон пуллар, виртуал пуллар назарияси пайдо бўлганидан сўнг, кўпгина олимлар ушбу назарияни тўлақонли маъқуллашмаган. Бугунги кундаги молиявий-иқтисодий ўзгаришларнинг туб моҳияти ҳам шундаки, инсоният учун қулай шароитларни яратиш ҳамда жараёни замонавий даражага олиб чиқишдан иборатдир.

Электрон пуллар концепциясини ўрганишиз натижасида, бугунги тадқиқотларимизнинг асосий объекти сифатида “Биткойн” виртуал пуллар назариясини ўрганишга қаратдик. “Биткойн”ни ҳам биз пулнинг яна бир эволюцион кўриниши деб атасак ҳам бўлади.

1998 йилда биринчи марта “b-money” ҳақидаги илмий изланишини ёзган Ви Деи (Wei Dai) ҳам бу нарсанинг келажакда қандай машҳурликка эришишини тасаввур қилмаган бўлиши аниқ. Кейинчалик 2000 йиллар бошида ўз изланишларини оммага тақдим қилиш орқали (шахсий веб блоги ёрдамида) олиб борган Ник Сабо (Nick Szabo) ўзининг Битголд (Bitgold) гоёси орқали криптовалюта атамасини кенг тарғиб эта бошлади. Лекин унинг изланишлари 2000 йил ўрталарига келиб номаълум сабабларга кўра тўхтаб қолади ва шунга қарамасдан 2008 йилда Япониялик тадқиқотчи Сатоши Накамото ўзининг “Биткойн” ҳақидаги тадқиқот қоғозини янги очган веб-сайти, www.bitcoin.org орқали чоп этади ва шу йилнинг Ноябрь ойидан

бошлаб уни кенг ривожлантиришга киришади. Бунинг натижаси ўлароқ, 2009 йининг январ ойида Биткойннинг биринчи бета версияси (илк шакли) тайёр бўлади ва биринчи биткойнлар “қазила” (эмиссия қилиш) бошланади.

“Биткойн” (инглизча bit – маълумот бирлиги ва coin – танга деган маъноларни англатади) бу пиринг (икки алоқа қатнашчилари орасида воситачисиз боғланиш) кўринишдаги электрон тўлов тизими ҳисобланади. Биткойн (биринчи ҳарфи катта ҳарф билан ёзилса одатда Биткойн тизими тушунилади) умуман олганда биткойнлар (бошидаги ҳарфи кичик биткойн дейилганда танга ёки биткойн бирлиги тушунилади) деб номланувчи виртуал валюталар тизимидир. Унинг тўлиқ таърифи ҳозирча мунозарали бўлиб қолмоқда, масалан айрим мутахассислар, уни “рақамли валюта” деб характерлаган бўлса, расмий ҳужжатларда асосан Жаҳон Банки ёки Европа Марказий банки томонидан “виртуал валюта” деб изоҳланади. Шу билан бирга АҚШ Молия Вазирлиги қошидаги ФинСЕН (FinCEN) ташкилоти Биткойнни “марказлашмаган виртуал валюта” сифатида классификациялайди. Шунингдек, Биткойн криптографияда (*грекча - мавҳум, сирли деган маънолари мавжуд. Мавҳумликни таъминлаш усуллари*ни ўрганадиган *фан* асосланганлиги туфайли у криптовалюталар (рақамли валютанинг бир кўриниши бўлиб), эмиссион жараёни ва унинг ҳисоб-китобларини асимметрик рақамлашга ҳамда proof-of-work(ҳолатинг бажарилганлигини исботлаш усули) ёки proof-of-stake(ҳолатни тасдиқлаш) турли крипто ҳимоялашга асосланган тоифасига ҳам киради. Биткойнни марказий бошқарув ёки назоратга эга бўлмаган, криптографик электрон рақамли валюта сифатида кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, биткойн яратилмасидан олдин ҳам кўплаб виртуал валюталар амалиётда қўлланилган ва қўлланилиб келинмоқда. Уларга мисол қилиб e-Gold, WebMoney, Ripple, Litecoin ва бошқаларни келтиришимиз мумкин. Лекин улардан Биткойннинг энг катта фарқлари шундаки: унинг марказлашмаганлиги, тўловларнинг анонимлиги(яширинлиги), биткойн бирлиги эмиссиясини чегараланганлиги (*21 млн.дан ортиқ биткойнни*

эмиссия қилиш мумкин эмас), ҳеч қандай ташкилот ёки давлат томонидан бошқарилмаслиги ва бошқалар. Унинг бу сифатлари бирлашиб уни ривожланган интернет криптовалюталари орасида ажралиб туришига ёрдам беради.

Бу ноананавий валютанинг ривожланиши натижасида умумий эквивалент сифатида мавжуд олтиннинг ҳам ҳал қила олмаган қуйидаги масалаларни ҳал этганлиги:

- трансфер қилишнинг осонлиги;
- ҳимоя қилишнинг соддалиги;
- ҳақиқийлигига текширишнинг қулайлиги ва осонлиги;
- бўлаклашнинг қулайлиги (ҳар бир бирлик биткоин 0,00000001 гача бўлаклаш мумкин) билан ажралиб келмоқда.

Шу билан бирга, одатдаги нақд қоғоз (фиат) пуллардан фарқи ва устунликлари:

- таминлашнинг чекланганлиги, яъни пул эмиссияси маълум бир нуқтагача чегараланган бўлиб, уни ҳеч ким хоҳлаганча эмиссия қила олмайди;
- марказий бошқарув органи томонидан назорат ўрнатилмаганлиги;
- қарз мажбуриятига асосланмаганлиги, яъни транзакция амалга оширилганда эмитентнинг харидор олдидаги мажбурияти сақланиб қолмаслиги ва бошқалар билан ажралиб туради.

Одатий электрон пулларга ўхшамаган жиҳатлари:

- музлатиб бўлмаслиги;
- трансферларнинг тезлиги;
- трансфер баҳоларининг арзонлиги билан изоҳланади.

Бир бирлик биткоин нархининг тартибсиз ўзгариши эмиссион ҳолатига ҳам бевосита таъсир кўрсатган. 2009-2016 йиллар оралиғида биткоинларнинг эмиссион ҳолатининг доимий ўзгаришини биз, 2-жадвалда кўришимиз мумкин.

16.3. 1-жадвал

Биткоинларнинг эмиссион ҳолати (05.01.2009 –04.01.2016 йиллар) кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Биткоинларнинг эмиссион ҳолати (бирликда)
1	05.01.2009	4 333,33
2	04.01.2010	1 681 250,00
3	03.01.2011	5 068 778,57
4	02.01.2012	8 040 842,86
5	07.01.2013	10 650 996,43
6	06.01.2014	12 239 789,29
7	05.01.2015	13 703 039,29
8	04.01.2016	15 056 114,29

Келтирилган 16.3. 1-жадвалда биз, 2009 йилдан 2016 йилга қадар биткоинларнинг эмиссион ҳолатининг умумий қийматининг доимий ўзгарувчан эканлигини кўришимиз мумкин. Биткоинларнинг эмиссион жараёни 2009 йилдан бошланган бўлса, ўша даврда биткоинлар эмиссиясининг умумий қиймати 4333,33 бирликни ташкил этган эди, 2010 йилдан бошлаб унинг ҳажми 1 млн. бирликдан ошганини, 2013 йилнинг бошидан бошлаб биткоинларнинг эмиссияси ҳажми 10 млн. бирликдан ошганини, 2016 йил бошидан бошлаб эса унинг кўрсаткичи 15 млн. бирликдан ошганини кўришимиз мумкин. Бу ҳолатни, биткоинларга ва унинг эмиссиясига бўлган қизиқишнинг вақт ўтган сари ошиб бораётганининг исботи сифатида кузатишимиз мумкин.

Биткоин нархининг ўзгариши ва бир бирлик биткоин эмиссион жараёнини кузатар эканмиз унинг яна бир кўрсаткичи бизни тобора қизиқтириб бормоқда. Биткоинларнинг 15 млн.дан ортиқ бирликлари молиявий бозорда қандай улушга эга, унинг капитализация даражаси қай даражада, ушбу таҳлилий маълумотларни биз яна бир муҳим кўрсаткич сифатида ўрганишга ҳаракат қилдик.

2010-2016 йилларда дунё молия бозорида талаб ва таклиф қонунлари асосида биткоинларнинг электрон биржаларда шаклланган умумий

капитализация қийматини биз, келтирилган 16.3.3-жадвалда кўришимиз мумкин.

16.3. 2-жадвал

Биткоинларнинг умумий бозор капитализация даражаси

(17.07.2010-01.01.2016 йиллар) кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Биткоинларнинг умумий капитализация суммаси (АҚШдолларида)
1	17.07.2010	0
2	18.07.2010	295 941,80
3	01.01.2011	1 508 865,00
4	01.01.2012	42 191 322,77
5	01.01.2013	141 264 250,15
6	01.01.2014	9 403 148 823,76
7	01.01.2015	4 293 100 779,20
8	01.01.2016	6 531 195 386,40

Келтирилган 16.3.2-жадвалда биз, дунё мамлакатлари биржаларида биткоинларнинг умумий бозор капитализация даражаси, 2010 йилнинг 17 июл ойидан бошлаб 2016 йилнинг 1 январ ҳолатидаги ўзгаришлар таҳлилини келтирдик. Биткоинларнинг умимий бозор капитализация даражаси 2010 йилнинг 18 июлида 295941,8 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2014 йилнинг бошида унинг суммаси 9 млрд. АҚШ долларидадан ошганини кўришимиз мумкин. 2010 йилдан то 2014 йилга қадар, қисқа давр мобайнида биткоинларнинг бозор капитализация қийматининг кескин ўзгаришини, 31773 коэффициентга ошганлик даражасини сезиларли кўрсаткич деб таъкидлаб ўтишимиз зарур. 2016 йил 1 январ ҳолатида унингкапитализация даражаси 6,5 млрд. АҚШ долларидадан ошгани, унинг дунё молия бозорида ўз ўрни борлигини англатмоқда.

Таъкидлаб ўтганимиздек, бугунги кунда бир бирлик биткоиннинг нархи ўртача 700-750 АҚШ доллари миқдорида бўлса ҳам, мутахассисларнинг турли хилдаги ижобий ва салбий фикр ва қарашларига сабаб бўлмоқда. Масалан: баъзилари келажакни белгилаб берувчи кашфиёт дейишса, бошқалари ҳали етилмаган оддий иқтисодий ва молиявий

концепция деб қараб, биткоинни танқидга олишмоқда. Тўғри ҳамма нарсанинг ўз салбий томонлари бўлгани сингари биткоин ҳам камчиликлардан ҳоли эмас. Булардан бири, балки энг кўзга кўрингани унинг таминланмаганлигидадир. Биткоин бир ўзи ҳеч қандай қийматга эга эмас, унинг қиймати ва барқарорлигини таминлаш ва нобарқаролигини олдини олишнинг ягона йўли бу уни оммалаштиришда деб ўйлаймиз. Агар ишончлилик ва таъминланганлик сифатларини олган ҳолда биткоинга турли савдо сайтлари тўловларни қабул қила бошласалар, биткоин ўз ўрнида уларнинг товарлари билан таъминланиб боради.

Биткоиннинг қанчалик кўп муомалада бўлиши, унинг кадрли бўлиши ва дунё молия бозорида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаб туриши электрон биржаларда шаклланган талаб ва таклифдан келиб чиқишини унутмаслик лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, тез ривожланиб бораётган технологиялар даврида битта ғояни узоқ қолишига ишониш қийин. Ҳеч нарса мукамал бўлмаганидек биткоинлар ҳам, камчилик ва ютуқларга эга. Мақсад унинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда, келажакда асрлар давомида ривожланиб келаётган пулни мазмун ва моҳиятини яна бир поғона юқорига кўтаришдан иборатдир.

Қисқача хулосалар

Молия бозори – бу молиявий хизматлар таклиф этиладиган бозордир. Молия бозорининг қуйидаги сегментлари мавжуддир: ссуда капиталлари бозори; валюта бозори; қимматли қоғозлар бозори; суғурта бозори; лизинг бозори.

Ссуда капиталлари бозорида кредит ресурслари олди-сотди қилинади. Ссуда капиталлари бозорининг ўзи 2 та сегментга эга: қисқа муддатли пул бозори; капитал бозори. Валюта бозорида турли хил валюталар олди-сотди қилинади. Қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозлар олди-сотди қилинади. Суғурта бозорида суғурта хизматлари таклиф этилади. Лизинг

бозорида лизинг компаниялари ва тижорат банклари томонидан лизинг хизмати таклиф этилади.

Молия бозори инструментларини боқшаришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: орттириш ва дисконтлаш; пулларнинг келажақдаги баҳосини аниқлаш; даромадлиликнинг жорий ва тўлиқ нормасини таъминлаш.

Электрон пул бозори – бу номоддий кўринишга эга бўлган электрон пуллар воситасида тўловларни амалга ошириш учун такшил этилган махсус марказдир. Электрон пулларнинг кенг тарқалиб бораётган тури бўлиб, рақамли пуллар ҳисобланади.

Охирги йиларда молия бозорларида юқори тендецияларда ривожланиб бораётган чакана электрон тўлов тизими воситаларидан бири “виртуал карталар”дир.

Электрон чунтакни тўлдириш ва улардан пул ечиш қуйидаги усуллар билан амалга ошириш мумкин: тижорат банкларида нақд пул билан; банк карталари (ВИЗА, Мастер Кард, Уз Карт, Ҳумо карт) ёрдамида; почта орқали; Интернет-банкнинг ёрдамида; пул ўтказмалар тизимлари ёрдамида; мобил алоқа ёрдамида.

Электрон пуллар объекти сифатида “Биткойн” виртуал пуллар ҳисобланади. Биткойннинг энг катта фарқлари шундаки: унинг марказлашмаганлиги, тўловларнинг анонимлиги(яширинлиги), биткойн бирлиги эмиссиясини чегараланганлиги (*21 млн.дан ортиқ биткойнни эмиссия қилиш мумкин эмас*), ҳеч қандай ташкилот ёки давлат томонидан бошқарилмаслиги ва бошқалар. Унинг бу сифатлари бирлашиб уни ривожланган интернет криптовалюталари орасида ажралиб туришига ёрдам беради. Биткойн ҳам камчиликлардан ҳоли эмас. Булардан бири, унинг таминланмаганлигидадир. Биткойн бир ўзи ҳеч қандай қийматга эга эмас, унинг қиймати ва барқарорлигини таминлаш ва нобарқаролигини олдини олишнинг ягона йўли бу уни оммалаштиришда.

Таянч сўз ва иборалар

Ссуда капиталлари бозори, валюта бозори, қимматли қоғозлар бозори, суғурта бозори, лизинг бозори, агрессив, консерватив, уларнинг гибридида асосланган инвесторлар, орттириш, дисконтлаш, электрон пул бозори, “виртуал карталар”, карта рақами (ПАН), мобил пуллар, мобил тўлов, мобил банкинг, мобил ўтказмалар, биткойн, криптовалюта.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Молия бозори деганда нимани тушунасиш?
2. Молия бозори сегментлари таркиби нималардан иборат?
3. Электрон пул тушунчасининг иқтисодий моҳияти
4. Электрон пулларни бошқариш тартиби
5. Виртуал карта деганда нимани тушунасиш?

17-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФОИЗ СИЁСАТИ ВА УНИ БОШҚАРИШ

§ 17.1. Тижорат банклари фойз сиёсатининг моҳияти ва унга таъсир қилувчи омиллар

§ 17.2. Тижорат банклари амалиётида фойдаланиладиган фойз ставкалари, уларнинг асосий турлари ва бошқариш усуллари

§ 17.3. Хорижий давлатлар банк амалиётида фойз ставкаларини шакллантириш тажрибаси

§ 17.1. Тижорат банклари фойз сиёсатининг моҳияти ва унга таъсир қилувчи омиллар

Тижорат банкларининг фойз сиёсати мамлакат иқтисодиётига таъсир этувчи муҳим инструментлардан бири бўлиб ҳисобланади. Банкнинг фойз сиёсати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Инфляция тарегетлаш режимига босқичма босқич ўтиш орқали пул кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5877-сонли Фармони,

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ҳамда 2004 йил 30-январда 1306-сон билан рўйхатдан ўтган “Тижорат банкларида фоиз ҳисоблаш тўғрисида” ҳамда 2004 йил 24 январда 1304-сон билан рўйхатдан ўтган “Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида”ги низомлар шунингдек марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Тижорат банклари фоиз ставкаларидан ҳар доим иқтисодиётни макро ва микро даражада тартибга солиш учун фойдаланилади. Агар иқтисодиётни микро даражада ўрганадиган бўлсак, тижорат банклари томонидан фоиз сиёсатини қай даражада самарали ишлаб чиқганлигига, яъни кредит ва депозитлар бўйича ўрнатилган фоиз ставкаларига боғлиқ бўлади. Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш йўлида молиявий хизматлар бозорида тижорат банклари фаол иштирок этиб келмоқда. Улар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга турли хилдаги хизматлар кўрсатилмоқда. Умуман олганда, аҳолига таклиф этилаётган ва унинг турли қатламлари учун қулай ва манфаатли бўлган омонат турларининг сони ошиб бормоқда. Юридик шахсларга, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига турли йўналишларда қисқа ва узоқ муддатли кредитлар берилмоқда, банкларнинг лизинг операциялари ҳажми ортиб бормоқда. Маълумки, тижорат банклари депозитлари ва кредитлари миқдорининг ўсиши тижорат банклари фоиз сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир. Банк томонидан депозитлар бўйича ўрнатиладиган фоиз ставкалари, шунингдек, кредитлар бўйича ундириш учун белгиланган фоиз ставкалари банкнинг депозит ва кредит операциялари ҳажмининг ўсишига бевосита таъсир кўрсатади.

Банк операциялари бўйича банк томонидан тўланадиган ва ундириладиган фоизлар миқдори банкнинг алоҳида ҳужжатларида акс эттирилади. Илгари республикаimiz банкларида кредит сиёсати, депозит

сиёсати, фоиз сиёсати деган тушунчалар бўлмаган. Халқаро банк амалиётини ўрганиш натижасида миллий банк тизимида юқорида санаб ўтилган банк сиёсатлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Дастлаб фоиз сиёсати депозит ва кредит сиёсати ичига кирган бўлса, кейинчалик алоҳида фоиз сиёсати ишлаб чиқилиб, банк амалиётида қўлланилиб келмоқда.

Тижорат банкларининг фоиз сиёсати депозитлар ва кредитларнинг оқилона фоиз ставкаларини шакллантириш ва фоиз рискинни бошқариш билан боғлиқ тадбирлар мажмуасидир.

Тижорат банкларининг фоиз сиёсатининг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

1. Фоиз сиёсатининг асосий мақсад ва вазифалари: фоиз сиёсатининг асосий мақсади фоиз сиёсатида аниқ белгилаб қўйилган бўлиши лозим. Айрим банкларда фоиз сиёсатининг асосий мақсади сифатида фоиз рискларини бошқариш тизимини такомиллаштириш белгилаб қўйилади, бошқаларида эса соф фоизли даромад даражасини ошириш кўрсатилади.

2. Фоиз рискинни юзага келтириши мумкин бўлган ҳолатлар: бундай ҳолатлар одатда кредит қўйилмаларининг ҳажмини кескин оширилиши натижасида ёки кредитларнинг бозор ставкаларини сезиларли даражада ошиши натижасида юзага келиши мумкин.

3. Фоиз рискинни бошқариш усуллари: одатда банк амалиётида фоиз рискинни асосий бошқариш усуллари сифатида фоизли своплардан кенг фойдаланадилар, кичик банкларда эса кўпроқ кредит рискига лимитлар ўрнатиш услубидан фойдаланадилар.

4. Фоиз ставкаларини ўстирмаслик мақомини белгилаш тартибини жорий қилиш.

Тижорат банклари ҳар бир аниқ келишувларида фоиз меъёрини ҳисоблаганда қуйидагилар эътиборга олинади:

- таъминланган ссудалар бўйича энг кредитга лаёқатли миждозлар учун аниқ муддатга бериладиган базавий фоиз ставкасининг даражасини;

- ҳар бир алоҳида келишувнинг шартларини инобатга олган ҳолда таваккалчилик учун қўшимча тўлов.

Тижорат банкларининг даромад олиш соҳаси фаолияти унинг фоиз сиёсати орқали амалга оширилади. Банк кредит бера туриб мижознинг фойда олиши учун шарт-шароит яратар экан, демак, ўзининг манфаатини ҳам амалга оширган бўлади. Банклар фоиз сиёсатини амалга оширишда омонатлар бўйича тўланадиган фоизни уларнинг ўзлари тақдим этадиган ссудалар учун оладиган ссуда фоизидан пастроқ қилиб белгилайди. Олинган ва тўланган фоизларнинг суммалари ўртасидаги фарқ банкларнинг фойдасини ташкил этади.

§ 17.2. Тижорат банклари амалиётида фойдаланиладиган фоиз ставкалари, уларнинг асосий турлари ва бошқариш усуллари

Фоиз ставкаси — жалб қилган маблағлар бўйича келишилган даромадлилик ставкасидир. Амалда маблағларни жалб қилиш турлари қанча кўп бўлса уларни фоиз ставкаси турлари ҳам ҳам шунча кўп бўлади. Мисол, қарз олувчи уй сотиб олиш мақсадида бериб турилган қарз пул учун мазкур заём бўйича фоиз ставкаси тўлайди, бу ўз навбатида қўйилган маблағ(накд, мулк ва бошқалар) бўйича фоиз ставкаси деб юритилади; банкни фирмадан ушлаётган ставкаси эса тижорат кредити бўйича фоиз ставкаси дейилади.

Фоизларни ҳисоблашда тартиб бўйича дискрет (дискрет фоизлари) усулида, бунда ҳам ҳисоблаш даврлари ой, чорак ва йил сифатида қабул қилинади. Айрим ҳолларда ҳар кунлик ҳисоблаш қўлланилиб, (мисол, узоқ муддатли инвестицияларни анализ қилиш учун) мижозларга маъқул келиши учун айрим ҳоллар да фоизни узлуксиз ҳисоблаш усули қўлланилади.

Фоиз ставкани сон жиҳатдан молиявий таҳлил этишда нафақат қарз суммасини кўпайиш қуроли кўринишда, балки кенгроқ маънода бевосита маблағларни бир эгасидан бошқасига оқиб ўтиш ва кўпайиш орқали тижорат ва молиявий фаолиятдан келадиган даромадлилик даражасини ўлчаш учун жорий этилади. Фоиз ставкалар аввалги у ёки бу бошланғич суммасига ёки

авалги даволар учун ҳисобланган фоиз суммасига ссудани мазкур муддатни барча даволари (оддий фоиз ставка)га қўлланилади. Шунга ўхшаш ҳисоб ставкалари ҳам қўлланилади. Мас ҳолда, асосий фоиз ставка 4 тури бир биридан тубдан фарқ қилади: оддий ва мураккаб фоиз ставкалари, оддий ва мураккаб ҳисоб ставкалари.

Амалиётда фиксирланган ставкадан ташқари сузиб юрувчи ёки ўзгарувчан ставкалари мавжуд. Айрим ҳолатларда шартномаларда айрим базавий ставкалари (пул бозоридаги ставкани вақтлар бўйича ўзгаришидан, мисол учун Лондон банки томонидан ўрнатилган «ЛИБОР»-ставкаси)га фиксирланган қўшимча даромад-маржа қўшилади. Шундай қилиб, умуман ставка қайсики, фоиз ҳисобланаётган ставка базани ўзгариши ҳисобига ўзгариб туради. Шартномалардаги маржани ҳажми вақтлар бўйича ўзгариши орқали кўрсатилиши мумкин.

Номинал фоиз ставкаси деганда эълон қилинган фоиз ставкаси тушунилади. Реал фоиз ставкаси деганда номинал фоиз ставкасини пулнинг қадрсизланиш даражасига мувофиқлаштирилган даражаси тушунилади. Фоизнинг номинал ставкаси (i) ва реал ставкаси (r) деб белгиланса:

$$r = i + x,$$

бу ерда, x – инфляциянинг кутилаётган даражаси.

Ривожланган давлатлар пул-кредит тизимида фоиз ставкаларнинг турли-туманлиги мавжуд. Фоиз ставкаларнинг биринчи даражаси – Марказий банк томонидан тижорат банкига тақдим этиладиган кредитлар бўйича белгиланадиган расмий фоиз ставкасидир. Мазкур фоиз ставкаси ҳисоб юритиш ёки қайта молиялаштириш фоиз ставкаси деб аталади.

Фоиз ставкаларнинг навбатдаги даражаси кредит ресурсларининг банклараро бозоридаги таклиф ставкаларидан иборатдир. Етакчи банклар биринчи даражали банклар евравалюталарида ушбу банкларда депозит ҳисобварақларини очиш орқали кредитлашни таклиф ставкалари бўйича амалга оширади. Мисол сифатида ЛИБОР (LIBOR – London Inter Bank Offered Rate) Лондон банклараро таклиф ставкасини келтириш мумкин.

Ушбу ставка расмий асосда белгиланмайди, балки ҳар бир тижорат банки мазкур ставкани ҳар бир иш кунининг биринчи ярми, яъни соат 11.00 ҳолатига пул-кредит бозорининг конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди. ЛИБОР ставкаси деганда ушбу банклар бўйича ўртача арифметик миқдор сифатида ҳисобланган ўртача ставка тушунилади.

$$FV = 1000 \text{ доллар} \times 1,10 = 1100 \text{ доллар.}$$

Агарда Сиз 1100 долларни ҳисоб рақамида яна бир йилга қолдирсангиз, унда иккинчи йил якунида пулингиз қанча бўлади? Иккинчи йил давомида Сиз 1100 долларли суммага йиллик 10% ҳажмида даромад оласиз ва ҳисобланган фоизларнинг суммаси $0,10 \times 1100 = 110$ долларга тенг бўлади. Демак иккинчи йилнинг охирига келиб Сиз 1210 долларнинг эгаси бўласиз.

Мураккаб фоизларнинг табиати тўғрисида аниқ бир тасаввурга эга бўлиш учун биз истикболдаги қийматни (1210 доллар) уч таркибий қисмга бўламиз. Биринчи қисм – бу дастлабки 1000 доллар. Иккинчи қисм бўлиб эса мазкур 1000 долларга биринчи йил учун 100 доллар ва иккинчи йил учун 100 доллар ҳажмида ҳисобланган фоизлар ҳисобланади. Омонатнинг асосий суммасига ҳисобланган фоизлар оддий фоизлар (simple interest) деб аталади

Энди, яна 10 доллар ҳажмидаги фоизлар мавжуд, улар иккинчи йили олинган бўлиб, биринчи йил учун фоизлар сифатида олинган 100 долларлик суммага ҳисобланган. Тўланган фоизларга ҳисобланган фоизлар мураккаб фоизлар (compound interest) деб аталади. Фоизларнинг умумий ҳисобланган суммаси (210 доллар) оддий фоизлар (200 доллар) ва мураккаб фоизлар (10 доллар)дан иборат.

$$FV = 1000 \text{ доллар} \times 1,1 \times 1,1 = 1000 \text{ доллар} \times 1,1^2 = 1210 \text{ доллар.}$$

Уч йилдан сўнг ушбу сумма

$$FV = 1000 \text{ доллар} \times 1,1 \times 1,1 \times 1,1 = 1000 \text{ доллар} \times 1,1^3 = 1331 \text{ доллар.}$$

Республикамиз банк амалиётида фоиз ставкасининг қатъий ва сузиб юрувчи фоиз ставкаларидан фойдаланилади. Бу фоиз ставкалари банкларнинг депозит ва кредит сиёсатига таъсир кўрсатади. Тижорат банклари кредитор сифатида сузиб юрувчи фоиз ставкаларини ўрнатишдан

манфаатдор. Чунки бунда банк фоиз ставкаларини тебранишидан ўзини манфаатини аниқлайди. Мижозлар эса кредит олишда қатъий фоиз ставкаларидан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Қатъий фоиз ставкаларида кредит олиш мижозни фоиз ставкасини ошиб кетиши натижасида ортиқча харажат қилиш хавфидан озод этади. Мижозлар тижорат банкларига депозит қўйишларида аксинча, банк билан шартномада келишган ҳолда сузиб юрувчи фоиз ставкаларини ўрнатилишидан манфаатдордир. Бу ҳолатда мижозларнинг қайта молиялаштириш ставкасининг ўзгариши ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган фоиз ставкасининг ошиши натижасида қўшимча даромад олиш имкониятлари пайдо бўлади.

§ 17.3. Хорижий давлатлар банк амалиётида фоиз ставкаларини шакллантириш тажрибаси

Питер Роуз (1997) нинг фикрига кўра тижорат банклари томонидан тўқнаш келадиган рисклар орасида фоиз рискин хавфлилик даражаси юқори деб таъкидланган, чунки фоиз ставкаларининг кескин ўзгариши банкларнинг даромадига ҳамда банк активлари, пасивлари ва капитали қийматига таъсир этади. Фоиз рискин олдини олиш учун молиявий операцияларни хеджерлаш керак бўлади. Фоиз рискин хеджерлаш молиявий инструментларни сотиш ёки сотиб олиш йўли билан амалга оширилади. Уларни фоизли опционлар, фоизли фьючерслар ва фоизли своплар орқали ҳимоялаш мумкин:

- фоизли опцион заёмда белгиланган нархда келишилган маълум бир даврда ўрнатилган фоиз ставкасида (мажбурий бўлмаган ҳолда) фоиз тўлаш ёки олиш ҳуқуқини беради;
- фоизли фьючерс келажакда белгиланган муддатда фоиз ставкасида кредитлар бериш ёки депозитлар олишга мажбурият беради;
- фоизли своп-тўловларни сузиб юрувчи фоиз ставкасидан қатъий белгиланган фоиз ставкасига ёки тескарисини қўллашга имкон беради.

Классик назарияда Кейнс Дж.М. (1899) фоиз ставкаси ва унинг меъёри ҳақида фоиз меъёри бозорда капиталдан фойдаланганлик учун тўланадиган баҳо сифатида аниқланади деган фикрни билдирган. Америкалик иқтисодчи И.Фишер (2001) фоиз ставкасига қуйидагича таъриф беради: “Фоизнинг даражасини фоиз мукофоти сифатида аниқласак бўлади, чунки у пулда акс этган бўлиб шартномада келишилган даврдан кейин тўланиши керак”. О.И.Лаврушин (2014) ссуда фоизи турли нархдаги қийматининг баҳоси, унинг маълум бир фойдаланилган даврдаги қиймат ҳисобидан келиб чиқишини билдирган. Агар илмий нуқтаи назардан қарасак ссуда учун белгиланган фоиз ставкаси қарз олувчининг даромадини бир қисмидан келиб чиқади. Қуллиев И.Я. (2010) тижорат банкларида кредит баҳосини шакллантиришда бир қатор омиллар ўз таъсирини кўрсатади деган фикрда. Тижорат банкларининг кредит баҳосининг меъёри банклар томонидан жалб қилинган депозитлар баҳоси, кредит операциялари бўйича банкнинг операцион харажатлари, кредит rischi бўйича устама ҳамда банкнинг маржаси ўз таъсирини кўрсатади. Бу ҳолатда кредитнинг баҳосини қуйидаги формула орқали аниқлаган.

$$R = Dr + Do + P + S + A$$

Бунда, R – банк кредити баҳоси; Dr – банкнинг жалб қилинган маблағлари баҳоси; Do – тижорат банки операцион харажатлари; P – кредит rischi бўйича устама; S – банк маржаси; A – банк томонидан белгиланадиган қўшимча тўловлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 30 январда 1306-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида”ги низомга асосан кредит берилган кундан фоизлар 16309-ҳисобварақда ҳисобга олиб борилади (Низом, 2004). Шартномада белгилаб берилган муддатларда фоиз суммаси ундирилади. Агар мижоз ўз вақтида кредитни қайтармаса, бу ҳолда фоиз ставкаси шартномага асосан муддатли кредитга нисбатан юқорироқ бўлади. Муддати ўтган фоизларнинг ҳисоби 16377- ҳисобварақда ҳисобга олиб борилади ва ҳар бир ўтган куни учун 0,1%

миқдорида миждоз томонидан жарима тўланади. Банкда актив операциялар бўйича фоиз ставкаларини шакллантиришда қуйидаги омиллар инобатга олинади:

- марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси;
- бозор шароитлари;
- пул маблағларини ошириш харажатлари;
- проектнинг рискли даражаси;
- қарздорнинг молиявий даражаси, ишончлилиқ даражаси, тўловга қобилиятлилиги.

Банк кредитидан фойдаланилган вақт учун ҳақ тўлаш кредит нархини ёки баҳосини ташкил этади, у ҳисобот оғи бошлангунга қадар банк бўйича юзага келадиган ўртача фоиз ставкаси ва маржани ўз ичига олади. Банк оладиган ва тўлайдиган фоиз ўртасидаги фарқ маржа деб юритилади. Баъзи адабиётларга кўра фоиз маржаси – банк актив ва пассив операциялари бўйича ўртача фоиз ставкалари ўртасидаги фарқдир. Ё.Абдуллаев, Т.Қоралиев фикрига кўра, “фоиз маржаси – банк активи келтирган даромад фоизи билан банк мажбуриятлари бўйича харажат фоизи ўртасидаги тафовутдир”. Маржа – кредитлар ва соф тўловли мажбуриятлар фоиз ставкалари ўртасидаги фарқдир. Халқаро стандартларга асосан маржа 2 фоиздан кам бўлмаган миқдорни ташкил этиши тавсия қилинади. Демак, юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда фоизли маржа – бу банк активларидан даромад келтирувчи фоизли даромад ва банк мажбуриятлари бўйича фоизли харажат ўртасидаги фарқ деган хулоса қилиш мумкин. Фоизли маржани фоизлар бўйича келадиган соф даромад ҳам деб аташади. У қуйидаги формула орқали ҳисобланади,

$$M = (D_f - P_f) / A_d * 100\%$$

M – фоизли маржа;

D_f – фоизли даромад;

P_f – фоизли тўловлари бўйича харажатлар;

Ад – фоиз кўринишида даромад келтирадиган активлар. Фоиз маржаси бу банкнинг фоиз бўйича кўрган даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Маржа банк харажатларини қоплаш учун, рискларни, инфляцияни инобатга олган ҳолда даромад кўриш учун мўлжалланган. Халқаро амалиётда тижорат банкларини даромадларини ҳисоблашда операцион маржа ҳам ишлатилади. Операцион маржа банкнинг асосий операцияларидан кўрадиган даромадлари, қуйидаги формула орқали ҳисоблаб топилади.

$$\text{ОпМ} = \text{Дбокд} / \text{Адка} * 100\%$$

Дбокд – банкнинг асосий операцияларидан кўрадиган даромадлари;
Адка – даромад келтирувчи активлар. ОпМ – операцион маржа.

Тижорат банкларининг асосий операцияларидан кўрадиган даромадлари таркиби:

- соф фоизли даромад;
- валюта операцияларидан кўрилган соф даромад;
- қимматли қоғозлар бўйича қилинган операциялардан кўрилган соф даромад;
- лизинг операцияларидан кўрилган соф даромад;
- қимматбаҳо металллар билан қилинган операцияларда кўрилган соф даромад.

Ҳақиқий маржани олиш учун банкнинг жами фоизли даромадлари ва жами фоизли харажатлари ўртасидаги фарқдан ёки маълум бир фоизли актив операциялари ўртасидаги фарқдан кўриш мумкин. Масалан кредитлар бўйича фоиз ундируви ва кредит ресурси учун фоизли харажатлар фарқи. Ҳақиқий фоизли маржа қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$М = \Phi_k - \Phi_r$$

М – ҳақиқий фоизли маржа;

ΦК – кредитлар бўйича ойлик фоиз ставкаси;

ΦР – ресурслар бўйича ойлик фоиз ставкаси.

Фоизли маржанинг ҳажмига, кредитларнинг таркиби, тузилиши ва уларнинг манбалари асосий факторлар бўлиб ҳисобланади. Кредитларни муддатлари бўйича жойлаштириш, рискдан ҳимоялаш, кредит мақсадлари, кредитни даромадлилигини таъминлайди. Бу ҳолатда депозитларнинг ҳажми, тури ва муддатлари муҳим ўрин тутди. Фоизли маржанинг ўзгариши банкларнинг актив операциялари бўйича фоиз ставкаларининг кўтарилиши ва тушиши билан боғлиқ бўлиши, жалб қилинган пуллик ресурсларнинг пассив операцияларга таъсири ва унинг кредитлардаги улуши ҳам таъсир этиши мумкин. Жалб қилинган пуллик ресурсларни муддатлари ва кредитларнинг муддатлари маржага таъсир этади. Тижорат банкларининг ҳисоб китобларини самарали олиб борилаётганини ҳисоблаш учун тижорат банкининг спрэдини аниқлаш керак бўлади. Ҳамда соф фоизли маржа, тижорат банкининг фаолиятини рақобатбардошлилигини ва бошқа жиҳатларини ўз ичига олади. Спрэд қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$\text{Спрэд} = \text{Фд} / \text{Ад} - \text{Фх} / -\text{Мхт}$$

Бу ерда:

Фд – фоизли даромад;

Ад – даромад келтирувчи активлар;

Фх – фоизли харажат;

Мхт – харажатга тортилувчи мажбуриятлар.

Тижорат банкларини спрэд кўрсаткичи орқали банклар омонатчилар ва кредиторлар ўртасида воситачилик хизмати кўрсатиши қанчалик тўғри йўлга қўйилганлиги ҳамда банклар ўртасидаги рақобатни кўрсатади. Банклар ўртасида рақобатни кучайиши одатда кредитлар ва харажатга тортиладиган мажбуриятлари бўйича ўртача фоизли даромад ҳамда харажатларни орасидаги фарқини қисқаришига олиб келади. Ушбу ҳолатда бошқа факторлар таъсири йўқ деб ҳисобласак тижорат банклари даромад топишни бошқа йўллари излашига тўғри келади.

Яна ушбу кўрсаткичнинг аҳамияти шундаки, банкнинг хизмат кўрсатишдан кўрган даромадига ва молиявий натижаларига белгиланган

фоиз ставкалари ўз таъсирига эга. Ушбу кўрсаткични боғлиқ банклар ёки боғлиқ бўлмаган банклар кўрсаткичи билан солиштирганда тижорат банкни фоиз сиёсатини қанчалик самарали эканлигини баҳолаш мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон банк тизими мустаҳкам иқтисодий-ҳуқуқий базага эга бўлиши билан бирга, ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида ҳам ажралиб турибди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси халқаро молия бозорининг қатнашчисига айланиши, банк фаолиятини янада эркинлаштириш, банк хизматлари бозорида рақобатнинг ошиши тижорат банклари томонидан маблағлар жалб қилиниши ва ўз ўрнида кредит операцияларни бажаришда фоиз сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни тўғри юритилиши талаб этилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Марказий банк томонидан амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати инфляция даражасининг белгиланган прогноз кўрсаткичлар доирасида бўлишини таъминлаш билан бирга, банкларнинг инвестицион фаоллигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Марказий банк томонидан иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини қондириш ва макроиқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида ҳамда инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда қайта молиялаш ставкаси доимо ўзгартириб борилмоқда.

Тижорат банклари томонидан кредитлар ва депозитлар бўйича фоиз ставкаларини шакллантиришда пул ва молия бозорларидаги фоиз ставкалари ҳисобга олинади. Пул ва молия бозорларидаги фоиз ставкалари эса Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати ва бошқа бир қатор омиллар таъсирида шаклланади. Шундай қилиб, республикадаги барқарор макроиқтисодий ҳолат ва юритилаётган қатъий пул-кредит сиёсати пул ва молия бозорларидаги фоиз ставкалари, жумладан тижорат банкларининг кредитлари ва депозитлари бўйича фоиз ставкалари динамикасида ўз аксини топади.

Қисқача хулосалар

Илгари республикада банкларида кредит сиёсати, депозит сиёсати, фоиз сиёсати деган тушунчалар бўлмаган. Халқаро банк амалиётини ўрганиш

натижасида миллий банк тизимида юқорида санаб ўтилган банк сиёсатлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Дастлаб фоиз сиёсати депозит ва кредит сиёсати ичига кирган бўлса, кейинчалик алоҳида фоиз сиёсати ишлаб чиқилиб, банк амалиётида қўлланилиб келмоқда.

Тижорат банкларининг фоиз сиёсати депозитлар ва кредитларнинг оқилона фоиз ставкаларини шакллантириш ва фоиз рискинни бошқариш билан боғлиқ тадбирлар мажмуасидир. Тижорат банкларининг даромад олиш соҳаси фаолияти унинг фоиз сиёсати орқали амалга оширилади.

Асосий фоиз ставка 4 тури бир биридан тубдан фарқ қилади: оддий ва мураккаб фоиз ставкалари, оддий ва мураккаб ҳисоб ставкалари.

Номинал фоиз ставкаси деганда эълон қилинган фоиз ставкаси тушунилади. Реал фоиз ставкаси деганда номинал фоиз ставкасини пулнинг қадрсизланиш даражасига мувофиқлаштирилган даражаси тушунилади.

Фоиз ставкаларнинг биринчи даражаси – Марказий банк томонидан тижорат банкига тақдим этиладиган кредитлар бўйича белгиланадиган расмий фоиз ставкасидир. Мазкур фоиз ставкаси ҳисоб юритиш ёки қайта молиялаштириш фоиз ставкаси деб аталади.

Республикамиз банк амалиётида фоиз ставкасининг қатъий ва сузиб юрувчи фоиз ставкаларидан фойдаланилади. Бу фоиз ставкалари банкларнинг депозит ва кредит сиёсатига таъсир кўрсатади.

Тижорат банкларида кредит баҳосини шакллантиришда бир қатор омиллар ўз таъсирини кўрсатади деган фикрда. Тижорат банкларининг кредит баҳосининг меъёри банклар томонидан жалб қилинган депозитлар баҳоси, кредит операциялари бўйича банкнинг операцион харажатлари, кредит риски бўйича устама ҳамда банкнинг маржаси ўз таъсирини кўрсатади. Фоизли маржа – бу банк активларидан даромад келтирувчи фоизли даромад ва банк мажбуриятлари бўйича фоизли харажат ўртасидаги фарқдир.

Халқаро амалиётда тижорат банкларини даромадларини ҳисоблашда операцион маржа ҳам ишлатилади. Операцион маржа банкнинг асосий операцияларидан кўрадиган даромадлари.

Тижорат банкларининг асосий операцияларидан кўрадиган даромадлари таркиби: соф фоизли даромад; валюта операцияларидан кўрилган соф даромад; қимматли қоғозлар бўйича қилинган операциялардан кўрилган соф даромад; лизинг операцияларидан кўрилган соф даромад; қимматбаҳо металллар билан қилинган операцияларда кўрилган соф даромад.

Ҳақиқий маржани олиш учун банкнинг жами фоизли даромадлари ва жами фоизли харажатлари ўртасидаги фарқдан кўриш мумкин.

Таянч сўз ва иборалар

Фоиз ставкаси, дискрет, ҳисоб ставкалари, фиксирланган ставка, сузиб юрувчи ёки ўзгарувчан ставкалар, «ЛИБОР»ставкаси, номинал фоиз ставкаси, реал фоиз ставкаси, фоизли опцион, фоизли фьючерс, фоизли своп-тўловлар.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тижорат банклари фоиз сиёсатининг моҳияти нимада?
2. Фоиз сиёсатининг асосий жиҳатлари нималардан иборат?
3. Фоиз ставкаларининг турлари ва уларнинг бир-биридан фарқи?
4. Фоиз ставкаси борасида олимларнинг фикрлари.
5. Фоиз рискларини бошқариш усуллари.
6. Фоиз ставкаларини шакллантиришда эътиборга олинadиган қандай омиллар мавжуд?
7. Тижорат банкларида қўлланиладиган спрэд кўрсаткичига изох беринг.
8. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида фоизлар қандай тартибда ҳисобланади?

18-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРНИ БОШҚАРИШ

§ 18.1. Тижорат банкининг даромадлари, уларни тузилиши, таркиби ва бошқариш. Тижорат банклари фоизли ва фоизсиз даромадлари

§ 18.2. Тижорат банкининг харажатлари, уларнинг тузилиши ва таркиби. Тижорат банклари фоизли ва фоизсиз харажатлар

§ 18.1. Тижорат банкининг даромадлари, уларни тузилиши, таркиби ва бошқариш. Тижорат банклари фоизли ва фоизсиз даромадлари

Ҳар бир тижорат банки фаолиятининг асосий мақсади банк даромадларини ошириб ва харажатларни камайтирган ҳолда, максимал фойда олишдир. Юқори даромад олиш ўз навбатида банклар олиб борадиган операцияларининг риск даражасини оширади, чунки риск даражаси қанча паст бўлса, фойда олиш эҳтимоли ҳам қисқаради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ишлаб чиқариш бир қанча муқобил ечимлар ичидан рискнинг минимал даражасини танлашга ҳаракат қилса, иккинчи томондан даромадлилик билан боғлиқ бўлган оптимал ечимни топишга ҳаракат қилади.

Ҳозирда мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишлаб чиқилган бозор муносабатлари тамойилларини тўлиқ ишлашини таъминлаши асосий мақсадимиздир. Ушбу жараёнда тижорат банкларининг барқарор фаолият юритиши, яъни актив операцияларидан оладиган даромадларини оширишнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш, пул-кредит сиёсати соҳасида юзага келадиган камчиликларининг иқтисодиётнинг бошқа барча соҳаларига нисбатан салбий таъсирини олдини олиш чора - тадбирларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларининг жорий ва инвестиция харажатларини қоплашнинг асосий манбаларидан биридир. Бунинг учун эса, тижорат банкларининг даромадлилик моҳиятини чуқур англаб етиш ва маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ундан фойдаланиш масалаларини кенгрок таҳлил қилиш зарурдир.

Тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳисоблаб ёзиш усулидан фойдаланилади. Яъни даромад ва харажатлар шу молия даври учун таллуқли бўлса, демак уша даврда ҳисобланиб баланс ҳисоботларида акс эттирилади. Банклар даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишда изчиллик, ишонччилик, аниқлик, тўлиқлик ва ўз вақтидалилик бўйича талабларни ўз ичига оладиган ҳисоблаб ёзиш усулини қўллаш бўйича таомилларни қўллашлари керак. Бу таомиллар ушбу талабларни белгилаш ва қўллашнинг тегишли усуллари тўғрисидаги кўрсатмаларни ўз ичига олиши лозим.

Даромадлар деганда, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятларидан келган пул тушуми тушунилади. Тижорат банклари бошқа тижорат корхоналари сингари асосий ва қўшимча фаолиятдан, шунингдек, бошқа категорияга кирувчи тасодифий даромадлар олиши мумкин. Банкнинг асосий фаолияти бўлиб, банк операцияларини амалга ошириш ва мижозларга банк хизматларини кўрсатиш ҳисобланади. Даромад келтирувчи бошқа фаолиятлар эса, бошқа даромадлар ҳисобланади.

Даромад манбаларини барқарор ва нобарқарорга ажратиш мумкин. Мижозларга ҳар хил хизматлар кўрсатиш даромаднинг барқарор манбаси ҳисобланади. Нобарқарор эса, молиявий бозордаги операцияларидан, шунингдек, банкнинг қўшимча фаолиятдан келадиган даромадлар ҳисобланади.

Тижорат банкларининг оладиган даромадлари, унинг харажатларини қоплаши ва фойда олишни таъминлаши шарт.

Банк даромадларининг бир қисми йукотишлар олдини олиш ҳамда рискларни қоплаш учун ташкил этиладиган заҳираларга йўналтирилади. Банк ўз харажатларини қоплаши учун даромад ҳажмининг етарлилигини таъминлаши билан бирга тушумининг ҳам бир хилдалигини таъминлаши керак. Бошқача айтганда, даромад оқими банкнинг харажат қиладиган даврига мос ҳолда вақт жиҳатдан тақсимланган бўлиши керак. Бундай режалаштиришда даромад манбаларининг барқарорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Тижорат банклари ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлигини таъминлаши керак. Яъни жорий ойдаги даромадлар ва харажатлар шу ойда баланс ҳисоботларида акс эттирилиши шарт. Шунда тижорат банклари баланслари ҳаққонийлиги, софлиги таъминланган булади. Ҳисобот даврида банкнинг барча даромадларининг мажмуаси ялпи даромад дейилади. Одатда, ялпи даромад таркибида қуйидаги даромад гуруҳларини ажратишади:

1. Операцион даромадлар:

1.1. Фоизли даромадлар

1.2. Комиссион даромадлар

1.3. Молиявий бозордаги операциялардан даромадлар

1.4. Бошқа операцион даромадлар.

2. Банкнинг қўшимча фаолиятдан даромадлар.

3. Бошқа даромадлар.

Тижорат банклари даромадларини уч гуруҳга бўлишимиз мумкин:

- Фоизли даромад
- Комиссион мукофотлар шаклидаги даромад
- Бошқа турдаги даромадлар (спекулятив характердаги, сотилган мулкларнинг баланс ва бозор ўртасидаги фарқи, қимматли қоғозлар ва активларни қайта баҳолашдан даромад, олинган жарима ва пенялар ва х.к).

Бу гуруҳлар таркибини бирма-бир кўриб чиқамиз. Тижорат банклари даромадлари структурасида катта улушга эга бўлган асосий фаолиятдан даромадлар, операцион даромадлар дейилади. Операцион даромадлар ўз навбатида фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлинади.

Банк фаолияти даромадининг асосий қисми фоизли даромадлардан келади. Яъни, ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларни пуллик жойлаштиришдан олинadиган даромадлар. Асосан бу даромадлар, миқдорларга кредит беришдан ёки бўш пул маблағларини Марказий Банк ва тижорат банкларига жойлаштириш, шунингдек, узоқ муддатли мажбуриятларга маблағ қўйишдан келадиган фоизли даромадлар. Лизинг,

факторинг, форфейтинг ва ҳисоб операциялари ҳам бу даромад турига киради.

Фоизли даромадлар орасида энг кўп даромад келтирувчи манба бу мижозларга ажратилган кредитлардир. Кредитлар бўйича фоизлар одатда ҳар куни йиллик базавий давр - 365 кундан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб ёзилади. (Кредитларнинг муайян турлари бўйича 360 кун базавий давр қилиб олинади). Кредит бўйича фоизлар куйидаги формулага биноан ҳисобланади:

$$\frac{\text{сўндирилмаган қолдиқ} * \text{фоиз ставкаси} * \text{амалдаги кунлар сони}}{365}$$

Юқоридаги формула барча турдаги кредитлар учун қўлланилади. Ушбу фаолиятларнинг ҳар бир турини кенгроқ кўриб чиқадиган бўлсак, кредитлаш операциялари воситасини даромадларининг шаклланишини икки таркибий элементга бўлиш мумкин:

- мижозларга, яъни юридик ва жисмоний шахсларга кредит бериш;
- бўш резерв маблағларини фоиз ҳисобига бошқа тижорат банкларига вақтинчалик фойдаланишга бериш.

Кредит беришнинг иккинчи тури банклараро кредит ёки бошқа банкдаги муддатли депозит шаклида ҳам бўлиши мумкин. Кредит бериш фаолиятининг ривожланиши шарт-шароитлари бўлиб, кредит муассасалари орасида маълумот айирбошлашнинг яхши йўлга қўйилганлиги, воситаларнинг мавжудлиги, яъни банк бозорида ресурсларни қайта тақсимлаш билан шуғулланувчи воситачиларнинг борлиги ҳамда вакиллик ҳисобварақларини малакали бошқариш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамиз банк тизимида мижозларни ҳамда бошқа банкларни кредитлаш тижорат банклари даромадининг асосий қисмини ташкил этади. Кўпгина банклар қисқа ва узоқ муддатларга мавжуд маблағларни кредитга бериб, турлича фоиз ставкалар ўрнатган ҳолда даромад оладилар. ҳар бир банк фоиз ставкаларини ўз кредит сиёсатига мос равишда белгилайдилар ва бу ставкалар бир-биридан фарқланиши мумкин, бироқ орадаги фарқ унчалик катта эмас, чунки барча банклар ўз фоиз

ставкаларини Марказий Банк белгилаб берган мажбурий резерв ставкасига мос ҳолда белгилайдилар.

Дисконт – фаолиятнинг банк томонидан тўланмаган векселлар, чеклар ва талабномаларни маълум скидка-дисконт эвазига ҳарид қилиши тушунилади.

Дисконт фаолиятининг асосий турларидан бири бўлиб, банкнинг факторинг операциялари ҳисобланади. Факторинг операцияларининг икки хил тури бўлади:

- регресс ҳуқуқи билан;
- регресс ҳуқуқисиз.

Биринчи ҳолатда банк тўловчи томонидан қопланмаган мажбуриятни мол етказиб берувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Иккинчи ҳолатда эса банкда бу ҳуқуқ йўқ, шу боис риск юқори ва шунга яраша фоиз ҳам юқори қўйилади.

Банк томонидан факторинг операцияси учун оладиган фоизлар, яъни мукофот икки қисмдан ташкил топади, булар:

1. Тўлов амалга оширилгунга қадар банк кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун фоизлар.

2. Факторинг операциясининг турига мос равишда бўладиган рисклар билан боғлиқ, ўрнатиладиган комисион мукофот бўлади.

Траст (ишонччилик) ва вакиллик операциялари бўйича банк фаолиятининг ушбу тури банкка даромадни мижоз мулкани (кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, ҳисоб рақамдаги маблағлар) бошқариш ёки ушбу мулкка доир айрим махсус топшириқларни бажариш орқали комисион тўловлар шаклида келтиради. Траст шартномаларида банк келишувига мувофиқ тарзда мижозга мулкларни бошқариш эвазига маълум фоиз ваъда қилинади. Вакиллик, яъни агентлик хизмат турида банк ва мижоз орасида операциянинг аниқ тури белгилаб берилган бўлади. Траст операцияларида ҳам ўзига яраша мураккаблик мавжуд. Хусусан, жорий йилда мижоз мулкидан фойдаланиш эвазига келган даромад келишувга нисбатан паст бўлиши мумкин, бунда эса

зарар банк томонидан қопланиши керак. Шу боис траст хизматлари учун коммиссион тўловлар ҳам юқорироқ бўлади. Юқоридаги хусусиятига кўра, траст хизмати учун коммиссион тўлов, ҳам қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- мулкни бошқариш, учун олинадиган ўзгарувчан тўлов;
- траст иши бўйича натижаларга мос равишда банк оладиган фиксирланувчи коммиссион мукофот.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялари ҳам банка маълум даромад келтиради. Фаолиятнинг ушбу тури икки қисмдан ташкил топади. Яъни, буларга: банкнинг ўзи томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши ва уларнинг бозорда сотилиши; бошқа эмитентлар қимматли қоғозлари билан боғлиқ иккиламчи бозордаги операциялар ҳамда корхона ва ташкилотларни хусусийлаштириш билан боғлиқ хизматлар киради. Тижорат банкининг ушбу туридан оладиган даромади ўзи чиқарган ва бошқа эмитентларнинг акциялар курсидаги фарқланиш ва хусусийлаштириш учун оладиган хизмат тўловларидан ташкил топади.

Чет эл банк тизимида қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар даромад манбалари орасида катта салмоққа эгадир. Бунга асосий сабаблардан бўлиб, сармоя бозорларининг мукамал ва тўлиқ фаолият юритиши ҳамда капитал айланиш механизмларининг пухта ишлаб чиқилганлиги деб ҳам қараш мумкин. Афсуски, ўзимизда иккиламчи бозор амалда қарийб фаолият юритилмайди. Эндигина ДҚМО ва баъзи қимматли қоғозларнинг турлари бўйича операциялар амалга оширила бошланди. Бироқ ҳали мукамал фаолият кўрсатиш учун етарли даражага етишиш учун кўп вақт керак бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар ёрдамида банклар инвестицион фаолиятни амалга оширишлари мумкин бўлади. Бу эса банклар даромадларининг янги манбаларини кашф этади. Ундан ташқари маблағларнинг қимматли қоғозлар орқали молиявий инвестиция эвазига ишлаб чиқаришга йўналтирилиши иқтисодиёт

Ўсишининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларнинг бизнинг мамлакатимизда яхши ривожланмаганлигига банклар ихтиёридаги маблағларнинг етарлича бўлмаслиги ва оқибатда акция, облигациялар сотиб олишга йўналтирилмаслиги ҳам сабаб бўлади. Маблағ мавжуд бўлганда ҳам акциялардан келадиган даромад жуда пастлиги ва кўпгина эмитентлар хўжалик фаолиятининг ишончсизлиги ҳам бу соҳани етарли эмаслигига олиб келади.

Банкнинг кафиллик фаолияти банкка пул шаклида даромад келтиради. Банк мижозларга кредитларини олиш учун ёки ҳисобкитобларни амалга ошириш учун турли хил кафиллик ва кафолатномалар беради ва эвазига пул шаклида комисион мукофот олади. Баъзи ҳолларда мижоз учун кафиллик банк томонидан обрўни ошириш каби мақсадлар учун ҳам берилади.

Охирги йилларда ривожланган давлатларда катта аҳамиятга эга бўлиб бораётган нокредит характердаги мижозларга банк хизматини кўрсатиш даромад манбасининг муҳимлиги бўйича иккинчи ҳисобланади. Одатда бу даромадларни комисион даромад дейилади. Хизматларга тўлов комисион мукофот кўринишида олинади. Комисион мукофот ҳамма қилинадиган операция ёки шартнома суммасидан фоиз кўринишида ўрнатилади.

Банк хизматлари жуда ҳам хилма-хилдир ва доимо ҳар хил янгиликлар билан тўлдириб борилади. Банкка комисион даромад келтирувчи асосий хизматларга қуйидагиларни киритиш мумкин: юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб-китоб касса хизматлари; пластик карточкалар билан операциялар; банк кафолатларини бериш; мижозларнинг валюта шартномаларидаги банк хизматлари; қимматли қоғозлар бозоридаги брокерлик хизматлар ва бошқалар.

Олдинлари Россияда, шунингдек кўпгина чет давлатларда кўпчилик банклар ҳисоб-китоб, касса ва бошқа хизматларини мижозларга текинга кўрсатишарди. Фоиз маржасининг пасайиши натижасида, яъни ресурсларни жалб қилиш ва жойлаштиришнинг ўртача қийматлари

орасидаги фарқ туфайли банклар бундай амалиётдан воз кечишларига тўғри келди. Ҳозирги пайтда тижорат банклари умумий даромадлари ҳажмида комисион даромадларнинг ўсганлигини кўришимиз мумкин. Бу фақатгина фоиз маржаси даражасининг қисқаргани ва молия бозоридаги даромадларидан ташқари, комисион даромадларининг фоизли даромадларга нисбатан барқарорлиги билан боғлиқ.

Бундан ташқари банк чет эл валютасидаги воситаларни қайта баҳолаш орқали ҳам даромад олиши мумкин. Агар чет эл валютаси курсининг ошиши, шу валютадаги номиналлаштирилган банк активлари пассивларни оширади ва аксинча, чет эл валютаси курсининг пасайиши, шу валютада номиналлашган активларнинг ошишига олиб келади. Валюта курсининг катта тебраниши ва банкнинг валюта бозоридаги юқори активлиги шароитида, бу даромадлар банкнинг операцион даромадлари таркибида муҳим ҳиссага эга бўлиши мумкин.

Кўшимча фаолиятдан даромадлар банк даромадлари таркибида шунчалик катта улушга эга эмас. Улар ўз ичига nobank характердаги хизматлар кўрсатишдан, корхона ва ташкилотлар фаолиятида иштирок этишдан, ижарага бериш ва бинони реализация қилишдан ва бошқалардан даромадлар олади.

Банклар ёрдамчи бўлимларнинг тижорат фаолиятидан қўшимча даромад олиши мумкин. Масалан, агар банк шахсий реклама хизматига эга бўлса, ўз мижозларига реклама хизматларини кўрсатиши мумкин. Шунингдек, бошқа хизматлар ҳам фақатгина банк фаолиятини таъминлашга эмас, балки мижозларга пуллик хизмат кўрсатишлари ҳам мумкин. Булар бўлиши мумкин: юридик, информацион, телекоммуникация, маркетинг, аудитор, транспорт ва бошқа хизматлар. Банклар асосий ва қўшимча фаолият даромадларидан ташқари, бошқа даромадлар категориясига кирувчи бошқа даромадлар ҳам олиши мумкин. Улар:

- жарима, пенялар, мижозлардан олинадиган жарималар,

- ортиқча тушумларнинг кассага тушиши;
- захира суммасини қайта тиклаш;
- ҳисобот йилида тушган ёки аниқланган-ўтган йилги даромадлар;
- даромадга солиқ ортиқча тўлаганлиги учун бюджетдан маблағ қайтариш ва бошқалар.

Бу даромадлар моҳиятан тасодифий ёки банкнинг ҳисобот даврида «Ишлаб топилмаган» ҳисобланади. Улар одатда келаси даврга даромад режаси тузилганда ҳисобга олинмайди.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтишимиз лозимки, тижорат банкларининг фаолияти ниҳоятда кенг қамровли ва хилма-хилдир. Ягона бир холдинг компаниялари кўринишида, тижорат банклари ва унинг жойлардаги филиаллари кўрсатадиган хизматларнинг хилма-хиллигига, мумкин қадар ўз миқдорларига хизмат кўрсатишининг қулай ҳамда арзон турли кўрсатмалар буйруқлар сонини бир қадар чекланган тартибда қўллаш имкониятлари ривожланмоқда.

Банк фаолияти тури бўйича даромадлар гуруҳи

Банк фаолияти турлари	Даромад турлари
Кредит операцияси	- кредит берганлик учун фоиз - векселлар бўйича фоизли даромад - ўтган йилги кредит операциялари бўйича даромад
Дисконт операцияси	- факторинг ва форфейтинг операциялари бўйича дисконт даромад
Қимматли қоғозлар билан операция	- узоқ муддатли мажбуриятларга қўйилмалардан даромад - қимматли қоғозларни қайта сотишдан даромад - қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялардан олинadиган бошқа даромадлар
Кафиллик фаолияти	- берилган кафолатлар бўйича олинган комиссиялар
Депозит операциялари ва миқдор топшириғи бўйича операциялар	- касса операцияси; - инкассация операцияси; - ҳисоб-китоб операцияларидан олинadиган комиссия
Валюта операцияси	- чет эл валютасида бўлган операция бўйича даромад - форвард, фьючерс, своп, опцион операцияларини ўтказишдан даромадлар
Банк фаолиятининг бошқа йўналиши	- мулкни ижарага беришдан даромад - лизинг операцияларидан даромад - ахборот хизматларидан даромад - жарима, пенялар ва бошқалар

Тижорат банклари даромадининг моҳияти ва бошқа молиявий институтларидан фарқланиб турувчи хусусияти - банк пул ресурсларини ташкил этиб ва уларни юқори даромадли банк портфелларини яратиш лаёқати билан белгиланади

Тижорат банкларининг даромадлари ва харажатлари, банк фойдасини ошириш муаммоларини ўрганиш, унинг тижорат корхонаси сифатидаги самарадорлигини баҳолаш имкониятини беради.

§ 18.2. Тижорат банкининг харажатлари, уларнинг тузилиши ва таркиби. Тижорат банклари фоизли ва фоизсиз харажатлар

Банкнинг даромадлилиги, биринчи навбатда харажатларни камайтиришга боғлиқ. Банк иши технологиясидаги муваффақиятлар жорий харажатларни камайтиришга имкон беради.

Харажат - бу пул воситасини ишлаб чиқариш (банк) ва ноишлаб чиқариш (нобанк) фаолиятларига ишлатиш (харажат қилиш) тушунилади.

Даромадлар ва харажатлар, тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан катъи назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади.

Банкнинг даромадлилиги, биринчи навбатда, харажатларни камайтиришга боғлиқ. Банк иши технологиясидаги муваффақиятлар жорий харажатларни камайтиришга имкон беради.

Одатда, банклар ўз зиммасига операция харажатлари, устама фоизларга кетган маблағлар, шунингдек, кредит риси билан боғлиқ бўлган йўқотишларни қоплаш учун ажратмаларни оладилар.

Банк харажатлари таркиби:

- фоизли харажатлар
- фоизсиз харажатлар
- операцион харажатлардан иборат.

Тижорат банклари харажатлари қуйидагича таснифланади:

1. Операцион харажатлар:
 - 1.1. Фоизли харажатлар
 - 1.2. Комиссион харажатлар
 - 1.3. Молия бозоридаги операциялар бўйича харажатлар
 - 1.4. Бошқа операцияон харажатлар.
2. Банк фаолиятини функционаллаштиришни таъминлаши бўйича харажатлар.
3. Бошқа харажатлар.

Юқоридаги харажат турлари мамлакатимиздаги ҳозирги банк тизимига тўғри келмайди. Чунки бизда тижорат банклари харажатлари фоизли харажатлар, фоизсиз харажатлар ва операцион харажатларга бўлиб ўрганилади ва шу тартибда ишлашади. Бу харажат турларини кенгрок кўрадиган бўлсак, куйидагича туркумлаш мумкин:

Фоизли харажатлар

- Талаб қилиб олингунча депозитлар бўйича
- Жамғарма депозитлар бўйича
- Муддатли депозитлар бўйича
- Депозит сертификатлар бўйича
- Ҳукумат ҳисобварақлари бўйича Ўзбекистон Республикаси

Марказий банкка тўланадиган ҳисобварақлар бўйича

- Бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлар бўйича
- Бошқа қарз маблағлари бўйича
- Чиқарилган қарз қимматли қоғозлари бўйича
- РЕПО битимлари бўйича
- Бошқа фоизли харажатлар

Фоизсиз харажатлар

- Хорижий валюталарда қўрилган зарарлар
- Тижорат операцияларидан қўрилган зарарлар

- Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициядан кўрилган зарарлар

- Инвестициялардан кўрилган зарарлар

- Бошқа фоизсиз харажатлар

Операцион харажатлар

- Банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар

- Ижара ва таъминот харажатлари

- Хизмат сафари ва транспорт харажатлари

- Маъмурий харажатлар

- Репрезентация ва хайрия

- Эскириш харажатлари

- Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар

- Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

- Даромад солиғини баҳолаш

Тижорат банклари фоизли харажатлари ичида жалб қилинган депозитлар бўйича харажатлар салмоқли ўрин эгаллайди. Бу харажатлар ҳам фоизли даромадлар сингари кунлик ҳисоблаб борилади, яъни депозитлар бўйича фоизлар ҳар куни ҳисоблаб ёзилади ва куйидаги бухгалтерия ўтказмаси ёрдамида акс эттирилади:

$$\frac{\text{Депозит суммаси(колдиги)} \times \text{фоиз ставкаси} \times \text{амалдаги кунлар сони}}{365}$$

Дт 50100-51100 Депозитлар бўйича фоизли харажатларнинг тегишли ҳисобварағи;

Кт 22402 “Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бўйича тўлаш учун ҳисобланган фоизлар”.

Банк операцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар операцион харажатлар дейилади. Уларни тўғри ёки ўзгарувчан харажатлар дейиш мумкин. Чунки, харажатнинг катталиги банк амалга оширган операция ҳажмига тўғридан тўғри боғлиқ бўлади. Тижорат банкларининг

харажатлари структураси ишлаб чиқариш корхонасиникига нисбатан бошқача бўлади. Банкларда хом-ашё ва материалларга катта харажатлар йўқ, эксплуатация ва асосий воситаларнинг хизматларига харажатлар қийсан унчалик катта эмас, ҳаттоки иш ҳақиға тўлов ҳам тижорат банклари харажатларининг умумий суммасида катта улушға эға эмас.

Маблағларни жойлаштиришда даромад олиш учун, аввало, бу маблағларни жалб қилиш керак. Кредит ва қўйилмаларнинг бир қисми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалға оширилади, кредит ресурсларининг асосий қисмини жалб қилинган маблағлар ташкил қилади. Жалб қилинган маблағларға эса банк фоиз тўлаши керак. Одатда, тижорат банклари харажатларининг катта қисмини жалб қилинган маблағларға харажатлар ташкил қилади. Бу тўловлар фоиз шаклида амалға оширилганлиги учун, бу харажатлар фоизли дейилади.

Кредит фаолияти билан актив ишлайдиган универсал тижорат банкларида фоизли харажатларининг улуши ҳамма харажатларининг деярли 70% ини ташкил этиши мумкин. Фоизли харажатларнинг катталиги ва уларнинг харажатлар умумий ҳажмидаги улуши банк пассивлари тузилишиға боғлиқ. Аҳоли омонатлари ва банклараро кредитлар банк учун қимматли ҳисобланади. Шунингдек, банклар юридик шахслар депозитлари ва чиқарилган қарз мажбуриятларига (облигация, фоизли векселлар ва депозит сертификатлари) нисбатан катта фоизлар тўлайди. Банк учун энг арзон харажат бўлиб, юридик шахсларнинг ҳисоб-китоб ва жорий счётидаги, жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча ҳисобракамидаги маблағлари ҳисобланади.

Банк мажбуриятлари структурасида бу маблағлар улуши қанча кўп бўлса, фоизли харажатлар шунча кам бўлади ва банк фойдаси кўпаяди.

Банк фоизли харажатларини унинг умумий ҳажмиға нисбатан ўсиши, банкнинг кредит ресурсларини оладиган бозор конъюнктурасининг яхшимаслигидан ёки банкнинг бу бозорлардаги рақобат мавқеини ёмонлашганидан далолат беради. Фоизли харажатларнинг ўсиши, фоизли

даромадларнинг адекват ўсиши билан ёнма-ён борса, бу ҳол нормал ҳисобланади. Фоизли даромадларнинг ўсиш суръати фоизли харажатларнинг ўсишидан ошиб кетса, бу ҳол банк учун идеал ҳисобланади.

Одатда, молия бозоридаги операциялар бўйича харажатларни алоҳида гуруҳга ажратишади. Банк бу бозорлардан қимматликларни реализация қилиш бўйича даромадлар олади (қимматли қоғозлар, чет эл валюталари, қимматли металллар ва бошқалар), харажатларга эса, қимматликларни олиш учун кетган сарфлар киради. Банк купонли облигация сотиб олаётганида йиғилган купонли даромадларни тўлашига тўғри келади. Купонсиз қимматли қоғозлар одатда, дисконт билан сотиб олинади. Молия бозори конъюктураси ёмонлашганда, қимматбаҳо қоғозлар, чет эл валютаси ва бошқа мулкларни қайта баҳолаш натижасида, банк анчагина харажатлар қилишга тўғри келади.

Бевосита аниқ банк операциялари билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар: оборотдан ҳар хил солиқлар (Масалан: чет эл валютасини сотиб олишга солиқлар), мижозлар тўловлари бўйича почта ва телеграф харажатлари, инкассация харажатлари ва бошқалар. Бу харажатлар бошқа операцион харажатлар дейишади.

Банк фаолиятини таъминлаш бўйича ҳаражатлар. Банкни функцио-наллаштиришни таъминлаш билан боғлиқ, аммо аниқ операцияларга тўғридан-тўғри бормайдиган харажатлар бу гуруҳга киради. Иқтисодий назарияда уларни эгри ёки шартли-доимий харажатлар дейилади.

Активлари ҳажми кичик ва ўрта бўлган банкларда бу харажатлар суммаси унчалик билинмайди. Жалб қилинган ва жойлаштирилган ресурслари ҳажми катта бўлган йирик банкларда банк фаолиятини таъминлаш бўйича харажатлар умумий харажатларнинг 40-55% ини ташкил этади.

Банк фаолиятини таъминлаш бўйича харажатлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ходимларга харажатлар (иш ҳақи, ойлик мукофотлар, моддий ёрдам, ходимларга ҳар хил имтиёзлар бериш, сафар хизмати харажатлари, малакали кадрларни излаш ва ўқитиш бўйича харажатлар ва бошқалар);

2. Бино ва иншоотларга харажатлар (ижара, эскириш харажатлари, бинолар таъмири ва эксплуатацияси, коммунал тўловлар, ер солиғи, мол-мулк солиғи, бинони қўриқлашга харажатлар ва бошқалар)

3. Иш жойини асбоб-анжомлар билан таъминлашга харажатлар (сотиб олиш, таъмирлаш, банк ускуналарини саклаш, компьютер, мебел, қўриқ-сигнализация, сейф, ҳисоб машиналари, валюта детекторлари ва бошқалар);

4. Рекламага харажатлар;

5. Банк фаолиятини информацион таъминлашга харажатлар (вақти-вақти билан бўлиб турадиган нашрлар, махсус адабиётларни сотиб олиш ва ёзилиш, информацион маҳсулотлар ва ташқи агентлар хизматига тўловлар, маркетинг изланишларига харажатлар);

6. Алоқа ва телекоммуникацияга харажатлар (алоқа каналларини ўтказиш ва ижараси, телефон ва интернет хизматига тўловлар ва бошқалар);

7. Транспорт харажатлари;

8. Банк фаолиятини таъминлаш бўйича бошқа харажатлар (аудиторлик текширувларига харажатлар, акционерлар йиғилишини ташкил этишга, нотариал ва юридик хизматларга тўловлар).

Банк фаолиятини таъминлаш бўйича харажатларни ҳар хил мезонлар бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- жорий харажатлар ва капитал характердаги харажатлар (асосий воситаларни сотиб олиш);
- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлар;
- чиқимларга тегишли харажатлар ва соф фойдадан амалга оширилган харажатлар;

- меъёрий ва номуеърий харажатлар. Меъёрий харажатларга сафар хизмати, реклама, кадрларни тайёрлаш ва бошқа айрим харажатлар киради. Бу ерда қонунда кўрсатилган меъёрлар доирасидаги харажатлар суммаси кўзда тутилади.

Тижорат банклари ўз мижозларидан кунлик савдо тушумларини банк кассасига кирим қилишда Марказий банкнинг Инкассация Бирлашмаси хизматидан фойдаланади ва бунда улар инкассация хизмати харажатларини қилади. Ҳозирда бу харажатлар ҳам банклар учун салмоқли харажатлар тоифасига кирмоқда.

Банк ходимлари ва банк ходимлари бўлмаган, яъни меҳнат битими асосида ишловчи ходимлар бажарган ишлари учун иш ҳақи тўлаш харажатлари, амалдаги қонунларга мувофиқ навбатдаги ва қўшимча таътиллار пулини, шунингдек, тиббий кўриклардан ўтиш давлат мажбуриятларини бажаришлар учун сарфланган вақт эвазига ҳақ тўлаш каби харажатлар қилади.

Бундан ташқари банкларнинг фоизсиз харажатларига банк соҳасида малакали кадрлар тайёрлашда қиладиган харажатлари киради.

Тижорат банклари олий ўқув юртлари билан келишилган шартномадаги маблағларни тўлаб банк соҳасига малакали кадрлар тайёрлаш, банк ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш хизматлари учун ҳақ тўлайди. Бунда банклар номоддий актив шакллантиради ва бу келажакда ўз самарасини беради.

Бошқа харажатлар категориясига кўзга тутилмаган ҳолларда бўладиган тасодиқий харажатлар киради. Бошқача қилиб айтганда, банк фаолиятидаги рискларни қоплашга кетган харажатлар дейиш мумкин. Бу харажатлар банк тизими сметасига қўшилади ёки олдинги даврдаги кўзда тутилмаган харажатлар даражасидан келиб чиққан ҳолда, сметада аниқ бир сумма назарда тутилади. Бошқа харажатларга қуйидагилар киради:

- штрафлар, пенялар, жарималар;
- ҳисобот даврида чиққан ўтган йилги харажатлар;

- банк мулкани реализацияси бўйича харажатлар;
- мижоз норозилиги бўйича тўланган тўловлар;
- бошқа харажатлар.

Одатда, банк даромадларининг 2/3 қисми фоизли харажатларга, берилган кредитлар бўйича йўқотишларни қоплашда, солиқларни тўлашга, кутилаётган фойдага ва сармоянинг ўсишига сарфланади. Харажатларга ликвидлилик каби устама фоиз ўзгаришлари пассивлар таркиби ва хусусий капитал ҳажми таъсир қилади. Ўз навбатида, банк харажатлари таркибидаги ўзгаришлар активлар даромадлигига ҳам ўзгаришлар киритишни талаб қилади. Харажатларни тўғри ҳисоблаш банкларга муқобил консерватив ресурслар нархларини тақсимлаш ва банк активларини аниқ баҳолаш ҳамда харажатларни қоплаб, акциядорлар учун даромадларни тўғри тақсимлаш имконини беради. Харажатларни баҳолашга кредитлар устама фоизларини белгилашнинг асосий омили сифатида қараш керак.

Қисқача хулосалар

Ҳар бир тижорат банки фаолиятининг асосий мақсади банк даромадларини ошириб ва харажатларни камайтирган ҳолда, максимал фойда олишдир. Юқори даромад олиш ўз навбатида банклар олиб борадиган операцияларининг риск даражасини оширади, чунки риск даражаси қанча паст бўлса, фойда олиш эҳтимоли ҳам қисқаради.

Банкнинг асосий фаолияти бўлиб, банк операцияларини амалга ошириш ва мижозларга банк хизматларини кўрсатиш ҳисобланади. Даромад келтирувчи бошқа фаолиятлар эса, бошқа даромадлар ҳисобланади.

Даромад манбаларини барқарор ва нобарқарорга ажратиш мумкин. Мижозларга ҳар хил хизматлар кўрсатиш даромаднинг барқарор манбаси ҳисобланади. Нобарқарор эса, молиявий бозордаги операцияларидан, шунингдек, банкнинг қўшимча фаолиятдан келадиган даромадлар ҳисобланади.

Одатда, ялпи даромад таркибида қуйидаги даромад гуруҳларини ажратишади: операцион даромадлар; банкнинг қўшимча фаолиятидан даромадлар; бошқа даромадлар.

Тижорат банклари даромадлари структурасида катта улушга эга бўлган асосий фаолиятдан даромадлар, операцион даромадлар дейилади. Операцион даромадлар ўз навбатида фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлинади.

Банк фаолияти даромадининг асосий қисми фоизли даромадлардан келади. Яъни, ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларни пуллик жойлаштиришдан олинadиган даромадлар.

Нобанк хизматлардан бу даромадларни комисион даромад дейилади. Хизматларга тўлов комисион мукофот кўринишида олинади. Комисион мукофот ҳамма қилинадиган операция ёки шартнома суммасидан фоиз кўринишида ўрнатилади. Қўшимча фаолиятдан даромадлар банк даромадлари таркибида шунчалик катта улушга эга эмас.

Банклар асосий ва қўшимча фаолият даромадларидан ташқари, бошқа даромадлар категориясига кирувчи бошқа даромадлар ҳам ошиши мумкин. Улар: жарима, пенялар, мижозлардан олинadиган жарималар; ортиқча тушумларнинг кассага тушиши; захира суммасини қайта тиклаш; ҳисобот йилида тушган ёки аниқланган-ўтган йилги даромадлар; даромадга солиқ ортиқча тўлаганлиги учун бюджетдан маблағ қайтариш ва бошқалар.

Бу даромадлар моҳиятан тасодифий ёки банкнинг ҳисобот даврида «Ишлаб топилмаган» ҳисобланади. Улар одатда келаси даврга даромад режаси тузилганда ҳисобга олинмайди.

Банкнинг даромадлилиги, биринчи навбатда харажатларни камайтиришга боғлиқ. Банк иши технологиясидаги муваффақиятлар жорий харажатларни камайтиришга имкон беради.

Харажат – бу пул воситасини ишлаб чиқариш (банк) ва ноишлаб чиқариш (нобанк) фаолиятларига ишлатиш (харажат қилиш) тушунилади.

Банк харажатлари таркиби: фоизли харажатлар, фоизсиз харажатлар, операцион харажатлардан иборат.

Банк даромадларининг 2/3 қисми фоизли харажатларга, берилган кредитлар бўйича йўқотишларни қоплашда, солиқларни тўлашга, кутилаётган фойдага ва сармоянинг ўсишига сарфланади.

Таянч сўз ва иборалар

Ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш, барқарор ва нобарқарор даромад манбаларини, операцион даромадлар, фоизли даромадлар, комисион даромадлар, молиявий бозордаги операциялардан даромадлар, банкнинг қўшимча фаолиятдан даромадлар, фоизли даромад, комисион мукофотлар шаклидаги даромад, харажат, фоизли харажатлар, фоизсиз харажатлар, операцион харажатлар.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Банк даромадлари шаклланишининг манбалари.
2. Банк даромадларини кўпайтиришнинг қандай йўллари мавжуд?
3. Банкнинг фоизли даромадлари нималардан ташкил топган?
4. Банкнинг фоизсиз даромадларининг таркибий тузилишини изоҳланг.
5. Банк харажатларига таъриф беринг.
6. Банк харажатларини бошқаришнинг қандай йўллари мавжуд?
7. Банкнинг фоизли харажатлари деганда қандай харажатлар тушунилади?
8. Банкнинг фоизсиз харажатлари нималардан таркиб топган?
9. Банкнинг операцион харажатлари ўз ичига қандай харажатларни қамраб олган?

19-БОБ: ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФОЙДАСИ ВА УНИ ТАҚСИМЛАШ

§ 19.1. Тижорат банклари фойдасининг моҳияти

§ 19.2. Банкларда соф фойданинг даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар

§ 19.3. Тижорат банкларининг соф фойдаси миқдори ва унинг даражасига таъсир қилувчи омиллар

§ 19.1. Тижорат банклари фойдасининг моҳияти

Тижорат банкларининг фойдаси бу – даромадни харажат билан таққослаш натижасида даромаднинг ортган қисми кўринишдаги банк фаолиятининг якуний молиявий натижаси. Фойданинг ҳажми олинган даромад ва қилинган харажат миқдорига боғлиқ.

Фойда ҳажми 2 муҳим таркибий қисмга боғлиқ:

- даромад;
- харажат.

Тижорат банклари ўз хўжалик фаолиятини амалга ошириши учун анчагина харажатлар сарфланишини талаб қилади, лекин харажатлардан ташқари банк фаолиятининг натижаси сифатида даромадлар вужудга келади. Даромад ва харажатни таққослаш натижасида банкнинг фойда ёки зарар кўринишидаги молиявий натижаси юзага келади. Фойдалилик тушунчаси банкнинг хўжалик-молиявий тижорат билан боғлиқ барча соҳаларининг ҳақиқий якуний натижасини ўзида акс эттиради. Даромадлар ҳисобига банкнинг барча операцион харажатлари қопланади, тўланадиган дивидендлар ҳажмини аниқлаш, ўз маблағларини ошириш, актив ва пассив операциялари ривожланиши учун банк фойдаси шакллантирилади.

Даромадларнинг харажатларга қараганда кўпроқ бўлиши банк фойдаси учун муҳимдир. Жаҳон экспертларининг фикрига кўра, банк фойдасининг ошишида банк ялпи даромадининг камида 70 фоизини фоизли даромадлар ташкил қилиши керак. Одатда, фойда солиқ тўлагунга қадар ялпи фойда ва соф фойдага бўлинади. Банк томонидан эришилган ялпи фойда банк асосий фондларининг ошишига ва янгиланишига замин

яратади, банк балансининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлайди.

Балансдаги фойда фақатгина банк фаолиятининг оралиқ даврдаги молиявий натижасини кўрсатади. Банк соф фойдаси банкнинг барқарор ишлашини таъминловчи асосий элемент ҳисобланади, яъни у барча харажатлар қоплангандан кейин қоладиган даромад қолдиғи, резервлар шаклланиши ва фойда ҳисобига солиқлар тўланиши мумкин бўлган банкнинг якуний молиявий кўрсаткичидир.

Банкнинг банк операцияларидан оладиган молиявий натижаси операция фойдаси (зарари) деб аталади. Бу банк фойдасининг асосий манбаси. Нобанк фаолиятдан олинган молиявий натижалар операция билан боғлиқ бўлмаган фойда дейилади, операция билан боғлиқ бўлмаган фойда салбий яъни зарарли. Улар банкнинг операцион фойдаси ҳисобига қопланиши керак.

§ 19.2. Банкларда соф фойданинг даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар

Банк тизимининг таҳлили, аввало, улар балансининг таҳлилидан бошланади. Банк фаолиятини ифодаловчи энг асосий маълумотлар манбаи – бу банк баланси, даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи.

Тижорат банкларининг молиявий натижаси фойда ҳисобланиб, бу банк фаолиятининг барқарорлиги ва ишончлигини билдирувчи асосий натижавий кўрсаткичидир. Шунинг учун ҳам унинг ҳажми муҳим. Фойдани таҳлил этишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

- фойданинг динамик ўзгаришини таҳлил этиш;
- фойданинг таркиби ва тузилишига баҳо бериш;
- фойданинг шаклланиши ва тақсимланишини таҳлил этиш;
- рентабеллик кўрсаткичларини баҳолаш;
- банк фойдасини ўстириш имкониятларини ҳисоблаш ва уларни

йўлга қўйиш чора-тадбирларини белгилаш.

Рентабеллик – тижорат банкларининг соф фойдаси билан аниқланадиган кўрсаткич бўлиб, у соф фойданинг харажатга нисбати орқали аниқланади. Бу бир сўмлик қилинган харажат қанча фойда олиб келишини кўрсатади.

$$K_{\text{рен.}} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{жами харажатлар}} * 100\%$$

Бу кўрсаткич камида 20 фоиз атрофида бўлиши тавсия қилинади. Бундан ташқари қуйидаги рентабеллилик кўрсаткичлари ҳам мавжуд:

- Активлар рентабеллилиги (ROA – Return on assets) - бир сўмлик активга тўғри келувчи фойдани англатади. Бу кўрсаткич камида 5 фоиз атрофида бўлиши тавсия қилинади.

$$K_{\text{ROA}} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{жами активлар суммаси}} * 100\%$$

- Капитал рентабеллилиги – (ROE – Return on equity). Бу бир сўмлик капиталга тўғри келувчи фойдани англатади. Бу кўрсаткич камида 10 фоиз атрофида бўлиши тавсия қилинади.

$$K_{\text{ROE}} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{жами капитал суммаси}} * 100\%$$

Тижорат банклари фойдасини баҳоловчи асосий кўрсаткичлар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Фойда манбаларини таркибий таҳлил қилиш;
2. Молиявий коэффициентлар тизимини таҳлил қилиш.

Таркибий таҳлил банк фойдаси манбаларини аниқлаш ва банкнинг бугунги кундаги фаолиятининг барқарорлигига, келгусида ривожланиш

имкониятларини баҳолаш учун зарур.

Молиявий коэффицентлар тизимини таҳлил қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Молиявий коэффицентнинг амалдаги ҳисоб-китобини унинг нормативи билан таққослаш;
2. Банк коэффицентларининг рақобатчи банк коэффицентлари билан мос келиши;
3. Коэффицентлар динамикасини баҳолаш;
4. Коэффицентлар динамикасининг омилли таҳлили.

Банкнинг фойдалилик даражасини таъминловчи кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- фойда ва активлар ўртасидаги нисбат;
- солиқ тўлагунга қадар фойда ва активлар нисбати;
- фойда ва хусусий капитал нисбати;
- битта ходимга тўғри келадиган фойда.

Бу кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоб усули белгиланган ҳисоб тизими ва ҳисобот шаклларига боғлиқ.

Кўрсаткичлар ҳисоб-китоби ва уларнинг иқтисодий мазмуни қуйидагилар:

- Фойданинг активларга нисбати – банк рентабеллигини баҳолаш имкониятини берувчи асосий кўрсаткич.
- Фойданинг хусусий капиталга нисбати – бу коэффицент таъсисчилар, акционерлар ва пайчилар инвестицияларининг самарадорлигини кўрсатиб беради.

Бундан ташқари банк фаолиятида қуйидаги кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади:

- Соф фоизли маржа = $(\text{фоизли даромадлар} - \text{фоизли харажатлар}) / \text{активлар}$;
- Соф фоизсиз маржа = $(\text{фоизсиз даромадлар} - \text{фоизсиз харажатлар}) / \text{активлар}$;

- $\text{Операцион фойданинг маржаси} = (\text{операцион даромадлар} - \text{операцион харажатлар}) / \text{активлар};$
- $\text{Битта акцияга тўғри келадиган соф фойда} = \text{соф фойда} / \text{муомаладаги оддий акцияларнинг сони};$
- $\text{СПРЕД} = (\text{фоизли даромадлар} / \text{даромад келтирувчи активлар}) - (\text{фоизли харажатлар} / \text{банкнинг фоиз тўланадиган пассивлари});$
- $\text{Банкнинг даромад келтирувчи базаси} = \text{даромад келтирувчи активлар} / \text{активлар}.$

Фоизли маржа банк харажатини қоплаб, фойданинг шаклланишига асосланган. Фоизли маржанинг ҳажми банк қўйилмаларининг юқори даромадлилигини кўрсатади. Фоизли даромадларнинг фоизли харажатларга қараганда кўпроқ бўлиши фоизли маржа коэффициентининг етарли даражада бўлишини таъминлайди. Бу кўрсаткич шунингдек, актив операцияларнинг даромадлилиги пассив операциялар бўйича харажатларни қоплай олишини ҳам англатади. Банк фойдасининг асосий манбаи ҳамдир. Бу коэффициент шунингдек, солиқлар, банкнинг чайқовчилик операцияларидан кўрадиган зарарлари ва банк рискларидан сақлаши керак. Унинг миқдори молиявий коэффициентларни аниқлашда мутлақ қийматни ифодалаши мумкин. Шунинг учун ҳам бу коэффициентнинг ошишига эришиш керак. Мутахассисларнинг фикрича бу кўрсаткич банкда 4.5%дан юқори бўлиши талаб этилади. Бу кўрсаткичнинг юқори бўлиши банк фаолиятида ўз ва жалб қилинган ресурсларнинг самарали жойлаштирилганини англатади.

§ 19.3. Тижорат банкларининг соф фойдаси миқдори ва унинг даражасига таъсир қилувчи омиллар.

Даромад ва харажатларни гуруҳлаш мос равишда банк фойдасини операция фойдаси, қўшимча фаолиятдан олинган фойда, бошқа фойдага бўлинади.

Операция фойдаси (соф операция даромадлари) операция даромадлар ва операция харажатлар ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

У куйидагича шаклланади:

- Кредит операциялари бўйича фойда (зарар) – маблағларни жойлаштиришдан олинган фойда ва жалб қилинган ресурсларга тўланадиган фоизлар орасидаги фарқ;
- Қимматли қоғозлар бўйича операциялардан олинадиган фойда (зарар) – қимматли қоғозларни жойлаштиришдан олинган даромад ва қимматли қоғозлар билан операция харажатлари орасидаги фарқ;
- Хорижий валюталар билан боғлиқ операциялардан фойда (зарар) - хорижий валюталарни сотишдан олинган даромад билан уларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги фарқ.

Шундай қилиб, операцион фойданинг асосий таркиблари бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

- Фоизли фойда = фоизли даромадлар – фоизли харажатлар;
- Комиссия фойда = комиссия даромад – комиссия харажат;
- Бошқа операция фойдаси = бошқа даромадлар – бошқа харажатлар.
- Қўшимча фаолият фойдаси = қўшимча фаолиятдан олинган даромад билан уларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги фарқ.

Тижорат банкларининг даромад ва харажатларининг асосий қисмлари бу фоизлар ҳисобланади, у орқали банк фойдаси, фоизли маржа шаклланади. Банкнинг бошқа операция фойдаси банкнинг миждозларга кўрсатадиган хизматларнинг ривожланиши билан боғлиқ.

Хорижий мамлакатларда молиявий натижаларнинг шаклланиши куйидагича:

1. Жами фоизли даромадлар;
2. Жами фоизли харажатлар;
3. Соф фоизли даромад ёки фоизли маржа (1-2, яъни жами фоизли даромадлар – жами фоизли харажатлар);
4. Кредитлар бўйича зарарларни қоплаш заҳираси;

5. Заҳирани баҳолаб чегириб ташланганидан кейинги соф фоиз даромади (3-4, яъни соф фоизли даромад - кредитлар бўйича зарарларни қоплаш заҳираси);

6. Жами фоизсиз даромадлар;

7. Жами фоизсиз харажатлар;

8. Соф фоизсиз даромад ёки фоизсиз маржа (6-7, яъни жами фоизсиз даромадлар - жами фоизсиз харажатлар);

9. Солиқ тўлагунга қадар фойда (зарар) (5+8), яъни заҳирани баҳолаб чегириб ташланганидан кейинги соф фоиз даромади + соф фоизсиз даромад);

10. Солиқлар;

11. Солиқ тўлангандан кейинги соф фойда (9-10).

Юзага келган соф фойда ҳисобидан акционерлар умумий йиғилишининг қарорига асосан дивидендлар тўланади. Соф фойданинг дивидендлар тўлангандан кейин қолган қисми тақсимланмаган фойда дейилади.

Тақсимланмаган фойда – резерв фондига ажратма ва дивидендлар тўланганидан кейин қоладиган фойданинг бир қисми ҳисобланади.

Банк ихтиёрида қолган соф фойда имиджга ҳам ўз зарбасини кўрсатмай қолмайди. Банк фаолиятида унинг соф фойдаси алоҳида аҳамият касб этади.

Тижорат банклари фойдасини тақсимлаш Марказий банк томонидан тасдиқланган баланснинг 2-шаклга асосан, яъни “Фойда ва зарарлар” ҳисоботида асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида фойданинг тақсимоти қуйидаги йўналишлар асосида амалга оширилади:

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш;
- Дивиденд тўловларини тўлаш;
- Турли фондларни шакллантириш;
- Умумий заҳираларни шакллантириш;

- Капиталлашувни ошириш;
- Ходимларга 13 ва 14 – мукофотларни бериш.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари ихтиёрида қоладиган фойдани тақсимлаш ҳар бир тижорат банкига тегишли бўлган унинг ички масаласидир.

Банклараро рақобатнинг ривожланиши фойданинг мақсадли йўналтирилишини таъминлайди, банк маҳсулотларини кенгайтириш, такомиллаштириш зарурлигини билдиради, меҳнат коллективининг моддий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиради.

Қисқача хулосалар

Тижорат банкларининг фойдаси бу – даромадни харажат билан таққослаш натижасида даромаднинг ортган қисми кўринишдаги банк фаолиятининг якуний молиявий натижасидир. Даромад ва харажатни таққослаш натижасида банкнинг фойда ёки зарар кўринишидаги молиявий натижаси юзага келади. Фойдалилик тушунчаси банкнинг хўжалик-молиявий тижорат билан боғлиқ барча соҳаларининг ҳақиқий якуний натижасини ўзида акс эттиради.

Балансдаги фойда фақатгина банк фаолиятининг оралиқ даврдаги молиявий натижасини кўрсатади. Банк соф фойдаси банкнинг барқарор ишлашини таъминловчи асосий элемент ҳисобланади, яъни у барча харажатлар қоплангандан кейин қоладиган даромад қолдиғи, резервлар шаклланиши ва фойда ҳисобига солиқлар тўланиши мумкин бўлган банкнинг якуний молиявий кўрсаткичидир.

Банкнинг банк операцияларидан оладиган молиявий натижаси операция фойдаси (зарари) деб аталади. Бу банк фойдасининг асосий манбаси. Нобанк фаолиятдан олинган молиявий натижалар операция билан боғлиқ бўлмаган фойда дейилади

Таянч сўз ва иборалар

Фойдалилик, операция фойдаси, нобанк, рентабеллик, активлар рентабеллилиги, капитал рентабеллилиги, молиявий коэффициентлар, соф фоизли маржа, операцион фойданинг маржаси, СПРЕД, фоизли фойда, фоизли даромадлар, фоизли харажатлар, комисион фойда, комиссия даромад, комиссия харажат, тақсимланмаган фойда.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тижорат банкларининг соф фойдаси моҳияти ва унинг таркибий тузилиши.
2. Банкнинг фойдасини таҳлил қилишда қандай вазифалар бажарилиши мақсадга мувофиқ?
3. Тижорат банкларида соф фойданинг даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш йўллари.
4. ROA кўрсаткичи қандай кўрсаткич ва у қандай аниқланади?
5. ROE кўрсаткичи нимани ифодалайди ва уни қандай ҳисобласа бўлади?
6. Фоизли маржа тушунчасига изох беринг.
7. Тижорат банклари фойдасининг тақсимланиши тартиби.
8. Банк фойдасининг таркибий таҳлили нима мақсадда амалга оширилади?
9. Соф фоизли ва соф фоизсиз маржа кўрсаткичларининг моҳияти нимада ва улар қандай ҳисобланади?

ГЛОССАРИЙ

Актив пул обороти (Оборачиваемость активов денежных средств / The turnover of cash assets) – бу тўлов жараёнларида бевосита иштирок этаётган ҳаракатдаги пул массасидир.

Асосий воситалар (Основные средства/ Plant and equipment) – бу моддий ишлаб чиқариш соҳасида ва ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган соҳада узоқ муддат давомида (бир йилдан ортиқ) ҳаракатда бўладиган ҳамда ижарага топширилиб ҳам фойдаланиладиган моддий активлардир.

Актив пул обороти (Оборачиваемость активов денежных средств/ The turnover of cash assets) – бу тўлов жараёнларида бевосита иштирок этаётган ҳаракатдаги пул массасидир.

Банк (банк/ bank) – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган куйидаги фаолият турлари мажмуасини амалга оширадиган юридик шахс: юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таввақал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш, туловларни амалга ошириш.

Банк акциядори (Акционер банка/ A shareholder of the bank) – банк акцияларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахс.

Банк кафолати (Банковская гарантия/ Bank guarantee) – миждознинг илтимосига биноан тижорат банки томонидан бўнак сифатидаги суммани контракт шартлари бўйича бажариш ва кафолатлаш.

Банк rischi (Банковский риск/ Bank risk) – Марказий банк ва тижорат банклари фаолиятида молия бозоридаги иқтисодий конъюктуранинг ўзгариши натижасида юзага келадиган зарар кўриш ҳавфи тушунилади.

Банк синдикати (Банковский синдикат/ Bank Syndicate) – синдициялаш-тирилган кредит бериш борасида икки ёки ундан ортиқ банклар ўртасида ўзаро келишув.

Банклараро кредит (Межбанковский кредит/ Interbank loan) – бошқа тижорат банкларидан олинган кредит.

Банклараро кредитлар (Межбанковские кредиты/ Interbank loan) – банк кредитининг кенг тарқалган шаклларида бири. Банклараро кредитнинг жорий ставкаси маълум бир тижорат банкнинг бошқа турдаги ссудалар бериш сиёсатини аниқлаб берувчи муҳим омил ҳисобланади. Бу норманинг аниқ миқдори Марказий банк томонидан белгиланади.

Банк капитали (Банковский капитал/ Bank capital) – банкларга жалб қилинган ва улар томонидан кредит ҳисоб-китоб ва бошқа операциялар учун фойдаланадиган пулли капиталлар йиғиндиси.

Банк клиринги (Клиринг Банка/ Clearing Bank) – банкларнинг ўзаро талабнома ва мажбуриятларни ҳисобга олиш асосида моллар, қимматли қоғозлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими.

Бадал (Аванс/ prepaid expense) – 1. Бирор нарса эвазига тўланадиган ҳақ. 2. Кейинчалик: бирор ташкилот, жамият, уюшмаларга кабиларга аъзо бўлган шахснинг ўз жамиятини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида унга тўлаб турадиган пули, аъзолик ҳаққи.

Бенефициар банк (Банк получателя/ Payee's bank) – бу тўлов операциясини яқунловчи банк.

Бозор rischi (Рыночный риск/ Market risk) – қимматли қоғозлар нархини ўзгариши натижасида юзага келадиган риск мажмуи.

Банк кредити (Банковский кредит/ Bank loan) – кредитнинг асосий шакли бўлиб, унда пул маблағларини вақтинча фойдаланиш учун банклар томонидан берилади.

Бозор (рынок /market) – сотувчи билан харидор ўртасида маҳсулотни айирбошлаш муносабати, масулотлар билан олди-сотди муносабатлари, маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот айирбошлаш ва пул муомаласи қонунларига биноан амалга оширилади. Бозорда икки жараён амалга ошади: бири маҳсулотларни сотиш, бунда маҳсулот пулга алмашади. Айирбошлаш ихтиёрий ва эркин шаклланган нархларда олиб борилади. Айирбошлаш объектининг моддий шакл жиҳатидан олганда, истеъмол маҳсулотлари ва хизматлар, ишлаб чиқариш воситалари, инвестиция, қимматбаҳо қоғозлар, илмий ғоялар, техникавий ишланмалар ва меҳнат бозорлари мавжуд. Айирбошлаш миқёсий жиҳатидан маҳаллий, ҳудудий, миллий ва жаҳон бозори, ички ва ташқи бозорларга ажратилади.

Бюджет счёtlари (Бюджетные счета/ Budgetary accounts) – бу бюджет кассасини ижро этиш операциясини бажариш, тўловларнинг тушиши ва харажатларни акс эттириш учун очиладиган счёtlар.

Бюджетни режалаштириш (Планирование бюджета/ budget planning) – бу давлатнинг молия сиёсати талабларига мувофиқлаштирилган молиявий режалаштиришнинг муҳим таркибий қисмини ташкил қилишдир.

Банкнот(банкнота/ bill) – банк билетлари, марказий эмиссия банклари томонидан чиқариладиган пул белгилари. Ҳозирги кунда улар қоғоз пулларнинг асосий тури ҳисобланади.

Банк акциядори(Акционер банка/ A shareholder of the bank) – банк акцияларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахс.

Банк аккредитиви (Банковские аккредитивы/ Bank letters of credit) – банкнинг мижозлар топшириғига кўра унинг ҳисобидан топшириқномада кўрсатилган шартларда ва сумма доирасида жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга тўловлар ўтказиш мажбурияти.

Банк акцепти (Банковский акцепт/ bank acceptance) – банкнинг тўлов ҳужжатларини тўлашга розилик билдириши, уларнинг тўланишини қафолатлаш шакли.

Банк депозити (Банковский депозит/ Bank deposit) – хусусий шахс, корпорация, давлат ташкилоти номидан банкга сақлаш учун топширилган пул маблағлари

Банк бинефициар (Банк бинефициар/ beneficiary Bank) – тўлов операциясини яқунловчи банк.

Банк дисконти (Дисконт банка/ Discount Bank) – банкининг векселларни ҳисобга олиш операциялари учун белгиланган ҳисоб фоизи.

Банк инициатор (Иницированный банк / Initiate a bank) – тўлов операциясини бошловчи банк.

Бюджет тизими (бюджетная система/ budget system) – турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндиси, бюджетларни ташкил этиш ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ифода этади.

Валюта (Валюта/ Currency) – италянча сўздан олинган бўлиб, «қадрланмоқ, қиймат» деган маънони англатади. Баҳо, қиймат белгиси бўлиб, мамлакатларнинг миллий пул бирлиги ҳисобланади.

Валюта rischi (Валютный риск/ Currency risk) – ташқи иқтисодий фаолиятда турли валюта операциялар ўтказиш жараёнида айирбошлаш курсларининг ўзгариши натижасида нисбатан зарар кўриш ёки юқори фойда олиш эҳтимоли тушунилади.

Вексел (вексель/ bill) – 1. Бу Немисча «wечсел» сўзидан олинган бўлиб, бу вексел берувчидан ёки векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда кўрсатилган муддат келганда вексел эгасига маълум миқдордаги суммани тўлаш ҳақидаги сўзсиз мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғозидир. 2. Қатъий белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбурияти.

Вексел портфели (портфель векселей/ bill in portfolio) – муайян даврда банк ёки корхона ихтиёрида жамланган векселлар мажмуи.

Гаров (залог/ dasmause) – 1. Бу аниқ бир мажбуриятни, шартни бажариш, қарзни белгиланган вақтда қайтаришни кафолатлаш мақсадида қимматбаҳо буюм ёки бойликни қарз берувчига қолдириш. 2. Бирор нарса ёки ҳодиса ҳақида баҳслашувчи икки томон ўртасидаги шарт.

Давлат бюджети (Государственный бюджет/The state budget) – давлатнинг ўз функцияларини амалга ошириш учун мўлжалланган даромадлари ва харажатларининг пул билан ифодаланган йиллик мажмуи. Давлат бюджети бир йилга тузилиб, унинг даромадлар қисмида солиқлар, божхона тўловлар ҳамда бошқа тушумлар, харажатлар қисмида эса давлатнинг таълим, соғлиқни сақлаш, мудофаа харажатлари ва турли хил ижтимоий тўловлар акс этади

Давлат қимматли қоғозлари (Государственные ценные бумаги/Government securities) – давлат қарз мажбуриятлари, облигациялар ва шу кабилар мажмуидан иборат бўлиб, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг вақтинчалик буш бўлиб турган маблағларини жалб қилиш учун ҳукумат томонидан чиқариладиган қимматли қоғозлар.

Даромад (доход/ income) – ишлаб чиқариш омиллари ишлатишдан келадиган пул ва натурал тушумлар.

Дивиденд (дивиденд/ dividend) – деб аталувчи даромад акционерларга уларнинг қўлидаги акциялар сонига мувофиқ тўланади.

Депозит операциялари (Депозитные операции/Deposit operations) – бу банкларнинг кредит институтларнинг пул маблағларини омонатга жалб қилиш ва жойлаштириш билан боғлиқ бўлган операциялар.

Депозит сертификати (Депозитные сертификаты/Certificates of deposit) – 1. Бу инглизча «sertifikat of depozit» сўзидан олинган бўлиб, у пул маблағлари омонатга қўйилганлиги тўғрисида, омонатчига белгиланган муддат тугаганидан кейин депозит суммаси ва унга тегишли фоизларни олиш ҳуқуқини берувчи кредит муассасасининг гувоҳномасидир. 2. Кредит муассасасининг пул маблағи сақлашга топширилганлиги ҳақида омонатчининг депозитни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ёзма гувоҳномаси.

Деноминация (деноминированных/denominated) – валютани барқарорлаштириш ва ҳисоб-китобларни осонлаштириш мақсадида пул белгиларининг кўрсатилган қийматини йириклаштириш. Бунда эски пул белгилари янгиларга алмаштириб борилади, шунга мувофиқ нарх-наво ва иш ҳақи қайта ҳисобланади.

Жамғарма фондлари (Средства Фонда/ resources fund) – дейилганда таъсис ҳужжатларга мувофиқ корхона янги мулкни ташкил қилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва шу сингари мақсадларни амалга ошириш учун йўналтирилган маблағлар (фойда ва бошқалар) тушинилади.

Жамғарма депозитлар (Сберегательные депозиты/ Savings deposits) – даврий бадаллар ёрдамида шакллантирадиган жамғарма депозитларини жисмоний ва юридик шахсларга улар муайян мақсадларни амалга ошириш учун аниқ пул суммасини депозит ҳисобварағида тўплаш истаги билдирганда очиладиган депозитнинг бир тури.

Имтиёзли акция (Привилегированные акции/ Preference shares) – бу акция эгаси ҳиссадорлар йиғилишида овозга эга бўлмайди, лекин

дивидентларни қатъий фоиз ставкаларида фаолият натижасининг якунларига қарамасдан қафолатли даромад олиш имконини берадиган қимматли қоғоз.

Инвестиция (инвестиции/ investments) – 1. Лотинча сўздан олинган бўлиб, «кийинтирмоқ» деган маънони англатади. Бирор иш, корхонага сармоя солиш, маблағ сарфлаш. 2. Даромад олиш мақсадида пул маблағларини бирор ишга қўйишдир.

Инвестиция портфели (Инвестиционный портфель/ Investment portfolio) – маблағларни узоқ муддатли қимматли қоғозларга сарфлаш.

Инвестиция пули (Инвестиционные деньги/ Investment money) – инвестициялар умумий фонди.

Инфляция (инфляция/ inflation) – лотинча сўздан олинган бўлиб, «шишиш, кўчиш, кўтарилиш» деган маънони англатади. Пулнинг қадрсизланиши; пулни меъёрдан кўп ишлаб чиқарилиши оқибатида пул ҳаракати каналларида мол билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши.

Иқтисодий риск (Экономический риск/ Economic risk) – умуман йирик тизим ва унинг таркиби ривожланишида ишлаб чиқариш шаклларининг оқилона уйғунлашувини танлашда юзага келадиган рисклар мажмуи.

Инвестиция институтлари (Инвестиционные институты/ Investment institutions) – бу қимматли қоғозлар билан ўз фаолиятини асосий фаолият сифатида амалга оширувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларидир.

Инвестиция компанияси (Инвестиционная компания/ Investment company) – бу қимматли қоғозларни чиқариш, қимматли қоғозларга маблағлар сарфлаш, қимматли қоғозларни ўз номидан ва ўзи ҳисобидан олиш-сотиш ишларини амалга оширувчи юридик шахсдир.³⁷

Инвестиция сиёсати (Инвестиционная политика/ Investment policy) – тижорат банклари фаолиятининг маълум даражасига асосланган банкнинг

³⁷ Биз инвестиция компанияси, деб атайдиган муассаса америка амалиётида инвестиция банки, деб номланади.

қимматли қоғозлар билан актив операцияларни ўз ичига олади ва банк фаолиятининг даромадлилиги ва ликвидлигини таъминлашга қаратилган бўлади.

Инвесторлар (инвесторы/ investors) – ўз маблағи ёки жалб қилинган маблағ ёрдамида капитал қўйилмаларни амалга оширади. Юридик ва жисмоний шахслар, ёки уларнинг бирлашмаси, давлат органлари ва чет еллик юридик ва жисмоний шахслар инвестор бўлишлари мумкин.

Истеъмол кредити (Потребительские кредиты/ Consumer loans) – аҳолининг истеъмол талабларини қондиришга бериладиган кредит. Бу кредит уй рўзғор буюмларини: радио-электрон ва бошқа маиший асбоб ускуналар, мебеллар, интерьер буюмлари, турар жойни таъмирлаш билан боғлиқ товарларни харид қилиш учун 3 йилгача муддатга бериладиган кредит.

Кафил (поручитель/ surety) – муайян вазифаларни бажариш учун кафиллик берадиган ва унинг бажарилишини назорат қиладиган шахс, идора, ташкилот, давлат ёки давлатлар гуруҳи.

Кафиллик (поручительство/ surety) – бу бир томонлама мажбурият кўрсатилган шартнома бўлиб, кафил улар воситасида кредитор олдида қарз олувчининг қарзини зарурат бўлиб қолганда тўлаб юбориши мажбуриятини олади.

Кафолат (гарантия/ guarantee) – бу маълум муддат ўтгач маълум миқдордаги суммани қарздор томонидан берилишни таъминлайдиган кафолат берувчининг тўла мажбуриятлари тушинилади.

Кредитга қобиллилик (Кредитный способност/ loans ability) – бу хўжалик субъектлари томонидан кредитларни ўз вақтида ва тўлалигича қайтара олиш қобилияти ҳамда молиявий аҳволига бериладиган баҳо.

Кредит қиймати (Стоимость кредита/ cost of credit) – қарз олувчи қарз берувчига кредитдан фойдаланганлиги учун бериладиган фоиз (%) суммаси.

Кредит сиёсати (Кредитная политика/ Credit Policy) – бу банкларнинг кредит фаолияти бўлиб, ссуда капиталини жойлаштириш билан амалга оширилади.

Кредит сиёсатининг вазифаси (Задача кредитной политики/ Credit Policy Task) – банкларнинг кредит таркибини яхшилаш уларнинг айланишини тезлаштириш, ссудалар ҳажмини кенгайтириш.

Кредит сиёсатининг мақсади (Цель кредитной политики/ The purpose of credit policy) – мижозлар эҳтиёжини қондириш ва қўшимча фойда олиш.

Кредит субъектлари (Кредитные лица/ Credit entities) – ҳар хил бўлиши мумкин. Буларга корхона, фирма, ташкилот, давлат ва турли тоифадаги аҳоли киради.

Кредит суммаси (Сумма кредита/ Amount of credit) – бу қарзга бериладиган пул бирлигининг ҳажми.

Компаниялар (компанияи/ the company) – амалда кўпгина йирик компаниялар нақд пулларини бошқаришни фаол ва мураккаб стратегиясини амалга оширадиган ва қисқа муддатли қимматли қоғозларни асосий харидорлари ҳисобланадилар.

Кредит (кредит/ credit) – латинча «кредит» - «қарз» сўзидан олинган бўлиб, пул маблағлари, товар ва хизматларини келишилган фоизда қайтариш шарти билан вақтинча фойдаланиши учун пул ёки материал маблағлари бериш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизими. (қарз, насия).

Корхона (предприятие/ enterprise) – меҳнаткашлар жамоаси мулкидан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқариб, уни истеъмолчиларга сотадиган ёки саноат характеридаги турли хизмат ишларини бажарадиган юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектидир.

Қимматли қоғозлар (Ценные бумаги/ Securities) – бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкый ҳуқуқларни ёки қарз

муносабатларини тасдиқловчи, дивидент ёки фоиз % кўринишида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсга бериш имкониятини назарда тутувчи пул ҳужжатларидир.

Қисқа муддатли кредитлар (Краткосрочные кредиты/ Short-term loans) – амал қилиш муддати 12 ойдан ошмайдиган ссуда бўлиб, унинг узайтирилиши кредитланаётган тадбирларни ўтказиш муддати, уларнинг қопланиши ва бошқа шартлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Лимит (предел/ limit) – Чегара, чеклаш.

Лицензия (лицензия/ License) – давлат томонидан берилган рухсатнома.

Ликвидлилик (ликвидность/ liquidity) – 1. Бу қимматли қоғознинг эгаси учун деярли зарар келтирмаган ҳолда тез сотилиши, пул маблағларига айланиш қудратидир; 2. Корхоналар, фирмалар, банклар активларининг молия-кредит мажбуриятини ва қонуний пул талабномаларини ўз муддатида узлуксиз тўлашга имкон берувчи ҳаракатчанлиги.

Лизинг (Лизинг/ Leasing) – машина, асбоб-ускуналар, транспорт воситаларини, ишлаб чиқариш биноларини, иншоотларини узоқ муддатли ижарага бериш. У ижаранинг бир тури бўлиб муайян даврдан кейин, ижара тўловларининг ҳаммаси амалга оширилгандан кейин ижарага олинган нарса ижарачи мулкига айланади.

Лизинг объекти (Объект/ object) – тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланадиган, истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар. Шу жумладан, корхоналар, мулкый комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин.

Марказий банк мижозлари (Клиенты Центрального банка/ The central bank's clients) – давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг муассасалари ва ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати,

Фавкулотда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, шунингдек, Марказий банкка қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Муддатли кредитлар (Срочные кредиты/ term loans) – амал қилиш муддати ўтмаган ссудалардир.

Овердрафт (овердрафт/ overdraft) – 1. Чек бўйича олинган жорий ҳисобрақамдаги қолдиқдан ортиқча сумма; 2. Банкдаги кредитнинг ошиб кетиши; 3. Банк мижознинг ҳисобрақамидаги қолдиқдан ортиқ маблағни ҳисобдан чиқариш йўли билан бериладиган қисқа муддатли кредит.

Пластик карточка (Пластиковая карта/ plastic card) – банк томонидан муомалага чиқарилган, тегишли банкда карточка эгасининг ҳисобварағи мавжудлигини тасдиқловчи ва чакана савдо тармоғида нақд пулсиз шаклда товарлар ёки кўрсатилган хизматларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи махсус тўлов воситаси.

Пул (деньги/ money) – бу шундай махсус товарки, у ҳамма бошқа товарлар учун умумий эквивалент вазифасини бажаради. Ҳамма товарлар сингари пул ҳам қиймат ҳам истеъмол қийматига эга.

Субстандарт кредитлар (Субстандартный кредит/ Substandart loan) – бу асосий қарз суммаси ва фоизлар ишлаб чиқарилган дастурларнинг нотўғри йўналтирилганлиги сабабли қайтмаслик хатари мавжуд бўлган, ўз моҳиятига кўра молиявий, бошқарув, иқтисодий ёки кучсиз гаров таъминоти бўлиши мумкин бўлган кредитлардир.

Тижорат банки (Коммерческий банк/ Commercial Bank) – бу бўш пул маблағларини жалб қилувчи, сақловчи, кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа турли хил воситачилик операцияларини амалга оширувчи муассаса.

Тижорат банкининг баланси (Коммерческий баланс банка/ Commercial bank's balance sheet) – бу бухгалтерия баланси бўлиб, банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларининг ҳолатини ҳамда уларни банкнинг кредит ва жалб қилинган маблағларнинг ошганини, шунингдек, уларни банкнинг кредит ва бошқа актив операцияларига жойланишини ифодаладиган ҳисоботидир.

Траст (Траст/ Trust) – бунга мижознинг қимматли қоғозлари портфели ёки портфелнинг бир қисмини ҳамда у билан боғлиқ бўлган пул маблағларини эҳтимолли бошқариш (дивидентларни, фоизларни инкассация қилиш, уларни қайта инвестициялаш, қимматли қоғозлар сотувидан пул тушиши ва ҳ.к.) киради.

Трансакция (Трансакция/ transaction) – бу пул маблағларини ҳар қандай мақсадларда фойдаланиш учун амалга ошириладиган ўтказма банк операцияси.

Узоқ муддатли кредитлар (Долгосрочные кредиты/ Long-term loans) – Беш йилдан ортиқ муддатга (ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадларга мўлжалланган объектларни қуриш, қайта таъмирлаш ва техник қайта жиҳозлашга доир харажатлар билан боғлиқ) инвестиция мақсадлари учун бериладиган ссудалар.

Факторинг (Факторинг/ Factoring) – банклар ва бошқа молиявий ташкилотларнинг корхоналар қарзларини (етказиб берилган ва бажарилган хизматларга ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятларини) ўз зиммасига олишидан иборат бўлган молиявий-тижорат хизмат тури.

Фоиз (Процент/ rate) – ҳисса, устама, қўшимча фойда.

Фонд биржаси (Фондовая биржа/ Stock Exchange) – бу қимматли қоғозлар олиб-сотиладиган савдо жойи.

Фойда (прибыль/ profit) – даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ.

Халқаро кредит (Международный кредит/ International credit) – бу халқаро умумиқтисодий соҳада, бир мамлакат томонидан бошқа мамлакатга вақтинчалик фойдаланишга бериладиган қарз.

Хусусий банклар (Частные банки/ Private banks) – жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган банклар.

Халқаро лизинг (Международный лизинг/ International leasing) – кўпинча бу молиявий лизинг (молиявий лизингни-қаранг) бўлиб, бунда бир томонда чет эл ҳамкори (шериги) туради.

Хусусий капитал (Частный капитал/ private capital) – бу устав капитали, қўшилган, захира капитали ҳамда тақсимланмаган фойдадан таркиб топади.

Чек (банковский чек/ bank check) – банкка берилган фармойишга кўра шахсинг жорий ҳисобварақда кўрсатилган суммани бериш тўғрисидаги махсус ҳужжат.

Шубҳали кредит (Сомнительные кредиты/ Doubtful) – субстандарт кредитига хос бўлган белгиларга эга. Қўшимча хусусияти – қарзнинг ёмон таъминланганлигидир. Зарар кўриши эҳтимоли жуда ҳам катта ҳисобланади.

Шахсий пластик карточка (Персональная пластиковая карта/ Personal plastic card) – бу жисмоний шахсга берилган карточкадир.

Шахсий ҳисобварақ (личный счет/ personal account) – бу хўжалик юритувчи субъектлар учун очиладиган ҳисобварақдир. Барча ҳисобварақлар Ўзбекистон Республикасининг Банк Депозитарийлари Миллий Ахборот Базасида (БДМАБ) рўйхатдан ўтказилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентини 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишни устувор йўналишлари тўғрисида” ги ПҚ-1438-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Президентини 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларини молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларни ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2344-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ- 4947-сонли Фармони

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли Қарори.

7. Ш.Мирзияевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.2019 й.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябр ПФ-5877 фармони (Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида)

9. “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида” низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 30-январда 1306-сон билан рўйхатдан ўтган.

10. “Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида”ги низоми. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 24 январда 1304-сонли рақам билан рўйхатга олинган.

11. “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-сонли рақам билан давлат рўйхатига олинган.

12. “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлдаги 2693-сонли рақам билан рўйхатга олинган.

13. “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-сонли рақам билан рўйхатга олинган.

Ўзбекистон республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.

2. Ш.Мирзияевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.2019 й.

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Т.: «Иқтисод-Молия» нашриёти, 2017. – 768 б.

2. Омонов А.А. Тижорат банклари активлари ва пасивларини

бошқариш.-Монография.-Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”.-2016.-Б.160.

3. Азизов У.Ў, Қоралиев Т.М. ва бошқалар. Банк иши. Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2016. – 640 б.

4. Банковский менеджмент. Под ред. Проф. О.И. Лаврушина. Учебник. - М.КНОРУС, 2016. - 414 с.

5. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. - М.: Алпина Паблишер, 2017. - 1018 с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: Учебное пособие. - М.: Кнорус, 2014. - 360 с.

2. Лаврушин О.И. “Банковское дело”. Учебник. - М.: КНОРУС, 2013.- 789 с.

3. Бондаренко Н.Н., Кулак А.Г., Пекарская Н.Е. Финансово-банковская статистика. Учебное пособие.-Минск: ГИУСТБГУ, 2012. - 264 с.

4. Каралиев Т. Саттаров О. ва бошқалар “Тижорат банклари фаолияти таҳлили”. Ўқув қўлланма. 2013-йил. 192 бет.

5. Муллажанов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 368 б.

6. Кораливецкая Е.В., Тихомиров Е.В. Банковское дело: кредитная деятельность коммерческих банков”. Учебное пособие./ -М.: “КНОРУС” 2009г.- 278 с.

7. Жуков Е.Ф., Ериашвили Н.Д. Банки и небанковские кредитные организации и их операции. Учебник.-М. “Юнити” 2012-559 с.

8. Тавасиева А.М. Банковское дело. Управление и технологии. Учебник-М.: “Юнити” 2012.-671 с.

9. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых циклов. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2013. – С.295.

10. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные отношения. – М. ФиС, 2013. – С. 173-176

11. Банк, пул кредит журнали №11 2019 йил стр 37 Азизов Улуғбек
Капитал бозор: иқтисодий ўсишни таминотчи драйвер.

12. Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и практика. Учебное пособие. – М.: Московская финансово-промышленная академия, 2011. - С. 723.

Интернет сайтлари:

www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

www.imf.org – Халқаро валюта фонди

www.world.com – Жаҳон банки гуруҳи

www.bis.org – Халқаро ҳисоб-китоблар банки

www.ecb.eu – Европа Марказий банки

www.bank.uz – Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари портал